

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

**“ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР”
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТУЗУВЧИЛАР: и.ф.н. КОМОЛОВ О.

ТОШКЕНТ-2014

1-мавзу. Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанинг предмети
2. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар
3. Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети

Жаҳон хўжалигида давлатлар гуруҳлари ва иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва хўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустақамланишида намоён бўлмоқда.

Шуниси характерлики, ўзаро ҳамкорлик ва яқинлашиш жараёнлари қарама-қарши, диалектик характерга эга. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг диалектикаси шундаки, айрим мамлакатларнинг иқтисодий мустақилликка, миллий хўжаликни мустақамлашга интилиши, оқибат натижада жаҳон хўжалигини янада кўпроқ байналминаллашувига, миллий иқтисодиётнинг очиклигига, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар икки асосий қисмдан, яъни, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзи ва уни амалга ошириш механизмидан иборатдир. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида мамлакатларни, уларнинг минтақавий бирлашмаларини, шунингдек алоҳида корхоналарнинг (трансмиллий, кўпмиллий корпорацияларни) жаҳон хўжалиги тизимидаги бир-бирига қарама-қарши бўлган иқтисодий муносабатларининг мажмуини олади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) тизимига қуйидагилар киради:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти.
2. Халқаро товар ва хизматлар савдоси.
3. Халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати.
4. Халқаро ишчи кучи миграцияси
5. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари.
6. Халқаро иқтисодий интеграция.

XXI аср бўсағасидаги жаҳон хўжалиги - ўз миқёсига кўра глобалдир; у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда жаҳон хўжалигини ривожланиш етакчи тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юз тутган иқтисодий очик типдаги хўжаликка ўтишидир. Айнан ана шу даврда АҚШ олимлари “Очик савдо”, “Очик иқтисодиёт” деган тезислар билан чиқдилар. Бу аввало жаҳон бозорида ўз ҳукмронлигини ўтказиш билан боғлиқ эди. Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб ва янада бойиб чиққан АҚШ ҳукумати томонидан янги иқтисодий тартиб қўлланмалари тақлиф этилди. Бундай “эркин савдо” ва “очик иқтисодиёт” тезислари ҳукмрон иқтисодиётнинг камроқ ривожланган давлатларга қарши қаратилган куроли, шунингдек америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансияга интилишлари эди.

Очиқ иқтисодиёт ички бозорнинг чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун ақлга тўғри келадиган даражада очиқлигини назарда тутди.

Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқаришни ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши;
- ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;
- жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.

Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси қуйидагиларни кўрсатади:

- жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоли даражасининг чуқурлигини;
- анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат қила бошлайди);
- капитал миграциясининг интенсивлашганлигини;
- илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланганлигини;
- ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада ўсганлигини (халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро хўжаликнинг байналминаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда);
- давлатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши ва кенгайишини.
- Байналминаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди.

2. Халқаро меҳнат тақсимоли ва унга таъсир этувчи омиллар

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини очиб берувчи муҳим тушунчалардан бири халқаро меҳнат тақсимоли (ХМТ) ҳисобланади. Дунё мамлакатлари у ёки бу даражада ХМТга жалб этилган бўлиб, ХМТнинг чуқурлашуви фан-техника тараққиёти таъсирида ривожланаётган ишлаб чиқариш кучларига бевосита боғлиқ. ХМТда қатнашиш мамлакатларга қўшимча иқтисодий самара беради ва ўз эҳтиёжларини кам харажатлар билан тўлиқроқ қондириш имкони пайдо бўлади.

Меҳнат тақсимоли – бу тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимидир. У жамиятнинг ривожланиш жараёнидаги фаолиятининг сифат жиҳатдан табақалашуви натижасида шаклланади. Меҳнат тақсимоли турли шаклларда бўлади ва ушбу курсда ХМТ, яъни алоҳида мамлакатларнинг (ёки мазкур мамлакатларга тегишли алоҳида ишлаб чиқариш тармоқларининг) халқаро айирбошлаш учун муайян турдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ўрганилади.

Халқаро меҳнат тақсимоли моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат фаолияти турли шакллариининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашувида, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимолини фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида ҳам кўриш мумкин.

Халқаро меҳнат тақсимоли давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимолининг даражаси ҳисобланади. У алоҳида бир давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

Жаҳон хўжалигини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда самарадорликни ўстириш,

шунингдек, ишлаб чиқаришда харажатларни камайитиришга интилиш зарур. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши жараёнида асосий нарса, бу шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда, манфаат қидириши ва топишидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг халқаро алмашув жараёнида халқаро меҳнат тақсимотининг устунликларини амалга ошириши – биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш; иккинчидан, арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиб, миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички харажатларни камайитириш имконини беради.

ХМТ капитализмнинг мануфактура даврида пайдо бўлган бўлиб (XVII – XVIII асрлар), саноат тўнтаришигача табиий равишда (табиий-иқлимий, географик шароитлар, хомашё захиралари ва энергия манбалари – XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярми) кечган. Кейинчалик мамлакатларнинг бошқа иқтисодий омиллар – меҳнат, капитал, тадбиркорлик фобилияти, билимлар билан турли даражада таъминланглиги сабабли ихтисослашув чуқурлашди. Ҳозирда ушбу омиллар мамлакатлар томонидан жаҳон бозори учун қайси товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни белгилаб беради.

ХМТ назарияси буржуазия сиёсий иқтисод классиклари А.Смит ва Д.Рикардолар асарларида асосланди ва ривожлантирилди. А.Смит ХМТни таҳлил қилар экан, «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» китобида (1776 й.) савдо ва тадбиркорлик эркинлигининг зарурлигини исботлайди. Унинг фикрича, савдо эркинлигини турли йўллар билан чеклаш алоҳида минтақалар ва давлатлар ўртасида меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига халақит беради.

Савдо йўлидаги тўсиқларнинг йўқотилиши ҳамда халқаро айирбошлаш миқёсининг кенгайиши миллий иқтисодиётларнинг ихтисослашуви ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умумжаҳон хўжалигининг пайдо бўлишига олиб келиши керак. А.Смит кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олға сурди (*laissez-faire*).

А.Смит ғоялари кейинчалик инглиз иқтисодчилари – Д.Рикардо, Р.Торренс ва Жон Стюарт Милларнинг илмий ишларида ривожлантирилди.

Классикларнинг халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги илмий қарашларидаги асосий ютуқлари, деб ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари назарияси тан олинган. Ушбу назария халқаро савдо ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг «классик» асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари назарияси асосида мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш шароитларида фарқ мавжудлиги ҳақидаги ғоя ётади. Бунга кўра ҳар қандай мамлакатда ҳар хил табиий ва иқлимий шароитларда барча турдаги товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин, деб ҳисобланади. Масалан, Шотландияда узум етиштириш мумкин. Лекин унинг нархи жуда баланд, ундан олинадиган вино эса сифати пастлиги учун кам истеъмол қилинган бўларди. У ёки бу товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қиёсий таққослаш, талаб бўлган барча товарларни ишлаб чиқаришдан кўра энг кам харажат талаб қиладиган маълум бир товар ишлаб чиқариш фойдалироқ деган хулосага олиб келади. Ушбу товарга ихтисослашиш ташқи бозорда айирбошлаш йўли билан бошқа барча товарларни олиш имконини беради.

Нисбий харажатлар назарияси бирон-бир товар ишлаб чиқаришда бир мамлакатнинг бошқа мамлакатдан абсолют устунлиги мавжудлигидагина эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам ихтисослашув фойдали эканлигини исботлайди.

Агар халқаро харажатларга нисбатан кам харажат билан товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳам баъзи товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ўртача харажатлар даражасидан паст бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган мазкур товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш зарур. Натижада шу ҳолатдаги ихтисослашиш ҳам иқтисодий самара беради.

Шу билан бирга тескари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар бўйича устунликка эга бўлган ҳолларда, мазкур устунлик максимал бўлган товарларнигина ишлаб чиқаришга ихтисослашиш зарур.

Иқтисодий назария классикларининг ғоялари Э.Хекшер, П.Самуэльсон, Б.Олин, В.Леонтьев ва бошқа ҳозирги замон иқтисодчилари томонидан ривожлантирилди.

Нисбий устунлик назариясининг кейинги ривожланиш босқичларида бирмунча мавҳумлаштирилган (абстрактлашган) модели юзага келган. Бу моделнинг камчиликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- у эркин рақобот принципларини абсолютлаштиради;
- у фақат муайян жуфт товарлар ва мамлакатларнигина кўриб чиқади;
- унда товар товарга тўғридан-тўғри айирбошланиши кўзда тутилади;
- модель ишлаб чиқариш миқёси ва транспорт харажатларининг таъсирини эътиборга олмайди.

Бундан ташқари моделда халқаро иқтисодий муносабатларнинг меҳнат ва капиталнинг халқаро ҳаракати, иқтисодиётга давлатнинг аралашуви, халқаро корпорацияларнинг ишлаб чиқаришдаги ихтисослашуви ва бошқа шунга ўхшаш омиллари ҳам эътиборга олинмайди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат фаолияти шакллариининг ихтисослашуви ва кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимои фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимои мамлакатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-ҳудудий тақсимои даражаси ҳисобланади. У алоҳида мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашувига асосланади.

ХМТ жаҳон ҳўжалигида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда борган сари муҳим роль ўйнамоқда. ХМТ қуйидаги вазифаларни бажармоқда:

- ушбу жараёнларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди;
- халқаро тармоқ ва минтақавий-тармоқ нисбатларини шакллантиради.

Мамлакатларнинг ХМТда қатнашишларига нима туртки бўлади?

ХМТ ривожланишига таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мамлакат ички бозорининг ҳажми. Ривожланган бозорларга эга йирик мамлакатларда зарурий ишлаб чиқариш омиллари ва истеъмол товарларини топиш имконияти юқори бўлади. Демак, бу мамлакатларнинг халқаро ихтисослашув ва товар айирбошлашда қатнашиш эҳтиёжи кам бўлади. Шу билан бирга ривожланган бозор талаби импортни кенгайтиришни талаб этади. Бу – экспортга йўналтирилган ихтисослашувни кенгайтириш эвазига қопланади.

2. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси. Мамлакат иқтисодий салоҳияти қанчалик кам бўлса, унинг ХМТда қатнашиш зарурияти шунчалик юқори бўлади.

3. Мамлакатнинг табиий ресурслар билан таъминланганлиги. Мамлакатнинг юқори даражада моноресурслар билан таъминланганлиги (масалан, нефть), шунингдек, унинг фойдали қазилма бойликлари билан кам даражада таъминланганлиги ҳам унинг ХМТда фаол қатнашиш заруриятини келтириб чиқаради.

4. Мамлакат иқтисодиёти таркибида асосий саноат тармоқларининг улуши (энергетика, казиб олиш саноати, металлургия ва б.). Асосий тармоқлар улуши қанча юқори бўлса, одатда, мамлакат ХМТ тизимига шунча кам жалб этилган бўлади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, юқорида келтирилган барча омиллар намоён бўлишига кўра ўзгармас эмас. Уларнинг таъсири у ёки бу даражада камайиши мумкин. Масалан, маҳаллий маҳсулотнинг халқаро рақобатбардошлигининг ўзгариши, экспортнинг чекланиши шулар жумласидандир.

ХМТнинг ривожланиш жараёнидаги асосий хусусият – ушбу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда, наф қидириши ва топишидир.

ХМТнинг ривожланиш тенденциялари иқтисодчиларнинг келажакда бу жараён янада чуқурлашиб боради деб хулоса чиқаришлари учун асос бўлади. Унинг асосида товарлар ва хизматлар айирбошланишнинг миқёси жадал суръатлар билан ўсиб боради.

Ҳар қандай давлат халқаро айирбошлов жараёнида ХМТнинг устунликларидан фойдаланар экан: биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ҳамда ички бозор нархлари ўртасидаги фарқдан ютиши; иккинчидан, ички харажатларни камайитириш мақсадида арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиш эвазига миллий ишлаб чиқаришдан воз кечиши мумкин.

Жаҳон ҳўжалигини тизим сифатида кўриб чиққанда ХМТни бу тизимни ташкил қилган бирлаштирувчи асос деб тасдиқлаш мумкин.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатда ишлаб чиқариш ташқи истеъмолчиларга, ички талаб эса импортга йўналтирилган бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда ички бозорнинг нисбатан тез, аммо экстенсив тарзда кенгайиши кутилмоқда.

ХМТ ички таркибга ва ривожланиш усулларига эга. ХМТнинг асосий ажралмас хусусиятлари ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашуви ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари

Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви икки йўналиш бўйича ривожланади – ишлаб чиқариш ва ҳудудий.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш йўналиши:

- тармоқлараро ихтисослашув;
- тармоқлар ичра ихтисослашув;
- алоҳида корхоналар ихтисослашувига бўлинади.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро ҳудудий ихтисослашуви муайян товарлар ва уларнинг қисмларининг жаҳон бозори учун ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ўз ичига олади:

- алоҳида мамлакат;
- мамлакатлар гуруҳи;
- регионлар.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашувининг асосий турларига қуйидагилар киради:

- предметли (тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш) ихтисослашув;
- деталли (маҳсулот қисмлари ва компонентларини ишлаб чиқариш) ихтисослашув;
- технологик ёки босқичли (яъни, алоҳида технологик жараёнларни амалга ошириш. Масалан, йиғиш, бўйаш ва ҳ.к.) ихтисослашув.

Жаҳон ҳўжалик алоқаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув кенг тарқалган.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ХМТнинг динамик шаклидир. 1950–60 йилларда ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви бошланғич соҳаларда (автомобилсозлик, авиасозлик, пластмасса, эҳтиёт қисмлар, раиоаппаратуралар ва б. ишлаб чиқариш) олдинги ўринда эди. 1970–80 йилларда эса тармоқлар ичра ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви (масалан, тери ва резина пойабзаллар) ажралиб туради.

Охирги пайтларда асбоб-ускуналар мажмуасини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналарини «тайёр» ҳолда топшириш бўйича ихтисослашув ривожлана бошлади.

Деталли ихтисослашув – бу алоҳида деталлар, бутловчи қисмлар, агрегатлар ва уларни кейинчалик ушбу қисмларни йиғувчи ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб беришга ихтисослашувдир.

Турли мамлакатларга тегишли корхоналарнинг тайёр маҳсулот қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувлари замонавий фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг технологик таркибидаги мураккабликлар тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган деталлар ва бутловчи қисмларнинг кўпайишига олиб келди. Масалан, енгил автомобилда 20 мингтагача, пўлат қуювчи станокларда 100 мингтагача, электровозларда эса 250 мингтагача деталлар ва бутловчи қисмлар мавжуд.

Бундай ихтисослашувга Швецияда ишлаб чиқарилган «Вольво» русумли автомобилни мисол сифатида келтириш мумкин. Ўзбекистонлик истеъмолчи Тошкентда шу маркадаги автомобилни сотиб олар экан швед маҳсулотининг учдан бирига эга бўлади. Швециядаги автомобиль компанияси бутловчи қисмларнинг 60% идан ортиқроғини хориждан келтиради.

Технологик ихтисослашув мамлакатнинг тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ муайян операцияга ихтисослашувини англатади (яъни муайян технологик жараён, масалан, йиғиш, бўйаш, тайёрлаш ва ҳ.к.).

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли – халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида рўй беришидан қатъи назар, мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш алоқалари жараёни ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш кооперацияси маълум бир муносабатлар тизими сифатида фаолиятнинг соҳаси ва ҳамкорликнинг усули ҳисобланади.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади.

1. Ишлаб чиқариш-технологик ҳамкорлик. Улар: а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш; б) лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини, технологик жараёнларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни замонавийлаштиришни ишлаб чиқиш ва мослаштириш; в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш.

2. Кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқаларини ўрнатишда фойдаланиладиган қуйидаги уч асосий усул алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим:

- ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш;
- шартнома асосида ихтисослашиш;
- қўшма корхоналар ташкил қилиш.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш, ўз навбатида, икки асосий шаклда амалга ошади: пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш.

Шартнома асосида ихтисослашиш ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди.

Қўшма корхоналар – бу интеграциялашган кооперациядир.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви юқори технологик тармоқлар, аввало машинасозликда кенг тарқалган бўлиб, машинасозлик корхоналари ягона фабриканинг алоҳида цехлари каби турли мамлакатларда ягона режа ва ўзаро келишилган суръатларда ишлашади. Бундай кооперациялашувни машина ва транспорт воситаларининг умумий экспортидаги деталлар ҳамда қўшимча қисмлар улуши тўғрисидаги маълумотлар асосида кузатиш мумкин.

ХМТни модернизация қилиш соҳасидаги Ғарб тадқиқотларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- «ўзаро боғлиқлик» концепцияси ва унинг турли кўринишлари;
- ХМТнинг мавжуд моделларини қайта қуриш бўйича аниқ тавсиялар ва режалар.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида яратилган «ўзаро боғлиқлик» концепциясида илгари сурилган ғоялар энг кенг тарқалган. Улар меҳнат тақсимотига оид янги ва оптимал назарияларнинг асоси бўлиб қолди. Ушбу ғоялар баъзи саноати жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан расмий доктрина сифатида қабул қилинди.

«Ўзаро боғлиқлик» концепцияси вакилларида бири – голландиялик иқтисодчи К.Нувенхузе ўз фикрларини тасдиқлашда, аввало, барча мамлакатлар учун умумий бўлган экологик омилларга мурожаат қилади. К.Нувенхузе уларга атроф-муҳитнинг барқарор эмаслиги ва ердаги табиий ресурсларнинг чекланганлигини киритади. Унинг фикрича, ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга нисбатан хомашё бўйича, ривожланаётган мамлакатлар эса ривожланган мамлакатларга нисбатан техника, технология ва ҳ.к.лар бўйича қарам. Демак, улар ўртасида ўзаро боғлиқлик ва «ўзаро тазйиқ» мавжуд. К.Нувенхузе халқаро меҳнат тақсимотини мана шулардан келиб чиққан ҳолда қуриш керак, деб ҳисоблайди. Бу назария бошқа мамлакатларда ҳаққоний танқидга учради.

Яна бир иқтисодчи Р.Купер (АҚШ) ҳам ўзаро боғлиқлик масаласига мурожаат қилади ва уни турли йўналишлар бўйича кўриб чиқади. Унинг фикрича, ўзаро боғлиқликнинг тўрт тури мавжуд:

1. Таркибий – мамлакатлар бир-бирларига нисбатан қанчалик очик ва ўзаро боғлиқ бўлса, бир мамлакат иқтисодиётида рўй бераётган ўзгариш иккинчи мамлакат иқтисодиётида ҳам ўз аксини топади.

2. Иқтисодий сиёсат соҳасидаги мақсадлар борасидаги ўзаро боғлиқлик.

3. Иқтисодий ривожланишнинг ташқи омиллари борасидаги ўзаро боғлиқлик.

4. Сиёсий ўзаро боғлиқлик.

Баъзи жиҳатларига кўра мазкур назария ижобий хусусиятга эга ва мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалиги тизими доирасида ўзаро боғлиқлик тенденцияларининг кучаяётганлигини аниқ кўрсатиб беради.

«Ўзаро боғлиқлик» концепциялари умумий хусусиятга эга. Улар бошқа иқтисодий назариялар гуруҳи, яъни халқаро меҳнат тақсимотини замонавийлаштириш назариялари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро меҳнат тақсимотини замонавийлаштиришнинг асосий ғояси ривожланаётган мамлакатларнинг протекционизм сиёсатидан воз кечишлари ва иқтисодиётга хорижий капитални кенг миқёсда жалб этишлари лозимлигини илгари суради.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар худди шундай йўл тутдилар. Улар «очик эшиклар», «очик иқтисодиёт» сиёсатини эълон қилишди, кўплаб қўшма корхоналар, эркин тadbиркорлик иқтисодий зоналари ташкил этишди ва ҳ.к. Бу, жумладан, Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги «янги индустриал мамлакатлар»да кенг ёйилди. Шу билан бирга, улар протекционизм ғояларидан ҳам тўлиқ воз кечишмади (ундан зарур бўлганда фойдаланишмоқда).

Ғарб иқтисодчилари ва сиёсатчиларининг «Жануб» протекционизмини юмшатишга қаратилган чақириқларига нисбатан «жанубликлар» ҳам ривожланган «Шимол»дан шунга ўхшаш турли преференциялар талаб қилишмоқда.

Ғарб иқтисодчилари нуқтаи назарига кўра янги ва замонавий халқаро меҳнат тақсимоти ғояларининг амалий моҳияти нимада? Асосий мазмун ривожланаётган мамлакатларни индустрия сиёсатида янги соҳаларга йўналтириш ҳисобланади. Уларга, биринчи навбатда, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган меҳнат ҳамда материал сиғимкорлиги юқори ҳамда стандартлаштирилган товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашув таклиф этилмоқда.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар эса юқори малакали ишчи кучи талаб қилинадиган ва фан-техника тараққиёти жадал ривожланаётган иқтисодиёт соҳаларига ихтисослашишлари лозим.

Бу назария амалиётда аста-секин амалга оширилмоқда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларга жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишидаги хорижий капиталнинг умумий ҳажмида қайта ишлаш саноатига йўналтирилган капитал улуши ортиб бормоқда. Шу билан бирга «зарарли» ишлаб чиқаришнинг ривожланаётган мамлакатларга кўчиш жараёни рўй бермоқда.

Тармоқли ихтисослашув қуйидаги уч босқичли схема бўйича амалга ошмоқда:

- ривожланган мамлакатлар, асосан, нисбатан малакали меҳнат ва замонавий технологиялар талаб қилувчи товарлар ишлаб чиқаришмоқда;

- ривожланаётган мамлакатларнинг баъзилари (кам ривожланганлари) меҳнат сиғимкорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига хомашё етказиб беришга ихтисослашмоқда (энг кам ривожланган мамлакатлар бу схемага умуман тушмайди);

- саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар капитал сиғимкорлиги юқори бўлган технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтиришга интиломда.

Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари ва уни замонавийлаштириш борасидаги режаларни таҳлил этиш, шунингек, мазкур концепцияларни амалиётга жорий этиш жаҳон ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги даражасида саноат жиҳатдан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида янги турдаги халқаро ихтисослашиш ҳамда кооперациялашувнинг вужудга келаётгани ва ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучаяётганини кўрсатмоқда.

3. Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиш жараёни объектив тузилмавий шарт-шароитлар етилган ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг хўжалик механизми ислоҳ қилина борган сари босқичма-босқич ривожланмоқда.

Республика ноёб табиий бойликларга, кудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида белгилаган. Бизнинг Республикамиз Евроосиё иқтисодий ва маданий кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий кадриятларнинг ҳаракати ва алмашуви учун яхши шароит яратилган.¹

Бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати захираларининг 74 %, нефтнинг 31 %, табиий газнинг 40 %, кўмирнинг 55 %и Ўзбекистон хиссасига тугри келади. Табиий газ қазиб олиш бўйича республика МДХ мамлакатлари ичида учинчи ўринда ва дунёдаги бу соҳанинг кучли етакчи 10 мамлакатлари қаторида туради.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ва МДХ доирасида пахта етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб ҳисобланади. Агар бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 млн. тонна пахта толаси етиштира, унинг 1,4 млн. тоннаси ўзбек толасидир. Ўзбекистон пахта толаси етиштириш бўйича дунёда туртинчи ўринда, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДХнинг бир неча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг 20та давлати:АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа давлатлар билан бевосита хаво йўллари орқали боғланган.

Ўзбекистоннинг халқаро бозорга мустақил суръатда чиқиши ва дунё хўжалигига интеграциялашуви шароитларида унинг бошланғич иқтисодий салоҳияти жаҳон хўжалигига самарали қўшилиш истиқболларига умид қилиш имконини беради.

Ҳозирда Ўзбекистон қатор обрўли ва жаҳон иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари билан дўстона алоқаларини боғлаган, йирик банк ва молиявий органлар билан ҳамда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 43 та чет давлатларнинг элчихоналари, 15 та ҳукуматлараро ва 49 та ноҳукумат ташкилотлар аккредитация қилинган Президентимиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi билан боғлиқ халқаро майдондаги ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга баҳо берар экан, мазкур жараёнларнинг ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмагани ва Ўзбекистон

¹ Жаҳон иқтисодиёти. Назарова Г.Г.,Халилов Х.Х., Ханова И.М.,Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й

иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ташвишланарли ҳол сифатида таъкидлаб ўтди.

Барчамизга маълумки, мазкур жараёнларнинг таъсирини реал баҳолаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари инқирознинг дастлабки палласидаёқ “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”², дея ўзларининг қатъий фикрларини билдирган ҳамда инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналишларини олдиндан кўрсатиб берган эди.

Президентимиз ўз маърузасида биринчи навбатда дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини қайд этиб ўтди.

Шуниси эътиборлики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат, энг аввало иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳар томонлама пухта ўйланган ўз тараққиёт йўлимиз – ўзбек моделининг тўғри танлаб олингани ва унинг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келинаётгани инқироз шароитида иқтисодиётимиз учун ўзига хос “хавфсизлик ёстиғи” вазифасини бажарди. Айниқса, маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлига юртимизда қатъий амал қилиб келинаётгани, давлатнинг бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олгани, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги, оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилгани, аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги ва бошқа муҳим омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини сезиларли даражада юмшатишда мустаҳкам замин бўлди.

Бу эса кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2011 йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида катта ютуқларга эришиш имконини берди.

Президентимиз ўз маърузасида охириги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, Халқаро валюта жамғармаси Келишув моддаларининг IV моддасига биноан жамғарма ҳар йилда бир марта аъзодавлатлар билан икки томонлама муҳокама ўтказди. Жамғарма ходимларидан иборат гуруҳ мамлакатга ташриф буюриб, иқтисодий ва молиявий маълумотлар йиғади ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришларни расмий шахслар билан муҳокама қилади. Ўз

² Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.


қароргоҳига қайтгач, ходимлар ХВЖ Ижроия кенгашидаги муҳокама учун асос бўлиб хизмат қиладиган баёнот тайёрлайдилар.

2011 йилнинг 2-15 ноябрида Халқаро Валюта Жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлигидаги миссияси Тошкент шаҳрида бўлди. Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

“Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда”.


2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди (1-расм).

2-расм. Ўзбекистонда ташқи савдонинг динамикаси, миллиард АҚШ долл. ҳисобида.



Ташқи савдо айланмаси таркибидаги бундай ижобий ўзгаришлар мустақиллик йилларида мазкур соҳага қаратилган эътибор, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат натижалари ҳисобланади. “Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккахокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди”³. 2011 йилда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди. Президентимиз ўз маърузасида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмаганига алоҳида эътиборни жалб этиб, бундай рақамлар халқаро мезонлар бўйича “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат” деб



ҳисобланишини қайд этди.

3-расм. Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси, фоизда

Президентимиз ўз маърузасида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турганини таъкидлаб ўтди

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини таъкидладилар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришига мутаҳкам замин яратмоқда.

Назорат саволлари:

1. Халқаро ихтисослашув ва кооперациялашувнинг ривожланиши миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка қандай таъсир ўтказади?
2. Ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланган ер билан боғлиқ кооперация иқтисодий мазмунга эгами?
3. Жаҳон ҳўжалиги тизимида халқаро меҳнат тақсимоти қандай роль ўйнайди?

³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 59-61-б.

4.Қайси омиллар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига таъсир кўрсатади? Халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашувининг замонавий хусусиятларига мисоллар келтиринг.

5.Халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

6.Миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш даражасини белгилаб берувчи асосий омилларни санаб ўтинг. Ушбу омиллар таъсирини тушунтириб беринг.

Асосий тушунчалар

Меҳнат тақсимоти – тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизими бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш жараёнидаги фаолиятнинг сифат жиҳатдан табақалашуви натижасида шаклланади.

Халқаро меҳнат тақсимоти – бу давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимланиши бўлиб, у алоҳида давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

Халқаро ихтисослашув – мамлакатнинг маълум бир товарни ишлаб чиқаришга ўз потенциалини концентрациялашуви.

Халқаро кооперациялашув – мамлакатларнинг олдиндан ўзаро келишилган ҳолда ишлаб чиқаришга халқаро ихтисослашуви.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш – пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш.

Шартнома асосида ихтисослашиш – ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди.

Қўшма корхоналар – интеграциялашган кооперация.

Назорат саволлари:

1. Халқаро ихтисослашув ва кооперациялашувнинг ривожланиши миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка қандай таъсир ўтказади?

2. Ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланган ер билан боғлиқ кооперация иқтисодий мазмунга эгами?

3. Жаҳон хўжалиги тизимида халқаро меҳнат тақсимоти қандай роль ўйнайди?

4. Қайси омиллар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига таъсир кўрсатади? Халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашувининг замонавий хусусиятларига мисоллар келтиринг.

5. Халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

6.Миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш даражасини белгилаб берувчи асосий омилларни санаб ўтинг. Ушбу омиллар таъсирини тушунтириб беринг.

2-мавзу. Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари

- 1.Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси
- 2.Халқаро савдонинг классик назариялари
- 3.Халқаро савдонинг янги назариялари

1.Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўринишларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг (2008 й. инқирозгача бўлган давр) 75-80%и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.

Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Иқтисодчи олим Ж.Саксинг фикрича “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ”.

“Ташқи савдо” деганда бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва х.к.

Халқаро савдога оид назариялар ўз тарихига эга. Бу борадаги илк иқтисодий таълимот XVII асрдаёқ яратилган. Ўрта асрларда рўй берган Европадаги улкан ўзгаришлар, жумладан, янги қитъаларнинг кашф этилиши, мустамлакалардаги олтин ва бошқа бойликларни эгаллаб олишга интилиш ўз-ўзини таъминлашни тарғиб этувчи феодализм назарияси доирасидан чиқиб кетган янги хўжалик тизими доирасида товарлар ролини ва давлатларнинг халқаро савдога бўлган талабини асослаб бера оладиган янги иқтисодий назарияга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Шундай назариялардан бири меркантилизм таълимотидир. Меркантилизм мактаби XVI–XVII асрларда фаолият кўрсатган. Унинг энг йирик вакиллари инглиз иқтисодчилари Томас Ман (1571–1641) ва Уильям Стаффордлар (1554–1612) ҳисобланишади.

Меркантилистлар ўз назарияларида фақат чекланган микдордаги бойликка эга бўлган статик қарашларни қўллаб-қувватлаганлар. Шу сабабдан бирон-бир мамлакат бойлигининг кўпайиши фақатгина бошқа мамлакатнинг қашшоқлашиши эвазига амалга ошиши мумкин. Демак, бойликнинг кўпайиши қайта тақсимот эвазига амалга ошар экан, ҳар бир мамлакат мустаҳкам иқтисодиётга ва бошқа давлатлар устидан ҳукмронликни таъминлаб бера оладиган армия, ҳарбий ва савдо флотидан иборат кучли давлат қурилмасига эга бўлиши зарур деб ҳисоблашган.

Меркантилистлар иқтисодиётни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий колониялар секторига бўлишган. Савдогарлар иқтисодиётнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишида энг муҳим гуруҳ, деб ҳисобланган, меҳнат эса ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида баҳоланган. Мамлакатнинг бойлиги унинг ихтиёрида бўлган олтин ва кумуш билан белгиланлиги сабабли ташқи савдо мактаби мамлакат миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаши учун қуйидагиларга амал қилиш лозим, деб ҳисоблашган:

ташқи савдода мусбат сальдони таъминлаш – экспортнинг импортдан катта бўлиши мамлакатнинг олтин захирасини бошқа мамлакатларнинг олтин манбалари ҳисобига ўсишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, ички харажатлар, ишлаб чиқариш ва бандликнинг ошишига олиб келади;

экспортни ошириш ва импортни камайтиришга қаратилган ташқи савдо сиёсатини юритиш – тарифлар, квоталар ва бошқа дастаклар ёрдамида савдо балансининг мусбат савдо сальдосини таъминлаш;

хомашёнинг олиб чиқилишини қаттиқ чеклаш ёки таъқиқлаш ва мамлакатда мавжуд бўлмаган хомашё импортидан бож ундирмаслик, чунки бундай чора-тадбирлар мамлакат олтин захирасининг кўпайиши ва тайёр маҳсулотларни паст нархлар бўйича экспорт қилиш имконини яратади;

мустамлакаларнинг метрополиядан бошқа давлатлар билан ҳар қандай савдо алоқаларини тақиқлаш ва мустамлакаларни хомашё таъминотчисига айлантириш.

Меркантилистлар ғоясига биноан иқтисодий тизимда тўлиқ бандликка эришиб бўлмайди. Шу сабабли хориждан келадиган қўшимча олтин қўшимча иш жойларнинг яратилишига, ишсизлик даражасининг пасайиши ва ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Меркантилистлар халқаро савдо назарияси ривожланишига жиддий улуш қўшдилар. Улар халқаро савдонинг мамлакат иқтисодий ўсиши учун аҳамиятини биринчи бўлиб чуқур таҳлил қилдилар ва унинг ривожланишининг муҳим моделларидан бирини ишлаб чиқдилар. Улар биринчи бўлиб замонавий иқтисодиётда тўлов баланси, деб аталадиган тушунчани таърифладилар.

Меркантилистлар ғоясининг асосий камчилиги – бу уларни бир мамлакат бойиши бошқа мамлакатларнинг қашшоқлашиши ҳисобига амалга ошади деб ҳисоблашганидир. Бундай ғояга амал қилиш жаҳон иқтисодиётида иқтисодий диспропорцияларга ва иқтисодий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. Метрополияларнинг мустамлакалар ҳисобидан бойиши уларда ҳаддан зиёд олтин массасининг тўпланишига ва шу орқали гипер инфляцияга олиб келди.

Меркантилистларнинг ғоялари халқаро иқтисодиётдаги кейинги мактаблари ғояларига илмий йўналиш берди. Меркантилистлар ғоялари 1,5 аср мабойнида кенг қўлланилган. Бунинг натижасида XVIII асрда халқаро савдо алоқаларда кескинликлар кузатилган.

2.Халқаро савдонинг классик назариялари

«Эркин савдо» назарияси. Меркантилистларни танқид қилган асосий иқтисодчилардан бири Адам Смитдир (1723–1790). А.Смит мамлакатнинг бойлиги у эга бўлган олтин миқдorigа эмас, балки унинг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаси мамлакат эга бўлган олтин миқдорини ошириш эмас, балки халқаро меҳнат тақсимотида ўзига хос муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир. Шунингдек, А.Смит ғояларига биноан ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш керак. Ушбу сиёсат «Лэсса фэр»⁴ номини олди.

А. Смит қарашларига мувофиқ;

давлат ташқи савдога аралашини керак эмас ва мамлакат эркин савдо режимига риоя қилиши лозим;

⁴ Лэсса фэр – французча «laissez-faire», яъни давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслик ва рақобат эркинлиги сиёсати.

мамлакатлар ишлаб чиқаришда афзалликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришлари керак ва бу товарларни бошқа мамлакатлар афзалликка эга бўлган товарлар билан айирбошлаши керак;

ташқи савдо миллий бозорларни бошқа мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш орқали меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди;

экспорт мамлакат иқтисодиёти учун ижобий омил ҳисобланади, чунки у ички бозорда сотилмаган ортиқча маҳсулотларни хорижга сотиш имконини беради;

экспорт субсидиялари ички солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади ва ички нархларнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун уларни бекор қилиши керак.

А.Смит иқтисодий назарияга биринчи бўлиб «мутлоқ афзаллик» тушунчасини киритди.

Мутлоқ афзаллик – мамлакатлар мутлоқ афзалликка эга бўлган (таннархи пастроқ бўлган) товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни экспорт қилишади, бошқа товарларни (бошқа мамлакатлар мутлоқ афзалликка эга товарларни) эса импорт қилишади.

Бу назарияни тушунтириш учун “икки мамлакат – икки хил товар” моделидан фойдаланамиз. Фараз қилайлик, иккита мамлакат (Буюк Британия ва Португалия) ўзаро савдо алоқаларини ўрнатишмоқчи. Бу мамлакатлар фақат икки хил товар (мато ва вино) ишлаб чиқаришади. Бу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрлари куйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мамлакатларнинг бир бирлик товар ишлаб чиқариш учун сафлайдиган иш вақти

	Буюк Британия	Португалия
Вино (1л)	4 соат	3 соат
Мато (1м ²)	2 соат	3 соат

Жадвал маълумотларидан Буюк Британиянинг мато ишлаб чиқаришда мутлоқ афзалликка эга эканлиги кўриниб турибди. Чунки Буюк Британияда 1 м² мато ишлаб чиқариш учун 2 соат сарфланса, Португалияда 3 соат сафлаш керак. Демак, бу маҳсулотнинг Буюк Британиядаги таннархи Португалиядагига нисбатан арзонроқ бўлади. Ўз навбатида, Португалия вино ишлаб чиқаришда мутлоқ афзалликка эга. Чунки бу мамлакатда 1 л. вино ишлаб чиқариш учун Буюк Британияга нисбатан 1 соат камроқ вақт сарфланади. Демак, А.Смитнинг “мутлоқ афзаллик” назариясига биноан Буюк Британия мато ишлаб чиқаришга ихтисослаштириши ва уни экспорт қилиши керак. Ўз навбатида, Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва Буюк Британия бу маҳсулотни Португалиядан импорт қилади.

А.Смитнинг “мутлоқ афзаллик” назарияси узоқ йиллар давомида кўплаб мамлакатларнинг ташқи савдо сиёсати стратегиясининг асосини ташкил қилди ва бу мамлакатлар эркин савдо сиёсатини юритишди.

Мутлақ устунлик назариясининг кучли томони шундаки, у меҳнатнинг қиймат назариясига асосланган ва меҳнат тақсимотининг яққол устунликларини нафақат миллий миқёсда, балки халқаро миқёсда ҳам кўрсатиб беради. Халқаро савдонини тушунтириб беришда унинг чекланганлиги ҳам яққол кўриниб туради.

Аммо “мутлоқ афзаллик” назариясида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, бу модель мутлоқ афзалликка эга бўлмаган мамлакатнинг халқаро савдодаги иштирокини тушунтириб бера олмайди. Фараз қилайлик, Буюк Британия ва Португалия ўртасидаги савдода мато ва винони ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ устунлик Буюк Британияга тегишли бўлсин. Бу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрлари куйидаги жадвалда келтирилган.

Мамлакатларнинг бир бирлик товар ишлаб чиқариш учун сафлайдиган иш вақти

	Буюк Британия	Португалия
Вино (1л)	2 соат	3 соат
Мато (1м ²)	2 соат	6 соат

Бундай шароитда мутлоқ афзалликка эга бўлмаган мамлакатда ҳам халқаро савдода иштирок этишдан фойда олишини инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо биринчилардан бўлиб исботлаб берган. Давид Рикардо (1772-1823) мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этишидан оладиган фойдаси муқобил нарх билан бегиланишини исботлаган.

Бу назария у ёки бу товарларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунлик бўлмаганда мамлакатлар нима сабабдан ўзаро савдо олиб боришини тушунтириб бера олмайди.

Давид Рикардо мутлақ устунликлар назариясини ривожлантирди ва икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо уларнинг ҳеч бири маълум бир товарни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга булмаганда ҳам фойдали булишини курсатиб берди.

Муқобил нарх (opportunity cost) — бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтининг бошқа бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти билан ифодаланишидир.

Нисбий устунлик назарияси — агар бир мамлакат бошқа мамлакат билан солиштирганда нисбатан камроқ харажатлар билан ишлаб чиқара оладиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса уларнинг бирида ишлаб чиқариш бошқасига нисбатан мутлақ самаралироқ бўлишидан қатъий назар ўзаро савдо ҳар икки мамлакат учун фойдали бўлади.

Савдодан келадиган ютуқ (gains from trade) — мамлакатлар ўзлари нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашганда савдода иштирок этувчи ҳар икки мамлакат бу савдодан оладиган иқтисодий наф.

Нисбий устунликлар назариясида жаҳон икки мамлакатдан иборат ва улар икки товар билан савдо қилади деб фараз қилинган эди. Амалда эса бундай ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас, албатта. Жаҳондаги мамлакатлар ичидан иккитасининг фақат икки товар билан ўзаро савдосини ўрганмоқчи бўлсак ҳам, бу савдони ушбу мамлакатлар ва бошқа мамлакатлар умумий савдосидан ҳамда жуда кўп миқдордаги товарлар орасидан ажратиб олишнинг имкони йўқ.

Нисбий устунлик назариясининг аҳамиятини баҳолаш жуда мушкул, албатта. У бир неча ўн йиллар давомида халқаро савдони тушунтириб берувчи ва барча иқтисодий билимларга кучли таъсир ўтказа олган асосий назарияларнинг бири бўлиб қолди. Иқтисодиётдаги классик мактаб вакиллари томонидан қилинган кўп сонли ўзгартиришлар ва кенгайтиришлар билан нисбий устунлик назарияси амалда биринчи бўлиб жами талаб ва жами таклиф мувозанатини изоҳлаб берди. Товар қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат миқдори билан аниқланиши кўзда тутилган бўлса-да, нисбий устунлик назарияси товарнинг қиймати ушбу товарга ҳам мамлакат ичидаги, ҳам хориждаги жами талаб ва таклифнинг нисбати билан аниқланишини кўрсатиб берди.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясидаги асосий гипотезалардан бири алоҳида олинган товарнинг меҳнат ёки капитал сифимлилиги ҳамда мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги ҳисобланади.

Омиллар интенсивлиги (factor intensity) — маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини белгиловчи кўрсаткич.

Омиллар сероблиги (factor abundance) — мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгиловчи кўрсаткич.

Хекшер-Олин теоремаси (Heckscher—Ohlin Theorem) — ҳар бир мамлакат ўз ишлаб чиқаришларида нисбатан катта ҳажмга эга бўлган омилларни талаб этувчи маҳсулотларни устун даражада ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашади, бинобарин, бу мамлакатлар миллий хўжалик нуқтаи назаридан нисбатан камчил омиллар билан таъминланган товарларни импорт қиладилар.

Самуэльсон томонидан исботланган Хекшер-Олин теоремаси тўғрилиги шартидан келиб чиқувчи бу теорема ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви ёки Хекшер-Олин-Самуэльсон теоремаси номини олди.

Ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви (factor price equalization theorem) (Heksher-Olin-Samuelsan teoremasi) — халқаро савдо олиб боровчи мамлакатларда гомоген ишлаб чиқариш омилларининг мутлақ ва нисбий нархларини мувозанатлашувига олиб келади.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси ўзининг барча камчиликлари ва мавҳум табиатига қарамай ҳозирги кунгача халқаро савдонинг ривожланишини тушунтирувчи энг машҳур назарияларнинг бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу назариянинг турли мамлакатлар, товарлар ва ишлаб чиқариш омилларига нисбатан улкан статистик массивлар ёрдамида эмпирик йўллар билан текширилишига ажабланмаса ҳам бўлади.

Леонтьев бир неча эмпирик тестлар ёрдамида Хекшер-Олин назарияси шартлари амалда бажарилмаслигини кўрсатиб берди.

Леонтьев парадокси (Leontief paradox) — бу Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг амалда бажарилмаслиги – меҳнат сероб мамлакатларнинг капитал сиғимли, капитал сероб мамлакатларнинг меҳнат сиғимли товарларни экспорт қилишидир.

Тарихан халқаро савдо назарияларини ишлаб чиқишда иқтисодий таълимот товарлар ва ишлаб чиқариш омиллари таклифини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратган, талабга эса етарли даражада эътибор берилмаган. Бироқ барчага маълумки, жаҳон бозорида товарлар таклифи талабга боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам замонавий халқаро савдо назарияси товарлар талаб ва таклифига бирдек эътибор беради. У олдинги мавзуларда кўриб чиқилган классик ва неоклассик моделларни рад этмайди, зеро қандай муаммо ҳал этилиши кераклиги ва қайси ишлаб чиқариш омилига кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлигига боғлиқ равишда бу моделлардан ҳозирги пайтда ҳам аналитик мақсадларда фаол фойдаланиб келинмоқда. Шунинг учун юқорида келтирилган моделлар маълум маънода жаҳон иқтисодий таълимоти томонидан тан олинган ва замонавий босқичда халқаро савдони назарий таҳлил дастаги сифатида хизмат қилувчи, халқаро савдонинг стандарт модели номини олган моделнинг хусусий ҳоли деб ҳисобланиши мумкин.

Трансформациянинг чегаравий меъёри (marginal rate of transformation) — 1-товарнинг қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш учун воз кечиладиган 2-товар сони.

Халқаро савдода савдо шarti тушунчаси. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш йўллари ва уларнинг хусусиятлари

Нисбий нархларнинг ўзгаришига асосланган ўзаро боғлиқлик савдо шартлари тушунчаси орқали ифодаланади.

Савдо шартлари (terms of trade) — маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг, мамлакат бўйича ёки мамлакатлар гуруҳи бўйича экспорт ва импорт нархлари индексларининг нисбатидир.

Савдо шартларини иқтисодий кўрсаткич сифатида қуйидаги асосий кўринишларда бўлиши мумкин:

Товар ёки соф бартер савдо шартлари (**commodity, net barter terms of trade**) — маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг ёки барча товарлар бўйича экспорт ва импорт нархлари индексларининг нисбатидир.

$$ToT = P_x/P_{im}$$

Даромадни ифодаловчи савдо шартлари (**income terms of trade**) — мамлакатнинг жами экспортдан келган тушум ҳисобига қанча товар импорт қила олиши салоҳиятини кўрсатувчи индекс. Бу индекс товар савдо шартларини экспортнинг миқдор индекси (Q_x)га кўпайтириш орқали ҳисобланади. Бу индекснинг ўсиши экспортдан тушумни ортиши ҳисобига импорт қилиш салоҳияти ортишини кўрсатади.

$$ToT = (P_x/P_{im}) \times Q_x$$

Омиллар билан боғлиқ савдо шартлари (**factor terms of trade**) — импорт нархларини бир ёки бир неча ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлиги билан боғловчи, экспорт тармоқларида самарадорликни бир бирликка ошиши ҳисобига қанча миқдорда қўшимча импорт қилиш мумкинлигини кўрсатувчи индекс. Бу кўрсаткич товар савдо шартларини экспорт тармоқларидаги самарадорлик индексига (Q_x) ёки ушбу мамлакатда экспорт тармоқларидаги самарадорлик индексини импорт қилинаётган мамлакат экспорт тармоқларидаги самарадорлик индексига нисбатига (Q_x/Q_{im}) кўпайтириш орқали ҳисобланади.

$$ToT = (P_x/P_{im}) \times (Q_x / Q_{im})$$

Халқаро савдо ва иқтисодий ўсиш халқаро савдога таъсири қандай ишлаб чиқариш омиллари - экспортни кенгайтиришга қаратилган омиллар ёки импорт ўрнини қоплашга қаратилган омилларнинг ўсиши билан аниқланади.

Экспортни кенгайтиришга қаратилган ўсиш (**export-biased growth**) — мамлакат экспорт қиладиган товар ишлаб чиқаришини кенгайтириш бўлиб, бу савдо шартини савдо ҳамкорлари фойдасига яхшиланишига олиб келади.

Импорт ўрнини қоплашга қаратилган ўсиш (**import-biased growth**) — мамлакат импорт қиладиган товар ишлаб чиқаришининг кенгайтириш бўлиб, бу савдо шартини савдо ҳамкорлар учун ёмонлашиб, мамлакат фойдасига яхшиланишига олиб келади.

Савдонинг нейтрал ўсиши (**neutral trade growth**) — бу мамлакатлар ўртасида савдо шартининг ўзгармаган ҳолатида халқаро савдо жисмоний ҳажмининг ортишидир.

Масштаб самараси орқали ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил ёки деярли бир хил таъминланган мамлакатлар ўртасидаги савдо тушунтирилади. Масштаб самараси орқали технологик жиҳатдан бир бирига яқин, ҳаттоки бир хил товар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар ўртасидаги савдони ҳам тушунтириш мумкин.

Масштаб самараси (**economies of scale**) – ишлаб чиқаришнинг шундай ривожланишики, бунда омиллар сарфининг бир бирликка ўсиши ишлаб чиқариш бир бирликдан кўпроққа ўсишига олиб келади.

Маълумки халқаро савдода соф мукамал рақоба анча кам учрайди, бунинг сабаби жаҳон хом-ашё ва товарлар бозорининг бўлишиб олинганлиги ва халқрао бозорларда ўзига хос олигополия ва монополияларнинг вужудга келганлигидир. Монополистик рақобат асосидаги савдо назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим Пол Кругман бўлди.

Тармоқ ичидаги савдо – бу мамлакатлар ўртасида бир тармоқнинг дифференциялашган маҳсулотлари билан савдо қилишидир.

Тармоқлараро савдо мамлакатларнинг турли тармоқларнинг гомоген маҳсулотлари билан савдо қилишидир.

Дифференциялашган товарлар билан тармоқ ичидаги савдони сабаблари қуйидагилар:

- Истеъмолчилар истак ва ҳохишлари ҳар хил;
- Кесишувчи талаб;
- Кенг кўламда ишлаб чиқариш эффекти

Линдернинг кесишувчи талаб назарияси

Кесишувчи талаб назарияси бу халқаро савдони талаб томонидан тушунтирувчи камдан кам назарияларнинг биридир. Бу назарияга кўра мамлакат экспорти импортёр-мамлакатдаги талабга боғлиқ.

Камдан кам товарлар фақат экспорт учун ишлаб чиқарилади. Товарларнинг асосий қисми ички бозорда сотилади, ички истеъмол тўлиқ қондирилгандан кейингина бу товар экспорт қилинади. Бу товарни хорижий мамлакатларда сотишда бу мамлакатдаги талаб таркиби ўз мамлакатидagi талаб ўхшаш бўлган мамлакатни танлаш мақсадга мувофиқ. Икки мамлакатда талаб таркиби кўпроқ даромад даражасига боғлиқ бўлади, даромад қанчалик юқори бўлса сифатли товарга бўлган талаб ортиб боради.

Муқобил нарх – бу бир бирлик товарнинг ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатнинг иккинчи товарни ишлаб чиқаришга зарур бўлган харажат орқали ифодаланишидир. Бизнинг мисолимизда 1 л винонинг Буюк Британия учун муқобил нархи 2 соат/2 соат=1 га тенг бўлса, Португалияда 3 соат/6 соат=0,5 га тенг. Бу эса вино ишлаб чиқариш Португалияда Буюк Британияга нисбатан арзонроқ бўлишини акс эттиради. Шу сабабли мутлоқ афзалликка эга бўлмаган Португалия Буюк Британия билан савдо алоқаларига киришса, вино ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уни экспорт қилиб, ўрнига матони импорт қилади.

Нисбий афзаллик – агар мамлакат бошқа мамлакатга нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса, ўзаро савдо иккала мамлакат учун ҳам фойдали бўлади. Бунда ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ афзаллик бўлиши шарт эмас.

А.Смит, Д.Рикардо ва Дж.С.Милль назарияларида халқаро савдода мамлакатнинг ўрнини аниқлаш учун фақат битта ишлаб чиқариш омили бор деб фараз қилинган. Бу назарияларда мамлакатнинг халқаро савдода эгаллаши мумкин бўлган ўрни улардаги меҳнат унумдорлиги билан белгиланган. Шу сабабли бу олимларнинг ишларини давом эттирганлар халқаро савдони бир нечта ишлаб чиқариш омили мавжудлигида таҳлил қилишга ҳаракат қилишган.

Швед иқтисодчилари Э.Хекшер ва Б.Олин ўз таҳлилларида ишлаб чиқаришнинг икки омилини – капитал ва меҳнат омилини кўриб чиқдилар. Уларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасига кўра мамлакатларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Меҳнат омилига нисбатан бой мамлакатлар – бу мамлакатларда меҳнат ресурслари кўп ва арзон бўлади. Уларга мисол қилиб Хитой ва Ўзбекистон каби мамлакатларни келтириш мумкин.

2. Капитал омилига бой мамлакатлар – бу мамлакатларда капитал катта ҳажмларда жамланган бўлади, аммо меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси пастроқ бўлади. Шу сабабли бу мамлакатларда реал иш ҳақи даражаси юқори бўлади. Шунингдек, ушбу мамлакатларда меҳнат ресурсларининг капитал билан таъминланганлик даражаси юқори бўлади. Уларга мисол тариқасида АҚШ ва Германия каби мамлакатларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, товарларини ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар – бу турдаги товарларни ишлаб чиқаришда капиталдан кўра меҳнат ресурслари кўпроқ талаб қилинади. Бу турдаги товарларга мисол қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келтириш мумкин.

2. Капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар – бу турдаги товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан кўра капитал кўпроқ талаб қилинади. Бу турдаги товарларга мисол қилиб сифатида қайта ишлаш саноати маҳсулотларини келтириш мумкин.

Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси – мамлакат қайси ишлаб чиқариш омили билан нисбатан яхши таъминланган бўлса, шу омилни нисбатан кўпроқ талаб қилувчи товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва уни экспорт қилиши керак.

Демак, Хекшер-Олин назариясига биноан АҚШ билан Хитой ўзаро савдо алоқаларига киришса, АҚШ капитал омилига бой мамлакат сифатида қайта ишлаш саноати маҳсулотларини экспорт қилади ва Хитойдан меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини импорт қилади.

Бу назария XX асрда кўплаб мамлакатларнинг ташқи савдо сиёсатининг асосини ташкил қилишига қарамасдан унда кўплаб камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, Хекшер-Олин назариясида мамлакатларнинг вақт ўтиши билан ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлиги ҳам ўзгариши инobatга олинмаган. Бундан ташқари, бир ишлаб чиқариш омилнинг ўрнига бошқасини қўллаш мумкинлиги ва шу сабабли капиталга бой мамлакатлар ҳам меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилиши мумкинлиги инobatга олинмаган.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси ўзининг барча камчиликларига қарамай, ҳозирги кунга қадар халқаро савдонинг ривожланишини тушунтириб берувчи энг илғор назариялардан бири саналади. Ушбу назария кўп маротаба катта ҳажмдаги статистик маълумотлар асосида турли мамлакатларга тааллуқли товар ва ишлаб чиқариш омиллари бўйича эмпирик синовлардан ўтди. Ушбу синовлардан энг машҳурини АҚШда 1953 йилда В.Леонтьев ўтказди.

В.Леонтьев бир қанча эмпирик синовлар ўтказиш йўли билан Хекшер-Олин томонидан ишлаб чиқилган назариянинг шартлари амалиётда қўлланилмаслигини исботлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШни бошқа мамлакатлар билан қиёсий таққосланганда, ўртача иш ҳақи даражаси энг юқори мамлакат ва капиталга бой давлатлардан саналарди. Шу сабабли мамлакат Хекшер-Олин назариясига мувофиқ, капитал сиғимкорлиги юқори маҳсулотларни экспорт қилиши лозим эди. В.Леонтьев ушбу гипотезани текшириш мақсадида 1 млн. долларлик экспорт ва шунча миқдордаги импорт маҳсулотларига рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш учун қанча капитал ва ишчи кучи сарф этилишини ҳисоблаб чиқди. У ҳар бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича товар бирлиги учун сарф этиладиган капитал ва меҳнатни ҳисоблади. Бунда у фақатгина автомашина каби тайёр маҳсулотлар билан чегараланиб қолмай, балки ярим тайёр маҳсулотлар (резина, пўлат, ойна кабилар) учун кетадиган капитал ва ишчи кучини ҳам ҳисоблаб чиқди.

Сўнгра АҚШнинг 1947 йилдаги экспорт таркибидан келиб чиққан ҳолда 1 млн. долларлик экспорт товарларини ишлаб чиқаришга кетадиган капитал ва меҳнатнинг ўзаро нисбатини аниқлади. АҚШнинг ўша йилдаги импорт таркибидан мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган товарларни айириб ташлади ва бевосита импорт маҳсулотларнинг ўрнини боса оладиган Америка товарларини ишлаб чиқариш учун сарф этиладиган капитал ва меҳнат нисбатини ҳисоблаб чиқди. Аслида у Америка импорти бирлигига сарф этиладиган капитал ва меҳнат (K/L) im ҳамда экспорт бирлигига сарф этиладиган капитал ва меҳнат (K/L) x нисбатини солиштирди.

«Леонтьев статистикаси» номини олган ушбу нисбатга мувофиқ, агар мамлакатда капитал ва меҳнат сарфи нисбати $\frac{(K/L)_{im}}{(K/L)_x} < 1$ бўлса, мамлакат капиталга бой ҳисобланади.

Агар бу нисбат $\frac{(K/L)_{im}}{(K/L)_x} > 1$ бўлса, мамлакатда меҳнат ресурслари кўп ҳисобланади. Леонтьев Хекшер-Олин назариясига мувофиқ Америка экспорт товарлари импортнинг ўрнини боса оладиган товарларга қараганда кўпроқ капитал талаб этилишини кутган эди. Аммо кутилган натижа аксинча бўлиб чиқди: Америка импортнинг капитал сиғимкорлиги экспортга нисбатан 30% га юқори экан, демак, АҚШ кутилганидек капиталга бой мамлакат эмас, балки аксинча, меҳнатга бой мамлакат эканлиги келиб чиқмоқда, бу амалдаги тасаввурга умуман тўғри келмади.

Леонтьев статистик маълумотларга Иккинчи жаҳон уруши ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин деб ҳисоблаб, 1951 йилда ушбу ҳисоб-китобни яна такрорлади. Америка импорти бу сафар ҳам экспортга қараганда капитал сиғимкорлиги юқори эканлигини кўрсатди (бу сафар 6% га холос).

Леонтьевнинг давомчилари 1962 йилда ушбу ҳисоб-китобни такрорладилар. Аммо яна кутилган натижа олинмади. Бу сафарги ҳисоб-китобларга мувофиқ АҚШ импортнинг капитал сиғимкорлиги 27% га экспортнинг капитал сиғимкорлигидан юқори чиқди.

Леонтьев модели бошқа мамлакатлар учун ҳам қўлланилди. Аммо натижа доимо Хекшер-Олин назариясини инкор этарди. Мисол учун 1950 йилларда меҳнат ресурсларига бой, деб ҳисобланган Япония капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилган экан.

Леонтьев модели асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар Хекшер-Олин назариясини инкор этганлиги учун ушбу тадқиқотлар натижаси иқтисодчи олимлар томонидан «Леонтьев парадокси» деб номланди.

Леонтьев парадокси – Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси амалиётда ўз тасдиғини топмаган: меҳнат ресурсига бой мамлакатлар капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилади, капиталга бой мамлакатлар эса меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилади.

Кейинчалик Леонтьев парадокси атрофида қизгин тортишувлар бошланиб кетди. Тортишувлар Хекшер-Олин назариясининг тўғрилигини исботлашга қаратилди:

Ишчи кучини малакали ва малакасиз ишчилар гуруҳига бўлиш ҳамда ҳар бир гуруҳнинг экспорт товарларни ишлаб чиқариш харажатларидаги улушини ҳисоблаш зарур. Америкалик олим Д.Кисинг 1966 йилда эълон қилган тадқиқотларида ишчи кучини малакасига кўра 8 хил категорияга бўлади. Шу орқали АҚШда юқори малакали ишчиларнинг ортиқчалиги ва малакасиз ишчиларнинг эса етишмаслигини исботлади. Шунинг учун АҚШ юқори малакали ишчилар меҳнатини талаб этувчи маҳсулотларни экспорт қилади. Малакали кадрларни тайёрлашга кетадиган харажатларни капитал сарфлар сифатида баҳолаш мумкин дейди. Бу эса малакали ишчилар ёрдамида ишлаб чиқарилган товарларнинг капитал сиғимкорлиги юқори деб ҳисоблашга асос бўлади.

АҚШ импортида қазиб чиқариш саноати маҳсулотларининг улуши юқоридир. Бу маҳсулотларни қазиб чиқариш катта миқдордаги капитал харажатларни талаб қилади. Ўз навбатида, бу маҳсулотлардан экспортга йўналтирилган тармоқларда кенг фойдаланилади ва шу сабабли АҚШнинг экспорт тармоқларида ҳам капитал сиғимкорлиги юқори бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. Америкалик олим Дж.Хартиген В.Леонтьев ҳисоб-китобларини ўша давр учун такрорлади ва капитал кўп талаб қилувчи хомашёга боғлиқ тармоқларни эътиборга олмади. Натижада парадокс йўқолди ва Хекшер-Олин назарияси ўз исботини топди.

В.Леонтьев ўз тадқиқотларида АҚШ ҳукуматининг ички тармоқларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсатини эътиборга олмаган. 1971 йилда америкалик олим Р.Бэлдвиге томонидан амалга оширилган қайта ҳисоб-китобларда ташқи савдо сиёсати хусусиятлари инобатга олинган ва В.Леонтьев парадоксининг самарасини 5% га қисқартиришга эришилган.

В.Леонтьев тадқиқотларида АҚШ аҳолисининг диди инобатга олинмаган. Америкаликлар капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни хуш кўришади ва ўзларида кўп бўлишига қарамасдан хориждан бундай товарларни сотиб олишади. Аҳоли дидининг халқаро савдога таъсири Хекшер-Олин назариясида ўрганилмаган ва шу сабабли бундай шароитда халқаро савдони бошқа моделлар орқали ўрганиш зарур.

баъзи товарларни ишлаб чиқаришда омилларнинг бир-бирининг ўрнини босиш даражаси юқори бўлади. Бундай шароитда битта товарни ишлаб чиқариш капиталга бой мамлакатларда кўпроқ капитал талаб қилишига, меҳнат ресурсларига бой мамлакатларда эса кўпроқ меҳнат ресурсларини талаб қилишига олиб келади. Масалан, АҚШда шоли етиштириш илғор технология ёрдамида амалга оширилганлиги боис, бу товар АҚШда капитал сиғимкорлиги юқори товарлар гуруҳига киради, Вьетнамда эса шоли ишлаб чиқариш асосан меҳнат ресурсларидан фойдаланишга асосланганлиги учун шоли юқори меҳнат сиғимкорлигига эга бўлади. Чунки, Вьетнамда шоли асосан қўл меҳнати ёрдамида етиштирилади.

3.Халқаро савдонинг янги назариялари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдо назарияларини ишлаб чиқиш 3 хил йўналишда амалга оширила бошланди:

1. Классик мактаб назарияларини ривожлантиришга ва кенгайтиришга йўналтирилган назариялар. Бу назарияларга мисол қилиб П.Самуэльсон ва Р.Джонсларнинг “махсус ишлаб чиқариш омиллари” назариясини келтириш мумкин.

2. Классик мактаб назарияларини инкор этмаган ҳолда халқаро савдонинг бу назарияларда ўрганилмаган жиҳатларини таҳлил қилишга йўналтирилган назариялар. Бу назарияларга мисол қилиб С.Линдернинг “кесишувчан талаб” назариясини келтириш мумкин.

3. Классик мактаб назарияларини инкор этувчи ва халқаро савдонинг янги асосларини топишга йўналтирилган назариялар. Бу назарияларга мисол қилиб “миқёс самараси” назариясини, “халқаро савдонинг динамик модели” назариясини ва Б.Балассанинг “тармоқ ичидаги савдо” назариясини келтириш мумкин.

П.Самуэльсон ва Р.Джонс ўзларининг “Махсус ишлаб чиқариш омиллари” назарияларида Хекшер-Олин назариясини кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Хекшер-Олин назариясида ишлаб чиқариш омилларининг фақат икки хил тури – капитал ва меҳнат инобатга олинган бўлса, “Махсус ишлаб чиқариш омиллари” назариясида ушбу омиллар сони учтага етказилди, булар капитал, меҳнат ва ер омилларидир. Бундан ташқари, Самуэльсон-Джонс назариясида ишлаб чиқариш омилларини икки гуруҳга бўлиш таклиф этилади:

1. Ишлаб чиқаришнинг махсус омиллари – муайян тармоқларда кенг қўлланилувчи ва бошқа тармоқларда эса деярли қўлланилмайдиган ишлаб чиқариш омиллари. Ушбу омиллар фақат бир тармоққа тегишли бўлганлиги учун тармоқлараро кўчиб юрмайди. Мисол учун капитал саноат тармоқларида кенг қўлланилади, қишлоқ хўжалигида эса унинг аҳамияти юқори эмас. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омилларининг реверс самараси юқори бўлганлиги капитал ўрнига меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Бошқа тарафдан юқори

унумдорликка эга бўлган ер кишлок хўжалиги учун махсус омил бўлади. Чунки саноатда ернинг унумдорлик даражаси ҳеч қандай аҳамият касб қилмайди.

2. Ҳаракатчан омил – ҳамма тамоқларда кенг қўлланилувчи ва шу сабабли тармоқлараро эркин ҳаракатланувчи ишлаб чиқариш омили. Бу омилга мисол қилиб меҳнат ресурсларини келтириш мумкин. Мисол учун, агар ишчи кучи саноат корхонасида ўз иш жойини йўқотиб қўйса, у кишлок хўжалигига бориб ишлаши мумкин ва аксинча. Бундай ҳолатлар жаҳон хўжалигида кўп кузатилади. Ишчиларнинг кишлок хўжаликларидан саноат тармоқларига ўтиши натижасида жаҳон хўжалигида урбанизация жараёни ривожланиб келмоқда.

Махсус ишлаб чиқариш омиллари назарияси – халқаро савдо ривожланишининг объектив асосини ички нисбий нархларни бир-биридан фарқ қилиши ташкил этса, бу ҳолатнинг асосий сабаби мамлакатларнинг махсус ишлаб чиқариш омиллари билан турлича таъминланганлигидан иборатдир. Мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиши натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омиллари ривожланади, импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил камаяди.

Халқаро савдо турли хил ишлаб чиқариш омилларига турлича таъсир кўрсатиши – бу омил эгаларини турмуш фаровонлигини халқаро савдога боғлиқ эканлигини англатади. Шу сабабли кўплаб иқтисодчи олимлар халқаро савдонинг аҳоли даромадига таъсирини ўрганишган. Бу борадаги асосий назарияларга қуйидагилар киради:

1. Хекшер-Олин-Самуэльсон назарияси – халқаро савдо мамлакатларда гомоген ишлаб чиқариш омилларининг мутлоқ ва нисбий нархларининг мувозанатлашувига олиб келади. Бу эса гомоген ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлари ҳам мувозанатлашишини англатади.

2. Самуэльсон-Джонс назарияси – мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиш натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади кўпаяди ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади камаяди.

3. Столпер-Самуэльсон назарияси – халқаро савдо таъсирида нархи ўсадиган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам ўсади ва аксинча, нархи пасайган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам пасаяди.

Демак, халқаро савдо мамлакатларнинг ялпи даромадига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга айрим омил эгаларининг турмуш фаровонлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан. Шу сабабли мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этишдан олиши мумкин бўлган фойда – бу мамлакатнинг халқаро савдо алоқаларида эгаллаган ўрнига боғлиқ экан.

Бошқа тарафдан мамлакатнинг халқаро савдода рақобатбардош бўлиши унинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари таклифининг ўзгариши мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига қандай таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан Т.Рибчинский томонидан ўрганилган.

Т.Рибчинский назариясига мувофиқ, ишлаб чиқариш омилларида нотекис фойдаланиш турли оқибатларга олиб келади. Мазкур омиللardan бирининг устун даражада ишлаб чиқаришга қўлланилиши ушбу омилдан доимий равишда фойдаланиладиган иқтисодий сектор улушининг ортишига олиб келади. Бу эса барқарор дунё нархлари шароитида бошқа секторларда товар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади. Чунки, арзон ишлаб чиқариш омилидан интенсив равишда фойдаланилаётган сектор томон бошқа секторлардан барча ҳаракатчан ишлаб чиқариш омиллари оқиб ўтиши юз беради. Инглиз иқтисодчиси Т.Рибчинский 1955 йилда мазкур қонуниятга асосланиб ўз назариясини яратди.

Т.Рибчинский назарияси – барқарор нархлар ва иқтисодиётда фақат иккита секторнинг мавжудлиги шароитида ишлаб чиқариш омилларидан бирининг таклифининг кўпайиши ушбу омилдан интенсив фойдаланиладиган тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ва бу тармоқ корхоналари оладиган даромаднинг кўпайишига олиб келади, бошқа секторда эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ва олинадиган даромаднинг камайишига олиб келади.

Т.Рибчинский назариясига мувофиқ, янги қазилма бойликларнинг топилиши (масалан, нефть ва газ) бошқа тармоқларнинг (хусусан, қайта ишлаш саноати) ривожланишини пасайтириб қўйиши мумкин. Аксинча, ташқи савдо жадал суръатларда ривожланаётган иқтисодиётда ишчи кучи малакасининг ортиб бориши ва фаол капитал қўйилмалар хомашё қазиб олишнинг қисқаришига ва унинг импортга боғлиқлигининг кучайишига олиб келиши мумкин.

Бу назария амалиётда ҳам ўз тасдиғини топди. Т.Рибчинский томонидан аниқланган тамойиллар АҚШ иқтисодий ривожланиш жараёнида ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг тармоқ таркибида намоён бўлди. АҚШ минерал хомашёнинг нетто-экспортёридан нетто-импортёрига айланди. Рибчинский назариясининг амалиётда Канада, Буюк Британия, Голландия, Норвегия каби давлатларда минерал хомашё ресурсларини (газ, нефть) қидириш қайта ишлаш саноати ва бу тармоққа тегишли маҳсулотларни экспорт қилишнинг қисқариши эвазига ривожланганлиги билан ўз тасдиғини топган.

Голландиянинг деиндустриаллашуви, яъни “голланд касаллиги” номини олган ҳодиса Рибчинский назариясига яна бир мисол бўлади. Бу муаммо Шимолий денгизда Голландия томонидан табиий газ конларининг фаол ўзлаштирилиши билан боғлиқ эди. Табиий газни ўзлаштиришнинг ошиб бориши ишчи кучини экспортга йўналтирилган қайта ишлаш саноати тамоқларидан нефть ва газни қазиб олиш тармоғига кўчишига олиб келди. Шу сабабли Голландиянинг саноат маҳсулотлари экспорти кескин қисқарди. Бу вазиятни Рибчинский назариясини қўллаш орқали олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш мумкин бўлганди. Аммо Голландия ҳукуматининг самарасиз тармоқ сиёсатини олиб бориши натижасида қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қисқарди.

Шундай қилиб халқаро савдо билан нафақат ижобий, балки салбий оқибатлар ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу эса ташқи савдо сиёсатида икки тенденциянинг мавжудлигини тушунтириб беради, булар эркин савдо ва протенционизмдир.

Бир қатор иқтисодчи олимлар мамлакатнинг халқаро савдода тутган ўрнини технологик тараққиёт орқали тушунтиришга ҳаракат қилишди. Улар орасида М.Познер ва Р.Вернонларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Америкалик иқтисодчи Майкл Познер 1961 йилда халқаро савдони технологик тараққиёт билан боғлиқлигини очиб беришга ҳаракат қилди. Бу олим томонидан технологик узилиш модели ишлаб чиқилди.

М.Познернинг “технологик узилиш” моделига мувофиқ мамлакатнинг янги технологияни яратиши унга ушбу технология асосида товар ишлаб чиқаришда ва бу товарни жаҳон бозорида сотишда вақтинчалик монополияга эга бўлади. Бу эса, мамлакат бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлигида устунликка эга бўлмаса ҳам жаҳон бозорида етакчи экспортёрга айланиши мумкинлигини англатади.

М.Познернинг ушбу модели бошқа америкалик иқтисодчи Раймонд Вернон томонидан ривожлантирилди. 1966 йилда Р.Верноннинг “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” моделига бағишланган мақоласи чоп этилди.

“Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” назарияси – янги товарнинг кашф қилиниши маълум вақт давомида ихтирочи мамлакатга жаҳон бозорида етакчилик қилиш имкониятини беради, аммо кейинчалик маҳсулот ҳаётийлик циклида бир босқичдан

бошқа босқичга ўтгани каби бу товарни ишлаб чиқаришдаги устунлик ҳам бир давлатдан иккинчисига ўтади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли бешта босқичдан (вужудга келиш, ўсиш, тўйиниш, пасайиш ва ички ишлаб чиқаришдан воз кечиш) иборат циклни босиб ўтади ва улар бир-бири билан узвий боғлиқ. Мазкур назария халқаро савдони маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли босқичлари асосида йўлга қўйиш лозимлигини тушунтиради.

Р.Вернон назариясига мувофиқ баъзи бир маҳсулотлар 5 босқичдан иборат циклни босиб ўтади ва уларни ишлаб чиқариш жойи цикл босқичларига боғлиқ равишда ўзгаради. Бу босқичларни кетма-кетликда кўриб чиқамиз:

1-босқич. Вужудга келиш. Бу босқичда янги товар яратилади ва бу товарни дастлабки ишлаб чиқариш бошланади. 1-босқичда янги товар фақат шу мамлакатнинг ўзида сотилади. Янги маҳсулот, одатда, унга талаб ва унга мос бозор бўлгандагина ишлаб чиқилади. Бу босқичда товар даставвал кам миқдорда ички бозорга чиқарилади. Кейинчалик товарнинг сифати ички истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражага етказилади.

Янги товар лойҳасини ишлаб чиқиш ва у асосида техника, технология яратиш катта миқдордаги капитални талаб қилади. Шу сабабли янги товарлар асосан капиталга бой, тараққий этган мамлакатларда яратилади.

2-босқич. Ўсиш. Бу босқичда маҳсулот мукаммал кўринишга келтирилади ва уни катта ҳажмда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Кейинчалик маҳсулотни хорижга экспорт қилиш бошланади. Иккинчи босқичда янги товарни экспорт қилиш бўйича мамлакат жаҳон бозорида монополияга эга бўлади. Чунки бошқа мамлакатларда бу товарнинг ўрнини босувчи товарлар хали ишлаб чиқарилмайди.

3-босқич. Тўйиниш. Янги товарни ишлаб чиқариш технологияси мукаммал кўринишга кетирилади ва товарнинг нархини пасайтириш мақсадида уни ишлаб чиқаришнинг бир қисми бошқа мамлакатларга ўтказилади. Арзонроқ ишчи кучидан фойдаланиш ҳисобига товарнинг таннархи пасаяди ва корхона юқори даромад олишни давом эттиради.

3-босқичда янги товарни ишлаб чиқаришнинг бир қисми меҳнат ресурсларига бой мамлакатга ўтказилади. Шу тариқа маҳсулотни ишлаб чиқариш бир мамлакатдан бошқа мамлакатга узатилиши жараёни бошланади.

4-босқич. Пасайиш. Бу босқичда товарнинг нархи кўп жиҳатдан арзон табиий ресурслар ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ. Шу сабабли нисбатан арзонроқ меҳнат ресурсларига эга бўлган мамлакат янги товарни ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўз қўлига олади. Бу босқичга келиб юқорида кўрсатилган сабаблар таъсири остида янги товарни ишлаб чиқарган мамлакат бу маҳсулотни импорт қилишни бошлайди.

5-босқич. Ички ишлаб чиқаришдан воз кечиш. Олдинги босқичда бошланган жараён ривожланиб боради ва янгиликни амалга оширган мамлакатда бу товарни ишлаб чиқариш тўхтатилади. Чунки арзон хомашёга, ишчи кучига эга бўлмаган мамлакат корхоналари бозорда ўз рақобатбардошлигини йўқотиб қўйишади ва ўз салоҳиятларини янги товарларни ишлаб чиқишга йўналтиришади. Бу босқичга келиб янги товарни ишлаб чиқаришни тараққий этган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга узатиш тўлиқ нихоясига етказилади ва тараққий этган мамлакатлар бу товарни тўлиқ хориждан импорт қилади.

Халқаро савдо назариялари таркибида бир қатор назариялар классик мактабнинг халқаро савдо концепциясини тўлиқ рад этишади. Бу назариялар орасида миқёс самараси, тармоқ ичидаги савдо, монополь рақобат шароитидаги савдо каби назарияларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Халқаро савдонинг миқёс самараси модели. Умумий иқтисодий назариядан маълумки, ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб боргани сари товарнинг таннархи пасайиб боради.

Миқёс самараси орқали ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил ёки деярли бир хил таъминланган мамлакатлар ўртасидаги савдо тушунтирилади. Миқёс самараси орқали технологик жиҳатдан бир-бирига яқин, ҳатто бир хил товар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар ўртасидаги савдони ҳам тушунтириш мумкин.

Миқёс самараси – ишлаб чиқаришнинг шундай ривожланишики, бунда омиллар сарфининг бир бирликка ўсиши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг бир бирликдан кўпроқ миқдорга ўсишига олиб келади.

Миқёс самарасининг вужудга келиш сабаблари кўп, аммо уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

ихтисослашув даражасининг ўсиши – ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ишчиларнинг белгиланган операцияларни бажаришга ихтисослашувининг ўсишига олиб келади;

ишлаб чиқаришнинг яхлитлиги – ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши шароитида ишлаб чиқаришга билвосита боғлиқ бўлган бўлимларнинг ҳажми деярли ўзгармасдан қолади. Бошқарув аппарати, бухгалтерия ва шу каби бошқа бўлимларнинг ойлик фонди ўзгармаслиги ҳисобига маҳсулотнинг таннархи пасаяди;

технологик иқтисод – ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши шароитида технологик жараёнларни мукамаллаштиришга, маркетинг ва реклама ишларини олиб боришга қилинадиган харажатларнинг маҳсулот таннархидаги улуши пасаяди.

Миқёс самараси мамлакатдаги тармоқ ва корхоналарнинг рақобат бозоридаги ҳатти-ҳаракати ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ташқи ва ички миқёс самараларига ажралади.

Ташқи миқёс самараси – бутун тармоқда ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши натижасида фирма доирасида товар бирлигига тўғри келадиган харажатларнинг камайиши.

Ички миқёс самараси – фирма доирасида ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтириш орқали товар бирлигига сарфланадиган харажатларнинг камайиши.

Ташқи миқёс самараси шуни назарда тутадик, ҳар бир фирманинг ҳажми ўзгармаган ҳолда бир хил товар ишлаб чиқарадиган фирмалар сони ортади. Одатда, ушбу ҳолатда бозор етарли даражада рақобатбардошлигини сақлаб қолади, бу эса шу модель асосидаги савдо қонуниятларини халқаро савдонинг классик назарияларига яқинлаштиради, яъни экспортёрлар ўзлари таъсир кўрсата олмайдиган бозордаги нархда хоҳлаган миқдорда товар сотишлари мумкин.

Ички миқёс самараси эса ишлаб чиқариш миқдори ўзгармаган ҳолда товар ишлаб чиқарувчи фирмалар сони камайган ҳолатни назарда тутди. Ушбу вазият аксарият ҳолларда носоғлом рақобатни келтириб чиқаради, яъни ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархига таъсир кўрсата оладилар ва товар нархини пасайтириш орқали сотиш ҳажмини орттиришлари мумкин.

Мамлакатларнинг рақобатбардошлик назарияси. Бу назариянинг асосчиси америкалик иқтисодчи олим М.Портердир. XX аср 80-йилларининг охирида бу олим жаҳон экспортининг 50% тўғри келувчи 10 та мамлакатдаги 100 га яқин тармоқларни ўрганиб чиқди. Бу изланишлар натижасида М.Портер ўзига хос назария яратди. Бу назарияга биноан мамлакат фирмалари фаолият олиб боровчи рақобатбардош муҳитни иқтисодиётнинг 4 та муҳим кўрсаткичи шакллантиради:

ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;

талаб кўрсаткичлари;

яқин ва хизмат кўрсатувчи (ёрдам берувчи) тармоқлар;

рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик – ишлаб чиқариш омиллари мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсир кўрсатишини ўрганиб бориш жараёнида, М.Портер одатдаги ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти) билан бирга илмий-техник ва бозор таркибининг ахборот билан таъминланганлик даражаси; транспорт, соғлиқни сақлаш ва алоқа тизимларининг ҳолатини ҳам ишлаб чиқариш омили сифатида кўриб чиққан. М.Портер бошқа иқтисодчилардан фарқли равишда, мамлакат ишлаб чиқариш омиллариининг кўпини мерос сифатида эмас, балки ўзининг ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориши жараёнининг натижаси сифатида қўлга киритади, деб ҳисоблайди. Мисол учун ер тақчиллиги сабабли Япония кўп жой эгалламайдиган технологик жараёнларни кашф этди.

М.Портер фикрига кўра, рақобатбардошлик – бу мамлакатнинг шарт-шароити билан фирмалари стратегиясининг мутаносиблиги натижасидир. Фирма халқаро миқёсда рақобатбардош бўлиши учун мамлакатда шарт-шароит бор бўлиши мумкин, аммо фирма бу шарт-шароитдан тўғри фойдаланишни билиши керак, яъни кўп нарса фирманинг стратегиясига боғлиқ.

Талаб кўрсаткичлари – бунга, биринчи навбатда, талабнинг сиғимкорлиги, унинг ривожланиш йўналиши, талабнинг товарлар турига кўра табақаланиши, истеъмолчиларнинг товар ва хизмат сифатига талабчанлиги киради. Товарлар халқаро савдога чиқишдан олдин ички бозорда, маҳаллий истеъмолчилар синовидан ўтиши керак. Мисол учун, Япон фирмалари энергияни тежайдиган кичик кондиционерларни олдин фақат ички истеъмолчилар учун ишлаб чиқарган ва кейинчалик бу кондиционерлар халқаро бозорга чиққан.

Яқин ва ёрдам берувчи (хизмат кўрсатувчи) тармоқлар – экспортёр фирмаларни керакли материаллар – яримфабрикатлар, қўшимча қисмлар ва ахборот билан таъминловчи қардош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг юқори ривожланишга эгаллиги экспортёр фирманинг халқаро миқёсда рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Мисол учун, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Италия фирмалари ривожланмоқда, бунинг асосида қимматбаҳо тошлар ва металлларга ишлов берувчи техника ишлаб чиқариш бўйича Италия дунёда етакчи мамлакат эканлиги ётади.

Рақобат муҳити ва фирма стратегияси. М.Портер битта миллий фирма қўлида ишлаб чиқаришнинг концентрациялашувини ижобий натижага олиб келишини инкор этади, айниқса, бу фирма давлат ҳимоясида бўлса. Одатда, бу фирмалар паст даражадаги самарадорлик ва меҳнат унумдорлигига эга бўлишади. Ички бозордаги кучли рақобат миллий фирмани ташқи бозорга йўл қидиришга мажбур этади.

Ички бозордаги рақобат курашида тобланган фирма ўз тажрибасини рақобат янада кучлироқ бўлган халқаро бозорда қўллайди. Ички кураш қанчалик оғир кечган бўлса, бу фирма халқаро бозорда муваффақиятга эришиш имконияти шунчалик катта.

М.Портер рақобат глобал кўринишда бўлиши керак деб ҳисоблайди. Фирма ўз товарини фақат ички бозорда эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб сотишга ҳаракат қилиши керак. Бунда фирманинг стратегияси катта аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга битта универсал стратегияни келтириш мумкин эмас. Мисол учун мебель ва оёқ-кийим ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи бўлган Италия фирмалари катъий бошқарув тизимига эга эмас. Оптика ва машина ишлаб чиқаришда дунёда етакчилик қилувчи Германия фирмалари одатий марказлашган, катъий бошқарув тизимига эга.

Мамлакатни халқаро миқёсда рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи асосий 4 та кўрсаткичдан ташқари бошқа омиллар ҳам бор. Бу омиллар қаторида М.Портер тасодикий ҳодисаларни ҳам келтиради. Тасодикий ҳодисалар ҳукумат ва фирмалар фаолиятига унчалик боғлиқ бўлмаган ҳодисалардир. Улар мамлакатнинг

рақобатбардошлигини ошириши ҳам, пасайтириши ҳам мумкин. Тасодифий ҳодисаларга янги кашфиётлар, йирик технологик силжишлар, ресурслар нархларининг кескин ўзгариши жаҳон молия бозорларидаги кескин ўзгаришлар, урушлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Умуман олганда, халқаро савдонинг назарий асослари меркантилистлар мактабидан бошлаб янги кейнсчилар мактабига қадар ривожланиб келган. Бу назариялар турли хил ёндашувларга асосланган ва уларнинг бир қисми ўзаро боғлиқликда, бир-бирини тўлдириб келса, бошқалари қарши йўналишда ривожланган.

Меркантилистлар биринчи бўлиб халқаро савдонинг ўзига хос моделини таклиф этдилар. Улар мамлакатнинг бойлиги мамлакатда мавжуд булган олтин ва кумуш миқдори билан боғлиқ деб ҳисобладилар. Меркантилистлар товарларни мамлакатга олиб киришга нисбатан уларни четга кўпроқ олиб чиқиш, экспортни кўпайтириш ва импортни қисқартириш учун ташқи савдони тартибга солиш, четга хомашё олиб чиқишни кескин чегаралаш ёки тақиқлаш, хомашёларни четдан божларсиз импорт қилишга рухсат бериш, колонияларнинг метрополиядан ташқари барча бошқа мамлакатлар билан ҳар қандай савдосини тақиқлаш керак деб таъкидладилар.

Адам Смит томонидан ишлаб чиқилган мутлоқ устунлик назариясига мувофиқ, мамлакатлар ўзлари энг кам харажатлар билан ишлаб чиқарадиган товарларни экспорт қиладилар ва бошқа мамлакатларда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқариладиган устунликка эга булган товарларни импорт қиладилар.

Классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири Д. Рикардо товар оқимлари ҳаракатига далил сифатида нисбий устунликнинг миқдорий назариясини таклиф этди. Албатта, нисбий устунлик назарияси мавҳум ва жуда соддалаштирилган табиатга эга ҳамда халқаро савдога бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор ҳодисаларни эътиборга олмайди. Назариянинг чекланганлиги унинг яратилишида қилинган фаразлар билан боғлиқ.

Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига кўра, омиллар сифатлиги маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини, омиллар кўплиги мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгилаб беради. Турли мамлакатларда товарлар нисбий нархидаги фарк, ўз навбатида, улар ўртасидаги савдо уларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги билан тушунтирилади.

Халқаро савдонинг стандарт модели халқаро савдода умумий мувозанат модели ҳисобланади ва мамлакат ичида товарга бўлган талаб ҳамда товар таклифини шу товарга бўлган хорижий талаб ва таклифни ўзаро боғлайди. Бу модель турли миқдордаги товарларни экспорт қилишга хоҳиш уйғониши учун мамлакат қанча миқдорда бошқа бир товарларни импорт қилиши кераклигини ифодаловчи ўзаро талаб тушунчасига асосланган. Ушбу модель халқаро савдонинг барча асосий параметрларини ва у билан боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётнинг параметрларини ўрганиш имконини беради.

Халқаро савдода иштирок этувчи ҳар қандай мамлакат учун экспорт ва импорт нархларининг ҳар қанча ўзгариши реал даромаднинг ўзгаришини англатади. Товар нархи ошганда, бу товар экспорт қилинаётган бўлса, мамлакатнинг реал даромади ошади, агар бу товар импорт қилинаётган бўлса, аксинча, реал даромад камаяди.

Маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг нисбати ёки экспорт ҳамда импорт нархлари индекслари нисбати орқали аниқланувчи мамлакат экспорт ва импорт нархларининг нисбати савдо шарти, деб аталади. Унинг ўсиши натижасида мамлакат бойлиги ортади, пасайиши натижасида эса бойлик камаяди. Таклифнинг ортиши (иқтисодий ўсиш) ва талабнинг ортиши (даромаднинг қайта тақсимланиши) савдо шартига таъсир кўрсатиши мумкин.

XX асрда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги экспорт-импорт операцияларининг сифатий хусусиятларини эътиборга олувчи янги тамойиллар пайдо бўлди; кейинги йилларда бир катор америкалик иқтисодчилар томонидан товар айирбошлашнинг турли омилларини ҳисобга олувчи «товарнинг ҳаётий цикли», «халқаро рақобат» ва бошқа моделлар ишлаб чиқилди.

Назорат саволлари

- 1.Меркантилизм назариясининг мазмуни қандай ва унинг чекланганлиги нимада?
- 2.Мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш даражаси нима?
- 3.Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг кучли ва кучсиз томонлари нимада?
- 4.В.Леонтьев парадоксини тушунтириб беринг.
- 5.Хекшер-Олин назариясига мувофиқ мамлакатларнинг ихтисослашуви қайси омилларга таяниши зарур?
- 6.Столпер-Самуэльсон назарияси мазмуни нимадан иборат?
- 7.«Миқёс самараси» назариясида ишлаб чиқариш харажатлари қандай қилиб пасайтирилади?
- 8.Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назариясида маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли нечта босқичга бўлинади ва қайси босқичда савдо манфаатли ҳисобланади?
- 9.М.Портернинг рақобатбардошлик назариясига мувофиқ мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

3-мавзу. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

- 1.Халқаро савдода давлатнинг роли
- 2.Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари
- 3.Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари
4. Жаҳон савдо ташкилоти

1.Халқаро савдода давлатнинг роли

Ташқи савдо сиёсати давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми саналиб, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш ва ташқи рақобатдан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга кўмаклашувчи чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Ташқи савдо сиёсати қуйидаги икки йўналишни ўз ичига олади:

- экспорт сиёсати;
- импорт сиёсати.

Экспорт сиёсати экспортга йўналтирилган ривожланиш модели доирасида ривожланади. Импорт сиёсатининг турларидан бири импорт ўрнини қоплаш сиёсати ҳисобланиб, бу сиёсат кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётининг саноатлашишида катта роль ўйнаган.

Ташқи савдо сиёсатининг асосида мумкин қадар қулайлик яратиш режими ётади. Ташқи савдо сиёсати турли даражада амалга оширилади: миллий, икки томонлама, ҳудудий, халқаро. Қайд этиб ўтилган ҳар бир даража ўз хусусиятларига эга.

Давлатнинг ташқи савдога аралашуш микёсига қараб ташқи савдо сиёсати протекционистик ва эркин савдо характериға эға бўлади.

Эркин савдо муносабатлари, талаб ва таклиф асосида ривожланадиган эркин савдо давлатнинг энг кам аралашуви сиёсатини акс эттиради.

Протекционизм – тариф ва нотариф инструментларни қўллаш йўли билан икки бозорни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатидир. Қайси сиёсат афзал, деган савол иқтисодчиларнинг доимий баҳслашувига олиб келади. Миллий саноат ривожланишига имкон берувчи протекционизм афзалми ёки миллий ишлаб чиқариш устуворликларини халқаро устуворликлар билан қиёсий таққослаш имконини берувчи савдо эркинлигими?

Тарихнинг турли давларида ташқи савдо амалиёти гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қайишиб келган, тўғри, у ҳеч қачан экстремал шакллардан бирантасини қабул қилмаган. XX асрнинг 50–60-йилларида халқаро иқтисодиёт учун протекционизмдан ташқи савдони янада либераллаштириш томонга қайтиш хос бўлган бўлса, 70-йилларнинг бошидан тескари тамойил кўзга ташланди – мамлакатлар ўз ички бозорларини тариф ва нотариф тўсиқлар ёрдамида хорижий рақобатдан ҳимоя қилишни бошладилар.

Замонавий протекционизм нисбатан тор соҳаларда – қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, кийим-кечак ва пўлат тармоқларида мужассамлашган.

Протекционистик тамойиллар ривожланишининг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

- селектив протекционизм – айрим мамлакатлар ёки товарлар гуруҳига нисбатан қўлланилади;
- тармоқ протекционизми – муайян тармоқларни, аввало аграр протекционизм доирасида қишлоқ хўжалигини ҳимоялайди;
- жамовий протекционизм – мамлакатлар бирлашмалари томонидан ушбу бирлашмага кирмайдиган мамлакатларга нисбатан қўлланилади;
- яширин протекционизм – ички иқтисодий сиёсат усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Савдо сиёсати доирасида иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар узвий боғланиб кетади. Халқаро иқтисодиёт асосан савдо сиёсати чораларини қўллашнинг иқтисодий шарт-шароитларини ва оқибатларини ўрганиб, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни ихтисослашган фан тармоқлари, чунончи, халқаро савдо ҳуқуқи, халқаро маркетинг кабиларнинг кўриб чиқиши учун қолдиради.

Халқаро савдонинг давлат бошқаруви инструментлари ўз хусусиятига кўра тариф–божхона тарифини қўллашга асосланган ва нотариф – бошқа барча усулларга бўлинади. Бошқарувнинг нотариф усуллари микдорий ва яширин протекционизм усуллариға бўлинади. Савдо сиёсатининг алоҳида инструментлари кўпинча импортни чеклаш ёки экспортни рағбатлантириш зарурати туғилганда қўлланилади.

Давлатнинг халқаро савдо соҳасидаги асосий вазифаси – мамлакат экспортёрларига ўз маҳсулотларини иложи барича кўпроқ микдорда хорижга экспорт қилишда ёрдам бериш, уларнинг товарларини ташқи бозорда янада рақобатбардош қилишдир. Мамлакат ичкарасида хорижий товарларга талабни кучайтириш, импортни чеклаш ҳам унинг вазифасига киради.

Дунёнинг турли мамлакатлари ўз савдо сиёсатларини амалга ошириш учун турли дастаклардан фойдаланадилар. Нотариф чеклашларнинг ўртача даражасига, одатда, у ёки бу чеклашга оид импорт ёки экспортнинг қиймат улуши сифатида қаралади. Бунда уларнинг натижа бериш даражасига тузатиш киритилади. Масалан, зарурий ҳужжатлар тақдим этилганда ҳокимият органлари томонидан бериладиган

экспорт учун автоматик лицензия, шубҳасиз, белгиланган миқдордан ортиқ товарларни экспорт қилишни тақиқловчи экспорт квотасига қараганда анча кам даражада экспортни чегаралайди. Товарларни экспорт ва импорт қилишга оид турли чеклашлар, танлаб лицензиялаш юқори даражада самарали миқдорий чекловлар саналади. Автоматик лицензиялаш, мосланувчан квоталар кам самара берувчи чекловларга киради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат халқаро савдо сиёсатининг у ёки бу дастакларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилар экан, одатда, уларнинг биргаликда таъсир кўрсатиши ва жорий вазиятга таъсирини, давлат ичкарасида ва ундан ташқарида кутилаётган истикболларни баҳолайди.

2.Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари

Ташқи савдони тартибга солишда ҳукумат тариф ва нотаиф дастакларни қўллайди ва ушбу дастакларнинг амалий қўлланилишини давлат ёки жамоат ташкилотлари таъминлайди. Тарифлар божхона тарифларига асосланган дастаклар бўлса, нотаиф дастаклар қолган ҳамма дастакларни ўз ичига олади.

Савдо сиёсатининг асосий дастаги – бу божхона тарифидир. Божхона тарифига турли хил таърифлар берилган, аммо фикримизча, улар орасида энг тўғриси қуйидагича: “божхона тарифи – бу маҳсулот божхона чегарасидан олиб ўтилаётганда тўланиши керак бўлган божхона божлари ҳақидаги умумий маълумотдир”.

Божхона божи маҳсулотни импорт ёки экспорт қилганда божхона ходимлари томонидан ундириладиган мажбурий тўловдир. Божхона божи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- фискаль – давлат бюджетига келиб тушувчи тушумлардан бири божхона божидир;

- протекционистик (ҳимоя вазифаси) – импортни чеклаш орқали миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилади;

- балансловчи – айрим сабабларга кўра ички нархи жаҳон нархидан паст бўлган маҳсулотларни хорижга оқиб чиқиб кетилишини чеклайди.

Божхона божларини турли мезонлар бўйича қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ундириш усулига кўра:

- адволор – маҳсулотни божхона қийматидан фоиз шаклида ҳисобланувчи ва ундирилувчи бож;

- специфик – маҳсулотнинг ҳар бир ўлчов бирлигидан белгиланган миқдорда ундириладиган бож;

- комбинациялашган – адволор ва специфик узвий равишда биргаликда қўлланилувчи бож.

2. Ундириш объектига кўра:

- импорт – импорт қилинувчи маҳсулотлардан ундирилувчи бож;

- экспорт – экспорт товарларидан ундирилади;

- транзит – божхона ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан ундирилади.

3. Харақтерига кўра:

- даврий – даврий маҳсулотлар (асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)нинг халқаро савдосини тартибга солишнинг жорий дастаги бўлган божлар;

- демпингга қарши – мамлакат ҳудудига ўзининг ҳақиқий нархидан паст нархда товар олиб кирилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларга зарар етказилса, бу маҳсулот импортидан ундириладиган бож;

- компенсацион – импорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита субсидиялар қўлланилган бўлса ва бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларга зарар келтириладиган бўлса, қўлланиладиган бож.

4. Келиб чиқишига кўра:

- автоном – давлат бошқа давлатлар билан келишиб ўтирмасдан жорий қилинган бир томонлама божлар;

- конвенцион – икки ёки куб томонлама келишув асосида жорий қилинувчи божлар;

- преференциал – саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинадиган товарлардан ундириладиган чегирмали божлар.

5. Ставка турига кўра:

- доимий – шарт-шароит ўзгарса ҳам ўзгармасдан турадиган бож;

- ўзгарувчан – ҳукумат томонидан белгилаб қўйилган ҳолларда ўзгариб турадиган бож.

6. Ҳисоблаш усулига кўра:

- номинал – божхона тарифида кўрсатилган бож ставкалари. Бу ставкалар мамлакат божхона ҳимояси тўғрисида фақат умумий маълумотларни бериши мумкин;

- реал – қисм ва деталлардан ундирилувчи божхона божларини ҳисобга олган ҳолда якуний товарлардан ундирилувчи ҳақиқий бож. Бу бож тариф эскалациясини акс этиради.

Ҳар қандай давлат тариф сиёсатини қўллар экан тарифларни ягона тизимга бирлаштиради. Божхона органи олиб бориладиган божхона сиёсати доирасида бож тўламасдан олиб чиқиши (ёки олиб кириши) мумкин бўлган ёки бож ундирилиши лозим бўлган товарларни аниқлаштиради. Бож ставкалари товар турига қараб ўзгариб боради.

Божхона тарифлари юридик ва жисмоний шахслар учун ўрнатилади, бож ундириш принциплари турлича бўлади. Жисмоний шахслар шахсий эҳтиёжлари учун зарур бўлган ёки бож олинмайдиган минимум чегарасида товарларни бож тўламасдан олиб чиқиш ҳуқуқига эга. Одатда, давлат товарларни бож тўламасдан олиб чиқиб кетишнинг чегарасини (қийматли эквивалентини) белгилаб беради. Бундан ташқари, баъзи товарлар бўйича олиб чиқиш ва олиб киришнинг чегаравий меъёрлари ўрнатилади. Ўзбекистонда шахсий эҳтиёжлар учун бож тўламасдан 2 литргача спиртли ичимликлар, 1000 донагача тамаки маҳсулотлари, 30 метргача синтетик матолар, 5 килограммгача гўшт, 5 тагача тери маҳсулотлари ва ҳоказоларни бож тўламасдан олиб чиқиш ва олиб кириш мумкин. Олиб ўтиладиган товарлар ҳажми бу меъёрлардан ошганда жисмоний шахс экспорт ёки импорт божларини тўлайди.

Бошқа мамлакатларда товарларни бож тўламасдан олиб ўтиш меъёрлари, айниқса, спиртли ва тамаки маҳсулотлари учун бирмунча кам ўрнатилган. Масалан, Франция, Германия, Япония, АҚШ ва Украинада бож тўламасдан 200 дона сигарета олиб кириш мумкин.

Актив божхона сиёсатини олиб боришдан мақсад ички бозорни импорт товарлари билан тўлдириш ёки муайян товарларнинг ички бозорларга кириб келишининг олдини олишдан иборат. Агар давлат хориж товарларининг ички бозорларга кириб келишини маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қилишини хоҳламаса, унда бу товарларнинг олиб кирилиши бутунлай тақиқланади ёки уларга нисбатан юқори тарифлар жорий этилади. Масалан, Япония ва Буюк Британияда божхона тарифлари 0 дан 30–40% гача ўзгариб туради. Мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ва товарларга нисбатан 0 ставкали, тайёр маҳсулотлар, айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган турдош

маҳсулотларга нисбатан энг юқори ставкали тарифлар ўрнатилади. Ҳатто, энг тараққий этган мамлакатлар ҳам ички бозорларини тарифлар ёрдамида ҳимоя қилади. Юқори божхона тарифлари маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар учун юқори харажатларни қоплаш вазифасини ўтайди.

Тарифлар Ғарбий Европа мамлакатларида XVII асрдан бошлаб жорий этилган.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан импортга нисбатан қўлланиладиган тариф ставкалари паст даражада бўлса-да, баъзи турдаги товарлар бўйича божхона ставкалари юқорилигича қолмоқда. Кўпчилик истеъмол, қишлоқ хўжалик ва меҳнат сиғимкорлиги юқори товарларга нисбатан жорий қилинган тариф ставкалари умумий тариф ставкаларидан 10–20 барабар юқоридир. Мисол учун, АҚШда кийим-кечак ва пойабзал импортига нисбатан жорий этилган тариф ставкалари 11% дан 48% гача етиши мумкин. 2001 йилда кийим-кечак ва пойабзал импорти АҚШ умумий импортининг 6,5% ини ташкил этган бўлса-да, мазкур товарлардан ундирилган тарифлар тарифлардан тушадиган даромадларнинг деярли ярмини ташкил этган ва 20 млрд. долларга тенг бўлган. Худди шундай ҳолат бошқа саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида ҳам кузатилади. Масалан, Европа Иттифоқида гўшт маҳсулоти импортига нисбатан жорий этилган тарифлар 236% ни, дон маҳсулотларига нисбатан 180% ни, спорт оёқ кийимларига нисбатан эса 17% ни ташкил этади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, тараққий этган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари экспортига нисбатан қўлланилаётган тарифлар камлик қилса, уларга нотариф характердаги тўсиқлар ҳам жорий этилади. Ғарб мамлакатларида ривожланаётган мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган экспорт товарларга нисбатан нотариф тўсиқларни қўллашнинг етти юздан ортиқ ҳоллари кузатилган. Уларга микдорий чеклашлар, лицензиялаш ва бошқа турдаги тўсиқларни киритиш мумкин. Нотариф тўсиқларни қўллаш бўйича етакчи мамлакатлар қаторига Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония ва Швейцарияни киритиш мумкин. Ташқи савдони тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қайси усуллардан кўпроқ самарали фойдаланиш мумкин деган саволни асослаб бериш лозим. Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон амалиётида эркин савдо ғоясига халқаро ташкилотларнинг уставларида ва халқаро иқтисодий муносабатларга бағишланган дарсликлардагина амал қилишади. Ҳозирги вақтда тарифларни қўллаш борасида муаммоларнинг вужудга келишининг сабаби тариф тўсиқларидан фойдаланишда қатъий назорат ўрнатилиши ҳисобланади. Мана шундай халқаро ташкилотлардан бири ЖСТдир. ЖСТга қадар фаолият юритилган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ) доирасида асосий масала ўзаро савдо муносабатларида тариф тўсиқларини камайтиришга қаратилган эди. ГАТТ фаолиятидаги асосий вазифа божхона божларини қисқартириш ёки бекор қилиш ҳисобланган. 1945–1947 йилларда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда божхона божларининг ўртача кўрсаткичи 40–60% ни, баъзи маҳсулотлар бўйича эса 70–90% ни (кимё маҳсулотлари) ташкил этган. 80-йилларга келиб божхона тарифлари 3–5% гача пасайди. ГАТТ қоидалари тўла кучга кирган вақтдан бошлаб саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда импорт божлари 3/4 баробарга қисқартирилди. Жумладан, “Токио раунди” музокараларидан сўнг, бу кўрсаткич 4,7 фоизни ташкил этди. Божхона божларини камайтириш масаласи ҳозирга қадар муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. ГАТТнинг “Уругвай раунди”нинг ҳал қилувчи пакетида қатнашувчи мамлакатларда божхона божларини учдан бир қисмгача пасайтиришга эришилди. Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, пиво, баъзи спиртли ичимликлар, қурилиш жиҳозлари, офис мебеллари, ўйинчоқлар, фармацевтика маҳсулотлари божхона божларидан озод қилинди. Шу тариқа импортнинг 40 фоиздан ортиғи божхона божларидан озод қилинди. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди ва 1998 йил 1 январдан бошлаб

ГАТТга аъзо бўлган мамлакатларда божхона тўловлари ставкаси ўртача 3% ни ташкил этди.

ГАТТ/ЖСТ асосида аъзо мамлакатларнинг импортга тарифларини чеклаш мажбурияти ётади. Асосий талаб шуки, аъзо мамлакатлар бу ташкилотга кириш чоғида тарифларни ўзларига мажбурият қилиб олган ёки кўптомонлама музокара раундларида ўзаро келишилган даражадан оширмаслик мажбуриятини олишлари лозим. Ушбу тариф даражалари “тариф мажбуриятлари” деб аталади. “Уругвай раунди”нинг асосий ютуғи шундаки, унда кўпчилик аъзо мамлакатлар томонидан ўзларидаги амалда мавжуд барча тарифларни қисқартириш мажбуриятларини олишди.

Тариф квотаси. Импорт божи ички қарама-қаршиликка эга. Яъни ишлаб чиқарувчилар, бир тарафдан, халқаро рақобатдан қутулиш мақсадида импорт божидан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан, иш вақтидан ташқари вақтда истеъмолчи сифатида импорт тарифига қаршидирлар. Бу зиддият қисман тариф квотасини жорий қилиш орқали ҳал этилади.

Тариф квотаси — ўзгарувчан божхона божи кўриниши бўлиб, бож ставкаси миқдори импорт қилинадиган товар ҳажмига боғлиқ бўлади: маълум чегарадаги импортга пастроқ миқдордаги бож, бу чегарадан ошиб кетганда юқорироқ бож ўрнатилади.

Экспорт тарифи. Экспорт божлари экспорт товарлари мамлакат чегарасидан чиқиб кетаётганда олинadиган мажбурий тўловдир.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, протекционистик сиёсат босқичма-босқич тоталитар режимлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизимида чекланган макон ва замонда амалга оширилган.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Аҳоли турмуш даражаси харажатлар улушининг ортиб кетиши туфайли пасайиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар ички бозорга олиб кирилган товарлар учун янада юқорироқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган аҳоли жамғармаларининг камайишига олиб келади.

- Аксарият мамлакатлар томонидан тариф чеклашларининг жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи самараси вужудга келиши.

- Миллий иқтисодиётда самарасиз соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Турли имтиёзлар берилиши натижасида ишлаб чиқарувчиларда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.

- Иқтисодий соҳада коррупция ва эгаллаган мансаб, лавозимидан фойдаланишнинг кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иқтисодиётнинг «ёпиклиги», одатда, ТИФнинг криминаллашуви учун озуқа муҳитини яратади.

Ҳукуматнинг ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини жорий этишга мажбур этувчи омиллар таркибида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳаларини қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш;

- давлат кўмагисиз тузилмасини қайта қуришнинг иложи бўлмаган жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-қувватлаш;

- камситувчи савдо сиёсати амалга ошираётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тариқасида демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа нотариф усуллари билан курашиш;

- жаҳон бозор конъюнктурасидаги тебранишларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хомашё ва табиий ресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади;

- бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш, кўпайтириш – ўтиш даври иқтисодиёти ва ривожланган мамлакатларда аксарият ҳолларда протекционистик сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Тариф усуллари қўллаш тарафдорларининг фикрича, тарифларнинг иқтисодиётга ижобий таъсири қуйидагича бўлади:

- тарифлар ёш тармоқларни ҳимоя қилишга хизмат қилади;
- давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида фойдаланилади;
- мамлакат ичкарасида даромадни қайта тақсимлаш фаоллашади;
- арзон хорижий ишчи кучини жалб этиш имконияти яхшиланади;
- мамлакатнинг хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашувининг олди олинади.

Тариф усуллари қўллашга қарши бўлганларнинг фикрича, тарифларнинг иқтисодиётга салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

- тарифлар ташқи савдони чеклаш, дунё ишлаб чиқариши ҳажмининг қисқариши сабаб бўлади;
- мамлакатлар ўртасида товарларнинг оптимал тақсимотига тўсқинлик қилади;
- истеъмолчига солиқ юкининг ортишига олиб келади;
- импортга белгиланган тарифлар экспорт ҳажмининг қисқаришига таъсир қилади;
- тарифларнинг белгиланиши мамлакатдаги ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, протекционизм ташқи савдо операцияларига турли-туман чеклашларни жорий этувчи давлатга вақтинчалик, тактик ютуқ келтирса-да, стратегик, узоқ муддатли стратегияда истиқболсиз сиёсат ҳисобланади. Бу сиёсат XX аср тажрибасидан маълумки, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Шундай бўлса-да, иқтисодий эркинлаштириш курсини сақлаган ҳолда протекционизмнинг айрим унсурларидан оқилона фойдаланиш маълум вақт мобайнида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Уларни товар оқимларига таъсири табиатига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилувчи иккита асосий типга ажратиш мумкин: иқтисодий ва маъмурий.

Иқтисодий (тарифли деб ҳам аталадиган) усуллардан фойдаланганда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар, энг аввало, нарх мутаносиблиги, товар ва ресурслар экспорти ҳамда импортнинг сифати ва шартларига амал қилишади. Ташқи савдони тартибга солишнинг маъмурий (мас равишда тарифсиз) усулларидан фойдаланилганда бозор механизмига давлат органлари томонидан таъсир ўтказилади, уларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг хоҳишларини белгилаб беради.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона божлари, божлар, йиғимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, мас. акцизлар киради.

3. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари

Тарифсиз усуллар - товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик

иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир.

Ташқи иқтисодий фаолият амалиётида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган усулларида бири божхона божлари ҳисобланади. Божхона божи иқтисодий моҳияти жиҳатидан товар давлат чегарасидан ўтаётганда олинадиган махсус пул йиғими, солиқни билдиради.

Божхона божига тортишнинг иккита асосий усули мавжуд:

Махсус, бунда бож миқдори товарнинг оғирлиги, ҳажми миқдори бирлигидан белгиланган сумма сифатида ўрнатилади (масалан, автомобиль двигателининг 1 см³ дан).

Адвалор (лот. — *ad valorem* — қийматдан), бунда божхона божи сотувчи томонидан қайд этилган товар қийматидан фоиз кўринишида аниқланади.

Катта мамлакат учун импорт тарифи фақатгина ички ишлаб чиқаришни ҳимоялаш эмас, балки ташқи дунё билан савдо шартини яхшилаб олиш воситаси ҳамдир. Дарҳақиқат, катта мамлакат импортни қисқартирса, бу мамлакат ана шу товарнинг асосий харидори бўлганлиги сабабли экспортёр мамлакат ушбу товар нархини пасайтиришга мажбур бўлади. Экспорт товарлари нархи ўзгармаган ҳолда импорт товарлар нархининг пасайиши импортёр мамлакат учун савдо шартининг яхшиланишига олиб келади. лекин катта иқтисодиётли мамлакат ҳам импорт божини жорий қилишдан соф фойда кўрмаслиги мумкин.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар олиб кирилган товарлар учун янада юқорироқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган истеъмолдан ортадиган жамғармаларни камайишига олиб келади.
- Янада кўпроқ мамлакатлар томонидан тариф чеклашларини жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи эффектнинг пайдо бўлиши.
- Миллий иқтисодиётда носамаравий соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Миллий корхоналарга имтиёзлар берилиши шароитида ишлаб чиқарувчиларда харажатларни камайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.
- Иқтисодий соҳада коррупция ва ўз амалидан фойдаланишнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иқтисодиётнинг «ёпиқлиги» одатда ТИФнинг криминаллашуви учун озуқа муҳитини яратади.

Ҳукуматнинг ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини жорий этишга мажбур этувчи омиллар (ижобий омиллар) ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳалари кудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш.
- Давлат кўмагисиз тузилмасини қайта қуришнинг иложи бўлмаган жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-қувватлаш.
- Дискриминацион савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тариқасида демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа ноҳалол усуллари билан курашиш.
- Жаҳон бозор конъюнктурасидаги тебранишларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хомашё ва табиий ресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади.
- Бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш - ўтиш даври иқтисодиётли ва ривожланган мамлакатларда давлат бюджети кўпинча протекционистик

сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Нотариф усуллар - товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Нотариф усуллар микдорий, молиявий, яширин ва ноиктисодий усулларга ажратилади. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган утиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир.

Квоталаш ёки контингентлаш

Умуман олганда, бошқа мамлакатлар билан савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усулларининг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг ичида энг кенг тарқалгани квоталардир. Агар тарифли усуллар аниқ бир товар гуруҳи бўйича экспорт ёки импорт ҳажми масаласини очиқ қолдирса, квоталар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотнинг қиймат ёки микдорий ҳажмини тўғридан тўғри чеклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Импорт квоталарини жорий қилишда давлат миллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий рақобат таъсирини бартараф қилишга интилади. Бундай квоталарнинг ҳаракат механизми импорт тарифларидан фойдалангандаги ҳолатни эслатади, яъни импорт товарлар таклифи чекланганда ички баҳолар жаҳон нархига нисбатан ўсиб боради.

Импорт квоталари каби экспорт квоталари ҳам мамлакат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда ёки манфаатдор ҳамкор билан халқаро келишув ҳулосаси орқали жорий этилиши мумкин. Улар глобал ёки маълум даврда амал қилувчи мавсумий бўлиши мумкин.

Квоталаш жараёни (бошқача қилиб айтганда, контингентлаш), одатда, лицензиялаш, яъни махсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишга ваколатга эга бўлган давлат ташкилотлари (вазирликлар ва маҳкамалар) томонидан рухсат бериш билан биргаликда кузатилади.

Ташқи савдони лицензиялаш турли кўринишларни олиши мумкин: бош лицензия, бир марталик лицензия ва автоматик лицензия.

Лицензияларни жойлаштиришнинг асосий усуллариға қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Очиқ конкурс — бунда максимал нарх таклиф қилган фирма лицензияға эға бўлади;
- якқол афзаллик тизими - бунда давлат ана шу соҳадаги энг обрўли компанияларға лицензия беради;
- ҳаражатлар усули - бу рақобатчиларига нисбатан каттароқ ишлаб чиқариш қувватларига ва бошқа ресурсларға эға корхоналарға лицензия беришни англатади.

Мутахассисларнинг фикрича, экспорт квоталарининг муҳим турларидан бири кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) ҳисобланади. КЭЧ ҳолатида экспортёр-давлат «кўнгилли» равишда бошқа мамлакатға олиб чиқадиган маҳсулоти ҳажмини чегаралайди ва ҳамкор тазийқи остида минимал импорт нархларини ўрнатади.

Алоҳида мамлакат импорт ёки экспортни бир томонлама чегаралашида фойдаланадиган яширин протекционизм усуллариининг юздан ошиқ тури мавжуд. Бу усулларни тўртта катта гуруҳға ажратиш мумкин:

- Техник тўсиқлар;
- Ички солиқлар ва йиғимлар;
- Давлат харидлари доирасидаги сиёсат;
- Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар.

Лицензиялашга қўшимча равишда, давлат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни бевосита ва билвосита субсидиялар тизими, яъни мамлакат бюджетидан айрим корхоналарга ва маҳаллий ҳокимият органларига дотациялар бериш орқали рағбатлантириши мумкин. Бундан мақсад арзон импорт товарлари рақобатидан ҳимоя қилиш, энг асосийси - миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни рағбатлантиришдан иборат. Бу вазиятда бевосита субсидиялар пул кўринишидаги маблағни, билвосита субсидиялар эса имтиёзли шартларда кредитлаш, солиққа тортиш, хавф-хатарни суғурталаш бўйича давлат томонидан кафолатлаш, давлат хазинаси ҳисобидан экспорт қилинадиган товарларни ташқи бозорларда реклама қилиш кабиларни назарда тутди.

Экспорт субсидиялари миқдори ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноати экспорти қийматининг 1 фоизидан ошмайди, бироқ айрим товар гуруҳлари учун, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда бу меъёр жуда катта миқдорга етиши мумкин.

Экспорт кредитлари ташқи савдо сиёсатининг молиявий усули бўлиб, у миллий фирмалар экспорти ривожланишини давлат томондан молиявий рағбатлантиришни назарда тутди.

Экспорт кредитлари қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- Миллий экспортёрларга субсидиялашган кредитлар — давлат банклари томонидан бозор ставкасидан паст ставкада кредитлар берилиши;
- Хорижий импортёрларга давлат кредитларини берилиши, яъни кредит берган мамлакат товарини сотиб олиш шarti билан;
- Миллий экспортёрларни экспорт рискларидан суғурталаш.

Ташқи савдони нотариф усуллар билан тартибга солиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, экспорт субсидиялари кўпинча демпингга - хорижий бозорларда экспортёр мамлакат ички бозоридаги ўртача нархга нисбатан паст баҳоларда сотишга моддий асос бўлади.

4. Жаҳон савдо ташкилоти

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1995 йилнинг 1 январида ташкил топди. ЖСТ кўп томонлама савдо тизимларининг ҳуқуқий ва институтционал асосидир. У муҳим шартнома мажбуриятларни таъминлайди. Бу шартнома мажбуриятлари ҳукуматларга ички қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда, шунингдек ташқи савдони бошқаришни аниқлаб беради. ЖСТ 1947 йилда ташкил топган ва 1948 йилнинг 1 январидан кучга кирган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ)нинг давомчиси ҳисобланади.

ГАТТ-ЖСТнинг қисми сифатида қуйидаги асосий қоидаларга эга:

1. Тарифлар орқали миллий иқтисодиётни ҳимоялаш. ГАТТ эркин савдо билан шуғулланса ҳам ЖСТга аъзо мамлакатлари ўзларининг миллий саноатини ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллигини тан олади. Бироқ, ГАТТ мамлакатлардан тарифлар орқали ҳимоя қилишни талаб этади. Бу тамойилни амалда бажарилишини таъминлаш учун ГАТТ қонун-қоидаларига кўра бир неча истиснолар бўйича миқдорий чекловлардан фойдаланиш ман этилди.

2. “Тарифларни алоқалаш”. Давлатлар кўп томонли савдо келишувлари орқали миллий саноатни кўллаб-қувватлашни камайтириши, иложи бўлса, тарифларни камайтириб, бошқа савдо тўсиқларини олиб ташлаши керак. Тарифлар маълум даражада камайиб “алоқа”га кирмоқда. Алоқага киришиш шуни билдирадики, аниқ бир маҳсулотни муносабатга киришишдаги тариф даражаси ЖСТ аъзосининг

мажбуриятидир ва асосий савдо шериги билан компенсация ҳақидаги келишувсиз тарифни ошира олмайди.

3. “Энг қулай режим.” ГАТТ нинг ушбу қонуни ажратмаслик принципи ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, экспортёр ва импортёр давлатларга ўзгартирилган тариф ва бошқа меъёрлар БСТнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам камситишларсиз қўлланилиши керак. Ҳеч қандай давлат бошқасига алоҳида савдо фойдаси ёки камситувчи чоралар қўя олмайди. Ҳамма бир хил даражада ва ҳамма савдо тўсиқларини тушириш мақсадидаги барча чоралардан фойда олади.

4. “Миллий режим”. Агар афзал қўрилган давлатларда камситиш ман қилинган бўлса, “Миллий режим” қонинида эса бозорга чиқарилган товарлар давлат ичида ишлаб чиқарилган эквивалент товарлар билан бир хил шарт-шароитда амалга оширилиши керак.

Жаҳон амалиётида ташқи савдо операцияларини тартибга солишни тариф ва нотариф услублари мавжуд бўлиб, уларни қай меъёрда ва қай қўламда қўлланилиши ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятидаги асосий йўналишлари билан белгиланади. ЖСТ талабларига кўра барча ташқи савдо операциялари имкон қадар тарифлар ёрдамида, яъни божхона божлари асосида тартибга солишни мақсадга мувофиқ.

ЖСТ халқаро савдо палатаси, БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича Конференцияси, Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банки, АҚШ тариф комиссияси ҳамда турли олимларнинг нотариф услубларини туркумлашга ўзгача ендашувлари мавжуд.

Ташқи савдо операцияларини тартибга солишда асосий ўринни тариф услублари хусусан, импорт божхона тарифи эгаллайди. ўз табиатига кўра импорт божхона тарифлари бир-бирига боғланган тўрт асосий элементдан таркиб топади:

- мамлакатга киритиладиган товарлар туркумининг (номенклатураси) тизимга солинган таркиби. Одатда у Божхона ҳамкорлиги Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва ЖСТ/ГАТТ тизимида тан олинган “Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг комил тизими” (ингл. Harmonised Commodity Description and Coding System) асосида амалга оширилади. Кўпгина ҳолларда у содда тарзда “Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси” (русча, одатда. ТН ВЭД) деб аталади;

- божхона қийматини аниқлаш услублари ва божлар ундириш тартиби. У тегишли давлатнинг Божхона Кодекси ва Бож тарифлари тўғрисидаги қонун ва ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида амалга оширилади;

- божларни киритиш ва бекор қилиш механизми (тартиби). Бу элементлар ҳам Божхона кодекси, Бож тарифлари тўғрисидаги қонун ҳамда ҳукумат ёки қонун чиқарувчи органларнинг махсус қарорлари асосида амалга оширилади;

- товарларни келиб чиқиш механизмини аниқлаш қоидалари. ЖСТ/ГАТТ ҳамда халқаро божхона ташкилоти йўриқномалари, тавсиялари асосида товарга қайси манзилда кўпроқ қўшимча қиймат қўшилганлигига асосланиб, унга асосий ишлаб чиқарилган давлат манзилини белгилаш.

Назорат саволлари:

1. Ташқи савдони тартибга солиш зарурияти нимада?
2. Ташқи савдо сиёсати нима ?
3. Савдо сиёсатининг йўналишлари ва дастаклари.
4. Божхона тарифининг турлари ва ҳисоблаш усуллари
5. Тариф ставкаси оптималлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.

4-мавзу. Халқаро ишчи кучи миграцияси

1. Жаҳон хўжалигида халқаро ишчи кучи миграциясининг сабаблари ва марказлари
2. Халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнини тартибга солиш
3. Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларда иммиграциянинг ҳуқуқий асослари
4. Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозоридаги иштироки

1. Жаҳон хўжалигида халқаро ишчи кучи миграциясининг сабаблари ва марказлари Жаҳон иқтисодиётида демография – аҳоли сонининг ҳаракати ва меҳнат ресурслари билан шуғулланувчи фан бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллар асосида аҳоли таркибини, динамикасини, шунингдек, жойлашуви ва кўчишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Шулар асосида турли мамлакат ва минтақаларда аҳоли сонининг ўзгаришлари, истиқбол даври учун тахминлар ишлаб чиқилади. Демографик статистикада туғилиш коэффиценти (ҳар 1000 кишига туғилганлар сони), ўлим коэффиценти (ҳар 1000 кишига ўлганлар сони), никоҳ коэффиценти, табиий ўсиш коэффиценти, яъни туғилиш ва ўлим коэффиценти ўртасидаги фарқлар каби кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Халқаро Меҳнат ташкилотининг таърифига кўра ишсизлар деб - охириги 4 ҳафта ичида иш қидираётган ва ишга эга бўлмаган ёки ишга жойлашиб хали ишга киришмаган кишиларга айтилади. Бу категория турли мамлакатларда турлича талқин этилади. Турли мамлакатларда ишсизлар сонини аниқлашда икки хил ёндашув мавжуд. Биринчиси - 1 ҳафталик текширишда ишсизлар статусига жавоб берувчи кишилар сонини аниқлайди, бу усул АҚШ, Японияда ишлатилади. Буюк Британияда бу усул қиммат ҳисобланиб, ишсизлар сони давлат бандлик хизматларига ишсизлик нафақасини олишга топширилган талабномалар асосида ҳисобланади.

Халқаро ишчи кучи миграцияси узок тарихга эга бўлсада, фақатгина XX асрга келиб ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатининг етакчи кўринишларидан бирига, бинобарин ХИМнинг алоҳида соҳасига айланди.

Буни қуйидаги сабаблар билан боғлаш мумкин:

- хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви;
- ижтимоий-демографик ўзгаришлар;
- фан-техника ва ахборот соҳасидаги инқилоб;
- интеграция жараёнларининг ривожланиши;
- трансмиллий корпорациялар фаолияти.

Ҳозирги кунга келиб жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) вужудга келдики, бу бозор асосини миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграция айланмаси ташкил этади. XX асрнинг охирига келиб меҳнаткаш-мигрантларнинг бир йилдаги ўртача миқдори 35 млн. кишига етди (1960-йилда 3,5 млн.). ЖИКБ фақатгина мигрантларни эмас, балки турли даражадаги миграция хизматларини, шунингдек, хорижий меҳнаткашлар ҳуқуқий статуси, уларнинг меҳнатини ҳимоялаш, уларга ижтимоий кафолатлар бериш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларни ҳам ўз ичига олади.

Меҳнат миграцияси деярли барча миллий иқтисодиётларга хос жараёндир. Бироқ унинг жадаллик даражаси жаҳоннинг у ёки бу ҳудудларида сезиларли фарқ қилади. Меҳнаткаш-мигрантларнинг энг жадал оқими ишчи кучини экспорт/импорт қилувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасида ва табиий демографик ўсиш суръатида жиддий фарқ бўлганда кузатилади. Миграциянинг асосий тўртта йўналишлари ичида жами миграция оқимининг ҳажми бўйича ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон ишчи кучларини кўчиши биринчи

ўринда туради. Мутахассислар куйидаги миграция оқимларини алоҳида кўрсатиб ўтишади: Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари ўртасида, собиқ социалистик мамлакатлардан бозор иқтисодиётли мамлакатларга, ривожланаётган ёки ўтиш даври иқтисодиётли давлатлар ўртасида (мас. Жанубий Америка чегарасида, Украинадан Россияга).

Кейинги йигирма йил ичида мигрантларни ўзига жалб этувчи янги марказлар вужудга келди. Уларнинг ичида Форс кўрфази мамлакатлари (Саудия Арабистони, Қатар, Кувайт, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирлиги) ва Лотин Америкаси (Аргентина, Бразилия, Мексика) ҳамда Осиёнинг (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайван) янги индустриал мамлакатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Африка қитъасида эса бундай марказ ЖАР ҳисобланади.

Ишчи кучи кўчиб юришининг иқтисодий сабаби меҳнатга тўланадиган ҳақнинг турли давлатларда турличалигидир. Халқаро ишчи кучи ҳаракатининг асосий бош сабаби, демак, турли давлатларда ўртача реал иш ҳақи даражасининг ҳар хиллигида.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси туфайли иккала давлат ҳам ўзаро манфаатли натижаларга эришишга муяссар бўлишади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ишсизликни камайтириш, эмигрант-ишчилардан валюта маблағларини кириб келиши, қабул қилувчи мамлакатда уларга етарли даражадаги турмуш шароитини таъминлашга кўмак бериш учун эмиграцион сиёсат олиб борилиши қайд этилади. Мигрантларнинг асосий қисмини 30-40 ёшдагилар ташкил этади, уларнинг хорижга чиқиши ички меҳнат бозоридаги рақобатни юмшатиш имкониятини беради. Бинобарин, миллий иқтисодиётнинг беқарорлиги шароитида ижтимоий кескинлик юмшатилади.

Эмигрантларнинг ўтказмаларидан келиб тушадиган валюта маблағлари жаҳондаги асосий ишчи кучи экспортёрлари (Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари, шунингдек, баъзи собиқ социалистик давлатлар) учун миллиардлаб доллар билан ўлчанади. Бундай мамлакатлар ўнта атрофида.

Бундан ташқари мигрантлар чет элда ишлаб кайтгандан сўнг, одатда икки-етти йил давомида валюта ўтказмаларига эквивалент миқдорда қимматли буюмлар ва жамғармалар олиб келишади. Ишчи кучи экспортининг ўзига хос ижобий томонларига узоқ вақт давом этган хорижий фаолиятдан сўнг бу ишчиларнинг умумий касб маҳорати даражаси ортади ва улар ўз ватанларида иқтисодий ҳаётнинг янги соҳаларида ишлашга тайёр бўлишини киритиш мумкин.

Ишчи кучининг чет элга юборилишининг салбий жиҳатлари ичида энг асосийси меҳнатга лаёқатли ва юқори малакали мутахассисларнинг йўқотилиши ҳисобланади.

Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлар одатда, мигрантлар сони ва сифатий таркибини тартибга солиб боровчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардир. Тартибга солиш дастаклари сифатида иммиграцион квоталар ва турли чеклашлардан (мигрантнинг ёши, маълумотлилиқ савияси, касб маҳорати даражаси, соғлиги кабилар) фойдаланилади. Шунинг учун ҳам хориждан ишчи кучини жалб этишга танлов тамойилидан фойдаланиш тўғрисида гапириш мумкин.

Ишчи кучи экспорти миллий иқтисодиётда ижобий оқибатлар билан бир қаторда салбий оқибатлар ҳам қолдиради. Бу энг аввало «ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» деб аталувчи юқори малакали мутахассисларнинг хорижга кетиб қолиши билан боғлиқдир. Бу жараённинг моҳияти шундаки, мутахассислар турмуш даражаси паст давлатлардан юқори иш ҳақи, яхши меҳнат шароитлари, ижодий имкониятларни амалга оширишга етарли шарт-шароит ва ниҳоят ижтимоий қафолатлар яратиб бера оладиган мамлакатларга кетиб қолади.

«Юқори сифатли» ишчи кучини ўзига жалб қилувчи асосий марказлар энг бой мамлакатлар: АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия, Швеция,

камроқ даражада Япония, Сингапур, Тайван саналади. Ақлли кишиларни чиқиб кетишининг асосий каналлари биринчидан, хорижий талабалар ва аспирантларни чет элдаги университетлари томонидан жалб этилиши, иккинчидан, тажрибали мутахассисларни халқаро компанияларда ишга таклиф этилиши ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ишчи кучининг халқаро ҳаракатчанлиги фаоллашган сари миграция жараёнларини тартибга солиш зарурияти долзарб бўла бошлади. Дунё давлатлараро миграция бўйича юридик нормалар ва қонун-қоидаларга муҳтож. Улар бир томондан, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган, иккинчи томондан эса, мигрантларни қабул қилувчи ва жўнатувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак

2. Халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнини тартибга солиш


Халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнини тартибга солишни икки турга бўлишимиз мумкин:

ишчи кучининг халқаро миграциясини халқаро ташкилотлар ёрдамида тартибга солиш.

давлат томонидан ташқи миграцияни турли усуллар орқали тартибга солиш.

Ташқи меҳнат миграциясини ташкил этишда, тажрибалар ва ахборотлар билан айирбошлашда, бу жараённи тартибли ва режали амалга оширишни таъминлашда миграция бўйича халқаро ташкилотларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташкилотлар таркибида ХМТ алоҳида ўрин тутати.

ХМТ 1919 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда унинг таркибида 71 та аъзо мамлакатлар бор ва бу мамлакатларда дунё аҳолисининг 98% и яшайди. Ҳар бир аъзо мамлакатдан ХМТга ҳукумат, меҳнаткашлар ва тадбиркорларнинг вакиллари киради. ХМТга аъзо мамлакатлар ХМТ Низомини бажаришлари шарт. ХМТ фаолиятининг мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш, ирқи, дини ва жинсидан қатъи назар, инсонларнинг маънавий ривожланишини таъминлашга имкон берадиган шарт-шароитларни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун ташкилот ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди (3-расм).



Бу ташкилот аъзо мамлакатлардаги (35 та аъзо) ўз бўлимлари орқали бўлажак муҳожирлар учун тил ўрганиш курсларини ташкил этади. Ушбу йўналишда ХМТ ҳам ўз ишини фаоллаштириб, меҳнат меъёрлари бўйича 1919–1990 йиллар давомида 174 та Конвенция ва 181 та тавсиялар қабул қилди. Уларда ишчи кучининг мамлакатлараро кўчиб юришини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 1949 йилда қабул қилинган муҳожир – меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенцияда ХМТга аъзо бўлган давлатларга муҳожирларни ишга қабул қилишда, иш ҳақи тўлашда ва уларнинг камситишларига йўл қўймаслик мажбуриятларини юкловчи қатор қоидалар ўрин олган:

ХМТнинг 1958 йилда қабул қилинган ижтимоий меҳнат ва бандлик соҳасида ҳуқуқларни чеклашга қарши Конвенция;

ХМТнинг 1962 йилда қабул қилинган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисидаги битим. Бу битимда Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлган давлатларда муҳожир-меҳнаткашлар манфаатлари талаб қилинадиган қоидалар қайд этилган, яъни муҳожирлар ҳам туб аҳоли қатори мавжуд ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан фойдаланишлари, уларнинг оилалари эса иш ҳақидан пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилган.

ХМТнинг 1975 йилда қабул қилинган муҳожир-меҳнаткашлар тўғрисидаги Конвенцияси. Бу ҳужжат миграция соҳасида суиистеъмолликларни, муҳожирларни яширин йўллар билан олиб келиш ва қонунсиз ишга ёллашга қарши қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда муҳожирларни меҳнат, бандлик, ижтимоий таъминот, касаба уюшмаларига бирлашиш ва маданий ҳуқуқлари соҳасида ҳимоя қилишнинг баъзи чораларини кўзда тутди.

ХМТга аъзо бўлган ва унинг асосий ҳужжатларига имзо чеккан мамлакатлар, қайд этилган ҳужжатларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилишлари ва миллий меҳнат қонунчиликларини уларга мувофиқ ўзгартиришлари лозим.

Демак, халқаро меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш ишчи кучини қабул қилувчи ва ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг миллий қонунчилиги асосида амалга оширилади. Бундан ташқари ишчи кучи халқаро миграцияси халқаро ташкилотлар ва давлатлараро келишувлар томонидан ҳам тартибга солинади.

Давлатнинг миграция жараёнларидаги иштироки тарихдан маълум. XIII–XIX асрлардаёқ ишчи кучининг эркин кўчиб юришини чеклаш бўйича тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин ҳаракати қатор ҳукукий, маъмурий, маданий, тил, ижтимоий ва бошқа дастаклар ёрдамида тартибга солинади.

Ишчи кучи миграциясидаги ҳукукий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки уларни бартараф этиши мумкин. Агар XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи ҳаракатини мамлакатлараро тартибга солиш асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик, меҳнат соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг мураккаблашуви, жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий-ҳукукий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Жумладан, 1953 йилда ИХТТ мамлакатлари, 1957 йилда эса Европа Ҳамжамиятига кирувчи мамлакатлар ҳам ишчи кучининг эркин ҳаракатини қувватлаб чиқдилар.

Шунга қарамасдан, кўпчилик мамлакатлар ташқи савдони эркинлаштириш йўлидан бораётган бўлсалар-да, халқаро миграцияни чекловчи чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Биз юқорида ишчи кучининг халқаро миграцияси натижасида юзага келадиган ижобий иқтисодий самарани кўриб ўтган эдик. Ижобий иқтисодий самара билан бирга салбий самара ҳам олиш мумкин. Шулардан бири ривожланган мамлакатлар

бюджетига иммигрантлар томонидан солинадиган юк ҳисобланади. Бу, айниқса, ривожланган мамлакатларнинг кам тараққий этган мамлакатлар билан яқин чегарада

бўлишларида яққол кўзга ташланади. Масалан, АҚШ, Мексика ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари, Франция ва Ғарб мамлакатлари, Германия ва Туркия. Бундай яқинлик иммигрантларнинг нафақат қонуний, балки ноқонуний оқимини ҳам кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, молиявий харажатларни талаб этади. Ҳисоб-китобларга кўра АҚШда 4 млн. га яқин, Ғарбий Европада эса 3 млн. га яқин ноқонуний иммигрантлар доимий яшашади.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси натижасида юзага келадиган муаммолар ишчи кучи миграциясини давлат томонидан ва давлатлараро тартибга солиш тизимининг яратилишига олиб келди.

Ишчи кучини қабул қилувчи кўпчилик мамлакатлар иммиграцияни тартибга солишда селектив ёндашувни маъқул кўришади. Бу ёндашувнинг мазмуни шундан иборатки, бунда давлат ўзига керакли ишчиларнинг мамлакатга кириб келишига тўсқинлик қилмайди, қолганларнинг мамлакатга кириб келиши тақиқланади. Ишчиларнинг у ёки бу мамлакатга кириб келиши мамлакатдан мамлакатга қараб ўзгариб туради.


Одатда, иммигрантлар қуйидаги категорияларга бўлинади:

оғир меҳнат талаб қилувчи, зарарли, ифлос ва паст малака талаб этадиган ҳамда кам иш ҳақи тўланадиган ишларни бажарувчи ишчилар (қурилиш ишлари, мавсумий ишлар ва б.);

янги ва истикболли тармоқлар учун мутахассислар (дастурловчилар, тор мутахассисликка ихтисослашган муҳандислар, банк хизматчилари ва б.);

ноёб мутахассислик вакиллари (олмосга ишлов берувчилар, санъат асарларини тикловчилар, ноанъанавий даволаш усуллари билан шуғулланувчилар);

ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатга капитал киритувчи ва янги ишчи ўринларини яратувчи йирик бизнесменлар.



Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилигида иммиграциянинг ҳуқуқий асослари кўпсонли қонунлар ва қонуний актлар кўринишида бўлади. Иммиграцион қонунчиликнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

Касбий малака. Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг қонунчилигида мутахассислик бўйича билим даражаси ва стажы борасида қатъий талаблар мавжуд. Таълим борасида минимал ўрта мактабни тугатганлик ёки касб-ҳунар техникумини тугатганлик дипломи талаб этилади. Меҳнат стажы борасида камида 3–5 йил ва тавсиянома талаб этилиши мумкин.

Ишчиларнинг шахсига оид чекловлар. Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатлар иммигрантларнинг соғлиғига оид қатъий талаблар ҳам қўйишади. Мамлакатга наркоманлар, руҳий касал одамлар, СПИД вируси билан касалланганлар қўйилмайди. Иммигрантлар соғлиқлари тўғрисида қабул қилувчи мамлакат консулхонаси томонидан тасдиқланган маълумотнома тақдим этишлари ёки махсус тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Иммигрантларнинг ёши борасидаги чекловлар улар ишлаши лозим бўлган тармоқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўрнатилади. Одатда, бу чегара 20–40 ёшгача тебраниб туради. Энг жиддий қонуний талаб сиёсий ва ижтимоий йўналишлардаги иммигрантлар учун жорий этилади. Қонунчиликда кўпинча олдин судланган, террористик ва фашистик ташкилотларга аъзо бўлганлар учун тақиқлашлар жорий этилади.

Микдорий чеклаш. Ишчи кучини қабул қилувчи кўпчилик мамлакатларда иммигрантларни қабул қилишда микдорий чеклашлар жорий этилади, яъни уларнинг максимал сони белгилаб қўйилади. Микдорий чеклашлар иқтисодиёт миқёсида – меҳнат ресурсларига нисбатан хорижий ишчиларнинг максимал улушини белгилаш; алоҳида тармоқлар миқёсида – ушбу тармоқда банд бўлган ишчиларга нисбатан хорижий ишчилар улушини белгилаш; алоҳида корхона миқёсида – корхона ишчиларига нисбатан хорижий ишчилар улушини белгилаш ёки йил давомида мамлакатга кириб келаётганларнинг умумий сонини белгилаб қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, Испанияда вақтинчалик ишларга жалб этиладиган хорижликлар сони 2008–2009 йилларда 15,7 мингдан 901 кишигача, Россияда хорижий ишчиларни қабул қилиш 2009 йилда 4 млн. кишига, 2010 йилда 1,9 млн. кишига, 2011 йилда 1,7 млн. кишига қисқартирилган⁵.

Ишчи кучини импорт қилишни давлат томонидан тартибга солишнинг микдорий чеклаш усули тегишли қонунлар орқали амалга оширилади ва ҳуқуқий органлар томонидан назорат қилинади.

Иқтисодий тартибга солиш. Бу усул иммигрантларнинг сонини қисқартиришни таъминловчи маълум молиявий чекловларни жорий этади. Юридик шахслар, яъни баъзи мамлакатларнинг фирмалари хорижий ишчиларни маълум бир айланмага эришганидан кейин ёки давлат бюджетига маълум тўловларни амалга оширгандан кейингина ёллашлари мумкин. Бир қатор мамлакатларнинг қонунчилиги иммиграцияни расмийлаштириш учун ва маҳаллий корхонага ишга жойлашиш учун иммигрантларнинг маълум тўловларни амалга оширишларини талаб этади. Имтиёзлар корпорациянинг раҳбар ходимлари учун жорий этилади. Чунки, улар корпорация номидан битимлар тузиши, маҳаллий фуқаролар меҳнатидан фойдаланишлари мумкин.

Вақтли чекловлар. Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилиги мамлакатга кириб келган хорижий ишчиларнинг мамлакатда бўлишларининг максимал муддатини белгилаб қўйишади. Муддат тугагандан кейин улар мамлакатни тарк этишлари ёки давлатнинг тегишли мутасадди органларидан муддатларини узайтиришлари керак

⁵ Цапенко И. Экономический цикл и международная миграция населения. //Мировая экономика и международные отношения, №8, 2011. С. 38.

бўлади. Мамлакатда талаба ёки стажёр мақомига эга шахслар мамлакатда қолишларини узайтиришлари учун рухсат берилмайди. Улар албатта мамлакатни тарк этишлари ва маълум бир муддатдан сўнг яна шу мамлакатга келишлари мумкин.

Географик имтиёзлар. Иммигрантларни қабул қилувчи ҳар бир мамлакат иммиграциянинг географик ва миллий таркибини белгилайди. Бу усул, одатда, маълум мамлакатдан кириб келаётганлар сонини миқдорий квоталаш орқали амалга оширилади. Баъзан, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари юз бераётир деган айблардан қочиш мақсадида ҳукумат географик имтиёзлар доирасида лотереялар ўтказидади. Масалан, АҚШда DV-1 дастури асосида иммигрантлик визаси учун лотерея ўтказилади. Иммиграцияни ҳисобга олиш статистикаси маълумотлари асосида АҚШга кўплаб ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар белгилаб олинади. Кейин махсус формула ёрдамида ҳар бир мамлакатга лотерея асосида квота ўрнатилади. Олдинги беш йил давомида бу мамлакатдан қанчалик кўп иммигрант келган бўлса, бу мамлакатга нисбатан шунча кам ўрин ажратилади. Мисол учун, 1996 йилда 55 минг иммигрант визаси учун лотерея ўтказилган. Шундан 20200 виза Африка мамлакатларига, 6837 виза Осиё мамлакатларига (Хитой, Тайвань, Ҳиндистон, Филиппин, Вьетнам ва Жанубий Кореядан ташқари), Европага 24 549 виза (Буюк Британиядан ташқари), Шимолий Америкага 8 виза, Океанияга 817 виза, Жанубий Америка, Марказий Америка ва Кариб ҳавзасига 2589 виза (Мексика, Ямайка, Сальвадор ва Доминикан республикасида ташқари) тўғри келди⁶.

Тақиқлар. Хорижий ишчи кучини ёллаш бўйича очик ва яширин тақиқлар хорижликлар шуғулланиши мумкин бўлмаган касблар тўғрисидаги қонунларда келтирилади. Очик тақиқлар хорижий ишчилар ишлаши мумкин бўлмаган тармоқлар ёки ихтисосликлар бўйича санаб ўтилади. Яширин тақиқлар, аксинча, фақат маҳаллий аҳоли ишлаши мумкин бўлган тармоқлар ихтисосликларни санаб ўтади ва бу йўналишда хорижликларнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

Давлат томонидан ишчи кучини қабул қилишни чегаралаш ва тақиқлаш орқали тартибга солиш усулларини кўриб чиқдик. Шу билан бир қаторда мамлакатдан иммигрантларни чиқариб юбориш борасида реэмиграцияни рағбатлантирувчи чоратadbирлар ҳам қўлланилади. Бунинг асосий сабаби касба уюшмаларининг ҳукуматга ўтказадиган таъсири ҳисобланади. Натижада Ғарб мамлакатлари XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб иммигрантларни ўз ватанларига қайтариб юборишни рағбатлантирувчи фаол чораларни амалга ошира бошлашди. Реэмиграция борасида давлат томонидан амалга ошириладиган анъанавий чораларга қуйидагилар киради:

Реэмиграцияни рағбатлантирувчи дастурлар. Бу дастурларга ноқонуний равишда кириб келган иммигрантларни мамлакатдан мажбурий чиқариб юборишдан тортиб ватанларига қайтишни хоҳлайдиган иммигрантларга моддий ёрдам бериш билан боғлиқ чоралар киради. Ғарбий Европа мамлакатларида (Германия, Франция, Нидерландия) иммигрантларнинг кўнгилли равишда ишдан бўшашлари ва ўз ватанларига қайтишлари вақтида турли хил тўловлардан иборат рағбатлантирувчи дастурлар қабул қилинган. Баъзи ҳолларда иммигрант мамлакатни тарк этиш истагини билдириб ариза берган заҳоти ёрдам пули тўланса, баъзи ҳолларда эса у амалда мамлакатни тарк этгандан кейин тўланади. Иммигрантнинг бу ёрдам пулини олиши унинг мазкур мамлакатга қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Ёрдам учун ажратиладиган тўловлар хорижий ишчиларни ёллаб ишлатувчи корхоналар томонидан пенсия фонди ёки ижтимоий суғурта фондларига тўлайдиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу усулдаги молиялаштириш бюджетнинг харажатлар қисмига ортикча юк бўлиб тушмаса-да, амалда бюджетнинг харажатлар қисми иммигрантларни

⁶ Киреев А.П. Международная экономика. В 2 ч. Ч. I. Международная экономика: движение товаров и факторов производства: учеб. пособие для вузов. –М.: Междунар. Отношения, 2000. С. 336.

давлат томонидан электрон ҳисобга олиш ва ёрдам пули тўлаши оқибатида қўпайиб кетади. Натижада реэмиграция дастурларининг самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

Иммигрантларни касбий тайёрлаш дастурлари. Иммигрантларнинг ўз мамлакатларига қайтишларини рағбатлантирувчи омил сифатида баъзи мамлакатлар (Франция, Германия, Швейцария) уларни касбий тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишади. Мантиқан бу дастурлар иммигрантларнинг маълум касбий тайёргарликдан ўтганларидан сўнг ватанларига қайтишларига туртки бўлиши керак. Чунки хорижда малака ошириб, бирон-бир касбга ўрганган иммигрантлар ўз ватанларида юқори ҳақ тўланадиган ишга жойлашишларига умид қилишлари мумкин. Аммо бундай дастурларда қатнашишга иммигрантлар томонидан қизиқиш кам бўлиб, улар дастур доирасида олган касбий малакалари ўз ватанларида шунга яраша иш топишларида ёрдам беришига ишонишмайди. Шунинг учун иммигрантлар кам ҳақ тўланса-да, ривожланган мамлакатдаги мавжуд иш жойларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади.

Оммавий эмиграция қилувчи мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш дастурлари. Ривожланган мамлакатлар ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар билан ишчиларнинг пул ўтказмаларини инвестициялаш ва давлатга янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида корхоналар куриш орқали ривожланаётган мамлакатларда реэмигрантлар учун иш жойларини яратишга ёрдам бериш тўғрисида келишувлар тузишади.

Бундай корхоналар кооперативлар, қўшма корхоналар, акционер жамиятлари шаклида бўлади. Бу дастурлар айниқса Германия ва Туркия ўртасидаги икки томонлама муносабатларда яққол кўзга ташланади. Бир қатор ҳолларда немислар пулига қурилган янги турк компаниялари нафақат реэмигрантларни жалб қилиш марказлари бўлиб қолди, балки Туркиядан Германияга йўналган эмигрантларнинг янги оқимини тўхтатиб қолди.

Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатлар томонидан амалга оширилган фаол чора-тадбирларнинг аксарияти бу мамлакатларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш имконини бермади. Дастурлар натижасида ўз ватанларига қайта бошлаган иммигрантлар оқими дастурларни молиялаштириш тугаши билан камая бошлади. Бу дастурлар самарадорлигининг муҳим сабабларидан бири – ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг эмиграция оқимини қисқартиришни хоҳламаганликларидадир.

Эмиграция сиёсати. Эмиграция сиёсатининг мақсади ишсизликни камайтириш, ишлаётган эмигрантларнинг экспорт-импорт операцияларини баланслаштириш учун ишлатилаётган молиявий маблағлари кириб келишига қўмаклашиши, эмигрантларга хорижда муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминланиши, эмигрантларнинг ўз ватанларига қайтиб келиши уларнинг хорижда эгаллаган касблари, тўплаган тажрибаласи ва малакалари билан мос келиши керак.

XXI аср бошларида халқаро миграция жараёнида экспортёр мамлакатлар фаоллигининг кучаяётганлигини ушбу мамлакатлар томонидан эмиграция сиёсатининг қуйидаги шакллари амалиётда самарали қўллаётганлари билан изоҳлаш мумкин.

Эмиграция миқёси ва эмигрантларнинг сифат кўрсаткичларини тартибга солиш орқали экспортёр мамлакат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат. Аксарият мамлакатларнинг эмиграция сиёсати ўз фуқароларининг эркин ҳаракатланишини таъминлашга қаратилган бўлса, бошқалари юқори малакали мутахассислар масаласи ва демографик ҳолат ёмонлашганда чегараланган эмиграция сиёсатини олиб боришади.

Мамлакат иқтисодиётини ресурслар билан таъминлаш мақсадида ишлаётган – мигрантларнинг валюта маблағларини жалб этишга йўналтирилган сиёсат. Ушбу мақсадда миллий банкларда эмигрантлар учун қулай фоиз ставкаларида счётлар очилади, уларга ўзларининг молиявий воситаларини товар ва ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун фойдаланишга қулай шарт-шароитлар яратилади, баъзи бир давлатлар томонидан эса

ишлаётган мигрантларнинг ўз мамлакатларига олинган иш ҳақининг катта қисмини юборишлари мажбурий қилиб белгиланган.

Хорижда ишлаш учун ишчи кучини ёллаш бўйича иқтисодий-ижтимоий кафолатлар билан таъминлай оладиган шартномалар ва иккиёқлама келишувлардан фойдаланиш йўли орқали эмигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Меҳнат миграцияси бўйича халқаро келишувлар шартларининг бажарилишини, мигрантларнинг мамлакат ичида юзага келиши мумкин бўлган баҳсли муаммоларини ҳал қилиш ва уларнинг асосий ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш мақсадида муассасалар, фондлар, вакилликлар, махсус кишиларни ташкил этиш йўли билан шу масалани ҳал этиш.

Ишлаётган мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Ушбу масалани ҳал этишнинг биргина йўли хорижда ишлаш учун фуқароларни ёллаш фаолиятини давлат томонидан мажбурий лицензиялашдир. Лицензиялашнинг мақсади—керакли маълумот, ишлаш тажрибаси, ишончли халқаро алоқаларига эга ва фаолиятининг натижаларига моддий ва ҳуқуқий жавобгарликни ола билладиган ташкилотларгагина хорижда ишлашни ташкил этиш воситачилигини амалга ошириш ҳуқуқини бериш.

Экспортёр ва импортёр мамлакатларнинг манфаатларини ўзаро ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш. Гап, хусусан, миграция, норасмий ҳаракатланишлар масштабини ушлаб туриш, мигрантларнинг ўз ватанларига қайтишини рағбатлантириш сиёсатини ўтказиш тўғрисида боради.

Юқорида келтирилган маълумотлар шунини кўрсатадики, халқаро ишчи кучи миграцияси жаҳон иқтисодиётида меҳнат ресурсларини қайтадан тақсимлайди. Халқаро ишчи кучи миграцияси асимметрия билан ажралиб туради, мамлакатларнинг иқтисодий манфаатларини тўкнаштиради ва халқаро миграцияни тартибга солишни долзарб мавзуга айлантиради. Фақатгина шу йўл билан халқаро ишчи кучи миграциясининг салбий оқибатларини камайтириш ва ушбу объектив жараёни глобал тараққиёт манбасига айлантириш мумкин.

4. Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозоридаги иштироки

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига интеграциялашуви жаҳон меҳнат бозорида фаол қатнашишни тақозо этади. Ўзбекистон ХМТ аъзоси бўлиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда бу ташкилот қабул қилган ҳужжатларга амал қилмоқда. Хусусан, республикада «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ўз касби бўйича шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва бу жараёни мувофиқлаштириш борасида давлатнинг жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлатларда ўз касблари бўйича меҳнат фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги «Ишчи кучларини олиб келиш ва ташқарига олиб чиқиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги, 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришни мукамаллаштириш тўғрисида”ги, 2007 йил 15 майдаги 97-сонли “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига ва шу қарорлар билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон миграцион мақомига кўра экспорт-импорт қилувчи мамлакат ҳисобланади ва ташқи миграция бўйича манфий қолдиққа эга. Ўзбекистон аҳолиси жами миграциясининг 2–3% и ва ташқи миграцияси оқимларининг 10–15% и узоқ

хорижга тўғри келади. Ўзбекистоннинг миграция алоқалари доирасига АҚШ, Исроил, Япония, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея каби мамлакатлар кирмоқда. Ўзбекистон барча МДХ мамлакатлари билан салбий миграция қолдигига эга. Жумладан, ташқи миграциянинг 70% га яқини Россия, 12–13% и Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади⁷.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига жадал суръатларда интеграциялашуви, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ташқи миграция географик йўналишининг узок хориж мамлакатлари томон ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу ижобий силжишлар 90-йилларда бошланган бўлиб, халқаро миграция оқимида тадбиркорлар, банк хизматчилари, бизнес билан шуғулланувчилар кўпайиб борди.

Ўзбекистон меҳнат миграцияси бўйича қатор мамлакатлар билан битимлар имзолаган. Жумладан, 1994 йил июлда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ўртасида “Миграция соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” Меморандум, 1995 йилда Корея Республикаси, 2007 йилда Россия билан икки томонлама келишувлар имзоланди. Чунончи, Корея кичик ва ўрта бизнес Федерацияси, Корея Курилиш ассоциацияси билан ўқитиш, ишга жойлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Келишувлар имзоланганидан сўнг хорижликларнинг саноат тажрибаси тизими бўйича Корея Республикасида 1995–2008 йилларда 24 мингдан ортиқ фуқарорлар ишга жойлашдилар⁸.

Ўзбекистон Республикасининг хориж мамлакатларига ишчи кучини экспорт қилиши туфайли:

ишчи кучи экспорти туфайли республика миллий даромадига хориждан маблағ келиб қўшилади. Бу даромад ҳисобига янги иш жойларини барпо этиш, ишсизларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маблағларга эга бўлиш мумкин;

хорижда ишлаб келган фуқароларимиз ўзлари билан бирга энг замонавий билимларни, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни, замонавий технологияни ва янги техникани бошқаришни ўрганиб қайтадилар;

фуқаролар хориж корхоналарида мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш, меҳнат интизоми, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, унумли меҳнат қилиш, замонавий билимларни эгаллайдилар;

мамлакатимизни ўз меҳнатсеварликлари билан жаҳонга танитадилар, чет тилларни ўрганадилар, меҳнат қилиш ва малака ошириш усуллари ўрганиб келадилар.

Ўзбекистон халқаро миграция алоқаларининг истиқболда янада ривожланишидан манфаатдор. Мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтириш халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва халқаро меҳнат миграциясининг фаоллашувига олиб келади.

Назорат саволлари:

1. Халқаро ишчи кучи миграцияси нима ва у қайси сабабларга кўра юз беради?
2. Халқаро ишчи кучи миграциясига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Халқаро ишчи кучи миграциясининг қандай турлари мавжуд?
4. Халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро даражада қайси ташкилотлар томонидан тартибга солинади?
5. Халқаро ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Иммиграция сиёсати ва уни амалга ошириш дастаклари нималардан иборат?
7. Эмиграция сиёсати нима ва қандай хусусиятларга эга?

⁷ Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. –Т.: Молия, 2010. 98-б.

⁸ Ўша манба. 137-б.

5- мавзу. Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида
2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари
3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари
4. Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли

1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида

Халқаро иқтисодий муносабатларда капитални давлатлараро тақсимлаш иқтисодий ўсишнинг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт байналминлашган сари капитал фаолияти миллий доирадан халқаро миқёсга чиқади ва мамлакатлараро капитал экспорти юз беради. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичларида капитал саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан қолоқ мамлакатлар томон йўналган эди. Жаҳон хўжалик тизими алоқалари ривожланган сари капитал ҳаракати умумжаҳон доирасида юз бериб, унинг оқими ҳар томонлама, тўхтовсиз бўлади ва пуллик жамғармаларнинг инвестицияларга айланиши капиталнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатини билдиради.

Иқтисодий адабиётда халқаро капитал миграциясининг моҳиятини очиб берувчи икки хил ёндошув мавжуд бўлиб, улар орасидаги фарқ қуйидаги сабаблар орқали очиб берилади:

- бозор ва уни ташкил этувчи хўжалик алоқаларининг ривожланиши;
- ушбу алоқаларнинг миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ролининг ўзгариши.

Биринчи ёндашув тарафдорлари учун халқаро капитал миграцияси - бу ишлаб

чиқариш омилларидан бирининг ҳаракатидир. Бунда алоҳида товар ва хизматлар

бошқа мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги туфайли ўша

мамлакатлар томон оқиб ўтади. Бозорнинг алоҳида мамлакатлар миллий

хусусиятларини ҳисобга олувчи универсал қиммати бу ёндошув тарафдорларининг

диққат марказида туради.

Иккинчи ёндошув тарафдорларининг фикрича, халқаро капитал миграцияси ортқча

ишлаб чиқариш, молия ресурсларининг фойда олиш мақсадида хорижга узлуксиз

жойлаштирилишидан иборатдир. Бу ерда бозор субъект сифатида эмас, балки

миллий, ҳудудий ва халқаро миқёсда муайян мақсадга эришиш воситаси, объекти

сифатида намоён бўлади.

XXI аср бошида иқтисодиётнинг глобаллашуви омилларидан бири капиталнинг мамлакатлар ўртасида ҳаракатланишининг барқарор суръатларда ўсиши ҳисобланади. Товар ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан ҳисобланган капиталнинг халқаро ҳаракати миллий иқтисодиёт чегараларидан чиқиб бошқа мамлакатларга кўчади.

Халқаро капитал миграцияси жаҳон хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатларнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини оширади, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, импортёр-мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади.

Капитал миграциясининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- капиталнинг фойз ставкаси билан белгиланадиган турли чегаравий унумдорлиги;
- фирмаларнинг ўз фаолиятини халқаро диверсификациялаштиришга интилишлари;
- товарларни импорт қилишга ҳалал берадиган ва хорижий таъминотчиларни бозорга кириш учун капитал олиб киришга ундайдиган бож тўсиқларининг мавжудлиги;
- барқарор сиёсий вазият ва қулай инвестициявий муҳит.

Капитал миграцияси жараёнларига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг сақлаб турилиши;
- жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар;
- ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациясининг чуқурлашуви;
- жаҳон иқтисодиётининг трансмиллийлашиши;
- ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва интеграциявий жараёнларнинг ривожланиши;
- бозорларнинг ўта тўйиниши ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини чеклайди;
- ривожланган мамлакатлардаги сотувчилар ўртасидаги кескин рақобат;
- миллий бозорнинг йирик молия-саноат гуруҳлари томонидан монополлаштирилиши;
- ҳаракатдаги технологияларни такомиллаштириш имкониятларининг чекланганлиги;
- саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини, бандлик даражасини, илғор саноат тармоқларининг ривожланишини сақлаб туриш учун салмоқли ҳажмда капиталларни жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати;
- халқаро ташкилотлар томонидан халқаро инвестициявий бўшлиқни эркинлаштириш сиёсатининг юритилиши, инвестициявий шерикликнинг универсал меъёрларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатлар ўртасида даромадлар ва капиталнинг икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳақидаги халқаро келишувлар, улар савдо-сотиқнинг ривожланиши ва инвестицияларнинг жалб қилинишига кўмаклашади.

Хорижий инвестициялар бутун жаҳон иқтисодиётига ва халқаро бизнесга қуйидаги тарзда жиддий таъсир кўрсатади:

- капитал экспансияси миллий хўжалик ҳаётини байналмилаллаштириш миссиясини бажаради;
- капитал экспансияси янги технолгиялар ва “ноу-хау”ларни бутун дунёга тарқатиб, жаҳон бозорларининг диверсификациясини янада чуқурлаштиради, тегишлича, жаҳон ишлаб чиқариши халқаро бозорининг умумий самарадорлик даражасини, унинг рақобатбардошлигини оширади;

- капитал экспансияси ва унинг жаҳон иқтисодиётининг даромадли ўсиш нуқталарига кўчиб ўтиши узоқ истиқболда ишлаб чиқариш шарт-шароитларини тенглаштириш, миллий нархларнинг жаҳон нархларига яқинлашиши, иш ҳақи ва фоиз ставкаларида миллий фарқларнинг йўқолиши тенденциясини юзага келтиради;
- ўзи учун бевосита ёки учинчи мамлакатлар бозорларига чиқиш учун трамплин сифатида барқарор бозорни таъминлаш;
- халқаро корпорацияларнинг турли мамлакатларда ўз “ички бозор”ларини, у ёки бу тармоқларини яратиши, натижасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви жараёни билан тўлдирилади;
- ўз манфаатларини минтақавий ва юқорида халқаро даражадаги давлатлараро муносабатларга киритиш;
- шерик мамлакатларнинг ички ишлари ва давлатлараро муносабатларига аралашмаслик, тенглик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар миллий анъаналари ва маданий қадриятларини, меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича умумэтироф этилган тамойилларга риоя қилган ҳолда халқаро ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида халқаро инвестицияларни эътироф этиш.

Мамлакатнинг халқаро капитал миграциясидаги иштирок этиш даражаси қатор кўрсаткичларда ифодаланади. Биринчи гуруҳ кўрсаткичларга қуйидаги мутлақ кўрсаткичлар киради: капитал экспорти ва импортининг ҳажми, капитал экспорти-импорти қолдиғи, мамлакатдаги хорижий капиталли корхоналар сони, улардаги бандлар сони ва ҳ.к. Капитал экспорти-импорти қолдиғидан келиб чиқиб, жаҳон мамлакатлари капитал экспорт қиладиган (Япония, Швейцария), капитал импорт қиладиган (АҚШ, Буюк Британия) ҳамда экспорт ва импорт ҳажми тахминан бир хил бўлган мамлакатларга (Германия, Франция) ажратилади.

Бошқа гуруҳ кўрсаткичлар нисбий кўрсаткичлар бўлиб, улар халқаро капиталлар миграциясининг марказлари ва мамлакатнинг капитал импорти-экспортига боғлиқлигини акс эттиради:

1) капитал импорти коэффиценти – хорижий капиталнинг мамлакат ЯИМдаги улушини кўрсатади:

$$K_{имп} = \frac{ХК}{ЯИМ} \cdot 100,$$

бу ерда: $K_{имп}$ – капитал импорти коэффиценти;
 $ХК$ – хорижий капитал ҳажми;
 $ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулот.

Европа мамлакатларида ушбу коэффицентнинг энг юқори даражаси Бельгия ва Люксембургда кузатилади.

2) капитал экспорти коэффиценти - экспорт қилинадиган капиталнинг ЯИМдаги улушини акс эттиради:

$$K_{эксп} = \frac{ХК}{ЯИМ} \cdot 100,$$

бу ерда: $K_{эксп}$ – капитал экспорти коэффиценти;
 $ХК$ – хорижий капитал ҳажми;
 $ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулот.

Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткичнинг максимал миқдори Нидерландияда қайд этилган.

3) хорижий капиталнинг мамлакат капитал қўйилмаларига бўлган ички эҳтиёждаги улушини акс эттирувчи капитал:

$$K_{\text{эх}} = \frac{XK}{D/(K)} \cdot 100$$

бу ерда: $K_{\text{эх}}$ – эҳтиёж коэффициенти;

XK – хорижий капитал;

$D(K)$ – мамлакатда капиталга бўлган талаб.

АҚШда барча капиталга бўлган ички эҳтиёжларнинг 33 фоизи хорижий капитал ҳисобига қондирилади.

4) бошқа нисбий кўрсаткичлар: хорижий ёки аралаш компанияларнинг миллий ишлаб чиқаришдаги улуши, капитал экспорти/импортининг олдинги даврга нисбатан ўсиш суръатлари, мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган хорижий инвестициялар суммаси.

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим ажратиб турувчи томонига айланди.

Халқаро капитал миграцияси- капитал эгаси учун фойда келтирувчи, давлатлар орасидаги қарама-қарши ҳаракатдир. Ҳар бир давлат бир вақтнинг ўзида капиталнинг импортёри ва экспортёри бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида катта фойда учун капитал олиб чиқишнинг энг муҳим сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

- капитал олиб чиқиладиган давлатда унинг ортиқча тўпланганлиги;
- жаҳон ҳўжалигининг турли звеноларида капитал талаби ва таклифининг мос келмаслиги;
- маҳаллий бозорни монополизация қилиш имконияти мавжудлиги;
- капитал экспорт қилинадиган давлатда арзонроқ хом-ашё ва ишчи кучининг мавжудлиги;
- барқарор сиёсий ҳолат ва умуман қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги.

Амалий ҳаётда инвестиция қилиш зарурияти ўзида инвестицион муҳитнинг барча қисмларини мужассамлаштирган сабаблар комплекси ва шунингдек айрим бозорларнинг нисбий устунлиги таъйинлари билан белгиланади.

2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари

Жаҳон ҳўжалигида капитал олиб чиқиш асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:


- саноат, савдо ва бошқа корхоналарга тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар;
- портфель инвестициялар (хорижий облигациялар, акция, қимматбаҳо қоғозлар);
- ссуда капиталининг саноат ва савдо корпорациялари, банк ва бошқа молиявий ташкилотларига ўрта ва узоқ муддатли кредитлари ёки заёмлари;
- иқтисодий ёрдам- текинга ва имтиёзли кредитлар шаклида (фоизсиз, кам фоизли).

Халқаро капитал миграциясининг турли шакллари мавжуд бўлиб, амалиётда улар қатор мезонлар бўйича таснифланади (7-расм).

Халқаро амалиётда давлат капитали кўпроқ ссуда шаклида, хусусий ва узоқ муддатли капитал эса – тадбиркорлик шаклида намоён бўлади.

Келиб чиқиш манбаларига кўра халқаро капитал – бу давлат маблағлари ёки хусусий капитал кўринишида бўлади. Давлат капитали банклар ичида расмий капитал деб ҳам аталади. У давлат бюджетидан хорижга чиқариладиган ёки у ердан ё бевосита ҳукуматлар қарори билан, ёки ҳукуматлараро ташкилотлар қарори билан қабул қилинадиган маблағлардир. Шаклларига кўра – бу давлат қарзлари, ссудалар, грантлар (совғалар), ёрдам кўринишида бўлиб, уларнинг халқаро ҳаракати ҳукуматлараро келишувлар билан белгиланади. Халқаро ташкилотларнинг кредитлари ва бошқа маблағлари ҳам шулар қаторига киради. Бироқ ҳар қандай ҳолларда ҳам бу солиқ тўловчиларнинг олувчига турли йўллар билан етиб борадиган пуллари ҳисобланади.

Халқаро капитал миграциясининг шакллари



7-расм.

Хусусий капитал – бу хусусий шахслар томонидан хорижга жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар маблағларидан иборат. Улар таркибига инвестициялар, савдо кредитлари, банклараро кредитлаш киради. Улар давлат бюджети билан бевосита боғлиқ бўлмайди, бироқ ҳукумат уларнинг кўчиб юришини кузатиб туради ва ўз ваколатлари доирасида уларни назорат қилиб, бошқариши мумкин.

Халқаро капитал миграциясининг асосий шакллари тадбиркорлик ва ссуда капитали кўринишида бўлади.

Капиталнинг тадбиркорлик шаклидаги миграцияси учун қуйидаги учта мажбурий белгилар хос бўлади:

- хорижда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ёки унда иштирок этиш;
- хорижий капитал қўйилмаларининг узоқ муддатлилиги;
- хорижий корхонага ёки унинг бир қисмига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш.

Юқорида қайд этиб ўтилган хусусиятлар ва иштирок этиш мақсадларининг қанчалик амалга ошишига боғлиқ ҳолда тадбиркорлик капиталини четга чиқаришнинг икки тури ажратилади: тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар (ПИ).

ТТХИ – бу хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига тўла эга бўлиш ёки камида 10% и ҳўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

ХВЖ, ИРХТ (Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти) ҳамда БМТ миллий счетлари тизимидаги таърифларга мувофиқ, ТТХИ таркибига қуйидагилар киритилади:

- компанияларнинг ўз капиталини хорижга чиқариши;
- тўғри инвестор хорижий корхонадан олган фойдасини унинг фойдасига қайта молиялаштириши;
- капиталнинг бош фирма ва унинг хорижий корхоналари ўртасида ички корпоратив ўтказмалари.

Иқтисодий адабиётда тўғри инвестицияларнинг тор ва кенг маънодаги таърифлари ажратилади.

ТТХИнинг тор маънодаги таърифи ИХТТ томонидан берилган бўлиб, бу йўналишнинг базавий методологияси капитал ҳаракатини эркинлаштириш Кодексида баён этилган: мустаҳкам иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ҳамда корхона устидан назорат ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида капитал ва ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракати қамраб олинади. Бундай ёндашув асосида инвестор сифатида мазкур мамлакатнинг норезидентлари ва хорижлик резидентлар майдонга чиқишлари мумкин. Ҳар иккала тоифалар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклланишининг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- 100% лик хорижий мулкчиликка асосланган корхона, шўъба компанияси ёки бўлинмасини ташкил этиш ёки кенгайтириш;
- мавжуд корхонани тўлиқ мулкчиликка сотиб олиш;
- янги ёки ҳаракатдаги корхонада иштирок этиш;
- 5 йил ва ундан кўп муддатга қарз бериш.

ТТХИнинг кенг таърифи Жаҳон банки томонидан берилган ва “МИГА”ни (кўп томонлама инвестицион суғурталаш агентлиги) таъсис этиш ҳақидаги келишувда илк бор тилга олинган; у шунингдек, икки тарафлама қафолатли келишувлар учун ҳам хосдир. Бундай ёндашувда тўғри хорижий инвестицияларга капитал (ёки ресурслар)нинг ҳаракатланиши шаклларигина эмас, балки активларнинг (assets) бошқа турлари ҳам киритилади: ҳар хил турдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, акциядор бўлмаган турдаги инвестициялар (суббитимлар, бошқарув келишувлари, франчайзинг, лицензион битимлар, маҳсулот тақсимооти ва ҳ.к.лар) ҳам қиради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш шакллари ва усуллариға тегишли турлича талқинларнинг берилиши жиддий муаммоларни келтириб чиқарди (масалан, НАФТА ва АСЕАН таърифлари шулар жумласидандир) ва амалий муаммоларни ҳал қилишда қатор вариантлар-опцияларнинг вужудға келишиға сабаб бўлди. Бу халқаро инвестициялаш масалалари бўйича музокаралардаги, иқтисодий дипломатиядаги мунозарали муаммолардан биридир.

Портфель инвестициялар – бу капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларға улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

Ушбу турдаги тадбиркорлик капиталини олиб чиқиб кетишнинг ўзига хос белгилари -жадвалда яққол намоиш этилган.

3-жадвал.

Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ўртасидаги ўзига хос фарқлар

Белгилар	Тўғридан-тўғри хорижий	Портфель

	инвестициялар	инвестициялар
Олиб чиқишнинг асосий мақсади	Хорижий фирмани назорат қилиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритиш	Хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	а) хорижий фирмага тўлиқ эгалик қилиш; б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВФ уставига кўра компания акциядорлик капиталининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акциядорлик капиталининг камида 25 фоизини сотиб олиш (АҚШ, Япония ва Германияда – 10%)
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фойдаси, дивидендлар	Дивидендлар, фоизлар

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши жараёнида портфелли инвестициялар улушининг ортиши табиий ҳолдир. Бу иккита ҳолат билан изоҳланади:

- жаҳонда молия бозорларининг жадал ривожланиши;
- портфель инвестицияларнинг юқори ликвидлилиги билан боғлиқ афзалликлар.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро корпорацияларнинг жаҳон хўжалигидаги ҳукмронлигининг асосини ташкил қилади. Улар корпорацияларнинг хорижий корхоналарига тўлиқ эгалик қилиши ёки акционерлик капиталининг амалда эгалик қилишига имконият беради. Одатда, бу шундай инвестицияларки бунда хорижий инвестор компаниянинг акционерлик капиталининг 25% дан кам бўлмаган миқдорига эгалик қилади.

Портфель инвестициялари йирик корпорациялар, марказий ва хусусий банклар томонидан чиқариладиган облигация заёмларини молиялаштириш учун хорижий капитални жалб қилувчи муҳим манбадир. Хорижий портфель инвестицияларини жалб қилишда одатда йирик инвестицион банклар воситачилик қилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Миллий валютанинг

жорий операциялар бўйича конвертациясининг таъминланиши ва ислохотларни амалга ошириш стратегияси Ўзбекистонда иктисодиётни янада эркинлаштириш ва хорижий капитал иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай асосни шакллантиради.

Республикамизда хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг қамровли тизими шакллантирилган. Бу тизим «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати ва чоралари тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунларга асосланган. Ушбу қонунлар хорижий инвесторларнинг тенг ҳуқуқли ва адолатли шарт-шароитда фаолият олиб боришини таъминлайди. Бундан ташқари, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолияти 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади.

Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлашда давлат масъул орган ҳисобланади⁹. Хусусан, Адлия вазирлигига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияли корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг инвесторлар ҳуқуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўйиш, тегишли давлат ва бошқарув органларига бундай қарорларни бекор қилиш борасида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Бундай ёндашув хорижий инвесторлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштира, унда хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтдан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир¹⁰.

Хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари унинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади¹¹. Ушбу қулайлик миллий валютаамизнинг эркин конвертацияланиш имконияти жорий операциялар билан чекланган шароитда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Умуман, хорижий инвесторларга бериладиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қуйидагилардан иборат:

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 58-сонли Қарори.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 2003 йил.

1. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

2. Хорижий инвесторларга фаолияти натижасида олинган фойда ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловларсиз чет эл валютасида хорижга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт бўйича олиб кирилаётган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

3. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўчмас мулк олди-сотдисида эркин қатнашиши кафолатланади.

4. Хорижий инвестицияли корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ва қўшма корхоналарнинг устав фондида ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодекслари, Президент, фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари орқали хорижий инвесторлар учун имтиёзларнинг кенг тизими яратилган.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган ва хориждан тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қилган корхоналар асосий фаолиятидан даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ягона солиқни тўлашдан 7 йилгача озод қилинади¹².

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида 2008 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-927-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом» ва «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнида лойиҳалар ташаббускорлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш Схемаси» берилган бўлиб, унда хорижий инвесторлар фаолиятини бошқариш, уларга кўмак бериш тизими кўрсатиб берилган. Президент қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича қарорларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда, ҳар йилги Инвестиция дастурларини, шунингдек, тармоқлар ва мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини тайёрлашда етакчи бўгин ҳисобланади, унинг зиммасига мазкур масалаларни ҳал этишда идоравий мансублигидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти юкланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2000 – 2010 йилларда хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги ҳиссаси 23,2% дан 39,1% гача ортди. ТТХИнинг жами инвестициялардаги улуши эса 3,3% дан 25,3% гача, жами хорижий инвестициялардаги ҳиссаси эса 14,4% дан 87,0% га қадар кўпайган (6-жадвал).

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш динамикаси¹³

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги 3594-сонли Қарори.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Кўрсаткичлар	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2000-2010 йиллардаги ўзгариш (+) ва (-)
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ички	76,7	78,3	81,5	75,5	70,0	67,6	70,9	-5,8
Ташқи	23,3	21,7	18,5	24,5	30,0	32,4	29,1	+5,8
Шу жумладан:								
ТТХИ	3,4	14,9	13,4	20,6	24,9	27,8	25,3	+21,9
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	19,9	6,8	5,1	3,9	5,1	4,6	3,8	-16,1
Жами инвестициялардаги хорижий инвестициялар улуши, %	23,2	21,7	19,0	24,5	25,8	35,4	29,1	+5,6
Жами инвестициялар таркибида ТТХИ улуши, %	3,3	14,9	14,1	20,6	20,9	30,5	25,3	+21,8
Жами хорижий инвестициялар таркибида ТТХИ улуши, %	14,4	68,5	73,9	84,0	80,8	86,2	87,0	+72,6

Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий инвесторларда республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тўхтатила бошланди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий муҳим лойиҳалар кафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа инфраструктураси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат.

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолгани ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамадан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжига нисбатан пастроқ даражада сақланиб турибди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари таркибида хорижий инвестицияли корхоналар улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналар сони 4563 тани ташкил этган бўлиб, жорий йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони 536 тани ташкил этди. Албатта хорижий инвестицияли корхоналар орасида фаолият юритмаётганлари ҳам бор, лекин фаол ишлаб турган корхоналар сонининг тобора ошиб бориши ижобий кўрсаткич бўлиб, хорижий инвесторларнинг мамлакат иқтисодиётига қизиқиши ортаётганидан ва умумий бизнес юритиш муҳити яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра саноат тармоқлари улушига хорижий инвестицияли корхоналар маҳсулотининг қарийб 80% и тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган хорижий

инвестицияли корхоналарнинг энг юқори улуши саноат тармоғига тўғри келади. 2010 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналарнинг 31,7 % и саноат тармоғида фаолият юритган (6-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналарнинг тармоқ таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)¹⁴

	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шундан:							
Саноат	50,1	56,6	53,8	48,8	50,4	46,7	31,7
Қишлоқ хўжалиги	1,6	2,4	2,3	2,2	2,1	1,9	1,8
Транспорт ва алоқа	4,9	4,4	4,2	4,4	5,0	3,8	4,1
Қурилиш	4,3	4,4	4,8	5,5	4,4	5,7	5,6
Бошқалар	39,1	32,2	34,9	39,0	38,1	41,9	56,7

Хорижий инвестицияларнинг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар, преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашди. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишга қўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Хусусан, дунёнинг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, қўшма инвестицион лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилаётган ёки қўзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Республикаимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари

ЮНКТАД маълумотларига кўра, 2010 йилда жаҳон бўйича ТМК филиалларида яратилган қўшилган қиймат ҳажми ва сотиш ҳажми мос равишда 33 ва 6,6 трлн. долларга етди. Бундан ташқари ушбу филиаллар томонидан амалга оширилган экспорт

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.


ҳажми 6,2 трлн. долларни ташкил этди ва жаҳон экспортининг учдан бир қисмини ташкил этди (-жадвал).

Ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқарувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда ҳўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга халқаро компания мутахассислар томонидан трансмиллий корпорация (ТМК) номини олган.

Барқарор суръатларда ривожланаётган трансмиллийлашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ушбу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқаро корпорациялардир. Халқаро корпорациялар савдо, инвестициялаш ва замонавий технологияларни элтувчилар сифатида жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларига айланишди.

Халқаро иқтисодий глобаллашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқаро корпорациялар ҳисобланади. Халқаро корпорациялар ички корпоратив меҳнат тақсимотини анъанавий меҳнат тақсимотининг халқаро даражасига олиб чиқишган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни штаб-квартираси қабул қилувчи мамлакатдан ташқарида бўлган фирмалар томонидан назорат қилинадиган ва бошқариладиган халқаро ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ. Халқаро корпорацияларнинг умумий назоратида бўлган ушбу фаолият жаҳон ЯММ ишлаб чиқариш ҳажмининг тахминан 25 фоизини ташкил қилади. Ушбу ишлаб чиқаришнинг 1/3 қисми қабул қилувчи мамлакатларда жойлашган.

Жаҳон иқтисодиёти амалиёти кўрсатишича, ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни халқаро корпорацияларни ташкил қилиш моделларига таянади.



8-расм

Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиши ТТХИ билан боғлиқдир. Жаҳон амалиётида ТМКга турли мамлакатларда ТТХИни амалга оширадиган йирик корпорациянинг таркибий-ташкилий шакли сифатида қаралади. Хорижий корхонанинг ташкил этилиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш фаолияти натижаси бўлиб, унда инвестор-норезидент капиталнинг 50% дан кам бўлган қисмига эгалик қилади. Шуъба фирмада унинг улуши 50% дан ошади, хорижий филиал эса тўлиқ унга тегишли бўлади.

Иқтисодий адабиётда халқаро корпорацияларнинг икки хил шакли фарқланади: трансмиллий ва кўпмиллатли корпорациялар (-чизма).

Ғарб иқтисодий адабиётида халқаро монополистик уюшмаларнинг кўпмиллатли, халқаро, трансмилиий ва глобал каби турлари фарқланади.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, қуйидаги тавсифларни берадилар: ТМК – бу хорижий активларга эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо сотиқ фаолияти миллий давлат чегарасидан чиқиб кетади. АҚШда корпорация деб ҳиссадорлик жамиятларига айтилади. Замонавий ТМКнинг кўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги сабабли, бу атама жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига кириб келди.

ТМКнинг ҳуқуқий режими ташкил топган филиаллар ва шуъба корхоналари орқали турли давлатларда фаолият юритишни назарда тутди. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий-тадқиқот, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш хизматларига эгадирлар. Умуман, улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмуада ҳиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қилади. Шунингдек, филиал ва шуъба корхоналари аралаш корхоналар бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Кўпмиллатли корпорациялар - ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот ишлари асосида бир неча давлат миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациялардир. Бунга 1907 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Буюк Британия-Нидерландиянинг «Рояль-Датч Шелл» концернини мисол қилиш мумкин. Ушбу компаниянинг ҳозирги кундаги капитали 60:40 нисбатда тақсимланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ТМК бўйича комиссияси халқаро компанияга қуйидагича тавсиф беради:

- юридик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ мамлакатларда хўжалик субъектларига эга бўлган;

- битта бошқарув маркази орқали умумий стратегияни амалга ошириш ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритишга имкон берувчи қарорлар қабул қилиш тизими доирасида иш олиб борадиган;

- мулкчилик орқали бир-бирига боғланган алоҳида хўжалик субъекти сифатида, бунда хўжалик субъектларидан биттаси ёки ундан кўпроғи бошқаларининг фаолиятига билимлар, ресурслар ва масъулиятни бошқалар билан биргаликда фойдаланиш орқали жиддий таъсир кўрсата олади.

Жаҳон амалиётида халқаро корпорациялар дейилганда жаҳон товар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи йирик компаниялар тушунилади. Уларга қуйидагилар киради:

- йиллик сотиш ҳажми 1 млрд. доллардан кам бўлмаслиги;

- умумий молиявий айланма маблағларининг бешдан бир қисмидан учдан бир қисмигача хориждаги операциялар улушига тўғри келиши;

- хориждаги активлар улуши 25% дан кам бўлмаслиги;

- камида олтита мамлакатда филиалларга эга бўлишлиги.

Шундай қилиб, халқаро корпорацияларнинг асосий хусусияти тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш жараёнидир.

XIX аср охирида вужудга келган халқаро корпорациялар эволюцион ривожланишнинг узун йўлини босиб ўтди, бу жараёнда уларнинг шакллари ва фаолият соҳалари устуворликлари, ички корпоратив тузилма ва стратегия ўзгариб борди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида корпоратив бирлашмаларнинг ўзаро ташкилий-хўжалик алоқалари асосида трансмиллий молия-саноат гуруҳларини (МСГ) барпо этишнинг турли шакллари мавжуд.

МСГ жаҳон иқтисодиётини халқаро ишлаб чиқаришига айлантириб, барча йўналишлар бўйича илмий-техника тараққиётининг жадал ривожланишини таъминлади. Улар таркибига маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, менежмент шакллариининг такомиллашуви, корхоналарни бошқариш

каби йўналишларни киритиш мумкин. МСГ ўнлаб мамлакатларда ўз шуъба корхоналари ва филиаллари орқали ишлаб чиқиладиган ягона илмий-ишлаб чиқариш ҳамда молия стратегияси бўйича фаолият олиб борадилар. МСГ улкан илмий-ишлаб чиқариш ва бозор салоҳиятига эга бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлайдилар. ТМК тарихан қисқа вақт ичида “янги индустриал мамлакатлар”нинг жадал суръатларда ривожланишида муҳим омил бўлди. Халқаро корпорациялар шаклланган даврдан бошлаб ўз ривожланиш стратегияларига эга бўлиб, қуйидаги белгилар улар учун хосдир:

- ишлаб чиқаришни хорижий хом ашё билан таъминлаш;
- хорижий бозорларда ўз филиаллари ёрдамида мустақкам ўрин эгаллаш;
- ишлаб чиқаришни харажатлар нисбатан паст бўлган мамлакатларда жойлаштириш;

- ишлаб чиқариш, савдо ва молия фаолиятини диверсификациялаш.

Халқаро корпорациялар фаолият олиб бораётган мамлакатларида умумий тартибдаги ва мультимиллийлаштириш билан боғлиқ рақобат афзалликларини қўлга киритиш усулларида фойдаланишади (6-жадвал).

6-жадвал

Халқаро корпорациялар томонидан рақобат афзалликларини қўлга киритиш усуллари¹⁵

Афзаллик	Тавсиф
1. Умумий тартибдаги рақобат афзалликлари	
Ўз технологиясига эга бўлиш	Ноу-хау ёки фирмага тегишли маҳсулотни ишлаб чиқариш, жараён ёки бошқарув технологияси, уни бошқа фирмалар фақат ИТТКИ ёки унинг эгасидан олиши мумкин
Маркага ёки савдо белгисига асосланган “гудвилль”	Сифат, хизматлар ва бошқаларга нисбатан тажриба асосида орттирилган обрў-этибор
Ишлаб чиқариш кўламлари бўйича	Катта кўламларда ишлаб чиқариш маҳсулот бирлиги қийматини пасайтиради

¹⁵ Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане. / «Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М., МГЭИ, 2008. 18-б.

иқтисод қилиш	
Ишлаб чиқариш диапазони бўйича иқтисод қилиш	Бир нечта ишлаб чиқариш турлари “бир том остида” бирлашиши ҳисобига харажатлар камайди
Харидлар кўламлари бўйича иқтисод	Харидларни катта ҳажмларда амалга ошириш ҳисобига хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қийматининг камайиши
- молиялаштиришда	Йирик фирмалар учун анча паст ставкаларда молиялаштиришдан фойдаланиш
- сотувларда	Хом ашё ва маҳсулотни катта партияларда юклаш маҳсулот бирлигини ташиш қийматини пасайтиради
- рекламада	Бир нечта бозорлардаги сотувлар рекламанинг муайян “бозорлараро” ихтисослашишига имкон беради
Давлатнинг ҳомийлиги	Давлат бошқаруви остида бозорга эркин ёки преференциал тарзда қўллаб-қувватлаш орқали кириш
Ходимлар менежменти	Банд бўлганларнинг гуруҳли фаолиятини рағбатлантириш ва меҳнат унумдорлигини мақбуллаштириш кўникмалари
II. Мультимиллийлаштириш билан боғлиқ рақобат афзалликлари	
Маркетингнинг мультимиллий	Бир нечта мамлакатлардаги бозорларни ўрганиш

имкониятлари	билиш ва улардан фойдаланиш
Мультимиллий таъминот манбалари	Бир нечта мамлакатлардаги хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлардан эркин фойдаланиш, бу ягона манбага нисбатан харажатларни анча пасайтиради
Мультимиллий диверсификация	Бир нечта мамлакатларда операциялар олиб бориш “мамлакат қалтислиги”ни ва бизнес қалтислигини пасайтиради
Бир нечта мамлакатларнинг менежментдаги тажрибаси	Бир нечта мамлакатлар тажрибаси асосида шаклланган операцияларни бошқариш кўникмалари рақобатчилар олдида нисбий афзалликларни беради
Агломерация бўйича иқтисод	Бошқа фирмалар билан ҳудудий ишлаб чиқариш кооперацияси натижасидаги агломерация бўйича иқтисод қилиш

ТМКнинг маҳсулотни бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатлардаги филиалларида ишлаб чиқариш сабабларини аниқлаш учун унинг ҳудудий жиҳатини ажратиб кўрсатиш зарур. Ҳудудий жиҳат корпорациянинг арзон хом ашё ва иш кучидан фойдаланиш, маҳсулотни ташиш ва сақлаш харажатларини қисқартириш, божхона ва солиқ тўсиқларини четлаб ўтишга интилиши билан боғлиқдир.

Интернационал жиҳат эса бир нечта мамлакатларда ўз филиалларига эга корпорация ўз нисбий устунлигидан фойдаланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий мустақил бир неча корпорациядан кўра, маҳсулотни битта корпорация томонидан қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш афзалроқдир. Шунингдек, ТМК солиқларни қисқартириш мақсадида ҳисоботни бошқариши ва унга тегишли бўлган технология

устидан назоратни ўрнатиши мумкин. Ушбу имконият тўлиқ назорат қилинадиган филиаллар ёрдамида амалга оширилади.

ТМКлар қуйидаги хусусусиятлари билан бошқа компаниялардан фарқланади:

- 1) халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчилари эканлиги;
- 2) халқаро ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиб, қўшимча имкониятларга эга бўлиши;
- 3) глобал ишлаб чиқариш кучлари ва ресурсларидан фойдаланши;
- 4) оммавий истеъмолчилар учун ишлаши;
- 5) капитални базавий мамлакатда юз бераётган жараёнларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириши;
- 6) юқори технологияли ва фан сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларда фаолият олиб бориши. Ушбу тармоқлар ривожланиши катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар ва юқори малакали мутахассисларни талаб этади.

Шу билан бирга ТМКнинг ривожланиши қуйидаги қарама-қарши тенденцияларга

эга:

- улар ўртасида рақобатнинг кескинлашуви;
- ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши.

ТМК ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари қуйидаги шаклларда намоён

бўлиши мумкин:

- 1) халқаро кооперация – дастлаб, ривожланаётган мамлакатларнинг қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқларида намоён бўлган бўлса, кейинчалик юқори технологияларни талаб қилувчи, илмий-техника тараққиёти ютуқлари кенг қўлланиладиган соҳаларда амалга оширила бошланди;
- 2) стратегик альянслар – жаҳон бозоридаги глобал иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида тузиладиган фирмалараро иттифоқ бўлиб, ушбу иттифоқ мазкур фирмаларнинг бошқа соҳаларда рақобатлашувига тўсқинлик қилмайди. Стратегик альянслар технологик тадқиқотларни олиб бориш, қўшма ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва маҳсулотни сотишда ҳамкорлик қилиш мақсадида барпо этилади;
- 3) стратегик оилалар – ўзаро рақобатда бўлган корпорацияларнинг халқаро бозорларда бир-бирини тўлдирувчи стратегияни амалга ошириш мақсадидаги бирлашувидир;
- 4) стратегик тизимлар - турли тармоқлардаги (ишлаб чиқариш корхоналари, савдо фирмалари, банклар) корхоналарнинг узок муддатли ҳамкорлигига асосланган бирлашма бўлиб, мақсади ахборотлар, персонал ва технологиялар алмашишдан иборатдир;
- 5) халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар.

4. Жаҳон ҳўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли

Халқаро рақобатнинг кучайиб бориши натижасида XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ТМК иштирокида фирмаларнинг бирлашиш ва қўшиб олиш жараёни кучайди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби саноат тармоқларида тўлиқ қувват билан ишламаётган корхоналарнинг кўпайиши, ТМК даромадининг пасайиши, молия соҳасидаги ўзгаришлар оқибатида молиялаштиришнинг янги манбалари ва воситаларининг вужудга келиши ҳисобланади. Жумладан, 2010 йилда трансчегаравий бирлашган ва қўшиб олинган компанияларнинг қиймати 339 млрд. долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич жаҳон молия инқирозининг таъсирида 2009 йилда (250 млрд. долл.) 2008 йилга (707 млрд. долл.) нисбатан 47,9% га қисқарган¹⁶. Ушбу жараён асосан банк, суғурта, фармацевтика ва телекоммуникация соҳаларида юз бермоқда;

6) ТМКнинг халқаро қўшилиши деганда корпорацияларнинг қимматбаҳо қоғозларни шерикчилик асосида бошқариши тушунилади. Халқаро қўшилиб кетишлар асосан автомобилсозлик тармоқларида юз беради.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ТМК жаҳон бозорларини эгаллаш учун фаол ҳаракат бошладилар. Ушбу жараённинг ривожланишига халқаро иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви, янги мустақил мамлакатларнинг вужудга келиши, жаҳон истеъмол бозорида талабнинг ўсиши каби омиллар жиддий таъсир кўрсатди. ТМКнинг ҳажми ва сонининг жадал суръатлар билан ўсиши уларнинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги салмоғи ва аҳамиятининг кескин ошишига олиб келди.

ТМК жаҳон ҳўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқда. Саноат жихатдан тараққий этган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари бевосита ТМК фаолиятига боғлиқдир. Ушбу мамлакатлар экспортида миллий корпорациялар ва уларнинг хориждаги филиаллари ўртасидаги савдо алоқалари улуши юқори кўрсаткичга эга. Масалан, XX асрнинг 80-йилларида фирма ичидаги савдо улуши АҚШ экспортининг 14-20% ини, Япония экспортининг 23-28% ини ва ГФР экспортининг 24-28% ини ташкил этган.

ЮНКТАД маълумотларига кўра 2008 йилда 82000 та ТМК қайд этилган бўлиб, филиалларининг сони 810 000 тани ташкил этган. ТМК жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. ТМК филиаллари орқали амалга оширилган экспортнинг ҳажми дунё экспортининг 1/3 қисмини ташкил этади ва уларда 68,2 млн. киши ишлайди. Ушбу кўрсаткич Германия иқтисодиётида банд бўлганлар сонидан икки баравар кўпдир.

Халқаро ишлаб чиқариш деганда, ТМКнинг хорижий филиаллари томонидан сотилган маҳсулот тушунилади. Ушбу сотувларнинг аксарият қисмини филиаллар ишлаб чиқаради ва улар бош корпорациялар ишлаб чиқарган маҳсулотларни қайта сотиш билан шуғулланадилар. 1982 йилда ТМКнинг хорижий филиалларидаги сотиш ҳажми 2,5 трлн. долларни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилга келиб 33,0

¹⁶ Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 7.

трлн. долларга тенг бўлган.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг асосини ТТХИ ташкил этади. Агар 1982 йилда ТМК томонидан четга чиқарилган ТТХИнинг умумий ҳажми 579 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,4 трлн. долларга тенг бўлган. ТМК томонидан мамлакатлар иқтисодиётига четга чиқарилган ТТХИдан олинган даромадлар ҳажми эса мутаносиб равишда 46 млрд. доллардан 1,1 трлн. долларгача ортган (7-жадвал).

7-жадвал

ТМК ривожланишининг асосий кўрсаткичлари¹⁷

Кўрсаткичлар	Жорий баҳолардаги қиймати, млрд. долл.			2010 йилда 1982 йилга нисбатан, марта ҳисобида
	1982 й.	1990 й.	2010 й.	
Четга чиқарилган ТТХИнинг умумий ҳажми	579	1786	20408	35,3
Четга чиқарилган ТТХИдан олинган даромад	46	120	1 137	24,7
Трансчегаравий бирлашиш ва қўшиб олишлар сони	...	112	339	3,0*
Хорижий филиаллардаги сотиш ҳажми	2530	6026	32960	13,0
Хорижий филиалларнинг ялпи маҳсулоти	623	1477	6636	10,7
Хорижий филиаллардаги жами	2036	5938	56998	28,0

¹⁷ World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. UNCTAD. -New York and Geneva, 2009.; Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 22.

активлар ҳажми				
Хорижий филиаллардаги экспорт ҳажми	635	1498	6239	9,8
Хорижий филиаллардаги ишловчи ишчилар сони (минг киши)	19864	24476	68218	3,4

* 1990 йилга нисбатан ҳисобланган.

2006-2008 йилларда биринчи 100 та ТМКнинг жами хорижий активлар миқдори, сотиш ҳажми ва ишчилар сонидagi улуши мос равишда 9, 16 ва 11% ни ташкил этган. Ушбу ТМКнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 2008 йилда 4% га тенг бўлган ва ушбу кўрсаткич 2000 йилдан буён ўзгармай келмоқда.

8-жадвал

100 та ТМК ривожланишининг асосий кўрсаткичлари¹⁸

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, % ҳисобида
Активлар ҳажми, млрд. долл				
Жами	9 239	10 702	10 687	115,6
Шу жумладан, хорижда	5 245	6 116	6 094	116,2
Хориждаги активларнинг жами активлардаги улуши, %	57	57	57	100,0
Сотиш ҳажми, млрд. долл				

¹⁸ Ўша манба.

Жами	7 088	8 078	8 518	120,2
Шу жумладан, хорижда	4 078	4 936	5 208	127,7
Хориждаги сотиш ҳажмининг жами сотиш ҳажмидаги улуши, %	58	61	61	105,2
Ишчилар сони, минг киши				
Жами	15 388	14 870	15 302	99,4
Шу жумладан, хорижда	8 582	8 440	8 898	103,7
Хориждаги ишчилар сонининг жами ишчилар сонидagi улуши, %	56	57	58	103,6

ТМИнинг тармоқ таркибида телекоммуникация (70,3%), озиқ-овқат, тамаки саноати (68,1%) ва фармацевтика саноати (63,6%) корпорациялари етакчилик қилишади. Масалан, телекоммуникация соҳасига ихтисослашган “Vodafone Group Plc” компаниясининг (Буюк Британия) ТМИ даражаси – 88,6% га тенг.

9-жадвал.

Жаҳондаги 100 та ТМКнинг трансмиллийлашув индекси бўйича тармоқ таркиби¹⁹

	Дунёдаги биринчи 100 та ТМК		Ривожланган мамлакатлардаги биринчи 100 та ТМК	
	2007 й.	ТМИ	2007 й.	ТМИ
Машинасозлик	13	56,0	3	39,3

¹⁹ Ўша манба

Ўқилғи энергетика	10	56,2	9	24,0
Электр ва электроника маҳсулотлари	9	57,7	19	59,9
Озиқ-овқат, тамаки	9	68,1	7	60,5
Фармацевтика	9	63,6	1	50,4
Коммунал хизматлар	8	55,5	2	41,6
Телекоммуник ация	8	70,3	7	47,7
Жами	100	62,4	100	54,4

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози молия бозорларига таъсир ўтказиб, кўпчилик мамлакатларда ликвидлик муаммосини келтириб чиқарди. Инқирознинг микро-макро оқибатлари ТМКнинг хорижга капитал чиқариш имкониятларига сезиларли таъсир ўтказгани йўқ. ТМК аксарият тармоқларда инвестицияларни молиялаштириш бўйича юқори ликвидликка эга бўлганликлари сабаблари, инқироз уларнинг юқори фойда нормасига жиддий таъсир кўрсатмади. АҚШ иқтисодиётидаги пасайишнинг макроиқтисодий даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва жаҳон молия бозорларига салбий таъсир кўрсатиши туфайли ушбу мамлакатларда инвестиция оқимининг қисқариши кутилмоқда. Бошқа томондан эса ушбу жараёнга ривожланаётган мамлакатлардаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

ТМКнинг фаолиятини таҳлил этишнинг муҳим йўналиши “FT 500” рейтинги ҳисобланади. Масалан, “FT 500” рейтингига кўра 2010 йилда 500 та ТМКнинг 159 таси АҚШга тегишли бўлиб, ТМКнинг капиталлашув даражасида уларнинг улуши 36,5% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича Хитой ТМКининг улуши Буюк Британия, Япония, Франция, Германия, Канада каби мамлакатларнинг ТМКини ортада қолдириб 7,4% га тенг бўлган (12-жадвал).

10-жадвал.

“FT 500” рейтингига кирувчи ТМКнинг капиталлашув даражаси,

2010 й.²⁰

Ў рни	Мамлакат	Компания лар сони	Капиталлашиш даражаси, млрд. долл.	Улуш и, % ҳисобида
1	АҚШ	159	9578,9	36,5
2	Хитой	27	1945,2	7,4
3	Буюк Британия	30	1856,0	7,1
4	Япония	35	1333,0	5,1
5	Франция	24	1231,3	4,7
6	Канада	27	1046,8	4,0
7	Германия	19	994,3	3,8
8	Бразилия	11	884,0	3,4
9	Швейцария	14	856,7	3,3
10	Гонконг	18	796,9	3,0
11	Россия	11	673,3	2,6
12	Австралия	14	560,8	2,1
13	Ҳиндистон	14	510,6	1,9
14	Испания	7	433,5	1,7
15	Жанубий Корея	9	378,9	1,4
Бошқа мамлакатлар		81	3139,9	12,0
Жами		500	26220,1	100

“FT 500” рейтингига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ТМК фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган. Таҳлиллар кўрсатишича, ТМКнинг капиталлашув даражаси²¹ . 2003 йилдан 2008 йилгача 12,6 млрд. доллардан 26,8 млрд. долларгача ошган, аммо молиявий инқироз натижасида бу кўрсаткич 2010 йилда 8,7 млрд. долларгача пасайиб кетди. 100 млрд. доллардан ортиқ қийматга эга компаниялар сони ҳам ушбу даврда 21 тадан 62 тагача ўсган ва инқироз туфайли 2010 йилга келиб 51 тага тушиб қолган.

11-жадвал

“FT 500” рейтингининг тармоқ таркиби

2010 й.

²⁰ www.vedomosti.ru

²¹ Компаниялар капиталлашиш (акциялар сонини унинг баҳосига кўпайтириш) даражаси бўйича амалга оширилган рўйхатга акцияларининг камида 15% и эркин муомалада бўлган компаниялар киритилади.

Компаниялар	Мамлакатлар	Капиталлашиш даражаси, млрд. долл.
1. Exxon Mobil	АҚШ	417,2
2. PetroChina	Хитой	326,2
3. Apple	АҚШ	321,1
4. Industrial & Commercial Bank of China	Хитой	251,1
5. Petrobras	Бразилия	247,4
6. BHP Billiton	Австралия /Буюк Британия	247,1
7. China Construction Bank	Хитой	232,6
8. Royal Dutch Shell	Буюк Британия	228,1
9. Chevron	АҚШ	215,8
10. Microsoft	АҚШ	213,3

Хитой компанияларининг капиталлашиш даражаси бўйича Буюк Британияни ортда қолдирди.

“FT 500” рейтингининг тармоқ таркиби таҳлиллари кўрсатишича, чакана савдо компаниялари 15-ўриндан 9-ўринга, электроэнергетика хизматларини кўрсатувчи компаниялар 8-ўриндан 6-ўринга кўтарилилган, уларнинг жами капиталлашишдаги улуши мос равишда 2,2% дан 3,6% гача ва 3,3% дан 4,2 %гача ортган.

Тоғ-кон саноати ва металлургия тармоқлари компаниялари рўйхатда ўз ўринларини йўқотишган. Жумладан, тоғ-кон саноати компаниялари 6-ўриндан 10-ўринга, металлургия тармоғи компаниялари эса 13-ўриндан 19-ўринга тушиб, уларнинг капиталлашиш даражаси мос равишда 943,9 млрд. доллардан 436,9 млрд. долларга ва 641,6 млрд. доллардан 262,3 млрд. долларгача қисқарган. Биринчи ўнликни юқори технологик тармоқлар – компьютерлар ишлаб чиқарувчи, дастурий таъминот ишлаб чиқувчи ва алоқа компаниялари ташкил этишди.

Демак, замонавий ТМКнинг афзалликлари технологик, бошқарув персоналининг юқори малакаси ва капитал ресурсларининг улкан ҳажмлари билан белгиланади. Ушбу афзалликларнинг мавжудлиги ТМК учун хорижда ўз филиалларини очишларини рағбатлантиради. Жаҳон иқтисодиётининг эркинлашуви ва глобаллашуви ушбу

жараёни жадаллаштиради.

Назорат саволлари

- 1.Халқаро капиталлар миграциясининг сабаблари нималардан иборат?
- 2.Халқаро капиталлар миграцияси қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
- 3.Халқаро капиталлар миграциясининг қандай шакллари мавжуд?
- 4.Тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг фарқи нимадан иборат?
- 5.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин ўсишининг сабабларини кўрсатинг.
- 6.Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш зарурияти нималардан иборат?
- 7.ТМК дейилганда нима тушунилади?
- 8.Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар деганда нима тушунаси?
- 9.ТМК фаолияти ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир ўтказади?

6-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни

- 1.Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва кўринишлари
- 2.Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда жаҳон тажрибалари
3. Хитой ЭИХ модели хусусиятлари

1.Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти ва кўринишлари

Эркин иқтисодий ҳудуд хўжалик юретишнинг янги шаклларида бири бўлиб, халқаро майдонда 1950 – йилларнинг охири ва 60 – йилларнинг бошларида пайдо бўлган. 1970 - йилларнинг ўрталарига келиб эса жаҳон майдонида кенг оммалаша бошлади. Бундай ҳудудлар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар ҳисобланган – АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда кейинчалик эса Польша, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ташкил этилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки эркин иқтисодий ҳудудлар даставвал дарё ва денгиз портларида, халқаро аэропортларда, темир ва автомобил йўлларига яқин жойларда, сайёҳлик ва алоҳида олинган саноат марказларида ташкил этилган. Чунки тоавр моддий бойликларни чет эл бозорларига олиб чиқишда ва чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Халқнинг фаровонлиги, ҳаётнинг кўркамлашиб бориши, кўп жихатдан шу мамлакат эркин иқтисодий ҳудудларининг ташкил этилиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир. Чунки бундай ҳолатларни иқтисодиёти ривожланган ва эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этган мамлакатлар фаолиятида кўплаб кузатиш мумкин. Нега – ки қайси мамлакатда чет эл инвесторлари ва тадбиркорлар фаолияти учун кенг имтиёзлар яратилса, уларнинг ўзларини тиклаб олишлари учун амалий ёрдам берилса ва имкониятлар яратилса – инвестиция миқдори ҳам, тадбиркорликнинг ишчанлик қобилияти ҳам ўша ерда юқори бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудуд ҳақида тушунча биринчи марта 1973 йил 18 майдаги Киото конвенциясида берилган. Унга кўра эркин иқтисодий ҳудуд деб – мамлакатнинг бир қисмини яъни товарлар импорти ва экспорти, божхона ва солиқ чекловларисиз олиб кириш мумкин бўлган ҳудудга айтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5 – сессиясида қабул қилинган “эркин иқтисодий ҳудуд тўғрисида”ги

қонуннинг 1 – моддасида эса қуйдагича тариф берилган: - “Эркин иқтисодий ҳудудлар деб – минтақани жадал ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални, истиқболли технологиялар ва бошқарувга оид тажрибаларни жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудудга айтилади”.

Умуман олганда эркин иқтисодий ҳудудларнинг 30 га яқин тури бўлади. Улардан кенг тарқалганлари: эркин савдо ҳудудлар, эркин божхона, эркин ишлаб чиқариш, эркин илмий – техник ҳудудлардир. Буларнинг ҳар бири эркин иқтисодий ҳудуд тоифасига киргани билан ўз функциясига кўра бир биридан фарқ қилади.²²

Эркин иқтисодий ҳудудлари – консигнация (яъни товарларни сотиш учун бериш) омборларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраш – жойлаш, саралаш, сақлаш ҳудудларини ўз ичига олади.

Эркин божхона ҳудудлари – чет элда ишлаб чиқарилган ва мамлакатга кириб келаётган маҳсулотларни имтиёзли тўлов асосида сақлаш, маркалар ва сортларга ажратиш, ишлов бериш, агар керак бўлиб қолган ҳолда комплектлаштириш ва сотиш каби вазифаларни бажаради. Бундай эркин божхона ҳудудлари дарё ва денгиз портларида, чегарадош темир йўл тармоқларида ва аэропортларда чет эл валютасида даромад олиш мақсадида ташкил этилади.

Эркин савдо ҳудудлари АҚШда кўплаб ташкил этилган бўлиб, улар ташқи савдо зоналари (Foreing Trade Zones) деб номланади. Бугунги кунда АҚШда 200 га яқин зона ва субзоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳудудларнинг фаолиятини назорат қилиш ташқи савдо зоналари Департаментига юклатилган бўлиб, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Департамент томонидан зона очилиши учун рухсат берилгандан сўнг унинг фаолият кўрсатгунига қадар 6 ойдан – 3 йилгача вақт керак бўлади.

12– Жадвал

Халқаро майдонда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган корхоналар сони динамикаси

№	Мамлакат-нинг номи	Қайд этилган корхона-лар сони	Сўнги уч йил мобайнидаги ўсиши % ҳисобида	Корхона-лар сони	Сўнги уч йил мобайнидаги ўсиши % ҳисобида
1	Британ – Виргин ороллари	43000	48.2	208000	100
2	Ирландия	16000	14.3	150000	36.4
3	Панама	15201	1.7	337004	20
4	Багама ороллари	12000	33.3	50000	127.3
5	Мэн ороллари	5776	16.3	38536	20.5
6	Кипр	4400	89.9	26900	136.9
7	Люксембург	3600	1.8	55000	17.5
8	Кайманово ороллари	3565	14.7	38716	39.6
9	Гибралтар	3260	6.8	59600	17.3
10	Лжерси	3100	1.3	30500	8.2

²² Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

11	Теркс ва Кайкос	3000	56.6	15000	36.4
12	Нидерландия – Антиль ороллари	2200	10.0	22500	18.4
13	Маврикий	1550	219.6	4550	574.1
14	Гернси	1148	6.5	14550	3.8
15	Белиз	1430	104.3	4810	270.0
16	Барбадос	1293	546.5	12804	1064.0
17	Антигуа	1000	33.3	5500	120.0
18	Бермуд	988	28.6	8659	19.1
19	Мадейра	600	50.0	2210	84.2
20	Гонконг	570	26.7	4429	34.2

Манба: ХХР статистик кундалиги. 2006.

Эркин ишлаб - чиқариш зоналари мақсадли социал – иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида территорияда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устивор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий – иқтисодий мустақиллик ва ўзини – ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ижара, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини куриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади.

Шуни қайд этиш лозим – ки, халқаро майдонда эркин экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Фикримизнинг далили сифатида айтиб ўтишни истардикки Ирландиядаги “Шенон” аэропорти эркин экспорт – ишлаб чиқариш ҳудудларининг типик вакили ҳисобланиб, бу аэропортнинг ўзига хос хусусиятлари яъни туристларнинг кўплиги ва жуда кўплаб мамлакатларнинг хаво йўллари кесишганлиги, бошқа кўплаб қулай имкониятлари учун бу ерда сотувга қўйишнан чет эл фирмаларининг товарлари фирма эгаларига кўп фойда келтиради.

Эркин ишлаб чиқариш зоналарида ишлаб чиқарувчиларга баҳоларни эркин рақобат ва бозордаги талаб – таклиф асосида белгилаш, шерикни танлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сони ва турларини белгилаш, ишчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини ҳал этиш ва уларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини миллий ва чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари эркин иқтисодий ҳудудларда ташкил этилган ишлаб чиқариш муносабатларига мос келувчи – молия ва ҳисоб олийгоҳлари тизими ҳам ташкил этилади. Бу тизим таркибига миллий ва чет эл валюталарида операциялар олиб боровчи давлат ва тижорат инвестиция банклари, тижорат – хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари кирази.

Эркин илмий – техник ҳудудлар, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланган ҳозирги кунда ишлаётган ва ривожланган инфраструктурага, чет эл илмий – техникавий ва технологиясига, ишлаб чиқариш ва молиявий жихатдан потенциалга эга бўлган ва махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатиладиган алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлади.

Эркин илмий техник зоналар юксак технополислар, технопарклар, минтақавий иновация марказлари – технополислар ишлайдиган зоналар шаклида ташкил этилади. Бундай ҳудудларни ташкил этишда мақсад фан ва техника ривожланишида муҳим йўналишларни олиб бориш ва уни халқаро майдондаги нуфузини оширишдан иборатдир.

Эркин илмий техник ҳудудлар ташқи иқтисодий масалаларни ҳал этиш билан бир қаторда мамлакатнинг ички умумий хўжалик масалаларини ечишга ҳам қаратилган бўлиши лозим. Бундай ҳолатда бу зоналарда илмий тадқиқотларни амалга оширувчи ва

атроф муҳитга зиён – захмат етказмайдиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш учун юқори имкониятлар мавжуд бўлади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ўзларининг божхона ҳудудига эга бўлиб, бу ҳудуд тереториясига кириб – чиқиш ўрнатилган тартибга амалга оширилади. Эркин иқтисодий ҳудудлар географик жиҳатдан жойлашишига қараб, “ташқи” яъни икки ёки бир неча мамлакат ҳудудида жойлашган – халқаро ва бир мамлакат ҳудудида жойлашган “ички” эркин иқтисодий ҳудудларга бўлинади.

Шу билан бирга эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги ва ташкил этиш турларига қараб ҳам классификация қилинади. Бу классификация асосида эркин иқтисодий ҳудудлар хўжалик ихтисослиги бўйича:

1. Эркин савдо ҳудуди.
2. Саноат ва ишлаб чиқариш зонаси.
3. Техник ва технологияни жорий этиш ҳудудлари.
4. Хизмат кўрсатиш зоналари.
5. Комплекс зоналар.

Ташкил этиш турларига қараб эса:

1. Ҳудудий зоналар.
2. Махсус тартибот зоналарига бўлинади.

Эркин иқтисодий оффшор ҳудудлари деб махсус солиқ тизими ўрнатилган ҳудудга айтилади ёки бу ҳудудни чет эл инвестицияси учун солиқ имтиёзлари қўлланиладиган ҳудуд деб ҳам аташ мумкин. Маълумки халқаро ҳамжамиятдаги давлатларда солиқ тизими бир – биридан анчагина фарқ қилади. Масалан: Швецияда компания фойдасининг 63 фоизи солиққа тортилса, АҚШнинг Делавар штатида эса бу салмоқ олинадиган фойда миқдоридан қатий назар 400 АҚШ долларини ташкил этади.

Шунинг учун ҳар қандай компания рўйхатга олиниш даврида солиққа тортилиш шароитларига қараб 2 турга:

1. Оддий компаниялар.
2. Оффшор компанияларга бўлинади.

13- Жадвал

Оффшор компаниялар орасидаги фарқлар

Компания-лар статуси	Хўжалик фаолияти	Муассис-лар	Даромад мнбалари	Солиқ ставкалари
Оддий	мамлакат худудида ва ташки иктисодий алоқаларида иштиро этиши мумкин	фуқаролиги бўлган ва чет эллик фуқаролар	мамлакат худудида ва чет элларда ҳам бўлиши мумкин	солиқ кодексида белгилан-ган тартибда
оффшор	президент-лар шуғулла-ниши мумкин бўлган хўжалик фаолияти билан	мамлакат ташқариси-да асосий филиал рўйхатдан ўтган мамлакат-да	мамлакатда ташқариси-да чунки оффшор компания-лари учун маҳаллий ресурслар (табiiй, молиявий) дан фойдала-ниш тақиқланади	имтиёзли солиқ ставкалари ёки фисац-яланган тўловлар

Манба: Международная экономика. Киреев А. Москва. 1999.

Биринчи оффшор худудлар 1960 йилларда ташкил этилган бўлиб, бунинг асосий сабаби мустақилликка эришган мамлакатлар чет эл инвестицияларини жалб этиш учун солиқ имтиёзларини жорий эта бошладди. АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги қаттақ банк назоратидан азият чеккан йирик корпорациялар бу худудларда ўзларининг филиалларини ташкил этишга киришдилар. Бу билан оффшор тадбиркорларнинг структураси ҳам ривожлана бошлади.²³

Оффшор тадбиркорлиги ўзининг хусусиятлари жихатдан бир қанча турга:

1. Банк – оффшор марказлари.
2. Савдо – оффшор компаниялари.
3. Суғурта – оффшор кэптик.
4. Инвестиция – оффшор компаниялари.
5. Туристик – рекреацион худудларга бўлинади.

Бундай компаниялар бир қанча имтиёзларга эга бўлиб, улар биринчидан: - солиқ ставкаларининг минимал миқдори; иккинчидан: - маъмурий назоратнинг юмшоқлиги ва ҳисобларни топшириш муддатларининг узоклиги; учинчидан: - оффшор компаниялар фаолиятининг конфеденциаллиги ёки сир сақлаш муҳимлиги бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятда катта мавкега эга бўлган оффшор зоналари бўлиб: Мальта ороллари, Мэн ороллари, Британ – Виргин ороллари, мингта банка эга Науру ороллари, Гонконг, Кипр, Багама ороллари, Бермуд ороллари, Сингапур давлати, Лихтенштейн, Люксембург, Швецария, Панама, Гибралтар Бўғози мамлакатлари ҳисобланади.

Юқоридаги мамлакатлар иктисодиёти тахлили ва уларда ташкил этилган эркин иктисодий худудлар ривожланиш динамикасида кўриниб турибдики, бу мамлакатлардаги макро ва микро иктисодий кўрсаткичларга эркин иктисодий худудлар катта тасир ўтказди.

2.Эркин иктисодий худудларни яратишда жаҳон тажрибалари

²³ Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

Хозирги кунда дунёда 400 тадан 2000 тагача эркин иқтисодий ҳудуд мавжуд деб ҳисобланади. Биринчи эркин иқтисодий ҳудудлар АҚШда 1934 йили эркин савдо ҳудуди қўринишида ташкил этилган. Уларнинг асосий йўналиши ташқисавдони фаоллаштириш бўлган. Бунга эса божхона божларининг пасайтирилиши ва эркинлаштирилиши сабаб бўлган. Бу ҳудудларнинг энг қизиқарли жойи шундаки, импорт қилинга ярим тайёр маҳсулотлар – агар тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинса божхона тозалашларидан ўтмаган ва агар импорт қилинган ярим тайёр маҳсулотлар – тайёр бўлганидан кейин АҚШбозорига кирса тўла божхона тўловларига ва тозоловларига тортилган.

Буюк Британия қўшма қироллиги – ҳудудида ташкил этилган компаниялар фаолияти ва солиқ тизими халқаро майдонда такомиллашган системалардан бири бўлиб, бу қонун қоидалар айниқса оффшор зоналарнинг роивожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу қонун 1965 йилда Молиявий қонун (Finance act) асосида қабул қилинган бўлиб, Буюк Британия иқтисодиётида фаолият кўрсатувчи барча компаниялар учун амал қилади. Бу солиқ туридан фақатгина нокорпоратив корхоналар, “ўртоқчилик” компаниялари ва маҳаллий ҳокимиятгинаозод этилган. Солиқ солиш базаси бўлиб компания фойдаси ҳисобланади. Бу тизимнинг ўзига хослиги солиқ ставкаси даромад солиғи тамойиллари асосида фойда ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. Бу қонунга 1972 йилда ўзгартириш киритилиб 1973 йил 1 январидан бошлаб амал қила бошлаган ва “солиқ системасининг классик” тури деб номланган янги тури ҳисоблашнинг шартли системаси асосида юритилади.

Ҳисоблашнинг “классик системаси” икки тамойилга асосланади. Биринчидан: фойдани солиққа тортиш даврида – акциядорлар томонидан олинган дивидентлар солиқ базасига қўшилмасдан – алоҳида акциядорларга тарқатилиш вақтида даромад солиғига тортилади; иккинчидан: - майда корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, ёпиқ майда корхоналар тоифаларини ташкил этилиши билан.

Белиз мамлакатининг жанубий қисми ҳисобланмиш Корсол районида 1994 йилда эркин савдо зонаси ташкил этилди. Мазкур савдо зонасининг асосий мақсади қуйдагилардан иборат бўлиб ҳисобланади:

биринчидан: чет эллик дипломатларга улгуржи ва чакана савдо хизматларини ташкил этиш;

иккинчидан: чет элга сафарга кетаётган ссудноларга товарларни сотиш ёки айрибошлаш;

учичидан: божхона хизматларининг назорати асосида товарларни сувда, қуруқликда ва ҳаво линиялари орқали экспорт қилишни ташкил этиш;

тўртинчидан: улгуржи товарларни божхона хизматларининг ҳудудида сақлаб бериш ва олиб киришни амалга ошириш;

бешинчидан: товар маҳсулотларини бир тадбиркордан олиб иккинчи тадбиркорга сотиш яъни воситачилик функцияларини бажариш.

Шу билан бирга мазкур ташки савдо ҳудудида чет эл валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш қаттиқ назорат қилинмайди, чет эл ишлатганлиги учун ҳеч қандай солиқ олинмайди. Мазкур иқтисодий зонадаги тадбиркор, шу ерда жойлашган банкларнинг бирида, ҳар қандай давлатнинг пул бирлигидан қайтий назар ҳисоб – рақамини очиши мумкин. Ташки савдо ҳудудига олиб кирилган товар моддий бойликларидан солиқ ёки божхона тўловлари олинмайди, янги ташкил этилган корхоналар ёки фирмалар 5 йил мобайнида солиқдан озод этилади, бу муддат давлат томонидан 10 йилга узайтирилиши мумкин. Экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун эса солиқдан озод қилиш муддати 25 йилга ҳам узайтрилиши мумкин.

Хозирги кунда энг тез ривожланаётган иқтисодиётлардан бири бўлмиш - Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти ҳам асосан эркин иқтисодий ҳудудларда амалга оширилган ислохатлар туфайли юзага келган ва айнан Хитой Халқ Республикаси хозирги кунда эркин савдо ҳудудларини ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган мамлакат ҳисобланади.

3. Хитой ЭИХ модели хусусиятлари

Хитой мамлакати – ўзининг ривожланиши, тарихи ва мукамаллиги, ишбилармонлиги борасида фақатгина бизнинг Республикамиз ишбилармонлари учун эмас, балки бутун дунё ишбилармонлари учун ҳам сирли бир мамлакат бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга хозирда бу мамлакат дунёда иқтисодий ўйғониш ва ривожланиш соҳаларида ҳам муваффақиятга эришмоқда. Фикримизнинг далили сифатида шунини айтиб ўтмоқчи эдик – ки Хитойнинг ЯММси хозирги кунда деярли АҚШнинг ЯММси билан тенглашиб қолганю Бу кўрсаткичга эса асрлардирки ҳеч қайси мамлакат иқтисодиёти яқинлаша олмаган.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш Хитой Халқ Республикасида Хитой Коммунистик партияси томонидан 1979 йилнинг ўрталарида кўриб чиқилган. Ташкилотчиларнинг фикрига кўра эркин иқтисодий ҳудудлар “ташки дунёга ойна” бўлиши керак эди. Хозирги кунда Хитой Халқ Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар дунёдаги энг омаддиларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар орқали мамлакатга: капитал, юқори технологиялар, билим, бошқариш усуллари кириб келиши ва ўзлаштирилгандан кейин мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ишлатилиши кўзда тутилган эди. Бундан ташқари: эркин иқтисодий ҳудудлар бозор иқтисодиёти механизмини синашга, чет эл фирмалари билан янги алоқалар ўрнатишга ва мулкчиликнинг ҳар хил шакллари аниқлашда полигон бўлиб хизмат қилиши керак эди.

2008 йилнинг биринчи чорагида Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётининг ўсиши 10,6 фоизни ташкил этди. Умуман олганда 2010 йилга бориб Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти АҚШ иқтисодиётига етиб олади деган тахминлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилсак бўлади.

Охирги 10 йил ичида Хитой Халқ Республикаси ЯММсининг ўртача ўсиши 10,4 фоизни ташкил этган. Бу 1978 – 96 йилга қараганда 0,6 фоизга кўп, лекин 1991 – 95 йилга қараганда 0,6 фоизга камдир. 1991 – 95 йилларда ЯИМнинг ўртача ўсиши 11 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткич жахон ўртача кўрсаткичидан (3,4%) анча юқори бўлган. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати иқтисодиётнинг “қизиқ” кетмаслиги учун уни ривожланишини сунъий 8 фоизгача туширишни ржалаштириб чора – тадбирлар кўра бошлади, лекин 10 фоиздан пастга тушира олмади. Бу ривожланиш айниқса аграр секторни қайти қуриш сўҳасида бўлиб, ташқи савдо балансининг мисли кўрилмаган даражада ўсишига олиб келди. Бу савдо обороти 2007 йилда 2 трлн. 173,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ҳам юқорилиги қайд этилмоқда. 798,1 млн. ишга яроқли аҳолининг деярли 96 фоизи иш билан таъминланган. Бундан ташқари миллий валютанинг қадри ҳам ортиб бориши чет эл инвестициясини жалб қилиш борасида экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларнинг кўплаб қурилаётгани мамлакат иқтисодий фаолиятида кузатилмоқда. Шу билан Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ривожланиш модели барқарор бир кўринишга эга эканлигини ҳам кўриш мумкин. Лекин шунини қайд этиш лозимки, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаларининг иқтисодий, социал – ижтимоий ривожланиш тамойиллари бир – бирига ўхшаб кетади. Масалан ҳар иккала мамлакат ҳам бозор иқтисодиётига

Ўтишининг революцион йўлини эмас, балки бир неча боскичда ривожланишяъни эволюцион йўлини танлаганлиги, ўтказилган ва ўтказиладиган иқтисодий реформаларда давлатларининг асосий рефоматор эканлиги ва иқтисодий ривожланишнинг “эсакиратувчи муложа” ҳолатидан воз кечганлиги бу икки мамлакатни “Буюк ипак йўли”нинг 1000 йиллик тарихи ҳам ўзаро боғлаб турганлиги билан ўхшаб кетади.

Хозирги кунда Хитой Халқ Республикасида 5 та махсус эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан учтаси: Шеньчжень, Чжухай ва Шаньтоу Бутун Хитой Халқ вакиллари йиғилишининг Доимий комиссияси қарори билан 1980 йилда ташкил этилган бўлиб, Гуандун провинциясида фаолият кўрсатмоқда. Ўша йилнинг октябрь ойида Фуцзянь провинциясида Самень эркин иқтисодий ҳудудди ташкил этилди. Бешинчи иқтисодий ҳудуд бўлиб ҳисобланган Хайнань провицияси – Бутутн Хитойц Халқ Вакиллари йиғилишининг 7 – чақириқ 1 – сессияси қарорига асосан 1988 йилнинг апрель ойида ташкил этилган.

Шу билан бир қаторда 1984 – 93 йиллар давомида ХХРнинг ҳукумат қарорига асосан 32 та техник – иқтисодий ривожлантириш ҳудудлари ташкил этилган бўлиб, моҳияти жиҳатдан эркин иқтисодий ҳудудларга яқин туради. Бундан ташқари муҳим аҳамиятга эга бўлган “Пудун – янги иқтисодий ривожлантириш ҳудуди” Шанхай районида 1990 йил сентябрь ойида Хитой ҳукуматининг қарорига асосан ташкил этилди. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва техник иқтисодий ривожланиш ҳудудлари бир – биридан фақатгина маҳаллий жойлашашишга қараб ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро фарқ қилиши мумкин. Бу 5 та эркин иқтисодий ҳудудлар Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. 2007 йилда бу ҳудудларда 480 млрд. АҚШ долларлик операциялар ўтказилди. Бу миқдор Хитой Халқ Республикаси ташқи савдо оборотининг 20 фоиздан юқори қисмини ташкил этади. Бу Эркин иқтисодий ҳудудларда 100 мингдан ортиқ чет эл инвестицияси билан корхоналар ташкил этилиб, шулардан фақат 15 фоизи Хитой Халқ Республикаси компаниялари ҳисобланади. Жалб қилинган инвестициялар миқдори 40 млрд. АҚШ долларига яқин бўлиб Хитой Халқ Республикасига киритилган инвестицияларнинг 12 фоизини ташкил этади.

14– жадвал

**Хитой Халқ Республикаси Техник – иқтисодий
ривожлантириш ҳудудлари**

№	Ҳудудлар номланиши	Жойлашган жойи
1	Янги тажрибали технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Пекин ш.
2	Экспортга мўлжалланган юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Ухань ш.
3	Янги саноат – технологияларини ривожлантириш ҳудуди	Нанкин ш. Цукоу райони
4	Фан ва технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Шеньянь ш. Наньху райони
5	Янги саноат технологиялари ҳудуди	Тяньцзинь ш.
6	Экспортга мўлжалланган юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Сиань ш.
7	Юқори индустриал – технологияларини ривожлантириш зонаси	Чэнду ш.
8	“ВЭЙХАЙ” юқори индустриал технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Вэйхай ш.
9	“Чжуншань” юқори индустриал – технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чжуньшань ш.
10	Янги саноат технологиялари ҳудуди	Чаньчунь ш.

11	Юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Харбин ш.
12	Фан-техника ютуқларини тажрибадан ўтказиш ҳудуди	Чанша ш.
13	Фан – техника ҳудуди	Фучжоу ш.
14	Юқори индустриал – технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Гуаньчжоу ш.
15	Фан ва техникани ривожлантириш ҳудуди	Хэйфэй ш.
16	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чунцин ш.
17	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чанчжоу ш.
18	Янги технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Гуйлинь ш.
19	Юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Чженжоу ш.
20	Янги технологиялар тажрибасини ривожлантириш зонаси	Ланьчжоу ш.
21	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Шицзячжуан ш.
22	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Цзинань ш.
23	Янги технологияларни ривожлантириш ҳудуди	Шанхай ш.
24	Юқори технологиялар саноат ҳудуди	Далянь ш.
25	Фан ва техникани ривожлантириш ҳудуди	Шеньчжень ЭИХ
26	Юқори индустриал технологияларни ривожлантириш ҳудуди	“Сяминь” ЭИХ
27	Халқаро фан – техника ривожлантириш ҳудуди	Хайнань ЭИХ

Манба: Capital Access Index. Milken Institute, Policy Brief. Santa Monica, USA, May 2006.

Хитойда ташкил этилган техник иқтисодий ривожланиш зоналарида эса чет эл инвестициялари билан биргаликда ташкил этилган корхоналар сони 30 мингга ташкил этган (шулардан 4 минггаси Пудунда ташкил этилган), жалб қилинган чет эл инвестициялари эса қариб 25 млрд. АҚШ долларини ташкил этган (шу жумладан 2 млрддан ошиқроғи – Пудун махсус ҳудудига тўғри келади). Экспорт миқдори бу ҳудудларда 90 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб бутун Хитой Халқ Республикаси экспортининг 7 фоизини ташкил этади. Шундан 36 млрд. АҚШ доллари Пудун махсус ҳудудидан экспорт қилинган, демак 3 фоиз экспорт қилинган товар ва хизматлар Пудун эркин иқтисодий ҳудудига тўғри келмоқда.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодий ривожланишининг асоси бўлиб 1979 йилда ҳукумат томонидан ўтказилган ва иқтисодиётни интеграциялаш, ташқи иқтисодий алоқаларни юксалтириш ва чет эл инвестициясини жалб этиш борасида “очиқ эшиклар” сиёсатининг ўтказилиши бўлиб хизмат қилади. Бу сиёсат ўз ўрнида бир неча даврлардан ташкил топган.²⁴

Ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар асосан мамлакатнинг жанубий – шарқда жойлашганлиги учун бу ҳудудда саноат ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти, ташқи савдони ривожлантириш халқаро иқтисодий ва технологик кооперация жараёнларида қатнашишни йўлга қўйиш учун хизмат қилади. Биз юқорида Хитой Халқ Республикасига жалб қилинган инвестициялар фаолияти ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини кўриб ўтган бўлсак, энди ўша инвестицияларнинг эркин иқтисодий ҳудудларга қанчалик таъсир этишини кўрамиз.

²⁴ Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007

Бу эркин иқтисодий ҳудудларга иқтисодий бошқарув тизимидан қатий назар ҳуқуқлар берилган. Инвесторлар учун бу ерда камайтирилган солиқ ставкалари, кириш ва чиқиш учун махсус қоидалар амал қилади. Бу ҳудудлардаги барча саноат ишлаб чиқариш ва савдо кохоналари чет эл инвестицияси ҳисобига, бир қисми эса Хитой Халқ Республикаси меҳнат ресурслари ҳисобига ташкил этилган. Бу ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тенг ярми халқаро бозорларда реализация қилинади. Эркин иқтисодий ҳудудларда меҳнатни ташкил қилиш ва муҳофазаси масалаларида мамлакатнинг бошқа корхоналарига қарағнда бир мунча фарқланади. Чет эл техникаси ва технологиясини ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида Шеньжень иқтисодий ҳудуди кўшма корхоналарида меҳнат унумдорлиги 5-6 баробар, капитал кўйилмаларининг самарадорлиги эса давлат секторига қарағнда икки баробар юқоридир. Ишчиларнинг яшаш шароити ва хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги ва янги хўжалик усулларининг қўлланилиши учун барча шароитлар яратилгандир. Чет эл инвесторлари учун меҳнат унумдорлигини ошириш – фойда нормасининг ошиши учун хизмат қилганлиги боис кучли ҳуқуқий ва иқтисодий асосланган бўлиши лозим. Эркин иқтисодий ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланиш динамикаси шуни кўратмоқдаки 2006 йил маълумотларига кўра – ЯММ нинг ўсиши Пекинда 11,3 фоизга, Шанхайда 21,4 фоизга, Гуандунда 31,5 физга ва Шандунда 33,4 фоизга ўсган. Ички ялпи маҳсулот эса бу 5 эркин иқтисодий ҳудудларда 180 млрд. юанни ташкил этган бўлиб, экспорт ва импорт ҳажми охириги беш йилликда 3 баробар ўсган. Унинг ҳажми эса 55 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Қолган 30 та эркин иқтисодий ва технологик ривожланиш ҳудудларида ишлаб чиқарилган ЯИМ эса 76 млрд. юанга тенг бўлиб, уларнинг экспорти эса 3,8 млрд. АҚШ долларига тенгдир. Жами эркин иқтисодий ҳудудлар ва эркин ривожланиш ҳудудларига жалб қилинган чет эл капитали – саноатда 60 фоиз кўшма қиймат ва нодавлат секторларида саноатдаги кўшимча мулк асосида 61 фоиз қайта ишлаб чиқарилган кўшимча қийматнинг ташкил топишига олиб келди. Кўшимча қиймат чет капитали билан ташкил этилган корхоналарда 48,8 фоизга ўсган бўлса, чет эл инвесторлари жалб қилинмаган жамоа корхоналарида 28,5 фоизга, давлат корхоналарида эса 14,4 фоизга ўсди холос.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланиш динамикасини тахлилидан кўриниб турибдики бу ҳудудларнинг ташкил этилиши ҳақиқатдан ҳам иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Бунини Пудун иқтисодий ҳудуди мисолида исботлаш мумкин.

Пудун иқтисодий ҳудудининг ривожланиш асосларини юқорида айтиб ўтдик. Кўшимча сифатида шуни такидлаш жоиз – ки, 1996 йилдан бошлаб бу иқтисодий ҳудуд учун янги имтиёзлар белгиланган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу меъёрий ҳужжатлар асосида ҳудудларда корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун лицензиялар бериш Пудун райони маъмуриятининг ўзида амалга ошириладиган бўлди. Район маъмуриятига шу билан бирга 30 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи ҳам берилди. Шу билан бир қаторда бу районда чет эллик тадбиркорлар кўчмас мулкларни, ерни ижарага олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ерда ўзлари учун офислар ва бошқа қурилиш ишларини амалга оширишлари мумкин. Қишлоқ хўжалиги учун керакли бўлган ишлаб чиқариш воситалари, кўмир, металллар ва қиммат баҳо қоғозлар савдоси учун 10 млрд. АҚШ доллари ҳажмигача бўладиган жараёнлар учун умумий асосдаги форврд биржалари ташкил этилди. Бир йил давомида 4 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги жараёнлар учун валюта маркази ва валюта жараёнларини суғурта қилиш компаниялари, чет эллик тадбиркорлар учун Хитой Халқ Республикасидаги компаниялар акцияларини тарқатувчи кўшма банклар фаолият кўрсатмоқда. Ташкил этилган кўпчилик корхоналар экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бўлиб, чет эллик инвесторларни хизмат кўрсатиш

соҳасига, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ва унинг инфраструктураларини ташкил этиш учун сарфламоқдалар.

Пудун иқтисодий ҳудудининг фаолият кўрсатаётгалиги сабабли Шанхай райони халқаро иқтисодий - савдо ва банк марказига айланиб, йирик компанияларнинг 130 таси фаолият кўрсатмоқда. ЯИМнинг ўсиш суръатлари эса 1980 йилдагига нисбатан 1990 йилда 15 фоизга ўсган бўлса, чет эл инвестицияларининг салмоғи 2 баробарга ўсиб 3.5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 1995 йилда бу районда ЯИМ 41.2 млрд юанни ташкил этиб, 1994 йилга нисбатан 22 фоизга ўсган. Шу билан бирга 3.5 минг дона чет эл инвестицияси билан ишлайдиган корхоналар ташкил этилган бўлиб, жалб этилган инвестициялар салмоғи 1995 йилда 14.2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу корхоналардан экспорт қилинган маҳсулот ҳажми эса 2.5 млрд. АҚШ доллари миқдоридадир.

Эркин иқтисодий ҳудудлар билан бир қаторда Хитой Халқ Республикасида юқори технологиялар зонаси ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бундай зоналарнинг ташкил этилиши, фан – техника ютуқларини саноат ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш учун муҳим аҳамиятга эга омиллардан биридир. Бундай зоналарнинг ташкил этилиши 1985 йилда Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академияси раёсати томонидан Пекин шаҳрига яқин бўлган Чжунгуанцунда “Электрон кўчалар” деб аталган зона ва Шеньчженда илмий – техник саноат зонасининг ташкил этилиши билан асос солинди.

Эркин юқори технологияли ривожланиш зонаси мамлакат ҳудудида бир текисда тақсимланмаган. Бу тақсимланиш мамлакатда фан – техника ютуқларини барча эркин иқтисодий ривожланиш ҳудудларида тажрибадан ўтказиш имконини беради. Бу ҳудудларнинг барчаси ўз – ўзини маблағ билан таъминлаш, иқтисодий мустақиллик тамойиллари асосида ташкил этилган. Бу зоналарга чет эл инвестицияларининг киритилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бир қаторда бу зоналарда жойлашган корхоналар солиқ ва божхона имтиёзларига эгадир. Бу корхоналарда бошқарув аппаратининг рационал формаларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг турли хил усулларида барча мулк кўринишларида фойдаланиш лойиҳалари синовдан ўтказилади. Давлат томонидан молиялаштириш миқдори кўп эмас, шунинг учун бу корхоналар кўпчилик ҳолларда банк кредитларидан фойдаланилади. Албатта бу ташкил этилган зоналарда ўзига хос муаммолар мавжуд. Бу муаммолар мажмуасини 1997 йилда Хитой Халқ Республикасига қайтариб берилган – Гонконг иқтисодий оффшор ҳудуди фаолиятини таҳлил қилиш орқали олиш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Эркин иқтисодий ҳудуд деганда нимани тушунасиш?
2. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдан мақсад нима?
3. Қайси мамлакатларнинг ЭИХ ташкил этиш бўйича тажрибаларини биласиз ва уларнинг хусусиятлари?
4. Оффшор ҳудудларнинг савдо ҳудудларидан фарқи нимада?

Асосий тушунчалар

Нотариф усуллар – товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради.

Халқаро савдони миқдорий жиҳатдан чеклаш – давлат томонидан савдо айланмаси нотаиф методларини қўллаган ҳолда тартибга солишнинг маъмурий методи.

Квоталаш – товарлар экспорти ёки импортини муайян вақт мобайнида маълум миқдор ёки сумма билан миқдорий жиҳатдан чеклаш.

Лицензиялаш – давлат органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятга рухсат бериш орқали экспорт ёки импорт қилинаётган товарларни муайян вақт мобайнида маълум бир миқдорда экспорт ёки импорт қилишга рухсат бериш.

«Экспортни ихтиёрий чеклаш» – расмий давлатлараро ёки товар эспортига норасмий квота белгилаш тўғрисида савдодаги ҳамкор томонидан савдони чеклаш ёки экспортни кенгайтирмаслик тўғрисидаги мажбуриятига асосланган экспортни миқдор жиҳатидан чеклаш.

Субсидиялар – миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва импортни билвосита камситишга қаратилган давлат бюджетидан ажратиладиган пулли тўловлар.

Экспортни кредитлаш – ташқи савдонинг нотаиф молиявий методи бўлиб, давлат томонидан миллий фирмалар экспортини ривожлантириш учун молиявий рағбатлантиришни кўзда тутади.

Демпинг – савдо сиёсатининг молиявий методи бўлиб, товарни ташқи бозорга мамлакатда мавжуд нормал баҳога қараганда паст баҳоларда экспортга чиқариш.

Спорадик демпинг – **ташқи бозорга ортиқча товар захираларини паст баҳоларда эпизодик сотиш.**

Олдиндан ўйланган ёки атайлаб қилинган демпинг – бозордаги рақибни сиқиб чиқариш ва кейинчалик монопол баҳо ўрнатиш мақсадида экспорт баҳоларини вақтинчалик пасайтириш.

Доимий демпинг – доимий равишда товарларнинг экспорт баҳосини нормал баҳога нисбатан паст баҳоларда сотиш.

Тескари демпинг – товарлар экспорт баҳосининг мамлакат ички бозоридаги баҳоларга нисбатан ошиб кетиши.

Ўзаро демпинг – иккита мамлакатнинг бир хил товарлар бўйича паст баҳоларда ўзаро савдога киришиши.

Техник тўсиқлар – яширин протекционизм усули бўлиб, миллий техник, маъмурий меъёрлар ва қоидалар шундай ишлаб чиқиладики, улар товарларни хориждан мамлакат ички бозорига олиб киришга тўсқинлик қилади.

Ички солиқлар ва йиғимлар – бу яширин протекционизм усули бўлиб, улар импорт товарнинг ички нархини кўтаришга ва бу орқали унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиришган йўналтирилган.

Давлат харидлари доирасида сиёсат – бу яширин протекционизм усули бўлиб, унга кўра давлат органлари ва корхоналардан фақат миллий

ишлаб чиқарувчилар товарларини (бу товарлар импорт товарлардан қиммат бўлса ҳам) сотиб олиш талаб қилинади.

Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар – бу давлат сиёсатининг яширин усули бўлиб, унга кўра ички бозорда сотиладиган пировард товарда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши қонуний равишда белгилаб қўйилади.

Энг қулай савдо режимни яратиш – бу халқаро савдо шартномаларда қатъий белгиланган шарт бўлиб, шартнома тузувчи шартномаларнинг бир-бирига барча ҳуқуқ, афзаллик ва имтиёзларни тақдим этиш кўзда тутилган ҳамда бу мамлакатлар уларда фойдаланилиши мумкин ёки учинчи давлат фойдалана олади.

Миллий режим – мамлакат ўзининг юридик ва жисмоний шахсларига яратиб берадиган қулайликдан кам бўлмаган режимни тақдим этадиган давлатлараро иқтисодий алоқалар режими.

Мумкин қадар қулайлик яратиш режими – бир мамлакат томонидан учинчи мамлакатга (савдо келишувида акс эттирилмаган мамлакатга) яратган қулай шарт-шароитларни, афзаллик ва имтиёзларни ўз ҳамкор мамлакатига ҳам тақдим этишини назарда тутувчи ҳуқуқий режим.

7-мавзу. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлар

- 1.Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби
- 2.Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари
- 3.Халқаро резерв валюта бирликлари
- 4.Европа валюта тизими
- 5.Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

1.Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби

XX асрнинг 50-60-йилларида халқаро иқтисодий, молиявий ва валюта муносабатларини ривожланишида янги давр бошланди. Очиқ иқтисодиётнинг умумий тенденцияси савдо айирбошлавшининг тезлашишига, халқаро молиялаштиришнинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил бўлишига, турли мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларининг кенгайишига имкон берди.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта муносабатлари пулнинг жаҳон пули функцияси билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни намоён қилади. Пул жаҳон пули сифатида ташқи савдо ва хизматлар, капитал миграцияси, фойданинг инвестицияларга кўчиши, заём ва субсидиялар бериш, илмий-техник алмашув, туризм, давлат ва хусусий пул кўчиришларига хизмат қила бошлади.

Валюта муносабатлари одатда миллий ва халқаро даражаларда амалга оширилади. Миллий даражада улар миллий валюта тизимлари (МВТ) соҳасини қамраб олади. Миллий валюта тизими - бу валюта қонунчилиги билан белгиланадиган давлат валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. МВТнинг ўзига хос томони у ёки бу давлат иқтисодиётининг, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасини ва ўзига хослиги билан аниқланади. Жаҳон иқтисодиётида миллий валюта тизими қуйидаги ҳолатлари билан характерланади:

- миллий валюта бирлиги билан;
- расмий олтин ва валюта захираларининг таркиби билан;
- миллий валюта паритети ва валюта курси шаклланишининг механизми билан;
- валюта қайтиши шароитлари билан;
- валюта чекланишларининг мавжудлиги ёки йўқлиги билан;
- давлатларнинг ташқи иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартиби ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида миллий валюта тизимларини боғловчи звено бўлиб валюта курси ва валюта паритети хизмат қилади. Валюта курси алоҳида мамлакатларнинг валюталарига бўлган нисбати ёки маълум бир давлат валютасининг бошқа бир давлатлар валютасида ҳисобланган “нархи”ни намоён қилади. Валюта паритети - валюталарнинг улардаги олтинга мос келувчи нисбатидир. Валюта курси амалда ҳеч қачон паритет билан мос келмайди.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) жаҳон ҳўжалиги доирасида валюта муносабатларини ташкил қилишнинг шаклидир. У жаҳон капиталистик ҳўжалиги эволюцияси натижасида пайдо бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан давлатлараро келишувлар билан расмийлаштирилган. Халқаро валюта тизимининг асосий элементлари қуйидагилардан иборатдир:

- валюта бирликларининг миллий ва коллектив захиралари;
- халқаро ликвидли активларнинг таркиби ва структураси;
- валюта паритетлари ва курслари механизми;
- валюталарнинг ўзаро алмашув шартлари;
- халқаро ҳисоб-китоб шакллари;
- халқаро валюта бозори ва жаҳон олтин бозори режими;
- валюта-молия ташкилотларини (ХВФ, ХТТБ ва бошқалар) тартибга солувчи давлатлараро валюта-кредит ташкилотларининг мақоми.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта тизимининг асосий вазифаси - муҳим иқтисодий ўсишни таъминлашдан, инфляцияни камайтиришдан, ташқи иқтисодий алмашув ва тўлов оборотининг тенглигини қўллаб-қуватлаш учун халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборатдир.

2.Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта тизими динамик ривожланиб боровчи тизимдир. У эволюцион ривожланиш босқичларда доимо ўзгаради ва ривожланиб боради. Ўзининг эволюцион ривожланишида Халқаро валюта тизими тўртта халқаро валюта тизимларини ўзида намоён қилувчи тўрт босқични босиб ўтган.

Халқаро валюта тизимида олтин стандарт деб аталувчи биринчи тизим стихияли равишда XIX аср охирида вужудга келди. Унда қатор давлатларнинг валюталари ўз давлатларининг ички бозорида эркин равишда олтинга тенглаштирилган. Олтин стандарт тизими қуйидагилар билан ажралиб турган:

- валюта бирлиги маълум миқдорда олтин қийматига эгаллиги билан;
- валютанинг олтинга конвертацияланиши алоҳида бир давлатнинг ичида ҳам ташқарисида ҳам таъминланганлиги билан;
- олтин қуймалар эркин равишда тангаларга алмаштирилиши мумкин, олтин эркин экспорт ва импорт қилинади, халқаро олтин бозорларида сотилиши билан;
- миллий олтин захираси ва ички пул таклифи ўртасида кучли нисбатнинг сақланиши билан.

Олтин стандартга асосланган халқаро ҳисоб-китоблар механизми қайд қилинган курсни ўрнатади. Олтин танга, олтин ёмби, олтин девиз стандартлари олтин стандартнинг турларидир. Олтин стандартнинг бир туридан иккинчисига эвалюцион ўтиши халқаро капиталистик тизимининг ривожланиши мобайнида рўй берган эди.

Капиталистик хўжалик фаолиятининг аста-секин мураккаблашуви, жаҳон хўжалиги алоқаларининг кенгайиши ва чуқурлашиши, даврий рўй бериб турган иқтисодий инқирозлар иқтисодиётни тартибга солишни, давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга аралашувини кучайтиришни объектив заруриятга айлантирди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучайиб бориши билан эркин рақобатчилик капитализм ривожланишининг аломатларига жавоб берувчи олтин стандарти механизми билан аниқланадиган валюта курслари тизимлари ҳам ўзгара бошлади.

Иккинчи тизим - олтин-девиз стандарти Генуя конференцияси (1922 й.) қарорлари натижасида вужудга келди. Кейинчалик у қўпчилик капиталистик давлатлар томонидан тан олинди. Бунда банкноталар олтин эмас, балки кейинчалик олтинга алмаштирилиши мумкин бўлган бошқа давлатлар девизига (банкнота, вексель, чеклар) алмаштирилган. Девиз валюта сифатида доллар ва фунт стерлинг танланди. Олтин-девиз стандарти амалда тартибга солувчи валюта курслари стандарти тизимини олтин валюта стандарти тизимига ўтиш босқичи бўлди. Олтин-валюта стандарти тизими 30-йилларда ташкил топди ва 50-йиллар охирида тўлиқ шаклланди. Бу тизим шароитида коғоз пуллар олтинга алмаштирилмайдиган бўлди. 1944 йилда бўлиб ўтган Бреттон-Вудс (АҚШ) халқаро конференциясида бу тизим ҳуқуқий мақомни олди. Бреттон-Вудс валюта тизимининг ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборатдир:

- олтин давлатлар орасида якуний пул ҳисоб-китоблари функциясини сақлаб қолди;
- олтин билан бир қатор турли давлатлар валюталари қиймати ўлчови, шунингдек тўловнинг халқаро кредит воситаси сифатида тан олинган АҚШ доллари резерв валюта бўлди;
- доллар бошқа давлатларнинг марказий банклари ва ҳукумат идоралари томонидан АҚШ хазинасида 1 троя унцияга (31,1г.), яъни 35 долларга тенг бўлган курс (1944 и) бўйича олтинга алмаштирилган. Бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорда сотиб олишлари ҳам мумкин бўлган. Олтиннинг валюта қиймати расмий қиймат асосида шаклланиб борди ва у 1968 йилгача сезиларли ўзгармади;
- валюталарни бир-бирига тенглаштириш. Уларнинг ўзаро алмашуви олтин ва долларда белгиланган расмий валюта паритетлар асосида амалга оширилган;
- ҳар бир давлат ўз валютасининг бошқа валютага нисбатан курсини барқарор сақлаши керак бўлган. Валюталарнинг бозордаги курслари қайд қилинган олтин ёки доллар паритетидан у ёки бу томонга 1% дан ортиқ ўзгармаслиги керак эди. Паритетларнинг ўзгариши тўловлар балансининг доимий бузилиши содир бўлганда амалга оширилиши мумкин бўлган;
- валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш асосан Бреттон-Вудс конференциясида ташкил қилинган Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) орқали амалга оширилди. У аъзо давлатлар томонидан расмий валюта паритетлари, курслари ва ўзаро эркин валюта алмаштиришга амал қилишлари таъминланган.

Бреттон-Вудс келишуви халқаро валюта тизимининг ривожланишини энг муҳим босқичи ҳисобланади. Биринчи марта халқаро валюта тизими ҳукуматлараро келишувларга асослана бошлади. Олтин-доллар стандарти тизимини мустаҳкамлаган Бреттон-Вудс тизими халқаро савдо оборотининг кенгайишда, саноати ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришининг ўсишида ҳам муҳим рол ўйнади.

60-йилларнинг охирига келиб Бреттон-Вудс тизими жаҳон хўжалигининг кучаяётган байналминаллашуви билан, трансмиллий корпорацияларининг валюта соҳасидаги фаол чайқовчилик фаолияти билан қарама-қарши чиқа бошлади. Олтин-доллар стандарти режими амалда аста-секин доллар стандарти тизимига айлана бошлади. Шу билан бирга 60-йиллар охирида долларнинг жаҳондаги мавқеи Ғарбий Европа давлатлари ва Япониянинг иқтисодий қуввати ва таъсир доирасини ошиши натижасида сезиларли ёмонлашди. АҚШдан ташқаридаги доллар заҳиралари жаҳон иқтисодиётида жуда катта суммада бўлиб, йирик евродоллар бозорини ташкил қилган эди. АҚШ тўлов балансининг камомати (дефицити) мумкин бўлган нормалардан ортиб борди. Бреттон-Вудс тизимининг долларни олтинга айлантириш ҳақидаги талаби АҚШ учун оғирлик қилиб қолди, чунки ўз заҳиралари ҳисобидан олтиннинг паст нархини сақлаб туриши керак эди. 70-йиллар бошида Бреттон-Вудс тизими амалда ўз фаолиятини тўхтатди. АҚШ долларни олтинга расмий нархларда алмаштиришдан бош тортди. Натижада жаҳон бозорларида олтиннинг баҳоси кескин кўтарилиб кетди.

1976 йилда Кингстонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги мажлисида дунёда халқаро валюта тизимининг асослари аниқланди. Ямайка келишувидан келиб чиққан ҳолда халқаро валюта механизмини ташкил этувчилар деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Олтиннинг қиймат ўлчови ва валюта курсларини ҳисоблашнинг бошланғич нуқтаси сифатидаги вазифаси бекор қилинди. Олтин эркин нархли оддий товарга айланади. Шу билан бир қаторда у алоҳида ликвидли товар бўлиб ҳам қолди. Яъни, зарур бўлганда олтин сотилиши мумкин, олинган валюта эса тўлов учун ишлатилиши мумкин бўлиб қолди.

2. Асосий заҳира валюта қилиш ва бошқа резерв валюталарнинг ролини камайтириш мақсадида СДР (Special drawing rights - SDR) - “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” стандарти киритилди.

3. Давлатларга валюта курсининг хоҳлаган режимини танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Давлатлар ўртасидаги ўзаро валюта муносабатлари уларни миллий пул бирликларининг сузувчи курсига асосланадиган бўлди.

Халқаро молиявий қонунларда курсларнинг ўзгариши икки асосий омил билан белгиланади:

а) давлатларнинг ички бозорларида валюталарнинг реал қийматлари нисбати билан;

б) халқаро бозорларда миллий валюталарга бўлган талаб ва таклифлар нисбати билан.

3.Халқаро резерв валюта бирликлари

90-йилларнинг бошига келиб сузувчи курслар факторини амалга оширилиши муносабати билан қуйидаги элементлар асосида етарли даражада мураккаб бўлган халқаро валюта тизимини ташкил қилиш схемаси вужудга келди:

1. Асосий устун бирликлар танланади. Бу билан улар миллий валюталар муносабатларини, аниқроғи ўз валюта курсларини сақлаб қолдилар;

2. Валюта курсларининг ўзгариш даражаси бир хил бўлмасдан, диапозони кенг эди. Бунда маълум диапозон доирасида фақат айрим валюталарга нисбатан валюта курси сақланади, бошқа валюталарга нисбатан курс эркин ўзгариб туради.

Амалда давлатлар эълон қилган валюта режимлари хилма-хилдир. 1988 йилда жаҳоннинг 58 давлати ўз валюталарининг асосий ҳамкорларидан бирининг валютасига нисбатан курсини ўрнатишга қарор қилдилар. Булар АҚШ доллари (39 та давлат), француз франки (франк зонасининг 14та давлати) ёки бошқа валюталарда (5 та

давлат). Айрим давлатлар ўз валюталарини СДРга (17 та давлат) ёки бошқа валюталар саватчасига (29 та давлат) боғладилар. Бундан ташқари, 4 та давлат ягона валютага нисбатан чекланган мослашувчанлик режимини маъқуллайдилар. Ўз навбатида ЕИ нинг 8 давлати ўзлари учун валюта ҳамкорлиги механизмини таъсис этишиб, ўз валюта курсларини барқарорлаштирдилар. Жаҳоннинг 19та давлатлари шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Япония мустақил сузиш режимини танладилар.

Ямайка келишуви жамоа валюта бирлиги сифатида “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” (СДР) ни тан олди. СДР 1969 йилда оддий кредит воситаси сифатида яратилган эди. Бироқ кейинчалик СДРни “ҳалқаро валюта тизимининг заҳира активи” га айлантириш вазифаси кўйилди. Олдиниға СДР бирлиги долларнинг олтин қийматиға (1970 й.) мос равишда олтинға тенглаштирилади. 1974 йилнинг июлида валюталарнинг сузувчи курсға ўтиши билан СДРнинг олтин қиймати бекор қилинди. Бу валюта бирлигининг курси валюта саватчаси - ташқи савдоси жаҳон савдосининг 1% дан кам бўлмаган 16 давлат валюталарининг ўртача курси асосида аниқланарди. 1981 йилдан бошлаб СДР 5та давлат валютаси (АҚШ доллари, ГФР маркаси, япон иенаси, француз франки ва Англия фунт стерлинг) тўпламидан келиб чиқдан ҳолда аниқланадиган бўлди.

Валюта корзинаси - бу бир валюта ўртача ҳисобланган курсининг бошқа валюталарнинг маълум тўпламиға нисбатан солиштириш усулидир. Валюта курсини ҳисоблаш унинг таркиби, валюта компонентларининг ўлчови, валюталарнинг долларға нисбатан бозор курсига боғлиқ.

СДР фоизлар келтиради. Мамлакат агарда СДРдаги авуарлар ассоциацияларидан кўп бўлса фоизлар олади ва аксинча СДРдаги авуарлари асосиацияларидан кам бўлса фоиз тўлайди. СДР бирлиги бирликдир. У ХВФнинг махсус счетларида ХВФға аъзо давлатларға ажратилган квоталар асосида келтирилади. Бу квоталардан конвентирланадиган валюта сотиб олиш ёки тўлов баланси дефицитини тўлаш учун фойдаланилади. Аммо уларнинг капиталистик дунё умумий валюта заҳираларидаги улуши -6%ға яқин бўлиб унча катта эмас (16-жадвал).

15-жадвал

СДР бирлиги қиймати (1994 йил 15 августдаги ҳолати)

Валюта	Валюта қиймати (валюта бирлиги)*	15 августдаги алмаштириш курси**	Доллар эквиваленти:***
Немис маркаси ДМ	0,4530	1,55150	0,291787
Француз франки	0,8000	5,32800	0,150150
Япон иенаси	31,8000	100,370000	0,316828
Буюк Британия Фунт стерлинги	0.0812	1,54400	0,125373
АҚШ доллари	0,5720	1,00000	0,572000
ЖАМИ			1,456138

Изоҳ: 1 СДР=1,45 614 АҚШ долл. АҚШ долл.= 0,686748 СДР***

СДР саватчасининг валюта компонентлари.

** Валюта бирликларида АҚШ доллари учун алмашув курси, бир фунт учун АҚШ долларида ҳисобланган фунт стерлинги курсидан ташқари.

*** валюта компоненти аҳамиятининг алмашув курси аҳамияти нисбатининг натижаси сифатида ҳисобланган АҚШ долларидаги эквивалент.

**** АҚШ долларининг СДРдаги расмий қиймати-доллар эквиваленти суммасига тескари катталик яъни вергулдан сунг олтинчи белгигача 1/1,456138.

Кўпгина иқтисодчилар СДРни камроқ заҳира валюта сифатида, кўпроқ кредит сифатида кўриш мумкин деб ҳисоблайдилар. Хуллас, СДР ҳам заҳира валюта ҳам кредитдир. Уни яратувчилардан бири айтганидек СДР “айримлар қора йўлли оқ айримлар оқ йўлли қора жонивор сифатида кўрадиган” - зебраға ўхшайди.

Валюта саватчаси қиймати асосида белгиланадиган яна бир жамоа захира валюта бирлиги ЭКЮдир. ЭКЮ (Europe an curren cy unit) ЕИга кирувчи Европанинг илғор 12 давлати валюталарига асосланган эди. Улар бир валютанинг саватчадаги оғирлиги аъзо-давлатларнинг ЕИ ЯММси ва Иттифоқ ичидаги экспортдаги улушига мувофиқ белгиланади. 1 ЭКЮ тахминан 1,3 АҚШ долларига тенглаштирилган эди. СДРдан фарқли улароқ ЭКЮнинг расмий эмиссияси қисман нақд олтин ва долларга айлантирилган. ЭКЮ эмиссиясининг ҳажми СДРдан кўп.

Худди СДР каби ЭКЮ ҳам нақдсиз шаклда - улар бўйича нақдсиз кўчиришда марказий банклар (ёки тижорат банклари) счётларида ёзув сифатида намоён бўлади.

Европа валюта тизимида (ЕВТ) ЕИ ҳар бир аъзоси валютасининг ЭКЮда ҳисобланган асосий курси белгиланган. Мана шу асосий курс негизида валюталарнинг ўзаро курси ҳисобланади. Бу курсдан курслар амалда 2,25% дан ортиқ фарқ қилиши мумкин эмас. ЕВТга қўшилган испан песети учун имтиёзли режим ва Италия лираси учун 1993 йил августидан 15% гача ўзгаришлар чегараси ўрнатилган.

ЭКЮ яратишдан мақсад - айрим ЕИга аъзо давлатларни валюта курсларининг барқарорлигига эришиш эди. ЭКЮни яратишнинг ундаги муҳим томонларидан бири АҚШ долларининг олтинни ўрнини босиш учун етарли даражада ишончли эмаслигидир.

Бундан ташқари ЭКЮни яратиш Европа валюта тизимини доллар ўзгариши ва АҚШнинг иқтисодий тотал диктатига боғлиқликдан озод қилиниши ҳам кўзда тутилди. ЭКЮ қўшма фондлар ва халқаро валюта-кредит молия ташкилотларида валюта бирлиги сифатида, ягона қишлоқ хўжалиги нархлари, ЕИ аъзолари марказий банкларининг валюта интервенциясини ўтказишда ҳисоб-китоблари валютаси сифатида намоён бўлади. 500дан ортиқ йирик халқаро ташкилотлар ЭКЮдан кредит беришда фойдаланадилар.

Европа валюта тизимида (ЕВТ) ЕИ ҳар бир аъзоси валютасининг ЭКЮда ҳисобланган асосий курси белгиланган. Мана шу асосий курс негизида валюталарнинг ўзаро курси ҳисобланади. Бу курсдан курслар амалда 2,25% дан ортиқ фарқ қилиши мумкин эмас. ЕВТга қўшилган испан песети учун имтиёзли режим ва Италия лираси учун 1993 йил августидан 15% гача ўзгаришлар чегараси ўрнатилган.

ЭКЮ яратишдан мақсад - айрим ЕИга аъзо давлатларни валюта курсларининг барқарорлигига эришиш эди. ЭКЮни яратишнинг ундаги муҳим томонларидан бири АҚШ долларининг олтинни ўрнини босиш учун етарли даражада ишончли эмаслигидир.

4.Европа валюта тизими

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг тузилиши ягона Европа валютасини яратишни кўзда тутмаган эди. Аммо 70-йилларнинг ўрталарига келиб ягона валюта иттифоқини тузиш йўллари қидириш фаоллашди. Европа ҳамжамияти лидерлари нафақат АҚШ долларига муқобил валюта бирлигини яратиш, балки валюта интервенциясини амалга ошириш, валюта ўзгаришларини давлат томонидан назорат қилишни амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Мураккаб музокаралар натижасида ЕИ доирасида 1979 йилнинг мартида Европа валюта тизими (ЕВТ) ташкил топди. ЕВТ - умумий иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи, иқтисодий интеграция доирасида миллий валюталарнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган халқаро (минтақавий) валюта тизимидир. ЕВТ - жаҳон валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Европа валюта тизимини яратилиш тарихининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат. 1972 йилда ЕИХнинг, Вазирлар Кенгаши ҳамжамиятига

кирувчи давлатлар валюталарининг бир-бирига нисбатан ўзгариши амплитудасини чеклаш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу мақсадга эришиш учун Марказий банклар валюта бозоридаги интервенцияларини мувофиқлаштиришлари лозим эди. Шундай қилиб “Европа валюта илони” туғилди. ЕИХ, давлатлари валюталарининг бир-бирига нисбатан курсининг ўзгариши турли йилларда $\pm 4,5\%$ гача рухсат берилди. График тасвирда “илон” ЕИХга аъзо бта давлат (ГФР, Франция, Италия, Нидерландия, Бельгия, Люксембург) валюталарининг ўзаро курсининг ўзгаришларини энг кам миқдорини билдирган. Агар мамлакат валютасининг курси мумкин бўлганидан пастга тушиб кетса, Марказий банк миллий валютани чет эл валютасида сотиб олиши лозим бўлган.

“Валюта илони” аъзо-давлатларнинг у ёки бу таркиби билан 1979 йилда В.Жискара д, Эстен ва Г. Шмидт таклифи билан Европа валюта тизими киритилгунича амалда бўлди. ЕВТ ўзида уч муҳим элементни (ЭКЮ - ЕВТ асосига, валюта курслари ва интервенциялари механизми, Ҳамжамият давлатлари валюталари нисбатида ҳар икки томонга $\pm 2,25\%$ дан ортиқ ўзгариши мумкин эмаслигини) қамраб олади. Европа валюта тизимида валюта интервенцияси билан боғлиқ вақтинчалик тўлов баланси дефицити ва ҳисоб-китобларни қоплаш учун Марказий банкларга кредит бериш йўли билан давлатлараро минтақавий валютани тартибга солиш амалга оширилаган. Европа валюта тизими олдида қуйидаги мақсадлар қўйилган:

- ЕИ ичида юқори валюта барқарорлигини ўрнатиш;
- барқарорлик шароитида ўсиш стратегиясининг асосий элементи бўлиш;
- иқтисодий ривожланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва Европа жараёнига янги туртки бериш;
- халқаро иқтисодий ва валюта муносабатларига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиш.

Европа валюта тизими ҳаракат механизми ЭКЮ ташкил қилиш ва барқарор, аммо тартибга солинувчи ЕИ давлатлари орасида валюта курслари орқали қийматни ўзаро ўлчаш негизини ўрнатишни кўзда тутди. ЕВТ валюта резервларини умумий фойдаланишга берилишини кафолатлайди. Яратилган тизим ЕИ ичида кредит механизмларининг бутун бир арсеналини ҳаракатга келтиради. Европа валюта тизимининг фаолият жараёни ва ривожланиш “Делар режаси” билан чамбарчас боғлиқ. 1989 йилда ЕИнинг атоқли арбоби (ЕИК раиси) Ж.Делар Европа валюта бирлашувининг уч босқичли режасини тасвирлаган ҳисоботни тақдим қилди. Бу план қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) алоҳида ЕИ давлатларининг мувофиқлаштирилган иқтисодий ва валюта сиёсатини амалга ошириш; 2) ЕИ Марказий банкни ташкил қилиш; 3) Миллий валюталарни ЕИ нинг ягона валютасига алмаштириш.

1990 йилда Европа валюта тизими кенгайди. Унга Англия, Испания, Португалия кирди. 1991 йилда ягона Европа ҳудудини ташкил қилиш ҳақидаги Маастрихт шартномаси имзоланди. Бу шартномага мувофиқ ЕИ аъзоларининг ҳукумат бошлиқлари валюта иттифоқини тузиш ҳақида келишиб оладилар.

Ғарбий Европа валюталари ўзгаришини тартибга солиш мақсадида тузилган Европа валюта тизими қарийб 15 йил мобайнида ўз вазифаларини муваффақиятли бажарди. Аммо 1992 йилнинг кузидан у издан чиқа бошлади. Бир йил мобайнида 1992 йил сентябридан ЕВТ дан Англия фунт стерлинги, Испания песети ва Португалия эскудоси девальвация қилинди.

Бунинг асосий сабабларидан бири - қайд қилинган давлатлар марказий банкларининг валюта девальвациясига умид қилиб, курсни пасайишига ўйнаётган биржа олиб-сотарларининг тобора кучаяётган ҳужумларига дош беришга қодир эмасликларидадир. Натижада 1993 йил ёзида ЕВТ га кирувчи 8 пул бирлигидан 5 таси - Франция ва Бельгия франки, Дания кронаси, Испания песети ва Португалия эскудоси

ўрнатилган энг паст даражага тушиб қолди. Марказий банклар томонидан ўз валюталарини сунъий равишда ушлаб туриш мумкин эмас деган қарор қабул қилинди. Улар белгиланган курслар атрофида у ёки бу томонга 15%га ўзгаришлари мумкин. Марказий банклар шунингдек алмашиш курсларини қўллаш мақсадида юқори даражада сақлаб турган ҳисобга олиш ставкаларини пасайтиришлари мумкин.

Маастрихт шартномаси қарорига мувофиқ ЕИ давлатлари томонидан валюта иттифоқи тузишнинг охири, яъни миллий валюталар бир-бирига нисбатан якуний қайд қилинадиган босқичи 90-йиллар охирида рўй бериши керак эди.

ЕИ режасига биноан валюта иттифоқни ташкил қилиниши уч босқичда амалга оширилиши керак эди.

1998 йилда бошланадиган биринчи босқичда валюта иттифоқига кириш учун рухсатнома берадиган мезонга жавоб берадиган давлатлар аниқланади. Маастрихт шартномаси томонидан белгиланган бу мезонли қарорга қуйидагиларни - инфляция даражаси, давлат бюджети камомади (3%дан ортиқ эмас), ҳисобга олиш ставкасининг ўлчами, миллий валютанинг барқарорлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ушбу мезонларга тўлиқ жавоб берувчи давлатлар биринчи гуруҳга кириб, бу гуруҳ давлатлари, валюта иттифоқини ташкил қилади. Аввалига бу мезонларга фақат Германия, Люксембург, Ирландия ва Австрия жавоб берган эди. 1998 йилнинг охиригача Марказий Европа банки ташкил қилиниб, Европа Марказий банклар тизими ҳаракатга келтирилди.

Иккинчи босқичда (1999-2001 йй.) Марказий Европа банки, биринчи қадам сифатида валюта алмаштириш бўйича операцияларда ягона валютани ишлата бошлади. Тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар ундан валюта бозорларида кенг фойдаланиша бошладилар.

Кейинги учинчи босқичда (2002 й.) миллий танга ва қоғоз пулларни янги Европа пул бирлиги ЕВРО билан алмаштирилди. Янги ягона валюта нақд пул муомаласига киритилди. Миллий валютада амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар тизимига мос ўзгартиришлар киритилди. Бошланишида (6 ой мобайнида) янги валюта миллий валюталар билан бир вақтда муомалада бўлди. Бу даврнинг охирига келиб, режага мувофиқ миллий валюталар “тўлов воситаси статусини йўқотдилар”. Учинчи босқичда Европа валюта-иктисодий иттифоқи ҳудудида барча банк счётлари Европа валютасига конвертирланадиган бўлди.

Ягона Европа валютаси, иқтисодчи олимларнинг фикрича, дунёда энг кучлилардан бири бўлиши учун барча имкониятларга эга. У инфляция билан кўрашишни енгиллаштириб, АҚШ ва Япония билан бозорлар учун кўрашда ЕИ давлатлари товар ва хизматларининг рақобатбардошлилигини ошириб ЕИ барқарорлигининг муҳим омилига айланиб боради.

ЕВРОнинг пайдо бўлиши қимматли қоғозлар билан боғлиқ барча келишувлар ҳажмининг ошишига олиб келиши лозим. Ягона валютанинг киритилиши бутун дунё инвесторларининг ЕИ га бўлган қизиқишлари тобора ошириб бормоқда. ЕВРО ни жуда муҳим бўлган валюта бозорига айлантириш керак. Ягона валютанинг ўзи эса капитал бозорида долларнинг ўрнини эгаллаш учун барча имкониятларга эга. ЕВРО га ўтиш бутун дунёдаги молиявий ҳолатга муҳим ўзгартиришлар киритмоқда. Ягона Европа валютаси доллар ва иена билан тенг рақобат қилиши мумкин. Банклар, қонунга кўра, келишувлар сонининг кескин ўсиши ва инвестицияларнинг янада байналминаллашуви сабабли молиявий бозорларда оладиган фойдаларининг ошишига умид қилишлари керак.

Янги пул бирлиги, шунингдек бор валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ бўлган сезиларли ҳаражатларни юқотиш имконини беради. Бу ҳаражатлар баъзи ҳисоб-китобларга қараганда йилига 40 млрд. АҚШ долларида 50 млрд. долларгача

борган. Масалан, 2 минг доллар билан 10-12 кун Ғарбий Европа давлатлари бўйлаб юрган француз сайёҳи бир валютани иккинчи валютага алмаштиришда бу сумманинг қарийб 40-50%ини йўқотган. Айни пайтда, ЕВРОнинг пайдо бўлиши билан негизда ЕИ ичида энди тенглаштириладиган ҳисобга олиш ставкалари фарқи ётадиган операциялар ҳам йўқолади.

5.Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари жаҳон хўжалигида, халқаро иқтисодий муносабатларнинг жуда муҳим бўғинларидан биридир. XX – XXI асрлар бўсағасида жаҳон мамлакатларида молия бозорлари гуркираб ривожланди. Дунёнинг илғор давлатлари умумий молия активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан 2,5 баробарга ўсди. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати эса дунёнинг илғор давлатлари умумий активлари, уларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан 2,5 баробар тез ўсди. Жаҳон валюта ва савдо операциялари қийматларининг нисбати 1980 йилдаги 10:1 дан 1992 йилдаги 60:1 гача ўсди. Шу билан бирга, хориж экспертларининг фикрича, давлат облигацияларининг халқаро бозори баъзи бир катталиклар бўйича фақатгина 1920 йилдагидек фаолдир. Капитални ҳаракатчанлиги аср бошидаги даражага яқинлашмоқда, холос.

Жаҳон иқтисодиётида фаолиятидаги капитал даврий обороти қонунияти молиявий бозор ривожланишининг объектив асосидир. Жаҳоннинг баъзи жойларида ортиқча эркин капитал пайдо бўлади, баъзи жойларда унга талаб пайдо бўлади. Жаҳон валюта молия-кредит бозорлари бу қарама-қаршиликларни жаҳон хўжалиги даражасида ҳал қилади. Жаҳон валюта, кредит, қимматли қоғозлар бозорлари ташкил топишининг кўриниши қуйидагиларда намоён бўлади:

- капиталнинг ишлаб чиқариш ва банк ишида концентрациясида;
- хўжалик алоқаларининг байналминаллашувида;
- банклараро телекоммуникацияларининг ривожланишида.

Валюта бозорлари - хорижий валютанинг миллий валютага бўлган талаб ва таклифи асосида ҳосил бўлувчи курс бўйича олди-сотдисини амалга ошириладиган марказдир. Миллий валюта бозорлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган барча давлатларда мавжуд. Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан ягона жаҳон валюта бозори вужудга келади. У ўз ичига жаҳон, минтақавий, миллий (маҳаллий) валюта бозорларини ўз ичига олади. Бу бозорлар валюта операцияларининг ҳажми, характери ва операцияларда қатнашаётган валюталар миқдори билан бир-биридан фарқ қилади. Жаҳон валюта бозорлари жаҳон молия марказларида (ЖММ) тўпланади.

Жаҳон молия марказлари - бу банклар, ихтисослашган кредит-молия институтлари йиғиладиган жой. Унда халқаро валюта, кредит, молия операциялари, қимматли қоғозлар, олтин олди-сотдиси амалга оширилади. Халқаро молия марказлари орасида Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Цюрих, Токиодаги бозорлар ажралиб туради. 1973 йилдан 1992 йилгача валюта операциялар ҳажми кунига 10-20 млн. АҚШ долл. дан 900 млрд. АҚШ долл.га ўсди.

90-йилларнинг бошида халқаро валюта савдосининг 50% га яқини уч жаҳон валюта бозорида амалга оширилади. Жумладан, Лондон валюта бозорида кунига 187 млрд. долл., Нью-Йорк - кунига 129 млрд. долл., Токио валюта бозорида эса кунига халқаро валюта савдосининг 115 млрд. доллари амалга оширилди. 90-йиллар ўртасига келиб, халқаро валюта операцияларининг умумий кунлик ҳажми 1 трлн. 230 млрд. долл. га етди. Минтақавий ва маҳаллий валюта бозорларида маълум бир конвертирланадиган валюталар билан операциялар ўтказилади. Масалан, Хитойнинг

валюта марказларида 5та асосий саноати ривожланган давлатларнинг валюталари билан операциялар ўтказилади. Замонавий жаҳон ҳўжалигида валюта бозорлари учун қўйидагилар ўзига хосдир:

1. Жаҳон ҳўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, валюта савдоси амалга оширишда автоматик алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш асосида валюта бозорларини байналминаллашуви;
2. Валюта операцияларининг номарказлашуви ва глобал миқёси;
3. Валюта операцияларининг унификацияси;
4. Чайқовчилик савдосининг кенг миқёсидалиги.

Валюта курсларининг барқарорлиги.

Валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китобларни оператив амалга ошириш, халқаро валюта бозорларининг кредит ва молия бозорлари билан ўзаро алоқасини таъминлайди. Валюта бозорлари ёрдамида банклар, корхоналар, давлатларнинг валюта захиралари тўлдирилади. Бундан ташқари, валюта бозорлари механизмдан иқтисодий ёрдам давлат томонидан бошарилишида, шу жумладан макродаражада давлатлар гуруҳи доирасида (масалан, ЕИ) фойдаланилади. Институцион нуқтаи назарида, валюта бозорлари - бу биржа, брокерлик фирмалари, банклар, корпорациялар ва шунингдек трансмиллий корпорациялар умумийлигидир. 80-йилларнинг охирида банклараро бозорда ўзаро бир-бирлари билан, шунингдек савдо-саноат мижозлари билан 85-90% атрофида валюта савдосини амалга оширилган бўлса, 90-йиллар ўрталарида савдо келишувларининг тобора кўпчилиги банклар эмас, инвестицион фондлар томонидан амалга оширилган эди.

Халқаро кредит-молия муносабатлари ссуда капиталининг жаҳон кредит ва молия бозорларидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимини қамраб олади. Халқаро кредит бозорида давлатлар ўртасида қайтариш, вақтли, фоиз тўлаш шартлари бўйича пул капиталининг ҳаракати рўй беради. Жаҳон кредит бозори - ссуда капиталининг бир қисмидир. Ссуда капитали бозори ўз ичига биринчидан, жаҳон пул бозорини олса (1 кундан 1 йилгача қисқа муддатли депозит-ссуда операциялари, шунингдек Евровалюталар бозорини ўз ичига олади), иккинчидан, жаҳон капитали бозорини (ўрта ва узоқ муддатли хорижий кредитлар ва Еврокредитлар бозорини-1 йилдан 15 йилгача) ўз ичига олади.

Жаҳон молия бозори - бу ссуда капиталлари бозорининг бир қисми бўлиб, унда асосан қимматбаҳо қоғозларнинг эмиссияси ва савдо-сотиғи амалга оширилади. Жаҳон ссуда капитали бозори миллий ссуда капитали бозорларининг халқаро операциялари асосида пайдо бўлади, уларнинг байналминаллашуви давомида ривожланади. Жаҳон ссуда капиталлари бозори охириги ўн йилликда тез ривожланди. Бунга сабаб ссуда капитали ҳаракатининг узоқ муддатли аъёнлари, бу ҳаракатни миллий даражада тартибга солувчи давлатларнинг ҳуқуқий нормаларининг либераллашуви, қимматли қоғозлар ҳаракатининг кенгайиши, интеграцион жараёнлардир. Жаҳон ссуда капитали бозори жаҳон ҳўжалигида ссуда капитали ҳаракатини таъминловчи турли компания, банк валюта-кредит муносабатлари бирлигини қамраб олади. Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишининг XX аср охиригидаги муҳим тенденцияси шундаки, халқаро кредит-молия муносабатлари ўсиш суръатлари бўйича саноат ишлаб чиқариш ва халқаро савдодан анча олдиндадир.

XX асрнинг 50-йиллари охиридан бошлаб халқаро кредит-молия бозорининг ривожланиши жаҳон ссуда капитали бозорининг ўзига хос томони - Евробозорнинг вужудга келиши ва кенгайишига сабаб бўлди.

Евробозор - бу Евровалютада кредит заёмлар бўйича операциялар амалга ошириладиган бозордир.

Евровалюта - мамлакатнинг бирор бир хорижий банк ҳисобига ўтказилган ва шу банклар томонидан барча давлатларда, шу жумладан, эмитент давлатда ҳам операциялар амалга оширишда фойдаланадиган конвертирланадиган валютасидир.

Евробозорлар - давлат, ҳукумат бозори деган маъомга эга эмас. Уларнинг пайдо бўлишига корхоналар, инвесторлар, шунингдек баъзи бир давлатларнинг эҳтиёжи сабаб бўлади. Евробозорлардаги операциялар айрим давлатларни давлат томонидан валютани тартибга солинуви ва солиқ қонунчилигига бўйсунмайди. Жаҳон иқтисодиётида евробозорлар 50-йиллар охирида юзага келган бўлиб, бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

1. Долларни АҚШдан ташқарида жойлаштириш таклифининг пайдо бўлиши.
2. Европада долларга бўлган талабнинг катталиги.
3. АҚШдаги тартибга солишнинг бу давлатда доллар билан валюта операцияларини ўтказишнинг эркин бозордагига нисбатан мушкуллаштирилганлиги.
4. Европа банкларининг халқаро операцияларини молиялаштириш қуролини топишга бўлган истаги ва бошқалар.

Евробозорларнинг ривожланиши жаҳон миқёсида молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг эркин нисбатини яратишга имкон берди. Евробозорлар корхоналарга молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларини ички капитал бозорига мурожаат қилмасдан қондириш имкониятини беради. Улар молиявий ресурсларни рационал жойлаштириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, евробозорлар ўз фаолиятларини диверсификация қилиб жаҳон миқёси ўлчамларини олади. Улар капитал жойлаштириш ва кредитлаш бўйича операцияларни барча халқаро операторларга таклиф қилади. Евробозорлар барча йирик халқаро банкларни, жаҳон молиявий марказларни ва барча конвертирланадиган валюталарни мобилизация қилади. Евробозорларнинг ривожланиши янги молиявий марказларни (Сингапур, Гонгконг, кувайт, Кайман ороллари ва бошқалар) пайдо бўлишига олиб келди. 1981 йилнинг декабрида Нью-Йоркда халқаро банк хизматлари бўйича эркин зона пайдо бўлган бўлса, 80-йилларнинг охирига келиб янги жаҳон молия марказларида бутун дунё халқаро валюта-молия операцияларининг учдан бир қисми тўпланган эди. Шундай қилиб, Евробозорларни ривожланиши ва халқаро молиявий бозорларни байналминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатлар учун товарлар бозорини ривожланиши ва байналминаллашувида халқаро меҳнат тақсимооти каби аҳамиятга эга бўлди.

Назорат учун саволлар:

1. Валюта курси қандай аниқланади?
2. Валюта паритети нима?
3. Жаҳон валюта тизими деганда нимани тушунаси?
4. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичларини кўрсатиб беринг?
5. Бреттон-Вудс валюта тизимининг хусусиятлари нимада?
6. Ямайка тизимини вужудга келишининг сабаблари нимада?
7. Евродоллар нима?
8. Евронинг киритилиши ЕИ давлатлари ва шунингдек, жаҳон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди?
9. Халқаро молия бозорларидаги тенденцияларни гапириб беринг.

Асосий тушунчалар

Жаҳон валюта тизими – турли мамлакатлар ўртасидаги валюта-кредит муносабатларини ўзида мужассамлаштирувчи тизим.

Олтин стандарт – пулнинг асосий шакли олтин ҳисобланган ўзаро алоқалар амалиёти.

Эркин конвертирланадиган валюта - ҳар қандай хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валюта.

Қисман конвертирланадиган валюта – хорижий валюталарнинг маълум бир қисмигагина айирбошланадиган, хорижий валютани сотиб олишда ва сотишда чеклашлар мавжуд бўлган валюта.

Конвертирланмайдиган валюта – хорижий валюталарга айирбошланмайдиган ва ички тўлов айланмасига хизмат қиладиган валюта.

СДР (SDR) – Халқаро валюта фондининг махсус пул бирлиги.

Валюта курси – бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигидаги баҳоси.

Котиловкаш – валюта курсини ўрнатиш.

Тўғри котиловкаш – хорижий валюта бирлигига тўғри келадиган миллий валюта миқдорини ўрнатиш.

Тескари котиловкаш – миллий валюта бирлигига тўғри келадиган хорижий валюта миқдорини ўрнатиш.

Девальвация – миллий валюта курсини камайтирилишига қаратилган тадбир.

Ревальвация – миллий валюта курсини оширишга қаратилган тадбир.

Номинал валюта курси – бир birlik миллий валютага тўғри келадиган хорижий валютанинг қиймати.

Реал валюта курси – миллий товар бирлигига ва хизматларга тўғри келадиган хорижий товар ва хизматлар қиймати.

Валюта операциялари – хорижий валютани олди-сотдиси бўйича операциялар.

8-мавзу. Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

1. Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни
2. Ғарбий Европа давлатларининг жаҳон ҳўжалигидаги ўрни
3. Ривожланган мамлакатларнинг интеграцион бирлашмалари
4. Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни

1. Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни

XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гуруҳга кирувчи давлатлар асосан Европа қитъаси ва Шимолий Америка материгида жойлашгандир.

Маълумки, ривожланган “катта етилик” давлатлар (ҳозирги кунда ушбу давлатлар гуруҳига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар деган сўзлар ҳам жаҳон иқтисодиётида ишлатилмоқда) иқтисодиётини

ривожланиши асосан табиий ресурслардан қандай фойдаланишлик даражасига ва шунингдек узоқ йилларга мўлжалланган замонавий илмий-техникавий тараққиётдаги ўзгаришларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар иқтисодиётида табиий ресурслардан тежамли фойдаланилади, ишлаб чиқаришда эса энергетика қуввати пасайишига йўл қўйилмайди. Масалан, АҚШ ишлаб чиқаришида асосан кам ҳаражат қилиш эвазига ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 1900-1990 йиллар давомида 8-9 бараварга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 4-5 бараварга ортган эди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда саноат тармоқларининг ривожланиши қанчалик юқори бўлмасин нарх-навонинг кўтарилиши ушбу давлатларда юқориликча қолмоқда. Бу ҳолат албатта хизмат кўрсатиш соҳалари ва шунингдек илмий-техникавий инқилобга асосланган янги тармоқли саноат корхоналарининг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Жаҳон хўжалигининг ривожланишида ривожланган мамлакатларнинг қай даражада саноат энергетикаси билан таъминланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги кунда бир қатор ривожланган мамлакатлар ўзлари ишлаб чиқараётган саноат энергетикаси маҳсулотларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, 1970-1990 йиллар давомида АҚШ саноат энергетикаси истеъмолини 40% га, Япония ва Франция давлатлари эса, 30% га қисқартириш имкониятига эга бўлишган эди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг барчасида қайта ишлаш соҳалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, улар асосан тежамкорлик билан самарали фойдаланишнинг ижтимоий дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Масалан, 90-йиллар бошида АҚШда қалайнинг 72-73% хом-ашёга бўлган талаби, миснинг 60% и, пўлатнинг 50% и, олтиннинг 47%и, рухнинг 43% и қайта ишлаш саноат корхоналари ҳисобига қондирилган эди. Хуллас, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқаришида қимматбаҳо нодир металллар ўрнини босувчи маҳсулотларни кенгроқ ишлатилиши муҳим рол ўйнамоқда.

Жаҳон хўжалиги ривожланишида етакчи саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ, ГФР, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Италия) иқтисодиёти муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу мамлакатлар улушига ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларнинг 79-80%и ва дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг 59-60%и, товарлар экспортининг 60-61%и ва хизмат кўрсатиш соҳаларнинг 49-50%и тўғри келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар гуруҳи ҳозирги кунда ўз таркибида жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатини бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар дунё мамлакатлари хўжалигида тутган ўрнига кўра бир неча классификация бўлиб ўрганилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича ривожланган катта “еттилик” давлатлар гуруҳи (ушбу давлатлар гуруҳига Россия Федерациясини қўшилиши билан “катта саккизлик” давлатлар гуруҳи деган сўзлар ҳам ишлатилмоқда). Ушбу гуруҳга АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада каби давлатларни киритиш мумкин.

2. Европа Иттифоқи қирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга ГФР, Бельгия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финландия, Австрия каби давлатларни киритиш мумкин.

3. Европа Эркин Савдо ассоциацияга (ЕАСТ) қирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швецария каби давлатларни киритиш мумкин.

4. Бенилюкс гуруҳига кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Бельгия, Нидерландлар ва Люксембург каби давлатлар киради.

5. Шимолий Америка Эркин савдо шартномасига (НАФТА) кирувчи давлатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга АҚШ, Канада, Мексика киради.

90-йиллар бошида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) тўғри келиши бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қуйидагича тавсифланган эди: Япония дунёда ушбу кўрсаткич бўйича учинчи ўринда турган бўлса, Канада 11, Норвегия 6, Швецария 1, Швеция 5, АҚШ 10, Австрия 20, Франция 13, Нидерландия 17, Буюк Британия 21, Исландия 9, ГФР 8 ўринда турган. Хуллас, жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатлар ўз ривожланиш соҳалари бўйича катта имкониятларга эга бўлиб, жаҳон мамлакатларини ривожланишида асосан генераторлик ролини ўйнаб келмоқда.

2. Ғарбий Европа давлатларининг жаҳон хўжалигидаги ўрни

Жаҳон хўжалиги ва ХИМда Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши алоҳида ўрин эгаллайди. ҳозирги кунда Ғарбий Европа давлатлари ҳиссасига жаҳонда ишлаб чиқарилаётган жами ялпи миллий маҳсулотнинг 28-29% и, дунё аҳолисининг 7-8% и тўғри келади.

Ғарбий Европа давлатлари гуруҳига жами 25 давлат кириб, бу давлатлар гуруҳи ўз ҳудудларининг катта-кичиклиги, аҳолисини оз-кўплиги ва турли-туманлиги, бой табиий ресурсларга эгаллиги билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ғарбий Европа давлатлари базасида 1957 йилда “Умумий бозор” ҳамкорлик ташкилоти ташкил топди. 1962 йилда Европа Эркин Савдо Ассоциацияси тузилди. Ушбу давлатлар ўртасида саноат товарлари билан эркин савдо алоқаларни олиб бориш тўғрисида қатор шартномалар тузилди. “Европа иқтисодий кенгаши тўғрисида”ги шартномага мувофиқ 1992 йилнинг майида Ғарбий Европа Эркин Савдо зонаси ва минтақавий иқтисодий комплекси тузилди. Ушбу минтақавий иқтисодий комплекс Ғарбий Европанинг 19 давлатини ўз таркибига бирлаштирган бўлиб, Ғарбий Европа ва дунё мамлакатларида товарларнинг эркин ҳаракатини, хизмат кўрсатиш соҳаларни, капитал ва аҳоли миграциясини доимо назорат қилиб туради.

Ғарбий Европа Эркин Савдо зонаси ҳиссасига жаҳон савдоси айланмасининг 48-50%и тўғри келиб, бу иқтисодий зона ҳозирги кунда 400 млн. га яқин истеъмолчига эгадир.

Ғарбий Европа давлатларининг иқтисодий тараққиётида жаҳон мамлакатлари билан олиб борилаётган ташқи савдо алоқалар муҳим рол ўйнайди. Ўтган асрнинг 70-йиллардаги Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари дунёда энг йирик савдо блокдан бирига айланган эди. ЕИ давлатларининг товарлар экспорти даражаси АҚШнинг товарлар экспорти даражасига нисбатан уч баробар юқори бўлиб, 90-йилларда бу мамлакатлар ҳисобига жаҳон савдосининг 41-42% и, валюта захираларининг эса 36-37%и тўғри келган.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларининг хўжалик алоқаларида товарлар экспортини капитал экспорти билан алмашуви ҳолатлари кенгайиб бормоқда. Агар Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳиссасига тўғридан-тўғри йўналтирилган капитал экспорти 1961-1964 йилларда 8,7% ни, 1974-1975 йилларда 37,4% ни ташкил этган бўлса 1980-1995 йилларда эса 60-65% ни ташкил этган эди. 1970 йилда жаҳон товарлар экспортида Ғарбий Европа ҳамжамияти давлатларининг ҳиссаси 34,4% ни ташкил этган бўлса, 1995 йилда 45,8% ни ташкил этган.

3. Ривожланган мамлакатларнинг интеграцион бирлашмалари

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ). Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ва шунингдек халқаро иқтисодий муносабатларни кескин ривожланиб бориши билан боғлиқ ҳолда бир қатор бирлашган умумиқтисодий ташкилотлар ташкил топди. Ана шундай ташкилотлардан бири Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидир. Бу ташкилот дунёда энг йирик умумиқтисодий ташкилотлардан биридир. Унинг таркибида жаҳоннинг 24 та давлати, яъни, барча ривожланган капиталистик (Жанубий Африка Республикаси ва Исроилдан ташқари) давлатлари бирлашган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (аъзолари - АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Исландия, Норвегия, Швейцария, Туркия давлатлари, шунингдек ЕИ мамлакатларига кирувчи 25 мамлакат) 1961 йилда ягона иқтисодий сиёсатни назорат қилиш мақсадида тузилган бўлиб, куйидаги мауммоларни ҳал этиб келмоқда.

1. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг аҳволи ва келажакда уларнинг ривожлантириш йўллари;

2. Жаҳон мамлакатлари ўртасида рўй бераётган халқаро савдони эркин қўйиш ва тартибга солиш;

3. Валюта-кредит тизимини барқарорлаштириш;

4. Саноати ривожланган мамлакатларнинг ривожланган давлатлар ва шунингдек бозор иқтисодиёти асосида ривожланиб бораётган янги мустақил давлатлар билан иқтисодий муносабатларни олиб бориши ва ҳ.к.лар.

Ривожланган “катта еттилик” давлатларининг вакиллари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Ижроия қўмитасининг доимий аъзолари бўлиб ҳисобланади.

80-йиллардан сўнг жаҳон ҳўжалиги ва ХИМда пайдо бўлган кучли халқаро уюшмалардан бири Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (1989 й.) ва 1994 йилда ташкил топган Шимолий Америка мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (НАФТА) ҳисобланади.

Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти шу ҳудуддаги 20 дан ортиқ мамлакатни (Япония, Филиппин, Таиланд, Бруней, Янги Зеландия, Гонконг, Хитой, Австралия) бирлаштирган бўлиб, бу давлатлар ҳиссасига жаҳон мамлакатларининг ялпи миллий маҳсулотини 23-24% и, жаҳон савдосининг 40-42% и ва дунё аҳолисини 40-41% и тўғри келади. Бу ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар 1991 йилда Осиё зонасида эркин савдони ривожлантириш ва савдо соҳасидаги самарадорликни янада кўтариш мақсадида 15 йилга (2005-йилга қадар) савдо чегараларини ва чегара божларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишган. ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари жаҳоннинг кўплаб минтақаларида молиявий ишларни ривожлантириш, воситачилик, ахборотлаштириш ва шунингдек транспорт хизматларини кэнгайтириш ишларига ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Хуллас, ҳозирги кунда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти нафақат Осиё минтақаси, балки жаҳон мамлакатлари ичида ҳам етакчилик ролига даъвогарлик қилиб турибди.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида Шимолий Американинг уч йирик давлатини 1994 йилнинг 1 январиди бирлашиши (НАФТА давлатлари) муҳим аҳамиятга эгадир. Бу мамлакатлар (АҚШ, Канада, Мексика) ҳиссасига жаҳон мамлакатларининг ялпи маҳсулотининг 31-32% и, дунё аҳолисининг 7-8% и тўғри келади (НАФТА давлатлари ҳудудида 370 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди). Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган йиллик товар ва хизматлар

ҳажми 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. НАФТА давлатлари улушига жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 19-20% и тўғри келади.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳуқуқий ҳолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўртасида савдо товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;

2. Шимолий Америка бозорларини Мексика орқали кириб келаётган товарларга нисбатан божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;

3. Мексиканинг банк ва суғурта компаниялари ичида АҚШ ва Канада компанияларини капитал қўйилмаларига нисбатан бўлиб турадиган турли тазйиқ ва таъқиқларни олиб ташлаш;

4. Экологик атроф-муҳитни ҳимоялаш билан, боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш ва ҳ.к.лар.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган ушбу шартномага мувофиқ 5 йил мобайнида (2005 йилга қадар), АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар турининг 2/3 қисми учун божхона тарифларини бекор қилиши кўзда тутилган. Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блокларида катнашувчи истеъмолчилар оладиган бўлишди, чунки рақобатнинг кучайиши ва товарларга нисбатан тарифларнинг пасайтирилиши натижасида кенг товарлар бўйича нархлар пасаяди.

НАФТА давлатлари шартномасига мувофиқ АҚШ саноатчилари арзон ишчи кучи оқимини кучайиши билан боғлиқ ҳолда кўплаб фойда кўришни мақсад қилиб қўйган эди. Кафолатланган даромаднинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда Америка иқтисодиётининг - электроника компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш кўзда тутилган. Айни пайтда, шакар, цитрус мевалари, қишқи сабзавот етиштирувчи АҚШ фермер хўжаликлари зарар ҳам кўриши мумкин. Мексика давлати НАФТА ёрдамида ўз иқтисодий ўсиш суръатларини кўтармоқчи бўлишди (тахминан йиллик ЯИМнинг ўсиш суръатлари 1,6-2,6% га). Бундай иқтисодий ривожланишлар Мексикани саноати ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш муддатини 45-50 йилдан 10-15 йилга қисқартириши мумкин эди.

НАФТА дан энг кам фойда кўраётган давлатлардан бири Канададир. Чунки, унинг иқтисодий ривожланиши АҚШ иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Мексика иқтисодиёти билан жуда кам алоқадир. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада интеграцион жараёнга янада кўпроқ тортилиб боради ва кенгаётган бозордан дивидендлар олади. Хуллас, НАФТАнинг дастлабки иш фаолияти даврида экспорт ҳажмининг ошиши ҳисобига қўшимча иш ўринларини ҳосил бўлишига бўлган умид оқланмади. Бундан ташқари АҚШ нинг Мексика билан савдодаги ижобий сальдоси йўқолиб, 1995 йилда камомад пайдо бўлди. Умуман олганда НАФТАни ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилларга бориб ташкил қилиниши башорат қилинмоқда.

4.Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Япония Шарқий Осиёнинг Тинч океани оролларида (мамлакат 4 та йирик ва 4 мингдан ортиқ кичик ороллардан иборат) жойлашган етакчи саноати ривожланган давлатдир. Япониянинг умумий майдони 372,3 минг кв.км бўлиб, аҳолиси 128 млн. (2002 йил) кишини ташкил этади. Мамлакат территориясининг 70% дан ортиғи тоғлиқлардан иборат бўлиб, текислик қисми жуда камдир. Япония демографиясида 65

ёшдан ўтган аҳоли кўпчиликлари ташкил этиб, жами аҳолининг 13,1% ни, аҳолининг 14 ёшдан кичиклари эса жами аҳолининг 17,2% ни ташкил этади. Аҳолининг йиллик ўсиш даражаси эса бошқа ривожланган давлатларга нисбатан анча кам бўлиб, 1991 йилга нисбатан 1992 йилда бор йўғи 0.33% ни ташкил этган. Бироқ, японлар жаҳон мамлакатлари ичида ўртача энг узок умр кўрувчи аҳоли бўлиб, ҳозирги кунда эркаклар 75 ёшни, аёллар эса 81 ёшни ташкил этади.

Маълумки, “Осиё йўлбарси” деб ном олган Япониянинг дунё мамлакатларини иқтисодий ривожланишига бўлган таъсири каттадир. Япония иқтисодиёти 1868-1912 йилларда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ёпилган эди. Чунки ана шу йиллар Ғарбий Европа давлатлари томонидан Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларини мустамлака қилинишидан хавотирга тушган Япония ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларда ва ҳатто туризм соҳасида сайёҳларнинг мамлакатга кириб чиқишлари устидан ҳам назорат ўрнатиб, денгиз савдосида ҳам маълум чекланишларни амалга оширган. Бу давр Япониянинг иқтисодий тарихида Мейдзи революцияси даври деб номланиб, мамлакат ўз ривожланишини тўхтатмаган, жумладан, Японияда эски пуллар муомаладан чиқарилиб, қиймати стандартлашган янги миллий валюта муомалага чиқарилди. 1882 йилда АҚШни иқтисодий ривожланиши модели асосида Маркази Банк ташкил топди. Нарижада мамлакатда савдо айланмаси ва ишлаб чиқариш компанияларнинг эркин фаолият кўрсатишига замин яратилди. Хуллас, XIX аср охири ва XX аср бошларида “Мицубиси”, “Кавасаки”, “Явата Айрен”, “Стил Уорк” каби йирик монополистик уюшмалар ташкил топдики, ҳозирги кунда ҳам ушбу трансмиллий компаниялар (ТМК) жаҳондаги энг йирик компаниялардан ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Япония иқтисодиёти (айниқса, ташқи савдоси) катта зарар кўрди. Бироқ, 1950 ва 1960 йиллар бошида Япония саноат товарлари экспорти соҳасида бир қатор ижобий муваффақиятларни қўлга киритди. Хорижий мамлакатларнинг сармоялари эвазига Япониянинг ишлаб чиқариш корхоналари янги техник-технология билан қайта жиҳозланди. Натижада 1960 йилларнинг ўрталарига келиб, мамлакатни ташқи савдо баланси юқори кўрсаткичга кўтарилди. ҳатто 1973-1979 йилларда жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида юз берган кучли нефть кризиси Япония иқтисодиётини ривожланишига ўз таъсирини кўрсата олмади. 1987 йилда мамлакат ташқи савдо соҳасида энг юқори кўрсаткичга, яъни, 96,4 млрд. доллар миқдорида йиллик даромад кўришга муяссар бўлди. Хуллас, 1960 йиллардан сўнг Япония ташқи савдосининг йиллик ўсиш суръатлари 18,4% ни ташкил этган. Мамлакатнинг товарлар экспортида тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ўрнини оғир саноат масулотлари эгаллади. 70-йилларга келиб мамлакат экспортининг асосий қисмини рангли телевизорлар, автомобил ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб бундай экспорт товарлар қаторига электрон маҳсулотлар - компьютерлар, видеомагнитофонлар қўшилди.

1973-1979 йиллардаги жаҳон мамлакатларида рўй берган нефть инқирозига қадар Япония импортининг 1/3 қисми эса Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларига тўғри келган. Бироқ, нефть кризиси йилларида бу вазият анча ўзгарди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Японияни 70% нефть маҳсулотлари билан таъминлаб, мамлакат умумий импортининг 30% ни ташкил этди. 1980 йиллардан сўнг Японияга Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШдан, Осиё-Тинч океани минтақасини ривожланаётган мамлакатларидан тайёр маҳсулотларни кириб келиши миқдори кенгайиб борди.

Маълумки, Япония иқтисодиёти иккинчи жаҳон урушига қадар секин ривожланиб жаҳон мамлакатлари ичида қолоқ мамлакат бўлиб қолаверган эди. Бироқ, урушдан сўнг, айнқса, 60-йиллардан сўнг мамлакат саноати тез суръатларда ривожлана бориб, жаҳон мамлакатлари ичида саноати ривожланган етакчи давлатлардан бирига айланди. Ҳозирги кунда Япония ялпи саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШ ва

Европанинг баъзи мамлакатларидан кейинги ўринда туради. 80-йилларнинг ўрталарида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини ишлаб чиқарган ялпи саноат маҳсулотини 15% и Японияга тўғри келиб, ҳатто 1987 йилда Япония жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ичида аҳоли жон бошига ўртача ялпи миллий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши жиҳатидан биринчи ўринга чиқиб олган ҳам эди.

Япония иқтисодиётини ана шу йилларда тез ривожланиш сабабларидан бири ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг юқори даражада бўлишидир. Маълумки, Японияда табиий ер ости ресурслари ниҳоятда кам бўлиб, унинг саноати асосан хом-ашё маҳсулотларини келтириш ҳисобига ишлайди. Жумладан, Япония нефтнинг 99,7% ни, темир руданинг 99,9% ни, рангли металлларнинг 75%дан 99% гача, боксит, никел ва бошқа нодир металлларнинг деярли 100% ни четдан олиб келади. Япония қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан жами аҳолисининг 75-76% ни, буғдойи билан аҳолини 1/3 қисмини, гуруч ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан эса аҳолини 107% ни таъминлайди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония ҳукумати ва унинг парламенти ўз олдига жаҳон бозорларига сифатли рақобатбардош товарларни “экспорт қилиш ёки ҳалок бўлиш” (бу йили Туркия ва бошқа ривожланаётган давлатлар ҳам қўллашган) деган қарашлар концепциясини қўйган эди. Шунинг учун ҳам Япония ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, 60-йиллардан кейин иқтисодиётни нафақат интенсив ривожлантириш йўлини, балки бир йўла жаҳон бозорларида рақобатбардош экспорт товарлар ишлаб чиқариш йўлини ҳам танлаган эди.

Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган арзон ва қулай табиий ресурсларни жаҳоннинг турли хорижий мамлакатларидан олиб келиб, уларни жаҳон бозорларида рақобатбардош ўта сифатли маҳсулотлар даражасида қайта ишлаб чиқариб, фойда кўрадиган давлат бўлганлиги учун ҳам ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларига 50 дан ортиқ “ўрганиб қайтувчи” гуруҳларни чиқариб турди. Бундан мақсад, хорижий мамлакатлардаги илғор замонавий фан-техника соҳасидаги янгилик ва ютуқларни, илмий-технологияни, саноатдаги илғор бошқарув усулларни ўрганиб қайтиш ва ўзларининг ишлаб чиқариш фирма ва корхоналарида жорий қилишдир. Шунинг учун ҳам Япония ҳукумати ўз инвестициясининг асосий қисмини экспорт товарлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарни ривожлантиришга сарфламоқда.

Япония ҳукуматининг асосий бойлиги унинг халқи ҳисобланади. ҳақиқатдан ҳам унинг халқи “иқтисодий мўъжиза”ни мамлакатда шакллантирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Япон халқи жаҳон мамлакатлари ичида меҳнатсеварлиги, тиришқоклиги, тежамкорлиги, интизомлиги ва тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Япония ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи ривожланган мамлакатларнинг барчасидан юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда саноат корхоналарининг барчаси ўта автоматлаштирилган.

Япония иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишининг яна бир муҳим омилларидан бири ишлаб чиқаришда чиқим даражасини бошқа ривожланган хорижий мамлакатларга нисбатан камлигидир. Японияда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда чиқим даражаси 1.0% ни ташкил этган ҳолда (90 йиллар бошида), АҚШ да 7.0% ни, Англияда 5.0% ни, ГФРда 3.0% ни ташкил этган. 1988 йилда собиқ СССРда биргина ҳарбий соҳага сарф қилинган ҳаражат 9.0% бу ташкил қилган.

60-90 - йилларда Япония ҳукумати бюджет ҳаражатининг 75-76% ни саноат, савдо ва коммерция ишларини ривожлантиришга, саноат корхоналарини такомиллаштириш, ЭВМ ва ахборот воситалари билан жиҳозлаш ишларига қаратди. Японияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг асосий қисми кичик ва ўрта ривожланган қайта ишлаш саноат корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай саноат корхоналарга, чарм (ишлаб чиқарилган тайёр саноат маҳсулотнинг 94-95% ини беради),

тўқимачилик (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 88-99% ни беради), озиқ-овқат (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 83-84% ни беради) киради. ҳозирги кунда мамлакатда 800 мингдан ортиқ қайта ишлаш саноат корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 70-72%и бир кишидан 9 кишига қадар ишлайдиган кичик корхоналарни, 10-12%и эса 10 кишига қадар ишлайдиган йирик саноат корхоналар ташкил этади.

Японияда савдо-тижорат ишлари ҳам ниҳоятда ривожланган соҳадир. Кичик бизнес кўринишидаги дўконлар мамлакатда кўпчиликни ташкил этади. Бундай дўконлар сони мамлакатда 4 млн.дан ортиқ бўлиб, уларнинг 50-52%да бир ёки икки киши меҳнат қилади. Японияда 4 ва ундан ортиқ киши ишлайдиган оилавий бизнес дўконлар сони ҳам кўпчиликни ташкил этиб, уларни бизнес корхоналар ҳам дейилади. Япониянинг жаҳон мамлакатларига машҳур бўлган “Тоёта”, “Хонда” каби автомобилларнинг қисмлари фақатгина йирик ишлаб чиқариш заводларида йиғилади холос. Унинг алоҳида деталларини эса 10 минглаб кичик хусусий корхоналар (фирмалар) тайёрлаб беради. Хуллас, Япония саноат корхоналари ҳозирги кунда замонавий илмий-техникавий ютуқларга асосланган станоклар билан, сифатли технологик ускуналар билан, электроника ва оптик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ компьютерлашган. Япония ҳукумати ўзининг сифатли, чиройли ва бежирим, ихчам ишлаб чиқарган саноат товарлари билан жаҳон бозорларини эгаллаб турибди. 1950-1990 йиллар давомида ишлаб чиқаришни ўртача йиллик ўсиш даражаси 7,8%ни (АҚШда 1,9%ни) ташкил этган. 1991 йилда Япония аҳоли жон бошига олганда ўртача ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари ичида иккинчи ўринда (Швейцарияда кейин) турди.

Япония қишлоқ хўжалиги мамлакатда рўй берган Мейдзи инқилобидан сўнг (1868-1912 йиллар) тез суръатлар билан ривожланиш даврига қадам қўйди. Мамлакат қишлоқ хўжалигида ер ислохотлари ўтказилиб, ерга бўлган хусусий мулкчилик қонунлаштирилди. 1946-1949 йиллардаги аграр ислохотлар даврида помещик ер эгалиги мамлакатда мутлақо тугатилди. Японияда “Ер” тўғрисидаги мулкчилик қонунга мувофиқ хусусий ер эгалигининг умумий майдони 3 гектар қилиб белгиланди (Хоккайдо оролида 4 гектар). Япония қишлоқ хўжалиги тўлиқ механизациялашган бўлиб, ўз халқини гуруч, полиз-сабзавот экинлари ва боғдорчилик мевалари билан тўлиқ таъминлайди. Япония қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунда интенсив ривожланиб бораётган соҳа бўлиб, олинаётган ҳосил юқори ва сифатли бўлишлиги билан бир қаторда жаҳон мамлакатлари ичида экологик энг тоза маҳсулотдир.

Энди биз қисқача Япониянинг йирик трансмиллий компанияларига тавсиф берамиз.

Япониянинг “Тоёта мотор компани лимитед” компанияси дунёнинг йирик капиталистик мамлакатлари ичида автомобил ишлаб чиқарувчи ТМКдан биридир. Ушбу компания 1937 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг 58-60%ни, юк машиналари ва автобусларнинг 22-23%ни ва бошқа техник маҳсулотларнинг 20-21%ни ишлаб чиқармоқда. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йиллар давомида 20%дан 50%га қадар ўсди. “Тоёта” компанияси ўз капиталини хорижий мамлакатларга экспорт қилишни 1960 йилларда бошлаган. ҳозирги кунда компаниянинг йигирмадан ортиқ филиаллари, йиғма заводлари (Австрия, Малайзия, Индонезия, Тайланд, Филиппин, Перу, Коста-Рико, Венесуэла, Португалия, Янги Зеландия ва ҳ.к.ларда) фаолият кўрсатмоқда.

Япониянинг “Ниссан мотор компани лимитед” компанияси ўзининг катталиги жиҳатидан мамлакатнинг иккинчи энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи ТМКдан бири ҳисобланади. Компания 1933 йилда ташкил топган бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 88-90% и ушбу компания ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари компания автомобил қисмлари ва унинг узатгичлари, шунингдек

текстил машиналари, денгиз двигателлари, автоюклагич машиналар, ракетага тегишли бўлган двигателларни ҳам ишлаб чиқармоқда. Компания Япониядан ташқарида 20 дан ортиқ ўз филиалларига эга. ҳозирги кунда компания йилига 3 млн.га яқин автомобилларни (30%га яқин) ишлаб чиқармоқда. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йиллар давомида 21% дан 55%га қадар ўсган. “Ниссан” компаниясининг йиғув цехлари Тайванда (1959 й.), Мексикада (1961 й.), Чилида (1962 й.) фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек компаниянинг заводлари Малайзия, Сингапур, Тайланд, Индонезия, Ҳиндистон, Филиппин, Перу, Боливия, Венесуэла, Сингапур, Никарагуа, Коста-Рика, Австралия, Янги Зеландия, Португалия, Исландия, Жанубий Африка Республикаси, Греция, Кения каби давлатларда ҳам ишлаб турибди.

Япониянинг “Хонда мотор компани лимитед” компанияси жаҳон капиталистик дунёсида мотоцикллар ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Автомобил ишлаб чиқариш бўйича эса компания мамлакатда 5-ўринда туради. “Хонда” компанияси 1948 йилда ташкил топган бўлиб АҚШнинг “Форд” ва “Крайслер” компаниялари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Компания ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 60-62%и, мотоциклларнинг 28-30% и, қишлоқ хўжалик машиналарининг 12-13% и тўғри келади. “Хонда мотор” компанияси 1990 йиллар бошида 900 мингдан ортиқ кичик ҳажмли автомобилларни ишлаб чиқарган бўлиб, унинг 2/3 қисмини экспортга (асосан АҚШга) чиқарган. Компания Япониянинг автомобил бозорларини 6-8% ни эгаллаб турибди. “Хонда мотор” компаниясининг квотаси 1970-1990 йиллар давомида 32% дан 75% га қадар ўсган. Компания жаҳон мамлакатларининг олтитасида автомобил, 27 тасида эса мотоцикллар ишлаб чиқаради. Компаниянинг йирик филиаллари Тайланд, Австралия, Бразилия, Бельгия ва АҚШда ишлаб турибди. Япониянинг “Сони корпорейшн” компанияси капиталистик дунёнинг энг йирик рангли телевизор ва видеомагнитофонлар ишлаб чиқаришга асосланган компанияларидан биридир. Компания жаҳон бозорларига юқори сифатли овоз тарқатувчи аппаратлар, радиоприёмниклар ва магнитофонларни чиқаради. Компания 1946 йилда ташкил топган, 1990 йилларда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган магнитофонларнинг 19-20% и, овоз тарқатувчи кучли аппаратураларнинг 9-10% и, шунингдек бошқа электрон асбоб-ускуналарнинг 16-17% и ушбу компания ҳиссасига тўғри келган. “Сони” компанияси АҚШ, Англия, Испания, ГФР, Бразилия, Жанубий Корея ва Сингапурда телевизор ва магнитофон ленталари ишлаб чиқармоқда. “Сони” компаниясининг филиаллари Австралия, Бельгия, Франция, Голландия, Дания, Швейцария, Канада, Панама, Венесуэла, Фиджи каби хорижий давлатларда ҳам ишлаб турибди.

Япониянинг “Мицубиси электрик корпорейшн” компанияси йирик электротехника компанияларидан бири бўлиб, 1921 йилда ташкил топган. Компания 1923 йилдан бери АҚШнинг “Вестингауз электрик” технологик компанияси билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Япониянинг “Мицубиси электрик” компанияси электр машиналари (лифт, электрон компьютерлар), электрон-саноат жиҳозлари, маиший-хизмат кўрсатиш буюмлари (телевизорлар, юқори овоз чиқарувчи сифатли аппаратлар, кондиционерлари, кир ювиш машиналари) ишлаб чиқаради. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 йилларда 7%дан 20% га қадар ўсган компаниянинг қўшма корхоналари Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Тайван, Филиппин, Тайланд, Ҳиндистон, Мексика, Коста-Рика, Канада, АҚШ ва Англияда фаолият кўрсатмоқда.

Япониянинг “Мицубиси электрик индустриал компани лимитед” компанияси электр асбоб-ускуналар ва аппаратлар ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири бўлиб, 1935 йилда ташкил топган. Компания ўзининг “Панасоник”, “Нешнл”, “Текникс”, “Квазар” савдо маркаси сифатида бутун дунёга машхур. Компания телефон, радиоприёмник ва узаткичларни мини-компьютерлар ва рангли ксерокопия

аппаратларини ва бошқа маиший аппаратларни ишлаб чикаради. Компаниянинг экспорт квотаси 1970-1990 - йилларда 20% дан 25% га қадар ўсди. 60-йиллардан бери компаниянинг филиаллари АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Индонезия, Тайланд, Ҳиндистон, Филиппин, Мексика, Бразилия, Перу, Венесуэла, Англия, Бельгия, Испания, Австрия, Танзания каби мамлакатларда ишлаб турибди.

Назорат учун саволлар:

1. Саноати ривожланган давлатлар гуруҳига қайси мамлакатлар киритилади?
2. Саноати ривожланган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини қайси кўрсаткичлар билан кўрсатиб бериш мумкин?
3. Жаҳон иқтисодий ривожланишининг учта асосий марказини кўрсатиб беринг.
4. “Катта еттилик” ёки “катта саккизлик”ка кирувчи давлатларни санаб беринг.
5. Ривожланган давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини амалга оширишда ТМК қандай ўрин тутади?
6. Саноати ривожланган давлатлар иштирокидаги қандай интеграцион гуруҳларни биласиз?
7. Япония иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни санаб ўтинг?
8. Япония иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги нималар ҳисобига эришилган?

9-мавзу. Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари
2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган ўрни ва роли
3. Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида
4. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожланишининг аҳамиятли томонларидан бири, собиқ мустамлака ва қарам территорияларнинг роли ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан кучайиб бораётганлигидир. Ушбу мамлакатлар аввал жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар ёки озод этилган мамлакатлар, “учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб” мамлакатлари ёки “периферия” мамлакатлари сифатида тилга олинган бўлса, ҳозирги кунда умумий тарзда ривожланаётган мамлакатлар дея аталади..

Бу мамлакатлар иқтисодиёти турли-тумандир, уларнинг ҳудудида 3,2 млрд атрофида аҳоли яшайди. Ушбу мамлакатларда ҳозирги кунда жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар кечмоқда.

Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларда озодликка эришган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тобора ушиб боровчи характер касб этмоқда. Уларнинг энг илгорлари 1950 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларнинг “ўртачаларидан” (54 мамлакат) 2,4 марта, юксакликка эришди. 50 – йилларнинг урталаридан бошлаб, юқорида зикр этилган мамлакатлар уртасидаги ривожланиш даражисидаги фарқ сезиларли даражада ортиб борди. 90 – йилларга келиб ривожланаётган мамлакатларнинг биринчи гуруҳига

кирувчи (19 та мамлакат) малакатлардаги аҳоли жон бошига “тўғри келувчи ўртача фойда” ўртачаларига нисбатан 2,9 баробар, қуйи гуруҳлариникига нисбатан эса 12,2 баробар юқори бўлди. Ривожланаётган мамлакатларнинг айнан шу гуруҳларининг таркибида ҳам, ривожланиш даражалари ўртасидаги боғлиқда ҳам ўзгаришлар вужудга келди. Жаҳон иқтисодиётида ушбу жараёнлар натижасида табақалашув ҳам иккита асосий минтақада рўй берган эди. Минтақанинг бир томонида озодликка эришган мамлакатларнинг кўпроқ ривожланганлари, жумладан, форс кўрфазидаги бир қатор мамлакатлар – Қатар, Қувайт, БАА, шунингдек Осиё – Тинч океани минтақаси ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар жойлашган бўлса, минтақанинг иккинчи томонида эса мутлақо турғунлик ҳолатидаги иқтисодий камбағал мамлакатлар жойлашгандир. Бу категорияга 48 та мамлакат тааллуқлидир. Буларга бир қатор Африка мамлакатларини, жумладан Мозамбик (ЯИМ йилига киши бошига 80 доллар), Эфиопия (100 доллар), Сьера Леоне (140 доллар), Бурунди (180 доллар), Уганда (190 доллар), Чад ва Руанда (200 доллар) каби давлатларни киритиш мумкин. Бу гуруҳга тааллуқли мамлакатлардан ташқари, гуруҳ руйхатининг янада қуйи қисмида жойлашаган бир қатор Осиё мамлакатларини – Непал (160 доллар), Бутан ва Вьетнам (170 доллар), Мянма ва бошқа давлатларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Ушбу минтақалар орасида ривожланаётган мамлакатларнинг қолган қисмлари жойлашгандир. Бу ҳам ўз навбатида, бир хил типда бўлмаган гуруҳдир. Унинг таркибига кирувчи мамлакатлар кўплаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича фарқланади. Бу мамлакатлардан энг ривожланганлари ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётига яқинлашиб бормоқда. Жумладан, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка ўртасидаги фарқ сезиларли равишда қисқармоқда. Шимолий Американинг ялпи миллий маҳсулоти Лотин Америкасининг ялпи миллий маҳсулотидан 4 марта кўпроқни ташкил этади (50 йил олдин бу нисбат 10:1 ни ташкил этган).

Ушбу иқтисодий ривожланишдаги фарқларга қарамадан ривожланаётган мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий хусусиятларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлиб, булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп укладли характерга эгаллиги.
- Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфраструктуранинг қолоқ эканлиги (биринчи гуруҳ, “юқори кутб” мамлакатларини ҳисобга олмганда).
- Уларнинг иқтисодий ривожланиши жаҳон хўжалиги тизимида қарам ҳолатда эканлиги, капитализмни периферик характер касб этиши ва бошқалар.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти кўп укладли ижтимоий-иқтисодий таркибга асосланади. Бир қатор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир қаторда ҳамон уруг-аймоғчилик ва патриархал муносабатлар ҳам мавжуддир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат ва давлат хўжалик уклади муҳим рол ўйнайди. Давлат секторини ривожлантириш босқичи капиталистик ишбилармонликни кенгайтириш сиёсати билан ҳамоханг олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо булади ва ривожланади.

Миллий хусусий капиталистик хўжалик укладнинг ривожланиши ва шаклланиши жамғариш муаммолари (яъни, пул ресурсларининг етишмовчилиги) ва жамғарилган маблағларнинг сарфланиши хусусиятларига боғлиқдир. Бу маблағлар асосан савдога (ички ва ташқи), кучмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлашга, сугуртага, бензин қўйиш шаҳобчаларига, таксига, яъни сармояларни айланиши тез бўлган соҳаларга йуналтирилади.

Жаҳон иқтисодиётида озодликка эришган ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида пайдо бўлган ва ривожланиб бораётган капитализм периферик характерга эга. Бу шуни англатадики, у саноати ривожланган мамлакатлар капитализмидан нафакат ривожланиш даражаси бўйича, балки энг муҳими, ишлаб чиқариш усулларнинг модели ва моддий неъматлар тақсимооти бўйича ҳам тубдан фарқ қилади. Капитализм марказлари, жамғаришнинг органик ва узаро алоқадор доимий ўсиш жараёнида бўлган миллий заминда пайдо бўлади ва ривожланади. Мослашувчанлик (имитация) аҳолининг бой қатламларининг узлари учун зарурий бўлган барча нарсаларни қўлга кирита оладиган махсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланди. Бундай вазиятда аҳолининг асосий қисми камбағалликка маҳкум этилиб, уларни бозорларда эркин муомалада бўлиш имкониятидан маҳрум этади.

Трансмилий корпорациялар томонидан жорий қилинган янги техник-технологиялар одатда ҳозирги кунга мос келади, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юқори бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Жаҳон иқтисодиётида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшашлик томонлари, яъни уларнинг қашшоқлиги, аҳолисининг қолоқлиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги, саноати ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда қарздорлиги бўлиб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги ўзининг тулақонли ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва аҳолисининг яшаш турмуш тарзи даражаси бўйича Ғарбий Европани саноатлашган илгор мамлакатларидан қарийб 20-50 маротаба орқада қолмоқда.

2. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган ўрни ва роли

Халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиш, жаҳон хўжалиги алоқаларининг ривожланиши, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро оқиб юриши, иқтисодий тараққиётнинг асосий шарт-шароитларига айланиб қолди. Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида иштирок этиш орқали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 60-70 йиллардан эътиборан халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этишга интилиб келмоқда.

Уларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиш зарурияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни етиштириш имкониятига эга эмаслиги билан асосланади. Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар деярли саноати ривожланган мамлакатлар учун хом – ашё етиштириб берувчи ҳамда нисбатан арзон ишчи кучи манбаи бўлиб қолмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоотида хўжалик фаолиятининг барча шакллари жамланган. Энг муҳими, халқаро савдонинг асосини ташкил этувчи хом – ашё ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча ривожланаётган мамлакатлар билан дунёнинг бошқа ривожланган давлатлари ўртасидаги товар алмашинувини таъминлайди. Халқаро савдо энг камбағал ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ташқи даромаднинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Аммо, материал ва энергия сифимининг кейинги йилларида камайиши муносабати билан ривожланган мамлакатнинг ўсишида табиий хом - ашёларнинг халқаро савдодаги тутган ўрни пасайиб бориш тенденциялари намоён бўлмоқда. Шунга мувофиқ у 1991 йилда жаҳон экспорти умумий улушининг 25% ни ташкил этган эди. Жаҳон иқтисодиётида 70-90 йилларда Африканинг ривожланаётган мамлакатларини умумий экспорт ҳажмидаги улуши қисқариб борганлиги қайд этилади. Осиё мамлакатларидан жўнатилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик молларининг доимий ўсиб борганлигига қарамасдан у 2 баробарга пасайиб

кетган эди. Экспортини асосини ташкил этувчи хом- ашёлардан иборат бўлган ривожланаётган мамлакатларда, уларнинг жаҳон бозорида эгаллаб турган позицияларининг ёмонлашувини тухтатиш имкониятига эга бўлган кушимча экспорт ресурсларини излаб топишга бўлган кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун, экспортнинг хилма-хиллигини таъминлашга, яъни чиқариладиган хом-ашёларни қайта ишлаш, бошқа турдаги саноат махсулотларни жаҳон бозоридаги эркин ҳаракатини таъминлаш, энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий товарлар экспорти ҳажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга қарамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги умумий улуши аста-секинлик билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, у 1987 йилдаги 22% ўрнига 1992 йилга келиб 24,7% га етган эди. 1993 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг экспортини физик ҳажми, саноати ривожланаётган мамлакатларда 1,2 % га қисқарганига қарамасдан, яна 10% га ортган эди. Ривожланаётган мамлакатларда жами экспортни таркиблаштириш жараёнлари ҳам содир бўлмоқда. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар экспортдиги саноат молларининг улуши (рангли материалларни ҳисобга олганда) 1991 йилда 57,7% га етган эди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг экспортидаги саноат молларининг улуши ҳам ушиб борди. Агар у 1970 йилда – 7,6% ни ташкил этган бўлса, 1980 йилда 11% ни , 1991 йилда 19,5% ни , 1995 йилда 25%, 2003 йилда эса 30%ни ташкил этган эди. Хуллас, жаҳон ҳўжалигида 90 йиллар ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши доимий ўсишлик тенденциясига эга, бўлганлиги билан характерланади.

Саноат махсулотлари экспорти ҳажмининг ўсишида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим роль ўйнамоқда. Уларни экспорт қилиш 1970-1990 йилларда 85-90 маротабага ушиб, саноатнинг умумий улуши 35-36% ни, товарлар экспортининг умумий ҳажми эса 22% ни ташкил этган эди. Ривожланаётган мамлакатларнинг баъзи бирлари (Эрон, Конго, Боливия, Парагвай каби 12 давлат) 1980-1990 йиллар мобайнида хом-ашё махсулотларни четга чиқариш ҳисобига узларининг халқаро меҳнат тақсимотида катнашиш имкониятларини кучайтиришга эришдилар. Бошқа мамлакатлар эса, узларининг жаҳон экспортидаги шахсий улушларини, саноатда қайта ишланадиган махсулотларнинг ташки бозордаги актив ҳаракати ҳисобига ошириб борган эди. Ўз навбатида, мазкур гуруҳлар уртасидаги алоҳида мамлакатлар эришган муваффақиятларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон иқтисодиётида олдинги ўринлардан бирида “янги индустриал мамлакатлар” бораётган бўлса, бошқа ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни қўлга киритишган. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканинг энг йирик мамлакати ҳисобланмиш Нигерия ўзининг саноат экспортидаги улушини тобора қисқартириб бормоқда.

Халқаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини баҳолаш орқали жаҳон ҳўжалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида қурилганлигини куришимиз мумкин. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар илмий технологик ютуқлардан кам фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг қолган қисми олдиндек анъанавий индустриаллашувга, баъзи бир қисми эса индустриаллашувгача бўлган технологик ютуқларга асосланиб тараккий этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳволи билан боғлиқ бўлган умумий ҳолатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қолоқ ривожланаётган мамлакатлар борган сари халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидан “ажратиб” қўйилмоқда. Бундай фикрлар 1996 йилда халқаро савдонинг ривожланишига бағишлаб ўтказилган БМТ нинг конференциясида (ЮНКТАД)

қилинган маърузаларда келтириб ўтилган эди. Доклад авторларининг фикрича, Уругвай, Раунди, доирасида амал қилувчи глобал савдо битими мақомини олган ГАТТ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда субсидияларни қисқартириш кераклигини таъкидлаб ўтади. Бундай вазият, кучсиз ривожланган мамлакатларга нисбатан берилган кучли зарба эди. Ҳозирги кунда жоҳон иқтисодиётида буғдой, қанд, гўшт ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор нархлари ошиб бормоқда. 2000 йилда 300-600 млрд. долларни ташкил этган эди.

Дунё савдосида хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши тобора қисқариб бориши ролини йўқотмоқда. Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги хом-ашёвий ихтисослашув эса вақтинча ўзининг ёрдамчилик ролини бажаришга кодирлигини кўрсатмоқда халос. Халқаро савдонинг ривожланиш тенденцияларини гувоҳлик беришича; сўнгги ўн йилликларда турли хилдаги хизматларнинг ҳажми ва аҳамияти бекиёс даражада ўсиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг бу йўлдаги имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, сайёҳлик ва меҳнат билан боғлиқ хизматлар, турли хилдаги “ифлос” ва паст маош тўланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт қилиш шулар жумласидандир.

Сайёҳлик кўп йиллардан буён, ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Миср учун туризм соҳасидан келаётган даромад хорижий мамлакатларда вақтинчалик банд бўлган мисрлик ишчилар ҳисобидан келадиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда туризм Туркияда юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу кўрсаткич туризмнинг умум жаҳон миқёсидаги 4% ли ўсиш кўрсаткичи билан таққосланганда, йилига 8%ни ташкил этади. Туркия кўпроқ миллий иқтисодиётнинг туризм тармоғини динамик ривожланиши билан фарқ қилувчи беш мамлакат қаторига киритилган. Шу нарса кутилмоқдаки, 2005 йилларнинг охирига бориб Туркия сайёҳликдан тушадиган даромаднинг ўлчами бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаши башорат қилинмоқда.

3.Хорижий сармоялар – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида

Жаҳон иқтисодиётида “қашшоқлик ботқоғи”дан кутилишга бўлган интилиш, иқтисодиётнинг илғор тармоқларини ривожланишга бўлган имкониятни яратиш ва такомиллаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий сармояларни изчил жалб қилишни талаб этади. Ана шу мақсадларда, инвестицион муҳитни кафолатлайдиган шарт-шароити мавжуд бўлган махсус минтақавий иқтисодий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни кучайтириб бориш жараёнлари осонлик билан кечаётгани йўқ. 1992 йилда ривожланаётган мамлакатларга киртилган тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори 51,5 млрд. долларни ташкил этган эди. 90-йиллар бошида жаҳон банкининг маълумотига қараганда, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий капиталнинг жалб қилиниши янада кучайиб, 1994 йилда 173 млрд. долларни ташкил этган. Янги фонд бозорларидаги акцияларга банд этилган портфель қўйилмалар 1993 йилда 46,9 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1994-йилда 39,5 млрд. долларни ташкил этган эди. Ўз навбатида банкларда депонингланган ва облигацияларга қўйилган хусусий сармояларнинг киймати 1993 йилда 45,7 млрд. доллардан 1994 йилдан 55,5 млрд. долларга ўсган. Тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар миқдори эса 1993 йилда 66,6 млрд. доллардан 1994 йилда 77,9 млрд. долларга ўсган. Кайд этиб ўтиш жоизки, 1993 йилда баъзи-бир ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам 14

млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояни хорижий мамлакатларга экспорт қилишган.

“Эрнест ва Янг” америка консолтинг фирмаларнинг берган баҳоларига кўра якин ўн йилликларда ривожланаётган мамлакатларнинг энг кузга кўринганлари - Хитой, Хиндистон, Индонезия, Мексика ва Бразилия каби мамлакатлар бўлиши башорат қилинмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хусусий сармоялар жалб қилинар экан, энг муҳими, улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлиб, истикболи порлок бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормоқда. Бугунги кунда 75-80% тўғридан-тўғри йўналтирилган хусусий инвестицияларнинг 20-25% и ривожланаётган мамлакатларга тугри келмоқда. Бунда асосий ўринни Шаркий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламоқда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг тургунлиги ва шунингдек улардаги сиёсий вазиятнинг борқарор эмаслиги, кўпинча саноати ривожланаётган мамлакатларнинг ишбилармон доираларини чучитиб қўймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сунги 70-80 йилларда етарли даражада амалга оширилган бўлсада, 90 йилларининг урталаридан этиборан уларнинг миқдори сезиларли даражада қисқариб бормоқда. Халқаро валюта фондининг аналитикларининг фикрига қараганда 1994 йилда бутун дунё бўйича инфляциянинг олдини олиш мақсадида давлат йўллари орқали 59 млрд. АҚШ доллари тенг бўлган расмий ёрдамлар уюштирилган (бу кўрсаткич 1993 йилдагига нисбатан 3 млрд.АҚШ доллари камдир). Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан давлат миқёсидаги ўзаро ҳамкорлиги ўзининг мёърига етган 1990 йилдаги даражаси билан такқослаб қурилганда, бу ракам 12 млрд. АҚШ доллари камайган. Бу пайтда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан уюштирилаётган ёрдам жами ялпи миллий махсулротнинг 0,3% ни ташкил этган халос Муҳим томони шундаки, Африка мамлакатларига уюштирилаётган барча ташқи ёрдамлар қарзларнинг фоизлари шаклида Ғарбий Европа томон қайтиб кетмоқда. 90- йилларнинг урталарида Африканинг Сахарасидан жанубгача бўлган минтақасидаги барча мамлакатларнинг ташқи қарзлари 211млрд. долларни ташкил этган бўлиб, 1984-1994 йилларда Африка давлатлари ушбу кредит қарзларининг 150 млрд. АҚШ доллари яқинини тулашга мувофак бўлишган халос.1994 йилда Африканинг барча минтақаларида жойлашган давлатларнинг умумий қарзлари тахминан 303 млрд.АҚШ долларини ташкил этиб, у Африка мамлакатларини йиллик экспорт даромадининг 204% га тенгдир.

1994 йилда энг катта ташқи қарз Мексика ва Хитойда бўлиб, унинг миқдори Мексикада 5 млрд. долларни, Хитойда 111 млрд. долларни ташкил этган. Тайланд, Жанубий Корея, Хиндистон, Филипин каби Осиё давлатларининг ташқи қарзлари тез суратлар билан ўсиб бормоқда. Осиё минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзларини миқдори 1994 йилда 1,7 трлн. АҚШ долларни ташкил этган бўлиб, 1993 йилги даражага нисбатан 10% га ўсган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи қарзларини ўсиб бораётганлигини биз ташқи қарзларни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлар бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинда турганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Осиёда 250 долларга тенг бўлса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади).

Ривожланаётган мамлакатларнинг амалдаги қарзлари хусусий капитал қўйилмаларнинг ҳисобидаги мулкӣ муносабатлар орқали тўпланиб боради.1995 йилда кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган бўлиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги (биринчи навбатда Осиё мамлакатларида) кредитларнинг умумий миқдори тахминан 236 млрд. долларни ташкил этган. Кейинги ўринни – 147 млрд. доллар миқдоридаги кўрсаткич билан АҚШ эгаллаган бўлиб,

уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келган эди. Учинчи ўринда эса Германия туриб, у 106 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояларни четга чиқарган. Ўз навбатида Франция ҳам хорижий мамлакатларга унча катта миқдордаги кредитларни берувчи давлат ҳисобланади (103 млрд. доллар). Унинг қарздорлари бўлиб, асосан Африка ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар томонидан қарзларнинг қайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб турган бир пайтда, қарздорликка қарши курашнинг бирдан-бир йўли, бу кредитор мамлакатларнинг қарзларини кечиб юбориладиган умумий миқдорини 75-100%га етказиш кўзда тутилганлигидир. Бундан кўзланган бош мақсад, 80- йиллардан буён қарзларнинг миқдори юқори суръатлар билан ўсиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдир.

Трансмилий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак иқтисодий ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бир қаторда, ушбу корпорациялар техник тараққиётининг ички омилларига ҳам жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, трансмилий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бир қатор ишлаб чиқариш саноат тармоқларда (енгил саноат, тўқимачилик саноати, электрон саноати) қўлланиладиган техника ва технологияларни етказиб беришда ТМКлар инвестор-сармоячи сифатида ҳам, шунингдек инвестиция товарларини ёки технологияларини (лицензияларини) етказиб берувчи корпорациялар сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

2. Ривожланаётган мамлакатларни жаҳон бозорига хом-ашё экспорт қилувчи давлатлардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш. Бунда, бевосита кўйилма, ривожланаётган мамлакатларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлари учун тўғридан – тўғри йўналишидаги инвестициялар молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча муҳим ҳисобланади.

3. Трансмилий корпорациялар анъанавий жараёнларнинг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар ҳозирги кунда асосан саноати ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, сўнгги ўн йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, айниқса “янги индустриал давлатлар” иқтисодиётида муҳим роль ўйнамоқда. Технологияларни қўлланиши, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ТМКларнинг филиалларини фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун, шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг ҳаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

4. ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд иш билан бандлик муаммоларини ҳам бартараф этади. Шунга қарамасдан, таъкидлаб ўтиш жоизки, тўғридан –тўғри йўналтирилган инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган ишчи ўринлар унчалик кўп бўлмасдан ривожланаётган дунёдаги иқтисодий актив аҳолининг 1% дан камроқ қисмини таъминлай олади, халос.

5. Халқаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатишда ТМКлар имкониятидан кенг фойдаланишмоқда. Ўз навбатида ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукумат раҳбарлари ҳам ТМКларни ўз иқтисодиётига жалб этиш борасида ўзаро кураш олиб бормоқдалар. Масалан, АҚШнинг “Женерал моторс” компанияси 2005 йилда ўзининг Осиё –Тинч океани минтақаси бозоридаги улушини икки баробарга ошириш мақсадида, унинг 10% га қадар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Хуллас, жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунларига бўйсунган ҳолда,

ривожланаётган мамлакатлар хусусий мақсадлар билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг ҳамда ТМҚларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурий параметрларини излаб топмоқдалар.

4. “Янги индустриал мамлакатлар”нинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “Янги индустриал мамлакатлар”(“ЯИМ”) ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигидан иқтисодий параметрларининг барча системалари бўйича ажралиб туради.

“ЯИМ”ни ривожланаётган мамлакатлардан фарқланиб турувчи хусусиятларидан бири уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳам ажратиб туришлидир. Яъни, уларнинг ривожланиши “Янги индустриал” ривожланиш модели сифатида мавжудлигидир. Бундай характерли томонлар, Лотин Америкасидаги ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”нинг ривожланиш тажрибасини чуқур анализ қилиш жараёнида кўзга ташланган эди.

Лотин Америкасидаги “ЯИМ”ларнинг ривожланиш тажрибаси ва шунингдек Осиёдаги “ЯИМ”ларнинг кўпчилиги озодликка эришган жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари учун халқ ҳўжалигининг ички ривожланиш динамикаси бўйича ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларининг экспансияси бўйича ҳам, ривожланишнинг ўзига хос намунаси бўлиб қолмоқда. Одатда, ривожланаётган “Янги индустриал мамлакатлар” қаторига Осиёдаги Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия шу билан бир қаторда Лотин Америкасидаги “ЯИМ”лар –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалукқлидир. Юқорида санаб ўтилган барча мамлакатлар “ЯИМ”ларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи қалдирғочлари ҳисобланади. Уларнинг орқасида “ЯИМ”нинг сўнгги авлодлари (Филиппин ва Хитойнинг жанубий чегаралари ва бошқалар) етишиб чиқмоқда..

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика бўйича “ЯИМ”лар қаторига кирувчи давлатлар у ёки бу критериялар бўйича алоҳида ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг миқдори бўйича.
- Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бўйича.
- Ялпи ички маҳсулот таркибидаги қайта ишлаш саноатининг умумий миқдори бўйича (20% атрофида бўлиши керак).
- Чиқариладиган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт миқдори бўйича.
- Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тўғридан–тўғри инвестицияларнинг умумий миқдори ва ҳ.о.лар

“ЯИМ”лар ушбу кўрсаткичлар бўйича нафақат ривожланаётган мамлакатлардан ажралиб туради, балки айрим ҳолларда бир қатор саноати ривожланган мамлакатлардан ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича устунликка эгадир. Масалан, Тайвань, 1952-1995 йилларда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 170 маротаба ўстирган эди. (аҳолининг ўсишига нисбатан 2,5 маротаба ортиқроқдир). Ташқи савдо ҳажмини эса 544 маротабага оширди. Мамлакатнинг инфляция даражаси ўртача 3,6%ни, иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати 8,7%ни ташкил этган эди. Тайвань иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг илғор мамлакатлари қаторига киритилган бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад тахминан 12 минг долларни ташкил қилган эди.

Шундай қилиб, 1960-1990 йилларда Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръати ҳисоблаб кўрилганда унинг миқдори йилига 5%ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2%га

тенг бўлган). Ана шу йилларда Тайванда йиллик ўсиш суръати жуда юқори бўлиб 8,7%ни ташкил этган. 90- йилларда Жанубий Корея ва Сингапурда йиллик ўсиш суръатлари 8%ни, Малайзияда эса 9%ни ташкил этган.

Жаҳон иқтисодиётида “Янги индустриал мамлакатлар”нинг иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги аҳолининг яшаш турмуш тарзини, яхшилаб бораётганлиги билан уйғунлашиб бормоқда. 1960-1990 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад ривожланаётган “ЯИМ”да 4 маротаба ўсган эди. Хуллас, халқаро экспертларнинг башорат қилишича, 2010 йилга бориб Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари Ғарбий Европанинг ялпи миллий маҳсулотининг ҳажми бўйича қувиб ўтиши, 2020 йилларга бориб эса Шимолий Америкадан ҳам ўзиб кетиши башорат қилинмоқда.

Осиё – Тинч океани минтақасининг “ЯИД”ларидан бири Сингапур ҳақида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, у 1995 йилда минтақа давлатлари ичида биринчи бўлиб “индустриал ривожланган мамлакат” статусини қўлга киритди. Бундай унвон унга Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон қилинди. Барқарор иқтисодий ўсишнинг 5-10 йиллиги давомида ўзига нисбатан паст ривожланган 10 мамлакат доирасидан ажралиб чиқиб, дунёнинг бой давлатлари қаторидан жой олди. (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳисобига). Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакатнинг саноатида йиллик ўсиш суръати ўртача 8,4%ни ташкил этди. Мамлакат аҳолисининг яшаш турмуш тарзи эса ўртача етти маротабага ортиди. Сингапурдаги ҳар бир аҳолининг ўртача статистик даромади 1995 йилда 22,3 долларни ташкил этди (17-жадвал).

Ўз навбатида Гонконг ҳам узок йиллар давомида Буюк Британиянинг собиқ колонияси бўлиб, кейинчалик у ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўзининг метрополияли даражасидан юқори поғонага кўтарилган эди.

16-жадвал

Осиёнинг “Янги индустриал мамлакатлари”да ялпи ички маҳсулотнинг

ўсиш суръатлари (% ҳисобида)

Мамлакатлар	1980-1990 йиллар	1991	1992	1993	1994
Жанубий Корея	9,9	8,3	7,3	6,4	7,6
Тайвань	8,3	7,3	6,7	6,7	6,9
Гонконг	7,1	4,0	5,8	5,4	5,5
Сингапур	6,3	7,0	6,1	6,0	6,1
Малайзия	5,1	8,6	8,5	7,6	7,5

“ЯИМ”нинг иқтисодий ривожланиш модели ва унинг муваффақиятли тараққий этиш томонлари қараб чиқилганда, унинг ташқи ва ички омиллари хусусида ҳам тўхталиб ўтилади. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки грухлари, “ЯИМ”ларнинг ҳукумат раҳбарлари томонидан олиб борилаётган нозик мақсадли сиёсатлар орқали тўлдириб турилади. “ЯИМ”ларнинг ички тузилишидаги муаммоларга, ҳамда уларнинг ҳўжалик механизмларига асосий эътиборни қаратмасдан туриб, “ЯИМ”ташқи иқтисодий омилларининг ўзига хос томонларини очиб бера олмаймиз. Энди биз Лотин Америкасининг “ЯИМ”нинг ривожланиши хусусида тўхталиб ўтамиз.

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик бермоқдаки, жаҳоннинг у ёки бу мамлакатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликка фаол актив киришаётганда асосий ишни хорижий

инвестицияларни жалб этиш ҳамда ташқи савдонинг ўсишига хос ҳисобланадиган шарт-шароитларни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу мамлакатлар ўз иқтисодий ривожланишлари доирасида технологик ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларидан кенг фойдаланган ҳолда таркибий қайта қурилишларга, ишлаб чиқаришда тайёр хом-ашёлардан технологик сифими юқори бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўта бошлайди. Жаҳон иқтисодиётида тармоқларни ривожлантириш ва қайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш, халқаро меҳнат тақсимоти кўламида анча истиқболли ва “фойдали” усул ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар худди мана шу йўллар орқали тараққий этган эди. АҚШ ўз иқтисодий фаолиятини дастлабки йилларида асосан хом-ашё, мева-салат, пахта, асал, кўмир ва шунга ўхшаш бир қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган бўлса, ГФР 50-йилларда кўмир, қора металлургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан, Япония эса тўқимачилик, металлургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган эди.

60-йилларда Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар, яъни “ЯИМ”лар ҳам худди ана шу йўллар орқали ривожланиш босқичига қадам қўйган эди.

Ушбу давлатларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларидан самарали фойдаландилар. Шу ўринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар-техника ва технологияларни кенг миқёсда жалб қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида шундай савол туғилди қайси сабабларга кўра “янги индустриал мамлакатлар”ни ривожланаётган дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажратиб ўрганиш мумкин?

Маълумки, бир қатор сабабларга кўра, “янги индустриал мамлакатлар” нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. АҚШнинг сиёсий манфаатлари асосан Шарқий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” қарши турувчи Тайвань ва Жанубий Кореянинг сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакатларга чексиз иқтисодий ёрдам уюштирилиб ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. (масалан, Тайванга 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатилган эди). 1950-1960 йилларда АҚШнинг ёрдами, Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34%ни ташкил этган бўлиб, унинг 74%ни инфраструктурага, 59%ни қишлоқ хўжалигига ва 13%ни эса саноатга жалб этилган эди. Хуллас буларнинг барчаси Тайван иқтисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий қадам бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда “ЯИМ”ларни замонавий иқтисодий таркибининг шаклланишида, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг таъсири катта бўлди. 80- йилларнинг биринчи ярмида “ЯИМ”ларни иқтисодиётидаги тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори, ривожланаётган мамлакатлардаги тўғридан-тўғри йўналтирилган сармоя қўйилмаларининг 42%га етган эди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ “янги индустриал мамлакатлар” даги ишбилармонлик сармояларининг энг кўзга кўринган инвестори бўлиб ҳисобланади. Улардаги тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиши, хорижий мамлакатлардаги худди шундай инвестициялар умумий миқдорининг 10%ни ташкил этади. Япония ҳозирги кунда “ЯИМ” даги тўғридан-тўғри йўналтирилган миқдори бўйича иккинчи ўринда туради.

Япония инвестициялари, “ЯИМ” нинг индустриаллашувига ва уларнинг экспорт таварларнинг рақобатбардорлигини оширишга имконият яратиб, “ЯИМ”лар саноатида қайта ишланадиган маҳсулотларнинг йирик экспортёрларидан бирига айланишида

муҳим роль ўйнамоқда. Япония инвестицияларини кириб келиши биргина 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2,1 мартага, Гонконгга эса 61%га ўсган эди.

Япония сармояларининг иштирокида, ушбу мамлакатлар юқори сифатли тайёр маҳсулотларнинг экспортёрлари бўлиб қолишига имкон берувчи йирик ишлаб чиқариш базаси ташкил этилди. 80-йилларнинг бошидан, Япония инвестициялари умумий миқдорининг ярмисидан кўпроғини ташкил этган эди. Хуллас, Япон инвесторлари иштирокида “ЯИМ”ларда замонавий станоклар, электроника жиҳозлари, денгиз кемалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш бўйича комплекслар барпо этилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Осиёнинг “ЯИМ”лари учун шу нарсга характерли бўлдики, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, Лотин Америкасининг “ЯИМ” ларидаги ишбилармонлик сармоялари эса, кўпроқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари ва қайта ишлаш саноат тармоқларига жалб этилган эди. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида хорижий сармояларнинг кенг миқёсда тарқалиши шу нарсга олиб келдики, “ЯИМ”ларда хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармоқ қолмаган эди. 1998 йилда Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ЯИМ”ларининг бозорларидаги қўйилмаларининг даромадлилик (%ҳисобида) қуйидагича характерда бўлган эди. Аргентинада 58%, Бразилияда 83,5% ни, Мексикада 40% ни, Чилида 39% ни, Индонезияда 79%ни, Жанубий Кореяда 26,1% ни, Тайванда 104% ни, Таиландда 121,3% ни, Филиппинда 165,2% ни ташкил этган эди.

Ушбу статистик манбалардан кўриниб турибдики, Осиёнинг “ЯИМ”ларидаги инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатлариникидан сезиларли даражада юқорироқ бўлган. Конуний шундай савол тугилади, хўш нима учун хорижий мамлакатларнинг хусусий сармояларининг барчаси Осиё минтақасидаги баъзи бир мамлакатларга нисбатан фаолроқ кириб боради?

Маълумки, 60-йилларнинг охирида жаҳон хўжалигини ривожланишидаги вазият шу қадар мураккаблашган эдики, натижада трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш манфаатлари ва стратегиялари Осиёдаги бир қатор давлатларнинг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борган эди. Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли хилдаги чеклашлар ва уларнинг унча катта бўлмаган тўлов қобилиятига дуч келаётган трансмиллий корпорациялар, жойларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида, сармояларни четга чиқариш орқали товарлар экспортини қисман янгилаш томон қадам қўя бошлади. Трансмиллий корпорацияларнинг худди ана шу йўналишлардаги фаолияти, ривожланган мамлакатларнинг тўйинган бозорларининг конъюктураси, рақобатнинг авж олиши ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун курашиш орқали амалга оширилмоқда. Трансмиллий корпорациялар, ўзлари фаолият кўрсатаётган жойларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожлантиришга эътиборни қаратади. Характерли томони шундаки, жаҳон иқтисодиётида “Осиё аждархоси” деб ном олган халқаро иқтисодий конъюктураларининг бундай ўзгаришларни қабул қилишга ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга тайёр эканлиги маълум бўлди. Трансмиллий корпорацияларни, айнан Осиё минтақасига жалб қилишида қуйидаги шарт –шароитлар муҳим аҳамият касб этган эди.

1. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг фойдали стратегик жойлашганлиги. Уларнинг барчаси жаҳоннинг савдо иқтисодий йўлларининг чоррахасида, яъни жаҳон хўжалиги марказлари бўлмиш – АҚШ ва Япония каби ривожланган мамлакатларга яқинроқ худудларда жойлашганлиги.

2. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг барчасида саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносиб ҳисобланган автократик ёки шунга яқин бўлган сиёсий муҳитлар яратилганлиги. Уларда сиёсий барқарорлик таъминланиб, сиёсий

ҳамда демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар амалга оширилади. Хорижий инвесторларнинг хавфсизлиги учун юқори даражали кафолатлар таъминланади.

3. Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” аҳолисига хос бўлган меҳнатсеварлик интилувчанлик, тартиблилик, матонатлилиқ сингари ноиқтисодий омиллар ҳам катта аҳамият касб этди. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги “ЯИМ” ларнинг икки модели уртасидаги ўзига хос бўлган беллашувда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Хўш, ушбу моделларнинг ўзига хос томонларини нимада кўришимиз мумкин. Жаҳон иқтисодиётида биринчи модель миллий иқтисодиётнинг ташки бозор ва экспортга томон устивор йўналишлари орқали ривожланишини кўрсатиб берса, иккинчи модель эса импорт ўрнини эгаллашга қаратилганлигидир. Биринчи моделда кўрсатиб ўтилгандек, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида АКШ, иккинчи жаҳон уришудан кейин – Ғарбий Европа давлатлари ва Япония, кейинчалик эса Осиёнинг “ЯИМ” лари ҳам ривожланишнинг биринчи модели йўлидан боришди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг “ЯИМ” лари томонидан ўзлаштириб олинган эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда импорт ўрнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Импорт ўрнини эгаллаш стратегиялари хужалиқ таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда эса янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилиши билан бир қаторда муҳим йўналишлар бўйича ўз –ўзини таъминлаш даражаси ҳам ўсиб бормоқда .

Шунингдек иқтисодиётни тубдан ислох қилишда асосий йўл бўлиб ҳисобланувчи импорт ўрнини эгаллашга мулжалланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришни асосий ўринга қўйувчи барча мамлакатларда ўз-ўзидан жиддий инкирозлар бўлиб турибди. Гап шундаки, хорижий компаниялар учун имтиёзли кредитларни йўқлиги ва протекционизм сиёсатига асосланган миллий иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишини “қўллаб–қувватлаб турганлик” муҳити жаҳон иқтисодиётида тез мослашувчан ва самарали иқтисодий тизимнинг вужудга келишига йўл қўймади. Умуман олганда, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё ҳўжалигида туб ўзгаришлар ясашига йўл қўймайди.

Бундан ташқари, импорт ўрнини эгаллаш сиёсати нафакат ташки омилларни пасайишига йўл қўймайди, балки унинг ўсишини ҳам таъминлайди. Импорт ўрнини эгаллаш принципларига ўзок вақт таянилганда мамлакатларда қолоқликни бартараф этиш имконияти пайдо бўлади ҳамда кенг микёсдаги тараққиётга эришишни таъминловчи иқтисодиётдаги етакчи тармоқларни вужудга келишига ҳалакит берувчи барча тўсиқларга барҳам берилади. Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни химоя қилиш чоралари сифатида қисман самарасиз ишлётганига қарамасдан, унинг монополь ҳолати ва баҳоларининг кескин усаётганлигидан фойдаланиб фойда олаётган маҳаллий корхоналарни қўллаб–қувватлайди. Хуллас, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш даври, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан “янги индустриал мамлакатлар”да ҳам ўз нихоясига етганлигини куришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари (Бразилия, Аргентина, Мексика) учун хилма–хил бўлган миллий иқтисодиётни барпо этишда ва шунингдек бир қатор товарларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллаб келишида муҳим ролни ўйнамоқда. Нима бўлганда ҳам ушбу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан қолоқлик даражасини бартараф этиш учун зарур бўлган шарт –шароитни ярата

олмадилар. Шунинг учун ҳам Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари қанчалик кучайиб иқтисодий потенциалга эга бўлишларига қарамасдан, Осиёдаги “ЯИМ”ларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча қолоқлигича қолмоқда. Масалан, Бразилиянинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Шаркий Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” нинг умумий ялпи ички маҳсулотига нисбатан бироз камроқдир.

Лотин Америкасининг “ЯИМ”лари экспортнинг салмоқли ўсишига эга бўлмасдан туриб, ўз иқтисодиётини талаб даражасида тубдан ислох қилишга эриша олмадилар. Иқтисодий ўсиш суръатларининг натижаларига қараб, ички иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Бир вақтнинг ўзида ташки муаммолар ҳам вужудга келди. Экспортнинг паст даражада ўсиши, тўлов баланси дефицитнинг ҳамда барча янги кредитларга бўлган талабларнинг ўсишига имконият яратди. Оқибатда ушбу мамлакатлар саноати тараққий этган мамлакатларнинг энг илғор бўлмаган техника ва технологияларини ўз иқтисодиётида жорий этиш сиёсатида мустахкамланиб қолаверди.

Қайд этиш жоизки, Лотин Америкасининг “янги индустриал мамлакат”лари 90-йилларнинг урталарига келиб 80-йиллардаги узоқ давом этган инкироздан чиқиб олди. Бразилия, Аргентина, Мексика, Чили каби давлатларда амалга оширилган либераль иқтисодий ўсиш суръатлари юксалиб, савдо балансини яхшилашда ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

Лотин Америкасининг йирик “ЯИМ”ларидан бири Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу очик иқтисодиётни яратишга қаратилганлигидир. Бунинг учун мамлакатнинг ички бозорида рақобат курашуви учун муҳит яратилаётган бўлиб, унга боғлиқ ҳолда импорт тарифлари пасайтирилди. 1995 йилда МЕРКОСУР мамлакатлари (Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай) уртасида божхона тусиқлари тулик олиб ташланди.

Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” ўз иқтисодиётининг экспортга мўлжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этди. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг ўзида импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини ҳам ўз ичига олган эди. Экспорт сиёсати ўрнини эгаллашга мўлжалланган индустриаллашувнинг тугалланган даврини қайта содир этишни талаб этмайди. Маълумки, жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш ва экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсат бир–бири билан тенгма –тенг ҳолда ҳаракат қилиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка ҳам эга бўлиши мумкин. Экспортни кенгайтириш даврига еппасига ўтиш олдидан, импорт ўрнини эгаллаш учун жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқаришининг замонавий тизимларини вужудга келтириш, халқ хўжалигини анъанавий секторини қайта қуриш каби масаларга ҳам эътиборни қаратишмоқда.

Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан XX асрнинг 50 ва 60 йилларида Жанубий Корея ва Тайванда, 60-йилларда Малайзияда; 60 ва 70 йилларнинг бошларида Таиландда, 50 ва 60 йилларнинг охирида Филиппинда импорт ўрнини эгаллаш сиёсати устувор йўналишга эга бўлган эди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур, ўзларининг тарихий ривожланиш шарт –шароитлари, жугрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни кўпроқ экспортга қаратдилар. Маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи чора –тадиблар, қайта ишлаш саноатидаги фойда меъёрини ошириш, истеъмол маҳсулотларни ва шунингдек

узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста –секинлик билан импорт ўрнини эгаллашига сабаб бўлган эди.

60-80 - йилларда Жанубий Корея жаҳон бозорига узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларнинг 2,9%ни, 3,4%ни, 9,6%ни, 9,3%ни, 11,1%ни ва 9,6%ни етказиб берган бўлиб, унинг жаҳон кemasозлик саноати экспортидаги улуши 13,1% га тугри келган эди.

Осиёнинг “янги индустриал давлатлари” саноат маҳсулотлари экспортининг юқори динамикасига асосланган ҳолда, анъанавий айрим товарлар экспорти бўйича ташқи савдо айланмасида ҳал қилувчи ўринни эгаллаган эди. Масалан, Жанубий Корея ва Тайван экспортида хом-ашё ва озиқ-овқатнинг улуши мос равишда 7,1% ва 7%ни ташкил этган эди. Хуллас, 90-йилларда Жанубий Кореяда товарлар экспортида киймати бўйича иккинчи ўринни пойафзал маҳсулотлари эгаллаган бўлса, Тайванда эса уйинчоклар ва спорт товарлари эгаллаган эди. Жанубий Корея экспортида тўртинчи ўринда синтетик маҳсулотлардан тайёрланган текстил товарлари турган бўлса, Тайванда эса еттинчи ўринда пойафзал маҳсулотлари турган эди.

Осиёнинг “Янги индустриал давлатлари”да айникса, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича экспортида Хиндистон ва шунингдек Лотин Америкасининг “ЯИД”ларининг кучсизлиги сезиларлидир. Агар Лотин Америкасининг “ЯИД”ларини товарлар экспортининг ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши 1998 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (0,5%) бўлсада, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича улуши қарийб 1,8 баробар камайганлигини кўришимиз мумкин.. Айнан ана шу машинатехник маҳсулотлар экспорти ривожланаётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимидаги ҳолатларини яхшиланишининг энг муҳим омилдир.

90-йилларда Осиёнинг “Янги индустриал давлатлари”ни олиб бораётган фаол ташқи савдо сиёсати АҚШнинг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан бўлган йиллик ўзаро савдо ҳажми (128,4 млрд. долл.) Ғарбий Европа билан бўлган савдо айланмасидан (117,1 млрд. долл.) юқори бўлган эди. Бунда Осиёнинг “ЯИД”лари (Японияни қўшиб ҳисоблаганда) АҚШ бозорида автомобиллар ва электронтехниканинг 30%ни, текстил ва тикувчилик маҳсулотларининг 50%ни эгаллаган эди.

80-90 йилларда Ривожланган мамлакатларнинг энг йирик капитал импортёри бўлган “Янги индустриал давлатлар”ўз географиясини анча кенгайтирган эди. Ҳозирги кунда илғор саноати ривожланган давлатларини капитали учун Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган давлатларнинг янги бозорларидир. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АҚШда аниқ мақсадга йўналтирилган экспорт экспансиясини ўтказмоқда. Америка иқтисодиётига капитал қўйишиб, Жанубий Кореяликлар ўз иқтисодиёти учун энг янги технологияларни кириб келишига йўл очмоқдалар. Шунингдек Жанубий Корея фирмалари Осиёнинг “аждарҳо” деб ном олган бошқа давлатларига ҳам капитал олиб чиқишни кўпайтирмоқда. Масалан, Тайваннинг Хитойга бўлган кизикиши жуда каттадир. 90-йилларнинг урталарида Тайваннинг ХХРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетган эди. Ўз навбатида Гонгконглик ишбилармонлар ХХРда руйхатга олинган кушма корхоналарнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилишган.

XX асрнинг 50-йилларида жаҳон хўжалида байналминалаллашув жараёнларининг тезлашиши ривожланаётган давлатларни, биринчи навбатда “янги индустриал давлатлар”ни ҳам камраб олган эди. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни, меҳнат ва капитал бозорларини ва товар айирбошлаш жараёнларининг байналминалаллашувига молия бозорларининг байналминаллашуви ҳам кушилди. “ЯИД”ларнинг кредит имкониятини ўсиши, миллий молиявий бозорларининг ривожланиши билан ва шунингдек молиявий салоҳиятининг ошиши билан ҳам

чамбарчас боғлиқдир. Кўпгина “янги индустриал давлатлар” ҳозирги кунда миллий молиявий бозорларни ташкил топишининг биринчи босқичидан ўтишиб уларнинг фаолиятини либераллаштиришнинг иккинчи босқичига киришдилар. Бу билан эса уларнинг халқаро молия муносабатлари тизимига фаол интеграциялашувига асос яратилди. Капитал ҳаракатининг байналминаллашиш жараёнлари ҳатто ривожланган давлатлар орасида ҳам якунланишдан узоқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ривожланаётган давлатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан, баъзи бир “янги индустриал давлатлар” (Сингапур ва Гонконг) бу йўлда ўзларининг сезиларли қадамларини қўйдилар. Бунга, 70-йилларда жаҳон иқтисодиётида янги халқаро молиявий марказларнинг ҳосил бўлиши ва тез ўсишини киритиш мумкин. XXI аср бошларида Тайвань Осиё-Тинч океани минтақасидаги йирик валюта-молиявий марказига айланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Осиёнинг “ЯИД”лари халқаро молия марказлари кредит-молия операцияларини ўтказиш микёси бўйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари қаторига чиқиб, уларни ссуда капитали бозоридан аста-секин сиқиб чиқармоқда.

Осиёнинг “ЯИД”ларини иқтисодий эволюциясининг характерли томонларидан бири уларнинг бир-бирига бўлган кизикишини тобора ортиб бораётганлигидир. Саноати ривожланган Ғарбий Европа давлатларига капитал йуналтиришнинг устувор тенденцияси, минтақа ва бир-бирига яқин бўлган субминтақаларда савдо-иқтисодий ҳамкорларни олиб боришлиги билан тулдирилмоқда. Аммо бу Осиёнинг “ЯИД”ларини рақобатбардошлилигини оширишга эътибор бермаяпти дегани эмас. Хуллас, 90-йилларнинг урталарида товарларнинг рақобатбардошлиги бўйича жаҳондаги биринчи бешликда Сингапур, Гонконг, Тайвань каби давлатлар турган эди.

Бу давлатларда қабул килинган иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши- илмталаб махсулотлар ишлаб чиқаришдир. Меҳнатталаб ва паст рентабелли ишлаб чиқаришлар “ЯИД”ларнинг “иккинчи окими”да турган Хитой ва Вьетнамга “топширмоқда”. Натижада бу ишлаб чиқаришларни бир пайтлар содир этган саноати ривожланган давлатлардан биринчи авлод “янги индустриал давлатлар”га кучиш жараёни амалда қайтарилмоқда. Шундай қилиб “ЯИД”ларни ривожланишидаги қўлга киритилган ютуқлари, жаҳон хўжалигига интеграцияси, иқтисодий ўсишининг истикболлари, аҳоли турмуш тарзини ўсиши ушбу давлатларнинг иқтисодиётида ташки иқтисодий экспансияларнинг роли юқори даражада дейишга имкон беради. XXI асрда ушбу давлатлар жаҳон иқтисодий ҳукмронлигида юқорирок ўринни эгаллаб, янги ва муҳим натижаларни намоиш килмоқда. Жаҳон Банкининг башоратига қараганда, яқин 10 йиллар мобайнида ўсишнинг уртача суръатлари Жанубий Осиёда - 5,5%ни, Шарқий Осиёда - 7,7%ни, Лотин Америкасида - 3,5%ни ташкил қилар экан. 1996-2004 йилларда Шарқий Осиёда аҳоли жон бошига тугри келадиган даромаднинг йиллик ўсиши 6,6%ни ташкил этиб, ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад 1,9% га ўсган эди.

Назорат учун саволлар:

1. Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига кирувчи давлатларни тавсифлаб беринг.
2. Жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатлар неча гуруҳга бўлиб ўрганилади?
3. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига ҳос бўлган умумий хусусиятларни характерлаб беринг.
4. Ривожланаётган давлатлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш қандай аҳамият касб этади.
5. Ривожланаётган ва саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги фарқларни ошиб бориш сабабларини очиб беринг.

6. Ривожланаётган давлатларнинг халқаро қарздорлик муаммоси ҳақида гапириб беринг.
7. “ЯИД”лар қаторига киритишда қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?
8. “ЯИД”ларнинг иқтисодий ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда?
9. “ЯИД”ларда қандай ривожланиш моделлар мавжуд?

10-мавзу. Халқаро иқтисодий интеграция

1. Иқтисодий интеграция моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар
2. Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг ривожланиши
3. Америка қитъасида интеграция жараёнлари ривожланишининг хусусиятлари
4. Осиё-Тинч океани минтақасида интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари

1. Иқтисодий интеграция моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий интеграция-мамлакатлар ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, у хўжалик механизмларининг яқинлашувига олиб келади ва бу яқинлашув давлатлараро битимлар шаклини олади ҳамда тегишли давлатлараро органлар томонидан тартибга солинади.

Иқтисодий интеграция шаклланишининг шарт-шароитларини куйидагилардир:

- Интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги етуқлиги даражасининг яқинлиги. Камдан-кам истеъснолардан ташқари, қолган барча ҳолларда давлатдараро интеграция ё индустриал мамлакатлар ёки ривожланаётган мамлакатлар орасида ривожланади. Ҳатто, саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар доирасида, тахминан бир хил иқтисодий ривожланиш даражасидаги давлатлар ўртасида интеграцион жараёнлар энг фаол бўлади.

- Интеграциялашаётган мамлакатларнинг жўғрофий яқинлиги, кўп ҳолларда умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий адоқаларнинг мавжудлиги. Дунёдаги интеграциявий бирлашмаларнинг аксарияти жўғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган, транспорт алоқаларига эга бўлган ва кўпинча бир тилда гаплашадиган бир неча қўшни мамлакатлардан бошланган эди.

- Ривожланиш, сиёсий ҳамкорлик ва шакллар соҳасида мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги. Иқтисодий интеграция интеграциялашаётган мамлакатлар олдида мавжуд бўлган аниқ муаммолар тўпламини ҳал қилишга қаратилади. Балки асосий муаммоси-бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш бўлган мамлакатлар бозорининг ривожланганлиги, умумий валютани жорий қилишни талаб этадиган давлатлар билан интеграциялашув мумкин эмаслиги яққол аёнлиги бунга сабабдир.

- Устунликни намоиш қилиш самараси. Интеграциявий бирлашмаларни тузган давлатларда одатда ижобий иқтисодий силжишлар (иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашуви, инфляциянинг пасайиши, иш билан бандликнинг ўсиши ва шакллар) рўй беради ва бу шубҳасиз ўзгаришларни кузатиб бораётган бошқа мамлакатларга маълум руҳий таъсир кўрсатади..

- "Домино самараси". У ёки бу минтақадаги мамлакатларнинг кўпчилиги интеграциявий бирлашмага аъзо бўлгач, бу бирлашма доирасидан четда қолган мамлакатлар, шубҳасиз, баъзи қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликлар мазкур гуруҳга кирувчи мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг узвийлиги билан богликдир. Бу кўпинча, ҳатто, интеграция доирасидан ташқарида қолишдан кўрқиб, интеграция

доирасидан четдан қолган мамлакатлар билан савдони қисқартиришга ҳам олиб келади.²⁵

Ҳозирги кунда халқаро иқтисодиётда юзага келаётган ва ривожланаётган кўплаб интеграцион бирлашмалар аслида ўз олдига бир-бирига ўхшаш вазифаларни қўядилар. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кенг кўламли иқтисодиёт устунликларидан фойдаланиш. Кенг кўламли иқтисодиёт назарияси асосида бозорлар ҳажмини кенгайтириш, трансакцион харажатларни камайтириш ва бошқа бир қатор афзалликлардан фойдаланиш. Бу, ўз навбатида, катта ҳажмдаги бозорларга катта иштиёқ билан кириб келадиган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга бевосита имкон беради.

2. Қулай ташқи сиёсий муҳитни яратиш. Кўплаб интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа ноиқтисодий соҳаларда бир-бирини тушуниши ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир.

3. Савдо сиёсатидаги вазифаларни ҳал қилиш. Минтақавий интеграция, кўпинча, ГААТ/БСТ доирасида иштирок этаётган мамлакатларнинг музокараси нуктаи назаридан олиб қаралади. Мамлакатлар блоки номидан келишилган ҳолдаги баёнот анча жиддий ҳисобланади ва савдо сиёсати соҳасида қутилган натижаларни беради.

4. Иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга кўмаклашиш. Ўз қўшинларини интеграция жараёнларига қўшар эканлар ривожланганроқ давлатлар ҳам ўша мамлакатлардаги тўлақонли ва катта ҳажмли бозорларни яратиш ҳамда улардаги бозор ислохотларининг илдиз отишидан манфаатдор бўлади. Европа Иттифоқининг у ёки бу шаклига қўшила туриб, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари шу мақсадларни қўзлаган эди.

Миллий саноатнинг ёш соҳаларини қўллаб-қувватлаш. Ҳатто, интеграцион бирлашмалар учинчи мамлакатларга нисбатан камситувчи чораларни назарда тутмаганларида ҳам, улар фаолияти учун кенгроқ минтақавий бозор очиладиган

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади.

Тарихан интеграцион жараёнлар бир нечта асосий босқичлар асосида ривожланиб келди. Уларнинг ҳар бири унинг ривожланишининг маълум даражага етганлигини ифода этади. Интеграцион гуруҳлар типологиясининг асослари иштирокчи мамлакатлар миллий иқтисодиётининг макро ва микро даражада ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига иқтисодий жиҳатдан нақадар чуқур кириб боришини баҳолашда намоён бўлади.

Жаҳон ҳўжалигидаги интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича тўпланган тажриба иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва ривожланишида беш босқичдан ўтиш зарурлигидан далолат беради

Биринчи босқич-замонавий талқинда – переференциал савдо келишувлари. Эркин савдо ҳудудлари иқтисодий интеграциянинг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудлари амалда икки ва ундан ортиқ давлатларнинг ўзаро савдосида божлар, лицензиялар ва квоталарни музлатиш ва аста секинлик билан бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши натижасида юзага келади.

Иккинчи босқич— иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона тарифлари ва бошқа чеклашларни бекор қилиб, эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш. Иштирокчи мамлакатлар бу босқичда ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекин учинчи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда тўла эркинликни сақлаб қоладилар (масалан,

²⁵ А. Киреев. Международная экономика, уч.пособ. Часть 1. Международная микроэкономика. М.: Международная экономика 1999.

божхона пошлиналарини ёхуд бошқа чеклашларни бекор қилиш ёки янгиликларни киритиш ва савдо-иқтисодий шартномалар, битимлар тузиш ҳуқуқлари). Бунинг оқибатида мамлакатлар ўртасида уларнинг чегараларини кесиб ўтаётган товарларнинг келиб чиқишини назорат қиладиган ва тегишлича учинчи мамлакатлардан имтиёзли равишда товарларни олиб киришга тўсқинлик қиладиган божхона чегаралари ҳамда постлари сақланиб қолади. Бундай эркин савдо ҳудудларга (зоналарга) 1960 йилдан буён мавжуд бўлган Европа эркин савдо уюшмасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Эркин савдо ҳудудларининг ижобий томонларига иштирокчи мамлакатлар савдо сиёсатида барқарорликни ўрнатилишини киритиш мумкин. Бундай ҳудудларга аъзо мамлакатларни халқаро иқтисодий муносабатларга жалб этиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради, улар халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Эркин савдо ҳудудларининг салбий томонларига келадиган бўлсак, улар ички бозор рақобатининг кучайиши билан белгиланади, чунки бу миллий ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсир этиши ва банкротлик хавфини кучайтириши мумкин. Бу босқичда миллатлараро тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш кўзда тутилмайди. Бу эса ўз навбатида биргаликда қарорлар қабул қилиш жараёнларини секинлаштиради.

Учинчи босқич — савдо ва ишчи кучи, капитал айланишида ягона тарифларни ўрнатган ҳолда, божхона иттифоқи тузишдир. Интеграциянинг бу босқичида давлатлар фақат ўзаро тўсиқларни бартараф этибгина қолмай, балки ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини ва учинчи давлатларга нисбатан божхона пошлиналарининг ягона тизимини ташкил қиладилар. Яъни ҳуқуқий нуктаи назардан Божхона Иттифоқи (БИ) икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида ўзаро ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган солиқ сиёсатини ўтказилишини ақс эттиради, бу ягона иқтисодий маконни шакллантириш ва ана шу макон доирасида ҳар қандай божхона чегараларини бартараф этишни англатади. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади. Бундай ташкилотлар тузилмалари қаторига Европа Иттифоқига асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин. Учинчи босқич - реал иқтисодий интеграциянинг бошланғич фазаси-Иқтисодий иттифоқнинг ташкил топишидир. Бу босқичда давлатлар ўз миллий чегаралари орқали фақат товарлар эмас, балки барча ишлаб чиқариш омиллари капитал, ишчи кучи, технология ва маълумотларни эркин ҳаракати ҳақида келишадилар. Натижада умумий бозор макони, умумий бозор шаклланади. Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёни фақатгина савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи қонуний меъёрларни уйғунлаштириш масалаларини ҳам ҳал этиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш орқали учинчи мамлакатлар билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурки, бунинг натижасида миллий чегаралар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳар қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади. Умумий бозорни шакллантиришда жамоатчилик фондларини яратиш зарурияти туғилади. Бундан ташқари миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай ташкилотларни ташкил этмасдан туриб миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорларини бажарилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш мумкин эмас. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади.

Интеграция жараёнлари шакллари ва босқичлари

	Интеграция типлари	Белгилари
1.	Переференциал савдо келишувлари	Ўзаро савдода тарифлар ва бошқа тўсиқлар олиб ташланади. Учинчи мамлакатларга нисбатан миллий тарифлар сақланади. Давлатлараро бошқарув органлари тузилмайди.
2.	Эркин савдо зоналари	Битим шакли. Бунда қатнашчилар бир-бирларига нисбатан божхона тарифлари ва квоталарини олиб ташлаш тўғрисида ахдлашади. Учинчи мамлакатларга нисбатан ҳар кимнинг ўз сиёсати мавжуд бўлади. Мисол учун: НАФТА, АНЗСЕРТА. илгариги Европа иқтисодий ҳамжамияти.
3	Божхона иттифоқи	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона сиёсати. Бироқ бунда ҳам жиддийроқ ички қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Европа иқтисодий ҳамжамияти бунинг мисоли бўлиши мумкин.
4	Умумий бозор	Иштирокчи мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг барча ҳаракати учун тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш. Иқтисодий сиёсатни тўлиқ келишиш, иқтисодий кўрсаткичларни тенглаштириш каби масалалар кал этиш жараёнида туради.
5	Тўлиқ иқтисодий интеграция	Ягона иқтисодий сиёсат иа бунинг оқибати сифатида қонунчилик базасини бирхиллаштириш. Шартлари: умумий солиқ тизими; ягона стандартларнинг мавжудлиги; меҳнат тўғрисидаги ягона қонунлар ва бошқалар.
5.1	Иқтисодий иттифок	Юқори иқтисодий ривожланиш босқичида пайдо бўлади. Иқтисодий сиёсат (ҳатто ягона иқтисодий сиёсат) келишилади на шунинг асосида барча тўсиқлар олиб ташланади. Давлатлараро (давлатлардан юқори турувчи) органлар ташкил этилади. Барча қатнашчи мамлакатларда йирик
5.2	Валюта иттифоқи	Иқтисодий Иттифок шакли ва айни бир унинг йирик қисми. Қуйидагилар валюта иттифоқининг характерли белгилари ҳисобланади: - Миллий валюталарнинг қсчишилган (биргаликдаги) муомаласи; қатнашчи мамлакатларнинг Марказий банкирлари томонидан мақсадга қаратилган ҳолда қўллаб-қувватланадиган қатъий бегиланган валюта курсларининг ўрнатиш; ушбу халқаро валюта бирлигининг эмиссия маркази ҳисобданган ягона минтақавий банк шаклантирилиши. Ривожланаётган

Манба: А.Киреев Международная экономика, М., 2004. с.

Бундай ташкилотлар тузилмалари қаторига Европа Иттифоқи асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин.

Бешинчи босқич — ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва миллий даражадан устун турувчи тартибга солиш ташкилотларига эга бўлиқ интеграция. Интеграциянинг бу даражасига эришиш сиёсий-иқтисодий иттифоқ унга қираётган давлатлар интеграциянинг олдинги босқичларида эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, учинчи мамлакатларга нисбатан биргаликда савдо, сўнгра умуман, иқтисодий сиёсатни олиб бориш ҳамда иқтисодиётни тартибга солиш тизимини бирхиллаштириш ҳақида келишувларни ўз ичига олади. Интеграциянинг ушбу босқичи қатнашувчи мамлакатларнинг ташқи сиёсатини келишилган ҳолда олиб борилишини кўзда тутди. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир қатнашувчи мамлакат ва умуман, иттифоқнинг иқтисоди ривожланиши манфаатлари йўлида бор имконият ва воситаларни ўзаро манфаатли бирлаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Охирги икки босқич у ёки бу интеграцион гуруҳнинг хусусияти билан боғлиқ, маълум кичик босқичларни ўз ичига олиши мумкин. Жаҳонда мавжуд бўлган интеграциявий гуруҳлар кўпинча формал интеграциявий босқичда бўлиб, интеграцион ривожланишнинг биринчи ва иккинчи босқичларидадирлар.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, интеграция давлатнинг жаҳон хўжалигига қўшилишини рағбатлантириш учун самарали, туб ташқи иқтисодий сиёсат эканлигини, барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли даромадлари ўсишини, инсон капитали жамланишини, иқтисодиётда илғор технологик ва таркибий силжишлар юз беришини, ишлаб чиқариш, инвестицияларни бошқариш ҳамда уларнинг сифати ошишини таъминлашидан далолат беради.

2. Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг ривожланиши

Интеграция Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг энг бўлиқ ривожланишига эришди. Ғарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлардан ташқари В.Гюго, И.Кант каби кўплаб Европа сиёсий ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа ғоялари билан суғорилган эди. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. Шу йил апрел ойида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга олти мамлакат — Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландлар, Люксембург кирди. Бу Ғарбий Европа интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Ғарбий Европа интеграциясининг реал пайдо бўлиши ва ривожланиши 1957 йилга тўғри келади. Шу йили юқорида санаб ўтилган мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ва Европа атом энергияси ҳамжамияти (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни имзолادилар. Ҳамжамиятлар таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди, бу уларнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини белгилаб берди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги вақтгача нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири — 70-йиллар ўртаси). Ҳамжамият ҳаётидаги "олтин аср" ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан олдин ташкил этилиши ягона аграр бозорнинг нисбатан муваффақиятли шакллантирилиши, ЕИга урта янги мамлакат: Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг кириши билан характерланади.

Кўпинча "Умумий бозор" деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;
- учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
- "инсонлар, капитал, хизматлар" эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни тугатиш;
- транспорт ва кишлоқ хужалиги соҳасида умумий сиёсат-ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқини ташкил этиш;
- солиқ тизимини бирхиллаштириш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- қилишилган иқтисодий сиёсат принципларини ишлаб чиқиш.²⁶

Қатнашчи мамлакатлар товарлари, капиталлари, хизматлари ва ишчи кучи умумий бозори ташкил этилиши вазифасининг ҳал этилишини ЕИХ ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйди. Бунинг учун божхона иттифоқи ташкил этилди. ЕИХга айнан божхона иттифоқи асос қилиб олинган. Божхона иттифоқи доирасида:

- қатнашчи мамлакатларнинг ўзаро савдосидаги савдо чеклашлари бекор қилинди;
- учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи белгиланди;
- капиталлар, кредитлар ҳаракати, пул ўтказмалари, хизматлар кўрсатиш эркинлигига эришилди;
- иш кучининг эркин миграцияси ва яшаш жойини эркин танлаш таъминланди.

Ушбу чораларнинг барчаси саноат интеграциясининг жадаллашувида кўмаклашди. Айни бир вақтнинг ўзида компенсация йиғимлари ва кишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали молиялаштириш ёрдамида умумий протекционизм ўрнатиш шаклида аграр интеграцияни амалга оширишга уриниб кўрилди. ЕИнинг аграр сиёсати ЕИ азолари бўлган мамлакатларнинг кўплаб кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бирдек минимал нархлар белгиланишини кафолатловчи нархларнинг ягона тизимига асосланади.

Умумий бозор шакллантирилиши ЕИХ миллий монополияларининг трансмиллий монополияларга айланиши жараёнини тезлаштирди, шерик мамлакатлар иқтисодиётига кириб боришга кўмаклашди. ЕИХнинг ривожланиши ҳамдустлик қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг яққаланиб қолган миллий хўжаликлардан ташқи бозорга қаратилган очиқ турдаги иқтисодиётга жадал ўтишини англатар эди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ўртаси — 80-йиллар ўртаси) ЕИ тарихига Европа валюта ҳамкорлиги дастури қабул қилинишига, ташқи сиёсий қелишувларга муваффақ бўлинганлиги сифатида кирди. Бирок, барибир пайдо бўлган салбий тенденциялар ушбу даврда Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий танглигига олиб келди. Ушбу танглик "Евросклероз" деган ном олди. 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовут кўпайди. 1981 йилда Грециянинг ЕИ га кириши билан ушбу тенденция янада аниқроқ намоён бўлди, чунки ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчиларига таққослаганда анча паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми — 90-йиллар боши) — Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг

²⁶ Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 92 бет

қўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номутаносибликнинг кескинлашувига олиб келди. Шу билан бирга айни ушбу давр Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги янги кучайиш билан характерланади. Бу энг аввапо, Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши билан боғлиқдир.

ЯЕА да ҳамжамият қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг умумий мақсади - Европа Иттифоқи ташкил этиш тасдиқланди. Европа Иттифоқи узида ҳамжамият қатнашчиларининг сиёсий альянсини ифодалар ва уларнинг иқтисодий, валюта-молиявий, инсонпарварлик ҳамкорлигининг юқори даражасинигина эмас, балки ташқи сиёсатни, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашни келмишишни ҳам назарда тутар эди. ЯЕАда ягона иқтисодий макон барпо этиш мақсади унда қайд этилган марказий қоида эди. ЕИХ қатнашчилари бўлган ҳар мамлакатлар ягона ҳўжалик организмни ташкил этиши керак эди. ЯЕА қабул қилиниши билан ҳамдустлик аъзолари бўлган мамлакатларнинг микро ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳууққ фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграция жараёнлари кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар ягона бозор асосларини барпо этишни амалда тугалладилар ва валюта-иқтисодий ва сиёсий иттифокларни шакллантиришга жуда яқинлашиб қолдилар.

Тўртинчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси — XXI аср боши) да Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш омиллариининг эркин ҳаракат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий макон пайдо бўлди, бу ЕИнинг иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатидан янги бооқичига кирганлигини англатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил феврал) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ қатнашчи мамлакатлари сони 15 та бўлган Европа Иттифоқиға айлантирилди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозор ташкил этиш амалға оширилди. Бундан буёнги интеграция ҳамкорлиги мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта — евро эмиссияси ҳуқуқи билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа макони барпо этилишини ўз ичига олар эди.

Маастрихт битимлари (1991 йил, декабрь) Ғарбий Европа интеграциясининг ривожида сифат жиҳатидан янги бир босқич ҳисобланади, зеро, унда мамлакатларни микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Маастрихт битимлари Европа Иттифоқиға қуйидаги вазифаларни юклаган:

- Ягона валюта яратиш ва уни бошқариш;
- ягона иқтисодий сиёсатни, айник.са, унинг бюджет ишларига тааллуқли қисмини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, (уринли топилганда) кучайтириш;
- эркин рақбатға асосланган ягона бозорни ташкил этиш ва химоялаш;
- бой ва қашшок. минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ҳамда (имкон бўлган жойларда) маблағларни қайта тақсимлаш;
- қонунчилик ва тартиб-қондани қўллаб-қувватлаш;
- айрим фуқдроларнинг туб ҳуқуққарини эътироф этиш ва ривожлантириш;
- учинчи мамлакатларға нисбатан бамаслаҳат юритиладиган савдо, кейинроқ эса умумий иқтисодий сиёсат тўғрисида, иқтисодий сиёсатни ягоналаштириш борасида ҳам келишиб олишларини назарда тутати.²⁷

"Ягоналашган", мувофиқлаштирилган умумий иқтисодий сиёсатни амалға оширишни такозо этувчи мазкур қоидаларни рўёбға чиқариш йўлида эса ижроия - мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган халқаро давлат ташкилотларига эҳтиёж туғилди.

²⁷ Шодиев Р.Х., Махмудов Э. "Жаҳон иқтисодиёти". – Т.: "Ғофур Ғулом", 2005.- 98 бет б

Хозирги кунда 27 давлатдан иборат бўлган Европа Иттифоқи АҚШ ва Япония билан биргаликда дунёдаги асосий ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Евростат маълумотларига кўра жаҳон экспортнинг 57 фоизи ва импортнинг 55 фоизи унинг улушига тўғри келади. Айтилишича ЕИ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуши кейинги йигирма йилда Иттифоқ аъзолари сони кўпайганлигига қарамай, тушиб кетди.

Харид қўбилиши паритети бўйича ҳисоблаб чиқилган аҳоли жон бошига йиллик ялпи ички маҳсулот миқдори ЕИ мамлакатлари учун 17,3 минг еврига ташкил этади.

18-жадвал

Европа Иттифоқининг кенгайиши

Таъсисчи мамлакатлар (1957й.25март)	Биринчи кенгайиш 1973 й.	Иккинчи кенгайиш 1981 й.	Учинчи кенгайиш 1986й.	Тўртинчи кенгайиш 1995 й.	Бешинчи кенгайиш 2004 й.	Олтинчи кенгайиш 2007 й.
Белгия	Буюк Британия	Греция	Испания	Австрия	Венгрия	Болгария
Франция	Дания		Португалия	Финляндия	Кипр	Руминия
Германия	Ирландия			Швеция	Малта	
Италия					Латвия	
Люксембург					Литва	
Нидерландлар					Польша	
					Словакия	
					Словения	
					Чехия	
					Эстония	

ЕИнинг ривожланиб бориши Иттифоқда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар йўқ эканлигини англатмайди. Юқорида ЕИга янги аъзолар қўшилиши натижасида мамлакатларaro ва мамлакат ичидаги номутаносибликлар пайдо бўлганлиги қайд этилган эди. Ягона аграр сиёсатни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларига ягона марказлаштирилган нархларнинг амалга оширилиши жараёнида анчагина муаммолар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Европа Иттифоқи мафкурачиларини Европа товарларининг халқaro бозорларидаги рақобатбардошлилиги тушиб кетиши, жаҳон савдосида ЕИ улушининг қисқариши, компьютерлаштириш ва бошқаларда АҚШдан орқада қолиш ташвишга солмоқда.

Ғарбий Европадаги иқтисодий интеграция фақат ЕИ ҳудуди билан чекланиб қолмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо уюшмаси мавжуддир. Европа эркин савдо уюшмаси ЕИдан фарқ қилган ҳолда, миллий манфаатлардан устун турувчи функцияларга ва давлатларaro мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) иқтисодий ҳамкорликни асосий мақсад қилиб қўяди. У биринчи навбатда савдонинг эркинлашишига ва божхона тўсиқлари бартараф этилишига кўмаклашди. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар (80-йилларда улар еттига, 90-йиллар ўртасида тўртга — Норвегия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария эди) учинчи мамлакатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий битимларга ихтиёрий қўшиладилар, ЕЭСУ қатнашчиларидан ҳар бири ушбу мамлакатларга нисбатан исталган божхона тарифларини белгилашга ҳақлидир. ЕЭСУ аъзолари бўлган

мамлакатлар ўртасидаги савдода эркин божсиз савдо айланмаси режими фақат саноат товарларига нисбатан амал қилади, чунки ЕЭСУ конвенциясининг амал қилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жорий этилмайди.

1972 йилда ЕЭСУга кирувчи ҳар бир давлат ЕИХ/ЕИ битим имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва микдорий чеклашлар аста-секин пасайтирилди. Ушбу мамлакатлар ўртасидаги божсиз савдо товарнинг келиб чиқишига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи мавжуд эмаслиги туфайли ЕЭСУ ичида эркин божсиз савдо фақат аъзо мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун мавжуддир.

1994 йилда ЕЭСУ ва ЕИ ягона иқтисодий макон (ЯИМ) ташкил этиш туғрисидаги битимни имзолади. Унга Ғарбий Европа мамлакатларидан фақат Швейцария кирмади. Битимнинг асос бўлувчи принципи капиталлар, товарлар, хизматлар ва жисмоний шахсларнинг эркин ҳаракат қилишидир.

Таъкидлаш зарурки, ягона иқтисодий макон божхона иттифоқи ҳисобланмайди. ЕИ ва ЕЭСУ тузилмаси доирасида унга кирувчи давлатлар на ягона савдо сиёсатига ва на учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларига эга. ЯИМга битим қатнашчилари бўлган давлатлар вазирларидан иборат Кенгаш қилади.

ЕЭСУ унга кирувчи давлатлар ривожланганлигининг юқори даражасига ва ўзаро иқтисодий алоқаларга қарамай, тўлақонли интеграциявий гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХ ва ЕИнинг янги аъзолари учун ўзига хос "тайёргарлик синфи" бўлди.

Шундай қилиб, интеграция жараёни энг бошидаёқ, аъзо мамлакатларнинг мувофиқлашган сиёсатига рўбару келди.

Европа иқтисодий ҳамжамияти қабул қилган мақсадларни рўёбга чиқариш жараёнида:

- 1) Саноат интеграциясининг жадаллашуви таъминланди;
- 2) қишлоқ, хўжалик жамғармаси фаолияти орқали биргаликда хомийлик ўрнатиш, тўлов йиғимларини жорий этиш шаклида агар интеграцияни жадаллаштиришга ҳаракат қилинди;
- 3) Европа валюта тизими юзага келди.

Ана шу чора-тадбирларнинг барчаси иқтисодий интеграциянинг кенг томир ёйишига, Европа иқтисодий ҳамжамияти таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди.

3. Америка қитъасида интеграция жараёнлари ривожланишининг хусусиятлари

Жаҳон хўжалигида интеграцияон марказлардан бири Шимолий Америка ҳудуди ҳисобланади. Шимолий Америка Эркин савдо ассоциацияси — НАФТА ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши ривожланаётган интеграция жараёнларидан биридир.

АҚШнинг Канада билан мавжуд иқтисодий интеграцияси ва уларнинг Ғарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди. Натижада Шимолий Америкадаги интеграция жараёнлари давлатлар ташқарисига чиқди. Шимолий Америка эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам киради. Блокнинг ҳудуди 370 млн. аҳолини ўз ичига олувчи кенг ҳудудни ташкил этади ва у қудратли иқтисодий салоҳиятга эга. Ушбу мамлакатлар томонидан йиллик товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш 7 триллион долларни ташкил этади. Жаҳон савдоси бутун ҳажмининг қарийб йигирма фоизи улар улушига тўғри келади.

19-жадвал

НАФТАга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари 1992 й. (битим тузиш вақтида)

	Аҳоли (млн.киши)	ЯИМ млрд.долл	Аҳоли жон бошига ЯИМ долл.	Экспорт млрд.долл.	Импорт млрд.долл
Канада	27,4	493,6	20710	150,5	153,7
Мексика	89,5	329,0	3470	42,8	52,7
АҚШ	255,0	5920,2	23240	640,5	670,1

Манба: Klein L ft, Salvatore D. Welfare effects of NAFTA G'G' Journal of policy modeling. New-York, 1995. Vol. 17. №2.

Шартноманинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада, Мексика ўзаро савдо қиладиган товарларга божхона пошлиналарини бекор қилиш;
- Шимолий Америка бозорини ўз товарларини Мексика орқали АҚШга қайта экспорт қилиш йўли билан Америка пошлиналаридан халос бўлишга уринувчи Осиё-Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;
- Мексикада банк ва суғурта ишида Америка ва Канада компанияларининг рақобатига ва капитал кўйишига тақиқни қилиш;
- атроф-муҳитни кўриқлаш билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил этиш.

Савдо блоки истёъмолчилари тузилган битимдан энг кўп фойда олдилар, чунки рақобатиинг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кенг доирадаги товарларнинг нархлари пасайди. Америка саноатчилари қулай мавқени эгалладилар, чунки арзон иш кучи оқими ўсди. Америка иқтисодиётининг электроника, компьютер таъминоти, қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши сингари сектор-ларида даромадларнинг кафолатли ўсиши кутилмоқда. Айни вақтда қанд-шакар, цитрус мевалар, қишки сабзавотлар етиштирувчи Америка фермерлари зарар кўрмоқдалар. Мексикага келганда эса, у НАФТА ёрдамида ўзининг иқтисодий ривожланиши суръатларини ялпи ички маҳсулот ўсишининг тахминан 1,6-2,6 фоизи миқдорида жадаллаштиришни режалаштирмоқда. Натижада Мексика ўз иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврини ва ривожланган мамлакатлар клубига яқинлашишни ярим асрдан 10-15 йилгача қисқартиришга муваффақ бўлади.

Канада НАФТАдан энг кам фойда кўриши мумкин. Унинг иқтисодиёти АҚШ билан мустаҳкам алоқада, бироқ Мексика билан унча сезиларли алоқага эга эмас. Бироқ НАФТА ривожланиши давомида Канада интеграция жараёнларига тобора кўпроқ тортилади ва кенгаяётган бозордан дивидендлар олади. НАФТА фаолият кўрсатишининг дастлабки икки йилида экспорт хажмларини кўпайтириш ҳисобига қўшимча ишчи ўринлари барпо этилишига нисбатан ишончини оқламади. Ундан ташқари АҚШнинг Мексика билан савдосининг ижобий савдо сальдоси 1995 йилда ўз ўрнини тақчилликка бўшатиб бериб қўйди.

20-жадвал

НАФТАга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, 1999 йил

Кўрсаткичлар	АҚШ	Канада	Мексика	НАФТА
Аҳоли (млн.киши)	278,2	30,5	97,4	406,1
Майдони (минг км.кв.)	9364	9971	1958	21293
ЯИМ (млрд.долл.)	9152,1	634,9	483,7	10 270,7

ЯИМ аҳоли жон бошига (АҚШ долл.)	32 921	20 481	4966	25 291
Жаҳон экспортидаги улуши (%да)	12,8	4,4	2,5	19,7

Манба: ereport.ru

Интеграция жараёнлари Жанубий Америкада ҳам фаоллашмоқда. Ўз вақтида (60-йиллар бошида) Марказий Америка умумий бозори ташкил этилган эди. Бироқ, сиёсий ва иқтисодий танглик Марказий Америка умумий бозори доирасида интеграция режаларини амалга ошириш имконини бермайдди. 90-йиллар ўртасига келиб интеграция жараёнлари 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида МЕРКОСУР савдо пакти тузилиши воситасида фаоллашди. Жанубий конус мамлакатларининг умумий бозори -МЕРКОСУР ўзи мавжуд бўлган ерларда жаҳоннинг энг динамик интеграция гуруҳларидан бирига айланди. 1998 йилдаёқ бирлашманинг тўрт қатнашчиси ўртасидаги савдо хажмининг деярли 95 фоизига пошлина солинмади.

Агар, 90-йиллар ўртасида Лотин Америкаси мамлакатлари НАФТА блокига интилоқдалар деб ҳисобланган бўлса, ҳозир вазият ўзгарди. МЕРКОСУРга эркин савдо тўғрисидаги битим асосида Чили ва Боливия қўшилди (ассоциацияланган аъзолар сифатида). МЕРКОСУР билан Анд гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги музокаралар олға силжимокда. Унга Боливиядан ташкари Венесуэла, Колумбия, Перу, Эквадор киради. МЕРКОСУР яқин истиқболда Панама каналидан Магеллан бўғозигача бўлган ерни қамраб олувчи Жанубий Америка эркин савдо зонаси - САФТАни ташкил этиш режасига эга.

МЕРКОСУРнинг барпо этилиши ўзаро савдонинг кескин кўпайишига, бошқа минтақавий савдо гуруҳлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг кенгайишига олиб келди. Ўзаро инвестиция фаоллиги сезиларли равишда ўсди, чет элдан келувчи инвестициялар ўсмоқда. МЕРКОСУРнинг муваффақиятли фаолияти минтақада сиёсий барқарорликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ғарбий Европа интеграциясидан фарқ қилган ҳолда, ушбу Жанубий Америка бирлашмаси ўз даражасига кўра турлича бўлган давлатлар ягона ташкилотда мавжуд бўлишидангина эмас, балки муваффақиятли ҳамкорлик қилишидан ҳам далолат беради. Бунинг учун бундай бирлашмаларнинг барча бўғинларини пухта тайёрлаш, улар фаолиятига юқори малака билан раҳбарлик қилиш, ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат учун унинг ўз ўрнини топиш учун, қарама-қаршиликларни юмшатиш, мурасага бориш истаги талаб этилади.

4. Осиё-Тинч океани минтақасида интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари

Осиё-Тинч океани минтақаси интеграцион жараёнларининг учинчи энг йирик маркази ҳисобланади.

Деярли 30 йил мобайнида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Унга Осиёдаги тўртта "аждаҳодан бири — Сингапур, шунингдек, "янги тўлқин" — янги индустриал мамлакатлар — Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин киради. Ушбу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорлиқнинг муваффақияти АСЕАН қатнашчилари бўлган кўпчилиқ мамлакатларнинг шиддатли иқтисодий ўсиши, улар ривожланишини таққослаш мумкинлиги, яхши йўлга қўйилган ва узок, тарихий анъаналарга эга бўлган ўзаро савдо алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек, ҳамкорлик шакллариининг тартибга солиниши билан мустаҳкам боғлиқдир. АСЕАН режаларида 2000 йилгача қатнашчи мамлакатлар божхона пошлиналарини 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5 фоизга пасайтириш режаси мавжуд эди. 1995 йил охирида 2000 йилда, воқеалар кўнгилдагидек

ривожланган тақдирда 2002 йилда эркин савдо знаси барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Шарқий Осиёда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш истикболлари кўп жихатдан Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш билан боғлиқдир. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти минтақанинг 21 давлатини бирлаштирувчи ҳукуматлараро бирлашмадир.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти 1989 йилда Австралиянинг таклифи билан Тинч океани хавзасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган эди. Дастлаб унга 12 мамлакат: Австралия, Бруней, Канада, Индонезия, Япония, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппин, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва АҚШ кирди. Кейинги йилларда унга Хитой, Гонконг (Сянган), Тайван, Мексика, Чили, Папуа-Янги Гвинея, 1998 йилда Вьетнам, Перу ва Россия қўшилди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти расман маслаҳат мақомига эга, бироқ унинг ишчи органлари доирасида савдо, инвестиция ва молия фаолиятини юритишнинг минтакавий қоидалари белгиланади, у ёки бу соҳаларда ҳамкорлик масалалари бўйича тармоқ вазирлари ва экспертларнинг учрашувлари ўтказилади.

1993 йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти етакчиларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди (Сиэтл, АҚШ). Учрашув давомида минтақада авж олаётган интеграция жараёнларидан фойда кўриш нотўғри тақсимланиши юзасидан жиддий тафовутлар борлиги аниқланди. Экспертларнинг фикрича, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида савдони эркинлаштириш аъзо мамлакатларнинг реал даромадлари 2 фоизга ўсишига олиб келиши керак. Бироқ фойдани биринчи навбатда энг рақобатбардош мамлакатлар оладилар.

Осиё-Тинч океани минтақасида иқтисодий интеграция жараёнларига баҳо берар экан, кўпчилик мутахассислар унинг ривожланишининг ўзига хос шарт-шароити ва ўзига хослигини кўрсатадилар. Осиё-Тинч океани минтақаси интеграция жараёнининг асосий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— *биринчидан*, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотигади интеграция жараёни давлатлараро ҳамкорлик учун негиз яратувчи трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик роли шароитида юз бермоқда;

- *иккинчидан*, интеграция жараёни иқтисодий ривожланиши даражаси жиддий равишда турлича бўлган, маданий ва ижтимоий-сиёсий тизимлари ҳар хил бўлган мамлакатларни қамраб олади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ноёблиги шундаки, унда XX асрнинг икки буюк иқтисодий давлати — АҚШ ва Япония, шунингдек, XXI асрнинг иқтисодий гиганти — Хитой бирлашади.

Японияга келганда эса, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти интеграция типигади ягона халқаро тузилма ҳисобланади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятигаў муносабатлари унча оддий бўлмаган қулай ташқи шарт-шароитларни талаб этувчи ХХР ва Тайван киришини қайд этиш муҳимдир;

— *учинчидан*, Осиё-Тинч океани минтақаси кўламидади интеграция суб минтакавий иттифокларни (АСЕАН, НАФТА, Жанубий Тинч океани форуми ва бошқалар) ўз ичига олади, яъни интеграциянинг турли даражаларига йул қўяди, масалан, ташқи савдони эркинлаштириш даражаси бўйича;

— *тўртинчидан*, АТЭС ва Осиё-Тинч океани минтақасида Тинч океани "очиқ" регионализи мафкураси минтакавий интеграцияни иқтисодий глобализм элементи сифатида қарайди. Бунда жаҳон иқтисодиёти эволюцияси минтакавий иқтисодий иттифокларнинг аста-секин бирлашиши ва ўзаро бирига қўшилиш жараёни сифатида қаралади. "Очиқ регионализм" концепцияси, шунингдек, Тинч океани минтақаси ичида товарлар, сармоялар, иш кучи, ҳаракати, чекланиши олиб ташланишини ҳам назарда тутаяди,

протекционизмдан воз кечиш бўйича мажбуриятлар қабул қилинади, ички минтақавий иқтисодий алоқалар рағбатлантирилади. Умуман олганда, Осиё-Тинч океани минтақасида интеграция муносабатлари етуклиги хали унча юқори эмас. Жумладан, АСЕАН тизимидаги савдо зонасини иқтисодий интеграция ривожланишининг биринчи босқичига, яъни тарифлар ва бошқа чеклашлар олиб ташланадиган эркин савдо зонасига киритиш мумкин. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига нисбатан ҳозирча эркин савдо зонаси сифатида эмас, балки "очиқ иқтисодий уюшма" сифатида гапириш мумкин.

Ушбу ташкилот доирасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ва интеграция жараёнларини ривожлантириш истикболлари яқин йилларда уч вариантда кўриб чиқилади.

Биринчи вариант — Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантириш Багор (1994 й., Индонезия)даги кенгашда қабул қилинган сценарий бўйича амалга оширилади. Унга мувофиқ эркин савдо зонаси ташкил этилади ва 2020 йилда (саноати ривожланган мамлакатлар учун 2010 йилгача) инвестиция соҳаси эркинлаштирилади. Божхона тарифларини иасайтириш ГААТ/БСТ доирасида эришилган битимларга мувофиқ, юз беради.

Иккинчи вариант — мутахассисларнинг фикрича, энг эҳтимолли вариант Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти учун минтақада савдо муаммоларини муҳокама қилиш форуми ролини мустаҳкамлайди. Ушбу ҳолда мавжуд аҳдлашувларни бажаришнинг бориши муносабати билан низолар келиб чиқиши шубҳасиздир. Бу ташкилотнинг кучсизланишига олиб келади. Бундай шароитларда бошқа интеграциялашган минтақавий гуруҳларнинг роли ошади, чунки субминтақаларида ва Осиё-Тинч океани минтақаси гуруҳларидаги айрим мамлакатларнинг интеграциялашув даражаси нисбатан юқори ва улар умуман олганда, минтақада интеграция жараёнлари жадал ривожланишининг ўзига хос ячейкалари бўлиши мумкин. Жумладан, "ўсиш учбурчаги" — Жанубий-Хитой иқтисодий зонаси (ХХР, Гонконг, Тайван); "ўсиш олтин учбурчаги" (Индонезия, Малайзия, Сингапур); Япон денгизи хавзаси мамлакатлари иқтисодий зонаси; Хинди-Хитой иқтисодий зонаси мавжуд.

Учинчи вариант — АҚШ ва ЕИда протекционистик кайфиятлар устунлик қилишини истисно этмайди, бу жаҳон савдосининг тезликда эркинлашишига тўсқинлик қилиши ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида интеграция жараёнлари доирасини Осиё мамлакатлари билан чеклаши мумкин.²⁸

Осиё-Тинч океани минтақаси кўплаб мамлакатларининг тезликда барқарор иқтисодий ўсиши жаҳон иқтисодий ривожланишининг маркази Тинч океани хавзаси томонга силжимоқда, деган умумий фикр шаклланишига кўмаклашди. 90-йиллар ўртасида жаҳон аҳолисининг 38,2 фоизи ва унинг ялпи ички маҳсулотининг 55,7 фоизи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларига тўғри келди (ЕИда мое равишда 6,7 ва 20,5%). НАФТА мамлакатлари ҳам ЕИга яқин салмоққа эга. жаҳон товарлар савдоси ҳажмининг 43,9 фоизи, хизматлар савдосининг 32,9 фоизи ва технологиялар экспортининг 64,1 фоизи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти улушига тўғри келади. Ташаи савдо соҳасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти ва унга кирувчи мамлакатлар доирасида ички минтақавий алоқалар 70 фоизни ташкил этади. Айни вақтда ЕИмамлакатларида ушбу кўрсаткич 55 фоизга етди. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятининг 3 асосий қатнашчиси: Япония, АҚШ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Япониядан ташқари) ўртасидаги товар айланмаси тез суръатларда ўсмоқда.

²⁸ Международные экономические отношения. Учебник Под ред. Евдокимова М.: Проспект, 2003

Назорат учун саволлар:

1. Иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг қандай босқичлари характерлаб беринг?
3. Эркин савдо ҳудудларини тавсифлаб беринг.
4. Интеграцион жараёнлар миллий давлатлар иқтисодиётини ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини характерлаб беринг.
5. ЕИ қачон ва қайси давлатлар томонидан ташкил этилди.
6. Жаҳондаги интеграцион бирлашмалар ҳақида сиз нима биласиз?
7. НАФТАни тузилишидан асосий мақсад нима ва унга қайси давлатлар аъзо?

11 - мавзу. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг роли

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар: моҳияти, зарурияти, функциялари ва гуруҳланиши
2. БМТнинг ихтисослашган иқтисодий ва молия ташкилотлари
3. Халқаро минтақавий молия ташкилотлари

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар: моҳияти, зарурияти, функциялари ва гуруҳланиши

Халқаро иқтисодий ташкилотлар – бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳамкорликдаги қарорларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш, бирхиллаштириш (унификациялаш) мақсадида халқаро келишувлар асосида ташкил этилган ташкилотлардир.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солишнинг объектив зарурияти сифатида юзага келган.

Халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солиш – бу турли мамлакатлар томонидан жаҳон хўжалик алоқалари соҳасида ихтиёрий равишда қабул қилинадиган умумий мажбурият ва қоидалар йиғиндисидан иборат.

Ушбу заруриятнинг шаклланиши шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

- божхона тарифларини пасайтириш орқали халқаро савдони эркинлаштириш;
- жаҳон мустамлака тизимининг парчаланиши ва мустақил бўлган мамлакатларнинг ривожланишини таъминлаш;
- XX асрнинг 70-80 йилларидаги нефть экспорт қилувчи мамлакатлар сиёсати туфайли содир бўлган хомашё ва энергетика инқирозлари, ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий инқирозлар;
- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқаларнинг чуқурлашуви, миллий иқтисодий

тизимларнинг жаҳон ҳўжалигида рўй бераётган ўзгаришларга мослашиши;

- трансмиллий корпорациялар ролининг ортиши;
- халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг интенсив ривожланиши;
- жаҳон социалистик тизимининг парчаланиши;
- глобал муаммоларнинг чуқурлашиши.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг асосини аъзо бўлган мамлакатларнинг фикр-мулоҳазаларини ошкор қилиш, бир-бири билан келиштириш, бу асосдаги вазиятларни бир мақсадга айлантириш, шунингдек келиб чиққан вазифаларни аниқлаштириб, уларни ҳал этиш, чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Ташкилотларнинг асосий фаолияти муҳокама, қарор қабул қилиш ва уларни амалга ошириш, ижросини назорат қилишдир. Юқоридагилардан халқаро ташкилотларнинг қуйидаги вазифалари келиб чиқади: тартибга солиш, назорат қилиш, амалга ошириш.

Тартибга солиш вазифаси (энг асосийси) қарор қабул қилишдан, аъзо мамлакатлар фаолиятини, мақсадини аниқлашдан иборат. Халқаро ташкилотлар резолюцияси бевосита халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид келмайдиган, лекин ҳуқуқни амалга оширувчи жараёнларга ўз таъсирини ўтказди. Халқаро ҳуқуқнинг кўпгина қоида ва меъёрлари дастлаб резолюцияларда ифодаланган эди. Уларга халқаро муаммоларни тасдиқлаш ва аниқлаш йўли билан халқаро ҳаётга тадбиқ этиш хос: ташкилотлар аниқ вазиятларга нормаларни тадбиқ этиб, уларнинг моҳиятини очиб беради. Назорат қилиш вазифаси мамлакатларни халқаро ҳуқуқ нормаларига, резолюцияларга бўлган муносабатини назорат қилишдан иборат. Шу мақсадда ташкилотлар тегишли ахборотномани йиғиб, уни текшириб, муҳокама қилишга ва резолюцияларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар. Кўп ҳолатларда мамлакатлар маълум бир миқёсга доир бажарилаётган вазифалари ҳақида доимий равишда маърузалар топширлари шарт.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари



1-расм.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг оператив вазифалари ташкилотларнинг ўз мақсадларига хусусий маблағлари ҳисобига эришишдан иборат. Кўпгина ҳолатларда ташкилотлар аниқ бир мақсадга етишишда мустақил аъзо мамлакатлардан фойдаланилади. Шу билан бирга бевосита фаолиятнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Ташкилотлар иқтисодий, илмий-техник ва консультацион ёрдам кўрсатадилар.

Халқаро иқтисодий ташкилотларни турли мезонлар асосида классификациялаш мумкин.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг гуруҳланиши



2-расм.

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолият йўналишлари бўйича универсал ва ихтисослашган ташкилотларга бўлинади.

Универсал халқаро ташкилотлар барча мамлакатларнинг иштирок этиши учун мўлжалланган. Универсал халқаро иқтисодий ташкилотларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Осиё-тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро савдо палатаси ва бошқалар киради.

Ихтисослашган халқаро ташкилотларга фаолият соҳаси тор иқтисодий муносабатларни тартибга солишга ихтисослашган ташкилотлар киради: БМТнинг саноат ривожланиши бўйича конференцияси (ЮНИДО), БМТнинг озиқ-овқат қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО), Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС), МАГАТЭ, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ).

Халқаро ташкилотлар ташкилий белгиларига қараб бўлинади:

- БМТ тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- БМТ тизимида қирмайдиган халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- Минтақавий иқтисодий ташкилотлар.

Халқаро ташкилотлар халқаро тартибга солиш доирасига қараб ҳам таснифланади:

1. Жаҳон иқтисодиётини иқтисодий ва саноат тармоқларини тартибга солувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар (БМТ нинг саноатни ривожлантириш - ЮНИДО, Умумжаҳон туризм ташкилоти, Умумжаҳон Денгиз ташкилоти ва бошқалар).

2. Жаҳон савдосини тартибга солувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар (Умумжаҳон савдо ташкилоти, БМТ нинг савдо ва тараққиёт конференцияси- ЮНКТАД, хомашё ва озиқ-овқат мақсулотларни ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларни халқаро ташкилоти);

3. Халқаро молия-кредит ва валюта ташкилотлари (Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки институтлари);

4. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар (ТМК бўйича БМТ комиссияси);

5. Жаҳон хўжалик алоқаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи нодавлат халқаро бирлашма ва ташкилотлар (савдо палаталари,

тадбиркорларнинг халқаро иттифоқлари, тармоқ федерациялари).

Халқаро ташкилотлар аъзолари фақат мустақил давлатлар бўла олади. Мамлакатларнинг бир қисми халқаро ташкилот аъзоси бўла олмайди. Ташкилотнинг ҳамма аъзолари тенг иштирок этадилар ва унинг фаолияти учун жавобгардирлар. Улар ташкилот бюджетига аъзолик тўловлари ўтказишади ва бу тўловлар миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, БМТ ҳаражатларини молиялаштиришда АҚШга – 25%, Япония – 19,9%, Германия – 9,8%, Франция – 6,5%, Италия – 5,4%, Буюк Британия – 5,1%, Испания – 2,6%, қолган мамлакатлар ҳисобига – 25,7% тўғри келади.


Халқаро ташкилотларда кузатувчи мавқеи мавжуд. У ташкилот органига кирмаган мамлакатлар учун берилади. БМТ нинг Бош Ассамблеясида кўпгина сессияларида Швейцария кузатувчи сифатида иштирок этган. БМТ кўпгина аъзолари Хавфсизлик Иттифоқи мажлисларига ўз кузатувчиларини йўллайдилар. БМТ бир қатор миллий-озодлик ҳаракатларига ҳам кузатувчи мавқеи берилди. БМТ органларига ҳам махсус уюшмалар ва минтақавий ташкилотлар ҳам ўз кузатувчиларини ҳам юборадилар. Улар асосий мажлисларда иштирок этиш ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. БМТнинг ихтисослашган иқтисодий ва молия ташкилотлари

БМТ штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, унинг таркибида 190 дан ортиқ аъзо-мамлакат мавжуд. БМТ низомининг 1-моддасида ташкилот фаолиятининг асосий мақсадлари ичида, “иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар ҳарактердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш” мақсади етакчи ўринда туради. БМТ иқтисодий соҳада қуйидаги тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги инқирозлардан чиқишига ёрдам бериш;
- минтақавий ривожланишни рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларнинг фаолиятидаги ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида ҳамкорликларни ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлари, шунингдек, 18 та ихтисослашган институт ва бир қатор автоном тузилмалар бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС), Секретариат ҳисобланади.



Бош Ассамблея ҳар йили бир марта сессиялар ўтказади (сентябр, декабр), бу сессияларнинг ҳар бирида раис, унинг ўринбосарлари ва асосий қўмиталарнинг бошлиқлари сайланади. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий масалалар умумий мажлислар ва махсус иккинчи қўмита доирасида муҳокама қилинади.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаш бўлими (ЭКОСОС) 1946 йилда ташкил этилган бўлиб 54 мамлакат унинг аъзолари саналади ва аъзоларнинг учдан бир қисми (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) ҳар йили уч йил муддатга қайта саналади. Юқоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғалланувчи Хавсизлик кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига киради. Кенгаш одатда бир йилда икки марта (ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича) сессия ўтказади. ХИМ муаммолари бўйича қарорлар ва тавсиялар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти ҳам ЭКОСОС зиммасига юклатилган. Ҳозирда ЭКОСОС олтита доимий қўмита, еттита функционал ва бешта ҳудудий комиссияларни таъсис этган. Булардан ташқари 18 та тхтисослашган муассаса, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва ЮНКТАД/УСТ Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС патронажи остида фаолият олиб боради. БМТнинг иқтисодий органлари тизимида учинчи бўғин сифатида

Секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочи тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон хўжалиги муаммоларини ҳал қилишда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Анжумани (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий кўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият кўрсатади. ЮНКТАДга 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД ўтказган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хомашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган бўлиб, унинг штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу ташкилотнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океаниядаги қашшоқ ва ривожланмаган камбағал мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг олий органи икки йилда бир марта чақириладиган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараққиёти бўйича кенгаш ва бюджет масалалари бўйича кўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукуматлар ва хусусий тармоқ билан ҳамкорлик асосида қурилган. Ташкилот инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказади. Хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга, ривожланаётган мамлакатларга юқори технологиялар етказиб беришга кўмаклашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият кўрсатмоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, бюрократизм ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг ихтисолашган муассасалари ролининг кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимооти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технологик айирбошлашнинг янги каналларининг вужудга келиши жаҳон хўжалик

ҳаётининг жадаллашуви ва инсоният олдида турган жиддий глобал муаммоларни ҳал этишда муҳим рол ўйнамоқда.

Халқаро молия ташкилотлари. Жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва халқаро капитал ҳаракатини рағбатлантириш мақсадида кўпсонли халқаро ва ҳудудий молия-кредит институтлари ташкил этилган.

Халқаро молия ташкилотларининг вазифалари ва шакллари

Халқаро молия ташкилотлари - фаолият доираси ва хусусияти, аъзолар таркиби, вазифаларидан келиб чиқадиган ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилотлар	
<i>Вужудга келиш асослари</i>	- жаҳон хўжалик алоқалари глобаллашувининг кучайиши; - валюта-молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишнинг ривожланиши; - жаҳон валюта тизими беқарорлиги, халқаро ҳисоб-китоблар ва халқаро кредитлаш муаммоларини биргаликда ҳал этиш зарурияти.
<i>Асосий вазифалари</i>	- жаҳон ҳамжамиятининг халқаро валюта-молия муносабатларини барқарорлаштириш мақсадидаги саъйи ҳаракатларини бирлаштириш - давлатлараро валюта, валюта ҳисоб-китоби ва валюта-кредит муносабатларини тартибга солишни амалга ошириш; - жаҳон валюта, ҳисоб-китоб ва кредит сиёсати стратегиясини ва амалга ошириш тактикасини ишлаб чиқиш.
<i>Асосий шакллари</i>	- Халқаро валюта фонди - Умумжаҳон банки гуруҳи - Халқаро ҳисоб-китоблар банки - Минтақавий ривожланиш банклари - Халқаро кредиторлар клублари

3-расм.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар ичида халқаро молия ташкилотлари алоҳида ўринга эга. Ушбу гуруҳга қуйидаги ташкилотлар киради: ХВФ, Умумжаҳон банки гуруҳи, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Осиё тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Араб валюта фонди, Ислон тараққиёт банки, Америкалараро тараққиёт банки, Қора денгиз савдо ва тараққиёт банки, Евроосиё тараққиёт банки, Банк назорати бўйича Базель қўмитаси ва бошқалар.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 1945 йилда ташкил этилган ва унга 186 та мамлакат аъзо. ХВФнинг мақсади аъзо-мамлакатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва валюта курсининг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчиликлар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усулларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади.

Охирги ўн йилда ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор сифатидаги роли ошди. Қарзлар аъзо-мамлакатлар бадалларидан ташкил топган умумий ресурслар ҳисобидан ҳамда СДР²⁹ шартли бирликларидаги махсус ҳисобдан берилиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**ХВФнинг қарз олиш тўғрисидаги
Бош шартнома иштирокчилари, млн. СДР³⁰**

Қатнашчилар	Дастлабки ҳолати (1962 – 1983 йй.)	Ҳозирги ҳолат (1983 – 2008 йй.)
Швед Рискбанки	79	383
Белгия	143	595
Нидерландия	244	850
Канада	165	893
Швейцария миллий банки	-	1020
Италия	235	1105
Франция	395	1700
Буюк Британия	565	1700
Япония	1161	2125
Немис Бундесбанки	1476	2380
АҚШ	1883	4250
Жами	6344	17000
Саудия Арабистони (ассоциация-лашган кредит шартномаси)		1,500

ХВФ халқаро валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги механизмлар бўйича қарз беради:

1. Қарз олиш тўғрисидаги бош шартнома. Ушбу шартнома 1962 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 11та иштирокчи қатнашади (2-жадвал);

2. Қарзлар тўғрисидаги янги шартнома. Ушбу шартнома 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 25та давлат ва муассасалар иштирок этади.

ХВФ аъзо мамлакатларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун турли қоидалар ёки «механизмлар» доирасида кредитлар беради.

²⁹ СДР – XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб халқаро резерв тўлов манбалари ва қиймат ўлчови сифатида олтин ўрнига чиқарилган шартли жамоа халқаро валюта бирлиги бўлиб, 2009 йил 30 апрелда 1 СДР=1,49 АҚШ долларига тенг бўлди.

³⁰ www.imf.org

Кредитларни бериш ва қайтариш тўлов баланси муаммосининг хусусиятлари ҳамда ҳолатларига боғлиқ тарзда фарқланиб, қуйидагилардан иборат:

2-жадвал

ХВФ кредитлаш шартлари (2008 йил 1 январь ҳолатига)³¹

Кредитлаш механизми ёки сиёсати	Тўлов шартлари	Муддати (йил ҳисобида)		
		Энг узок муддат	Кутилаётган муддат	Даврийлик
«Стэнд-бай» кредити	Асосий ставка + маржа	3,25-5	2,25-4	Ҳар кварталда
Кенгайтирилган кредитлаш	Асосий ставка + маржа	4,5-0	4,5-7	Ҳар ярим йилда
Қопловчи молиялаш	Асосий ставка	3,25-5	2,25-4	Ҳар кварталда
Фавқулодда ёрдам	Асосий ставка	3,25-5	-	-
Қўшимча захираларни қоплаш	Асосий ставка + маржа	2,5-3	2-2,5	Ҳар ярим йилда
Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш	Йиллик 0,5%	5,5-10	-	-

- «Стэнд-бай» кредитлар. ХВФ кредитлаш сиёсатининг асосини ташкил этади (3-жадвал). «Стэнд-бай» кредити тўғрисидаги шартномага асосан аъзо мамлакатлар тўлов балансида қисқа муддатли муаммоларни бартараф этиш учун одатда 12 – 18 ойга белгиланган миқдорда кредит олиш ҳуқуқига эга.

3-жадвал

«Стэнд-бай» кредити тўғрисидаги шартномага мувофиқ берилган кредитлар, млн. СДР (2010 йил 7 январь ҳолатига)³²

Аъзо мамлакатлар	Тақдим этилган сана	Қайтариш санаси	Кредит миқдори	Тўланган қисми
Ангола	23.11.09	22.02.12	859	630
Арманистон	03.06.09	07.05.11	534	232
Беларусь	01.12.09	04.11.10	2 270	438
Босния	07.08.09	30.06.12	1 015	832
Коста Рика	04.11.09	07.10.10	492	492
Доминика Республикаси	11.09.09	03.08.12	1 095	895
Эл-Сальвадор	16.01.09	31.03.10	514	514
Габон	05.07.07	05.06.10	77	77
Грузия	15.09.08	14.06.11	747	365
Гватемала	22.04.09	21.10.10	631	631

³¹ www.imf.org

³² www.imf.org

Венгрия	11.06.08	10.05.10	10 538	2 901
Исландия	19.11.08	31.05.11	1 400	735
Латвия	23.12.08	22.03.11	1 522	808
Малдив ороллари	12.04.09	12.03.12	49	45
Монголия	04.01.09	10.01.10	153	46
Покистон	24.11.08	30.12.10	7 236	3 067
Руминия	05.04.09	05.03.11	11 443	5 355
Сербия Республикаси	16.01.09	15.04.11	2 619	1 598
Шри-Ланка	24.07.09	23.03.11	1 654	1 240
Украина	11.05.08	11.04.10	11	4
Жами			55 845	24 899

- **Кенгайтирилган кредитлаш механизми.** ХВФ кенгайтирилган кредитлаш механизми бўйича аъзо мамлакатлар белгиланган микдорда кредит олиш ҳуқуқига эга бўлиб, одатда, уч-тўрт йилга берилади. Ушбу механизм асосида ажратилган маблағлар аъзо мамлакатларда тўлов баланси ҳолатига сезиларли салбий таъсир кўрсатувчи тузилмавий хусусиятга эга муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади (33.3.2-расм).

- **Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш механизми.** 1999 йил ноябрида жорий этилган бўлиб, дастлаб амал қилган тузилмани қайта қуришни кенгайтирилган молиялашнинг давоми ҳисобланади (4-жадвал).

4-жадвал

**Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни
қўллаб-қувватлаш дастури бўйича ажратилган кредитлар,
млн. СДР (2010 йил 7 январь ҳолатига)³³**

Аъзо мамлакатлар	Тақдим этилган сана	Қайтариш санаси	Кредит микдори	Тўланган қисми
Афғонистон	26.06.06	31.03.10	81	11
Буркина Фасо	23.04.07	22.04.10	48	1
Бурунди	07.07.08	07.06.11	46	26
Марказий Африка Республикаси	22.12.06	30.06.10	70	9
Коморос	21.09.09	20.09.12	14	9
Конго Демократик Республикаси	12.11.09	12.10.12	346	297
Конго Республикаси	12.08. 08	12.07.11	8	5
Кот де Ивуар	27.03.09	26.03.12	374	179
Джибути	17.09.08	16.09.11	13	7
Гамбия Республикаси	21.02.07	20.02.10	20	2
Гана	15.07.09	14.07.12	387	320
Гренада	17.04.06	16.04.10	16	2
Гвинея	21.12.07	20.12.10	70	45

³³ www.imf.org

Гаити	20.11.06	31.01.10	115	8
Либерия	14.03.08	31.03.11	239	13
Мали	28.05.08	27.05.11	28	8
Никарагуа	10.05.07	10.04.10	78	24
Нигерия	06.02.08	06.01.11	23	13
Сан Томе	03.02.09	03.01.12	3	2
Сьерра-Леоне	05.10.06	05.09.10	52	7
Тожикистон	21.04.09	20.04.12	78	52
Того	21.04.08	20.04.11	84	26
Замбия	06.04.08	06.03.11	220	55
Жами			2 414	1 122

- **Қўшимча захираларни молиялаш механизми.**

- **Қопловчи молиялаш** 1963 йилда жорий этилган бўлиб, жаҳон бозорларида товар хом ашё нархининг ўзгариши натижасида экспорт тушуми камомади вужудга келган ёки озиқ-овқат импорти қийматининг ўсишига дуч келган мамлакатларга тақдим этилади.

- **Фавқулодда ёрдам.** Ушбу тартиб фавқулоддаги ҳолатлар туфайли тўлов балансида юзага келган муаммоларни бартараф этишда аъзо мамлакатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1962 йилда жорий этилган. 1995 йилда аъзо мамлакатларда ҳарбий можаролар туфайли уларнинг институционал ва маъмурий салоҳиятига путур етказилгани сабабли мазкур тартибни қўллаш миқёси янада кенгайтирилмоқда.

ХВФ кредитлаш тизими қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

- ХВФ ёрдам бериш агентлиги ёки ривожланиш банки ҳисобланмайди;

- ХВФ кредитлари белгиланган сиёсатга асосланади: қарз олувчи мамлакат тўлов баланси муаммосини бартараф этишга қаратилган сиёсатни қабул қилиши лозим;

- ХВФ кредитлари бўйича тўловлар молиялаш механизми шаклларида келиб чиқиб, ҳар олти ёки тўрт ойда амалга оширилади;

- ХВФ мамлакатдан олинган қарзни биринчи навбатда тўлашни талаб этади. Қарз олган мамлакат ХВФнинг тўлов балансини молиялаш эҳтиёжига эга бошқа мамлакатларни кредитлай олиши учун белгиланган тартиб бўйича қайтариб бориши лозим;

- ХВФдан кредит олган мамлакат стандарт, имтиёзсиз молиялаш механизмлар доирасида бозор шартлари асосида фоизларни, комиссия ҳақлари ва мажбурият бўйича йиғимларни тўлаб боради;

- молиявий маблағлардан фойдаланиш бўйича кафолатни кучайтириш мақсадида ХВФ 2000 йил март ойида марказий банклар томонидан риоя этиладиган олтин валюта захираларини баҳолаш талабини жорий этган;

- аксарият ҳолларда ХВФ мамлакатни ташқи молиялаш бўйича эҳтиёжларининг бир қисmini қондиради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солувчи бош давлатлараро ташкилот бўлган ХВФнинг ташкилий тизими ва фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. ХВФнинг кредит бериш механизми «Вашингтон консенсуси»га асосланган бўлиб, кредит олмоқчи бўлган мамлакатлардан корхоналарни хусусийлаштириш, бозор талаблари асосида нарх белгилашни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш каби чоратадбирларни амалга оширишни тақозо этарди. Юқоридаги тартибга солиш сиёсати асосида анъанавий монетар назарияси ётар эди. Ушбу услублар халқаро молия бозорини тартибга солиш ўрнига фонд аъзолари ўртасидаги боғлиқликни кучайтирди.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ХВФ тавсияларининг асосини «неортодоксал, институционал» концепцияси ташкил эта бошлади. Ушбу монетаризм концепциясига асосан халқаро молия бозорини тартибга солиш схемаларида устувор ўринни кредит ва банклар ташкил этади. ХВФ томонидан қўлланилаётган янги монетар сиёсатга мувофиқ халқаро молия бозорини тартибга солишда асосий урғу кредит фондлари таклифига берила бошланди. ХВФ тавсиялари универсал характерга эга бўлиб, 2002 йилдан бошлаб институционал монетаризм тавсиялари берила бошланди ва валюта курсларини тартибга солишнинг капитал оқимлари ҳаракатидаги турли чекловларни бекор қилган ҳолда валюталарнинг сузиб юрувчи курсига устуворлик бериш сиёсати ишлаб чиқилди.

2004 йилдан бошлаб ХВФнинг глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш стратегияси ва ўрни қайта кўриб чиқила бошланди. Натижада ХВФ фаолиятининг анъанавий йўналишларига жаҳон молия архитектурасининг асосини ташкил этадиган турли стандарт ва кодексларни ишлаб чиқиш, жаҳон мамлакатларидаги молия секторларини баҳолаш ва мониторинг ўтказиш, терроризмни молиялаштириш ва жиноят йўли билан топилган пулларни ювишга қарши курашлар кўшилди. 2007 йилда ХВФнинг бошқарув директори Доминик Стросс-Кан фонднинг ўрта муддатга бағишланган стратегиясини эълон қилди. Яқин 5 йилга мўлжалланган фонд стратегиясининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- жаҳон молия бозорини назорат қилиш (мониторинг) самарадорлигини оширишни глобал ва айрим мамлакатлар даражасида амалга ошириш;
- ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги кризисларнинг олдини олиш ва содир бўлган тақдирда ундан чиқишга бағишланган аниқ таклифлар тизимини ишлаб чиқиш;
- ХВФнинг кам даромадли мамлакатларда камбағаллик даражасини икки марта қисқартиришга қаратилган фаолияти самарадорлигини ошириш;
- ХВФнинг ички ташкилий фаолиятини ислоҳ этиш.

ХВФ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва легитимлигини таъминлаш мақсадида устун даражада ўрта ҳажмдаги Европа мамлакатларидан иборат бўлган ривожланган мамлакатлар квоталарини катта олтин-валюта захираларига эга бўлган йирик, барқарор суръатларда ривожланаётган, шаклланаётган бозор иқтисодиёти мамлакатлари фойдасига қайта тақсимлаш лозим. 25 та ривожланган мамлакатларнинг ХВФдаги квоталарининг улуши 60% дан ортиқ бўлиб, шу жумладан, АҚШ – 17,1%, Япония – 6,1%, Германия – 6,0%, Буюк Британия – 4,9%, Франция – 4,9%, Хитой – 3,7%, Италия – 3,3%, Канада – 2,9%, Россия – 2,7% улушга эга. ХВФда энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун 85% овоз олиш зарур бўлгани учун АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари фонд устидан назорат ўрнатган³⁴.

2009 йил октябрь ойида Истанбул шаҳрида ХВФ ва Умумжаҳон банкининг йиллик Саммити мажлисида 2011 йилнинг январига қадар ХВФ квоталарининг 5% ини барқарор суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фойдасига жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига мувофиқ равишда қайта тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди³⁵:

- жаҳон молияси архитектурасининг мустаҳкамланишига қаратилган макроиқтисодий институтларни яратиш;

- ХВФнинг ўрта муддатли бюджетини қайта кўриб чиқиш.

2009 йил 2 апрелда Лондон шаҳрида G20 мамлакат раҳбарлари Саммитида қабул қилинган «Халқаро молия институтлари орқали ресурсларни бериш декларацияси» қарорига мувофиқ ХВФ ва бошқа халқаро молия институтларига кризисга қарши чора-тадбирлар дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида зудлик билан 850 млрд. доллардан иборат маблағ жамланди.

ХВФ акционерлари ўртасида 250 млрд. СДР жойлаштирилиб, унинг 100 млрд. доллар эквивалентига тенг қисми бевосита бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилди. Кўп томонлама ривожланиш банкларига кам даромадли мамлакатларга кредит бериш мақсадида 100 млрд. доллар ажратилди. Осиё тараққиёт банкининг молия ресурслари 200% га, Америкалараро тараққиёт, Африка тараққиёт ва Европа тикланиш ва тараққиёт банклари молия ресурслари оширилди³⁶.

ХВФ фаолиятини ислоҳ қилиш ва унинг устав капиталини 250 млрд. доллардан 750 млрд. долларга етказиш вазифаси қўйилди. ХВФни турли шаклда молиялаштиришда G20 давлатларнинг фаол қатнашуви кўзда тутилган. Молиявий барқарорлик форумини (МБФ) «Молиявий барқарорлик кенгашига» (МБК) айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. МБК таркиби ва ваколати кенгайтирилди. МБК жаҳон молия

³⁴ Ананьев А. Противоречивость роли МВФ в современной мировой экономике. // Международная экономика, №5, 2008. С. 67.

³⁵ Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. №80 (1189).

³⁶ Минин Б.В., Таранкова Л.Г. Деятельность «Группы 20» по преодолению мирового финансового кризиса. // Деньги и кредит, №5, 2009. С. 35.

тизимининг кучсиз томонларини аниқлаш, молиявий барқарорлик бошқарув органлари ўртасидаги координациялашувни таъминлаш ва ахборотларни айирбошлаш, стандартларни ишлаб чикувчи институтлар фаолиятини мониторинг қилишдан иборат.

Шундай қилиб, ХВФни ислох этиш яқин беш йил ичида умумлашган ҳолда қуйидаги тўрт йўналишда олиб борилади:

- биринчидан, ХВФ мандатини қайта кўриб чиқиб, унга қатор макроиктисодий сиёсат ва глобал барқарорлашувга таъсир этувчи молиявий секторга оид чоралар киритилди;

- иккинчидан, ХВФнинг ресурс базаси етарли бўлмаганлиги учун кўп сонли мамлакатларга кредит бериш талабидан келиб чиққан ҳолда, унинг молиялаштириш дастакларини такомиллаштириш;

- учинчидан, ХВФ томонидан 20 талик мамлакатлар амалга ошираётган сиёсатни ўзаро баҳолашда ёрдам бериш орқали кўп томонлама назоратнинг янги турини амалга ошириш;

- тўртинчидан, 20 талик мамлакатлар гуруҳи билан келишилган ХВФ квоталарини барқарор суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш орқали фонднинг бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) – Умумжаҳон банки гуруҳининг асосий ташкилоти бўлиб, ўрта ва кам даромадли, тўлов қобилиятига эга мамлакатлар ҳукуматларига кредит беради. ХТТБ 1944 йилда ташкил этилган ва ҳозирда аъзо мамлакатлар сони 187 тани ташкил этади.

ХТТБнинг мақсади – аъзо мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш, хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш орқали қўллаб-қувватлаш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

2010 йилда банк томонидан берилган жами кредитлар ҳажми 523,6 млрд. долларга етди. Банк 2010 йилда 46 та мамлакатга 164 та янги лойиҳалар бўйича жами 44,2 млрд. доллар миқдорида кредит ажратди.

ХТТБ, одатда, 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йилгача муддатда узоқ муддатли кредитларни беради. Банкнинг ресурс базаси икки манбадан шаклланади. Шу жумладан, асосий қисми жаҳон молия бозорларида турли хил қарз мажбуриятларини жойлаштиришдан шаклланади (5-жадвал).

5-жадвал

ХТТБнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл³⁷

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад	1,7	1,7	2,3	0,6	0,8
Тўланмаган қарзлар	103,0	97,8	99,1	105,7	120,1

³⁷ Всемирный банк, Годовой отчет 2010 год. Обзор деятельности за год. Вашингтон, 2011. С. 1.

Жами активлар	212,3	208,0	233,3	275,4	283,0
Ўз капитали	36,5	39,9	41,6	40,0	37,6

ХТТБ аъзо мамлакатларга ҳукумат кафолати асосида қарз беради. Қарзни одатда 10 – 15 йил муддатга 5 йил имтиёзли давр билан ажратилади. ХТТБнинг фоиз ставкаси ҳар 6 ойда ўзгаради ва ўртача 7% атрофида белгиланади. ХТТБ уставига мувофиқ аҳоли жон бошига 5055 долларгача ЯИМ тўғри келадиган мамлакатларгина банкдан қарз олиш ҳуқуқига эга. Йирик тараққий этган мамлакатлар, хусусан, банкнинг 5 та энг йирик акционерлари қарз олиши мумкин эмас.

Жаҳон банки қарийб 70 йиллик фаолияти мобайнида 140 та мамлакатда қиймати 300 млрд. долларга тенг 6 мингдан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Умумжаҳон банки гуруҳи ўз фаолияти самарадорлигини ошириш, ривожланаётган мамлакатлар ишончини мустаҳкамлаш мақсадида кенг миқёсли ислохотлар дастурини амалга оширмоқда. Умумжаҳон банки гуруҳи Президенти Р.Зеллик фикрича, банк тизимидаги ислохотлар ривожланиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш, масъулиятни кучайтириш ва бошқарувни такомиллаштириш, сарфланаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

XXI аср сиёсий иқтисоди жаҳонда ривожланаётган мамлакатлар ўрнининг барқарор ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги иқтисодий тартибни ишлаб чиқишни талаб этади. 2009 йил октябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон банки гуруҳининг йиллик Саммитида акционер мамлакатлар Жаҳон банкида ривожланаётган мамлакатлар овоз бериш квотасини минимум 47% га ва яқин келажакда 50% га етказиш тўғрисидаги ислохотлар режасини маъқуллади³⁸.

Умумжаҳон банки гуруҳи акционерлари 2010 йил апрелда охирги 20 йил ичида биринчи марта Банк капиталини 86 млрд. долларга ошириш таклифини қўллаб-қувватлади. Қўшимча молиялаштириш янги иш ўринларини яратиш, инфратузилма, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришга сарфланади. Ушбу йиғилишда Жаҳон банкида ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг овоз бериш квотаси 3,13% га оширилиб 47,19% га, Халқаро молия корпорациясида эса ушбу кўрсаткич 6,07% га оширилиб 39,48% га етказилди.

Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) – 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, унга аъзо мамлакатлар сони 170 тани ташкил этади. ХТА узоқ муддатга фоизсиз, кредит кўринишида қарз ва деярли бозор шартлари бўйича қарз олиш имконига эга бўлмаган дунёнинг энг паст даромадли 79

³⁸ Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. № 80. (1189).

та мамлакатларига грантлар беради. ХТА кредит операцияларини донор мамлакатига бадаллари, ХТТБнинг соф фойдасини ўтказиш, ХМКнинг грантлари ва уюшма томонидан ажратган кредитларидан келадиган тушумлар ҳисобига молиялаштирди (6-жадвал).

6-жадвал

ХТАнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. доллар³⁹

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Ривожланиш мақсадида берилган, сўндирилмаган кредитлар	127,0	102,5	113,5	112,9	113,5
Ривожланиш мақсадига ажратилган ресурсларнинг жами манбаси/ ўз капитали	102,9	110,2	123,6	127,9	128,3

ХТАнинг мақсади ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар беришдан иборат бўлиб, захиралага айлантирилган кредит маблағларининг жами ҳажми 221,9 млрд. долларга етган. 2010 йилда 66 та мамлакатда 190 та янги операциялар бўйича захирага айлантирилган кредитлар ҳажми 14,5 млрд. долларини ташкил этган.

ХТА кредитлари 10 йиллик имтиёзли даврни камраб олган ҳолда 35 – 40 йилга берилади. Кредитлар ҳажми СДРда акс этирилади, лекин молиялаштириш лойиҳа харажатлари амалга ошириладиган валютада берилади. Олинган қарз бўйича фоиз ҳисобланмайди, аммо кредит бўйича хизмат кўрсатишдан кредитнинг 0,75% миқдорида комиссия ҳақи олинади. Жаҳон ҳамжамияти ХТАни кам ривожланган мамлакатларга ёрдам берувчи энг самарали ташкил этилган молия институти сифатида тан олади.

ХТАга аъзолик ХТТБга кирган барча мамлакатлар учун очик ҳисобланади. ХТАда молиялаш хусусиятидан келиб чиқиб, аъзолари икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга Россия, АҚШ, Канада, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка ва Қувайт киради. Уларнинг аъзолик бадаллари эркин алмашинадиган валютада тўланади.

Иккинчи гуруҳ ривожланаётган мамлакатлардан ташкил топган бўлиб, улар бадалнинг фақат 10% ини эркин алмашадиган валютада, қолган 90% ини ўз валюталарида тўлайдилар. Иккинчи гуруҳ иштирокчиларининг бадаллари фақат ҳукумат билан махсус шартномага мувофиқ лойиҳаларни молиялаштиришда фойдаланилиши мумкин.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) 1956 йилда ривожланаётган мамлакатлар хусусий секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Аъзо мамлакатлар сони 182 тани ташкил этади. Захирага

³⁹ Всемирный банк, Годовой отчет 2010 год. Обзор деятельности за год. Вашингтон, 2011. С. 1.

айлантирилган ресурслар портфели 34,4 млрд. долларни ва синдициялашган кредитлари 8 млрд. долларни ташкил қилади (7-жадвал).

7-жадвал

ХМКнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл.⁴⁰

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад (зарар)	2,0	1,4	2,7	2,0	0,2
Ликвидли активлар (ҳосилавий молиявий воситалардан ташқари)	13,3	12,7	13,3	14,6	17,9
Қарзлар, акциядорлик капиталига инвестициялар, қарз қимматбаҳо қоғозлари, нетто	11,5	12,8	15,8	23,3	22,2
Ўз капитали	9,8	11,1	14,0	18,3	16,1

2009 молиявий йилда 103 мамлакатда 447 янги лойиҳа бўйича захирашган маблағлар ҳажми 10,5 млрд. долларни ташкил этган ва 4 млрд. доллар жалб этилган.

ХМКнинг асосий вазифаси бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда хусусий инвестор ва молия институтларига капитални самарали жойлаштиришга кўмаклашишда воситачилик қилиш ҳисобланади. ХМК бозор ҳолатига яқин шартлар бўйича 12 йил имтиёзли давр билан 3 йилдан 15 йилгача қарз беради. Қарийб 80% пассивлари молия бозорларидан жалб этилади, қолган 20%и эса ХТТБдан қарзга олинади. Одатда, ХМК бошқа инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни молиялаштиради, унинг улуши 25 – 35% ни ташкил қилади. Биргаликдаги молиялаштириш ХМК фаолиятининг ўзига хос жиҳати бўлиб, қарз беришдан ташқари, хусусий корхоналар капиталига ҳам пул қўйишни амалга оширишда намоён бўлади.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (MIGA) – 1988 йилда аъзо мамлакатларга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирда агентликка 174 та мамлакат аъзо бўлиб, жами ажратилган кафолатлари ҳажми 20,9 млрд. долларга тенг. Агентлик томонидан 2010 молия йилида 28 та лойиҳа бўйича 1,5 млрд. доллар миқдорида кафолатлар берилган (8-жадвал).

8-жадвал

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл.⁴¹

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад	0,024	0,017	0,049	0,055	0,051	
Операцион капитал	0,8	0,9	1,0	1,0	1,0	

⁴⁰ Ўша манба. С. 10.

⁴¹ Ўша манба.

Такдим этилган ка- фолатлар ҳажми	3,1	3,3	3,2	3,6	4,0	
ХРА кредитлаш ме- зонларига мос келган мамлакатлар бўйича бе- рилган кафолатларнинг соф ҳажми	1,3	1,4	1,4	1,5	1,4	


Ушбу агентлик ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган ТТХИни рағбатлантириш мақсадида сиёсий рисклардан суғурталаш ёки кафолатлаш хизматларини таклиф этади.

Инвестицион низоларни тартибга солишнинг халқаро маркази (ICSID) – 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб этувчи мамлакатлар ўртасида юзага келган халқаро инвестицион низоларни арбитраж кўриб чиқиш ва тартибга солиш механизмини таъминлаб беришдан иборатдир. Бундан ташқари ушбу марказ хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчилик актлари ва халқаро низоларни арбитраж тартибга солиш соҳасида тадқиқот ишларини олиб боради. Ҳозирда марказга 143 та мамлакат аъзо ва фаолияти мобайнида 292 та, жумладан, 2009 молиявий йилда 32 та арбитраж ўтказилди.

3. Халқаро минтақавий молия ташкилотлари

Хорижий инвестицияларни халқаро миқёсда тартибга солишда минтақавий молия институтлари ҳам муҳим роль ўйнайди (5-расм).

Минтақавий ривожланиш банклари



5-расм.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) – 1991 йилда ташкил топган ва унга 56 та мамлакат аъзо. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган (9-жадвал).

9-жадвал

ЕТТБ фаолиятининг молиявий натижалари, млрд. евро⁴²

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2010 й.
Устав капитали	5,2	5,2	5,2	5,2	5,2	9,0
Бошқарув кенгаши қарори бўйича қилинадиган ажрат-маларгача бўлган соф фойда (зарар)	0,4	1,5	2,4	1,9	0,6	

⁴² ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

Бошқарув кенгаши қарори бўйича қилинган ажратмалар	-	-	-	-	0,1	
Резервлар ва тақсимланмаган фойда	1,7	4,7	7,0	8,7	6,6	

ЕТТБнинг асосий фаолият доираси қуйидагилардан иборат:

- инфратузилмани ривожлантириш;
- турли хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Бунда ресурсларнинг 60% и хусусий секторга, 40% и давлат секторига мўлжалланган;
- хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
- аниқ лойиҳаларга маслаҳат-техник ёрдам бериш.

Банк учун хусусий сектор ривожланиши, хусусийлаштириш жараёни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия муассасалари ҳамда саноат секторини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, кичик бизнесни ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор лойиҳа ва дастурлар бўлиб ҳисобланади. Банк хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналар таклифи ҳомийлар салоҳияти юқори бўлиши ва бизнес режаларининг ишончли бўлишини талаб қилади.

Бошқа ривожланиш банкларидан фарқли равишда ЕТТБ сиёсий тузилмаларни кредитлашда иштирок этмайди ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва лойиҳавий молиялашга ихтисослашган.

Банк берадиган кредитининг энг кам миқдори 5 млн. еврони ташкил этади. Фоиз ставкалари асосий бозор ставкаси (одатда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фоиз сузиб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ёки қатъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чиқади.

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2004 – 2008 йилларда 265 тадан 302 тагача ортган. 2008 йилда ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 12,9 млрд. еврони ташкил этган (10-жадвал).

10-жадвал

ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳалар динамикаси⁴³

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	
Лойиҳалар сони	265	276	301	353	302	
Лойиҳаларнинг умумий қиймати, млрд. Евро	13,0	9,8	12,0	13,8	12,9	
ЕТТБ томонидан ажратилган маблағлар, млрд. евро	4,1	4,3	5,0	5,6	5,1	
ЕТТБ томонидан жалб қи-	8,8	5,9	7,7	8,6	8,4	

⁴³ ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

линган маблағлар, млрд. евро						
------------------------------	--	--	--	--	--	--

2008 йилда ЕТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг 39% и молия секторига, 26% и корпоратив секторга, 18% и инфратузилма соҳасига ва 17% и энергетика соҳасига йўналтирилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) – 1966 йилда ташкил топган ва унга 67 та мамлакат (48 та ҳудудий ва 19 та ҳудуддан ташқари мамлакатлар) аъзо. ОТБга аъзолик БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича комиссиясидаги барча мамлакатлар ва Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлари (агар улар БМТ ёки унинг ихтисослашган агентликларига аъзо бўлсалар) учун очик. Аъзоликда мавжуд бундай кенг имкониятлар ОТБда Осиё минтақасидан ташқари мамлакатлар улушининг орттишига олиб келди, уларга банк акцияларининг и ва овозларининг қарийб 28,6% и тўғри келади.

Япония, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Австралия, Индонезия, Канада, Жанубий Корея ОТБнинг йирик акциядорлари (акциялар пакети 5% дан кўп бўлган) ҳисобланади. Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Бангладеш каби мамлакатлар асосий қарз олувчи мамлакатлар саналади.

ОТБнинг мақсади Осиё қитъасидаги ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ривожланишда кўмаклашиши, ҳудудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо-мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришдан иборат.

ОТБ транспорт ва коммуникации, энергетик лойиҳалар, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар, молия, ижтимоий инфратузилма соҳаларини молиялаштиради.

ОТБда Осиё ривожланиш фонди (20,5 млрд. долл.) ва Махсус техник ёрдам фонди (721,7 млн. долл.) мавжуд⁴⁴. 1988 йилда Банк ва Япония ҳукумати ўртасида Техник ёрдам кўрсатиш бўйича Япония махсус фонди ташкил этилди.

ОТБ ривожланаётган мамлакатларга қуйидаги фондлар ҳисобидан кредитлар беради:

1) оддий фонд ҳисобидан тижорат шартлари асосида 25 йил муддатга (барча кредитларнинг қарийб 2/3 қисми);

2) Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли 1 – 3% ставкалар бўйича камбағал мамлакатларга 40 йилгача муддатга.

Бошқа ривожланиш банклари каби ОТБда ҳам кредитлашда балансни таъминлаш мақсадида давлат секторига берилган кредитлар жами лойиҳаларининг 20%и дан ошмайди.

ОТБ фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. Банк ушбу маблағларни Европа бозорларига йўналтириб, уларни ривожланаётган

⁴⁴ <http://www.adb.org/About/members.asp>

мамлакатларга 25 – 40 йилга мўлжалланган узоқ муддатли кредитларга айлантиради. Бунда банк имтиёзли фоиз ставкаларини кўзда тутди. Кредитлар, шунингдек, тижорат шартларида ёки юқори бозор фоиз ставкаси бўйича 10 – 25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2004 – 2007 йилларда ОТБ томонидан берилган кредитлар ва молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони ўсиш тенденциясига эга бўлди. Жумладан, банк лойиҳалари сони 2004 йилда 31 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2007 йилда 60 тага етган (11-жадвал). Шунингдек, берилган кредитлар ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш миқдори ҳам ошиб борган. Ушбу ҳолат, ОТБнинг мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

11-жадвал

ОТБ кредитларининг динамикаси⁴⁵

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Берилган кредитлар сони	31	31	35	60
Берилган кредитлар суммаси, млрд. долл.	5,1	5,8	7,4	10,1
Банк кредитлари ҳисобидан:				
Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони	62	63	66	82
Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар суммаси, млрд. долл.	3,8	4,4	6,1	8,2

Бундан ташқари, ОТБ томонидан берилаётган кредитларнинг аксарият қисмини инвестицион кредитлар ташкил қилади. Бу эса ОТБнинг тижорат банкларида фарқлантирувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки тижорат банкларида узоқ муддатли ресурслар тақчиллиги мавжуд бўлганлиги туфайли улар томонидан берилган кредитларнинг асосий қисмини қисқа муддатли кредитлар ташкил этади. Шунинг учун ОТБни инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли тобора ошиб бормокда.

ОТБ томонидан 2007 йилда берилган кредитларнинг аксарият қисми транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш мақсадларига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди (12-жадвал).

12-жадвал

ОТБ кредитларининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши (2008 йил 1 январь ҳолатига)⁴⁶

/р	Соҳалар	Маъқуланган кредитлар		Молиявий лойиҳалар сони
		Ҳажми, млн. долл.	Улуши, %	

⁴⁵ Asian Development Bank. Annual report, 2007. - P. 4.

⁴⁶ ОТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

1.	Ижтимоий инфратузилма	429,5	39,0	12
2.	Транспорт ва коммуникация	265,3	24,1	4
3.	Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	245,4	22,3	5
4.	Молия тизими	90,7	8,2	3
5.	Энергетика	70,0	6,4	1
	Жами	1100,9	100,0	25

Ушбу соҳаларга берилган кредитларнинг миқдори 3,9 млрд. долларни ташкил қилди. Бу эса, 2007 йилда ОТБ томонидан берилган кредитларнинг 39% ини ташкил қилади. Умуман, транспорт ва коммуникация соҳасига 2007 йилда берилган кредитларнинг миқдори 2006 йилга нисбатан икки марта кўп бўлди.

2007 йилда ОТБ томонидан давлат кафолатлари асосида 61 та лойиҳани молиялаштириш учун 9,2 млрд. доллар миқдорида кредитлар берилди. Бундан ташқари, 2007 йилда ОТБ томонидан 672,7 млн. доллар миқдорида қайтариб олмаслик шарти билан молиявий ёрдам берилди. Бу эса, 2006 йилдагига нисбатан 25 фоизга кўпдир. Шунингдек, умумий суммаси 243,4 млн. доллар бўлган 242 та техник ёрдам лойиҳаси маъқулланди.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) - 1974 йилда ташкил топган. Унга ислом динига эътиқод қилувчи 35 та мамлакат, яъни Ислом анжуманининг деярли барча аъзолари киради. Низом капиталининг миқдори ОТБ дан 5 марта кам 13-жадвал).

13-жадвал

ИТБ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари⁴⁷

Кўрсаткичлар	2008 йил	
	Ислом динори	АҚШ доллари
Лойиҳаларининг умумий қиймати, млрд.	1,9	3,1
Техник ёрдам, млрд.	22,7	36,2
Савдони молиялаш, млрд.	1,7	2,6
Махсус ёрдам, млн.	13,0	20,1
Аъзо мамлакатлар сони	56	
Ходимлар сони, киши	1 014	

ИТБнинг мақсади аъзо-мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо, саноат компаниялари капиталларини инвестициялашдан иборат.

1976 – 2008 йиллар давомида ИТБ томонидан 56,9 млрд. доллар қийматидаги 6103 та лойиҳа молиялаштирилган. 2008 йилда банк томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, техник кўмак бериш, савдони молиялаш каби йўналишлар бўйича 399 та лойиҳага 5,7 млрд. доллар маблағ йўналтирилган.

⁴⁷ Ислом тараққиёт банки ҳисоботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.

2008 йилда ИТБ томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг 35,8% и давлат секторига, 30,9% и транспорт ва алоқа тизимига, 12,5% и саноат ва табиий ресурслар секторига, 11,3% и қишлоқ хўжалиги тармоғига, 5,8% и ижтимоий соҳага ва 3,8% и молиявий хизматларга тўғри келган.

Назорат саволлари

1. Халқаро иқтисодий ташкилотларни ташкил этишнинг зарурияти нимада ва улар қандай функциялари бажаришади?
2. Халқаро иқтисодий ташкилотлар қайси мезонлар бўйича гуруҳланади?
3. Халқаро молия ташкилотларининг мақсади ва вазифаларини санаб ўтинг.
4. ХВФ
5. Умумжаҳон банки гуруҳи нечта ташкилотдан иборат ва улар қандай вазифаларни бажаради?
6. Халқаро минтақавий иқтисодий ташкилотларга қайси ташкилотлар киради ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
7. ЕТТБ
8. ОТБ
9. ИТБ

Асосий тушунчалар

Халқаро валюта-молия ташкилотлари - жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) - 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади аъзо-мамлакатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва валюта курсини барқарорлаштириш учун қарз бериш ҳисобланади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) - 1946 йилда ташкил этилган мақсади аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш, хусусий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш орқали кўмаклашиш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) - 1991 йилда ташкил топган. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида тузилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) - 1966 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади қитъанинг ривожланаётган мамлакатларига иқтисодий

ривожланишда кўмаклашиши, ҳудудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо-мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришдан иборат.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) - 1975 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади аъзо-мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо ҳамда саноат компаниялари капиталларини инвестициялашдан иборат.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (ИКХА) - 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси хорижий инвесторларни нотижорат характердаги рисклар билан боғлиқ йўқотишлардан кафолатлаш орқали аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида инвестициялар оқимини оширишга кўмаклашишдир.

Инвестицион даъволарни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИДТСХМ) – 1966 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади хорижий инвестицияларни қабул қилувчи аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари, давлат органлари билан хорижий инвесторлар ўртасида вужудга келувчи келишмовчиликларни тартибга солиш, келиштириш, арбитраж судларида ишни кўриб чиқиш механизмларини яратиш орқали халқаро инвестиция фаолиятига кўмаклашдир.

Инвестицион маркетинг хизматлари департаменти (ИМХД) - агентликка аъзо бўлган ривожланаётган ва ўтиш мамлакатлари иқтисодиётига йўналтирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлайди. ИМХДнинг мақсади – ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва камбағалликка қарши курашиш учун жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг барқарорлигини таъминлашга ёрдамлашишдир.

Хорижий инвесторларга маслаҳат бериш агентлиги - Умумжаҳон банкининг бўлинмаси бўлиб, аъзо-мамлакатлар ҳукуматларини хорижий инвестициялар масалалари бўйича конфиденциал маслаҳатлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ташкилотдир.

12-мавзу. Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашув жараёнларида

Ўзбекистоннинг иштироки

1. Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозоридаги иштироки
2. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истикболлар таҳлили
3. Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар
4. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки

1. Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозоридаги иштироки

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида интеграциялашуви жаҳон меҳнат бозорида фаол қатнашишни тақозо этади. Ўзбекистон ХМТ аъзоси бўлиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда бу

ташкilot қабул қилган ҳужжатларга амал қилмоқда. Хусусан, республикаимизда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ўз касби бўйича шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва бу жараёни мувофиқлаштириш борасида давлатнинг жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлатларда ўз касблари бўйича меҳнат фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги «Ишчи кучларини олиб келиш ва ташқарига олиб чиқиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги, 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришни мукамаллаштириш тўғрисида»ги, 2007 йил 15 майдаги 97-сонли «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига ва шу қарорлар билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон миграцион мақомига кўра экспорт-импорт қилувчи мамлакат ҳисобланади ва ташқи миграция бўйича манфий қолдиққа эга. Ўзбекистон аҳолиси жами миграциясининг 2–3% и ва ташқи миграцияси оқимларининг 10–15% и узок хорижга тўғри келади. Ўзбекистоннинг миграция алоқалари доирасига АҚШ, Исроил, Япония, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея каби мамлакатлар кирмоқда. Ўзбекистон барча МДХ мамлакатлари билан салбий миграция қолдиғига эга. Жумладан, ташқи миграциянинг 70% га яқини Россия, 12–13% и Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади⁴⁸.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига жадал суръатларда интеграциялашуви, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ташқи миграция географик йўналишининг узок хориж мамлакатлари томон ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу ижобий силжишлар 90-йилларда бошланган бўлиб, халқаро миграция оқимида тадбиркорлар, банк хизматчилари, бизнес билан шуғулланувчилар кўпайиб борди.

Ўзбекистон меҳнат миграцияси бўйича қатор мамлакатлар билан битимлар имзолаган. Жумладан, 1994 йил июлда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ўртасида «Миграция соҳасида ҳамкорлик тўғрисида» Меморандум, 1995 йилда Корея Республикаси, 2007 йилда Россия билан икки томонлама келишувлар имзоланди. Чунончи, Корея кичик ва ўрта бизнес Федерацияси, Корея Қурилиш ассоциацияси билан ўқитиш, ишга жойлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Келишувлар имзоланганидан сўнг хорижликларнинг саноат тажрибаси тизими бўйича Корея Республикасида 1995–2008 йилларда 24 мингдан ортиқ фуқарорлар ишга жойлашдилар⁴⁹.

Ўзбекистон Республикасининг хориж мамлакатларига ишчи кучини экспорт қилиши туфайли:

ишчи кучи экспорти туфайли республика миллий даромадига хориждан маблағ келиб қўшилади. Бу даромад ҳисобига янги иш жойларини барпо этиш, ишсизларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маблағларга эга бўлиш мумкин;

хорижда ишлаб келган фуқароларимиз ўзлари билан бирга энг замонавий билимларни, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни, замонавий технологияни ва янги техникани бошқаришни ўрганиб қайтадилар;

фуқаролар хориж корхоналарида мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш, меҳнат интизоми, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, унумли меҳнат қилиш, замонавий билимларни эгаллайдилар;

⁴⁸ Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. –Т.: Молия, 2010. 98-б.

⁴⁹ Ўша манба. 137-б.

мамлакатимизни ўз меҳнатсеварликлари билан жаҳонга танитадилар, чет тилларни ўрганадилар, меҳнат қилиш ва малака ошириш усуллари ўрганиб келадилар.

Ўзбекистон халқаро миграция алоқаларининг истиқболда янада ривожланишидан манфаатдор. Мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтириш халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва халқаро меҳнат миграциясининг фаоллашувига олиб келади.

2. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истиқболлар таҳлили

Эркин иқтисодий ҳудудларини ташкил этишда мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Энг асосийлари сифатида 1996 йил 25 апрельда қабул қилинган “эркин иқтисодий ҳудудлари” тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони (02.12.2008 й. N ПФ-4059) қабилаи келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида МДХ мамлакатларида биринчи бўлган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг муваффақиятини белгиловчи энг муҳим жиҳатлардан бири – бу унинг ёнида жойлашган трансконтинентал интермодал хаб бўлиб, у 2009 йил январидан буён юк ташиш бўйича дунёда етакчи саналган “Korean Ayt” компанияси томонидан бошқарилмоқда.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модулар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланди.⁵⁰

Ҳамда, “Навоий” ЭИИХ учун қуйидаги талаблар ҳукумат томонидан асосий устуворликлар сифатида белгилаб олинди:

-“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

-ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

-алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

-“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидаи ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони

- "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

- "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

Ўз навбатида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор имтиёзлар тақдим этилган, хусусан - уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

- 3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;
- 10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;
- 30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин. Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилди:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш.

Умуман "Навоий" ЭИИЗ Ўзбекистонда фаолиятини бошлаган дастлабки тажриба бўлиб, унинг қандай ривожланиши албатта мамлакатимиз иқтисодиётида жуда катта роль ўйнайди.

3. Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар

Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда йирик халқаро ва минтақавий молия институтлари, жумладан ХВФ, Жаҳон банки, ОТБ, ИТБ билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб боришга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлган. Ҳозирда Ўзбекистон 2003 йил октябрдан ХВФнинг VIII моддасига мувофиқ миллий валютани жорий операциялар бўйича эркин конвертациялаш мажбуриятларига эга.

Ўзбекистоннинг аъзолиги 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 275,6 млн. СДР миқдоридаги квотаси билан белгиланади. Ўзбекистоннинг ХВФ билан охириги молиявий шартномаси 1995 йил 18 декабрда 124,7 млн. СДР миқдо ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш имкониятлари ва мавжуд истикболлар таҳлили рида «стэнд-бай» кредитини олиш тўғрисида тузилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХВФ олдида ҳеч қандай молиявий мажбуриятларга эга эмас.

1992–2009 йиллар мобайнида Умумжаҳон банки гуруҳи томонидан Ўзбекистонда қиймати 800 млн. долларга тенг 15 та лойиҳа амалга оширилди⁵¹ (14-жадвал).

14-жадвал

Жаҳон банкининг Ўзбекистонда амалга оширган йирик лойиҳалари, млн. долл⁵²

Лойиҳа номи	Лойиҳа ҳажми
Саломатлик- 2	39,48
Дренаж, ирригация ва тупроқ ҳосилдорлигини ошириш	74,55
Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш	40,0
Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш	36,14
Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш	65,54

Ушбу банк томонидан ажратилаётган кредитлар иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жумладан, хусусийлаштириш, молия секторини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилашга йўналтирилди.

2008 – 2010 йилларда ХТТБнинг Ўзбекистонга нисбатан ишлаб чиққан стратегиясида соғлиқни сақлаш, мелиорация, суғориш инфратузилмалари, ижтимоий ҳимоя, коммунал хизматлар сифатини ошириш, атроф-муҳит ҳимоясига йўналтирилган умумий қиймати йилига 90 – 100 млн. доллардан иборат учта лойиҳани амалга оширишни кўзда тутди. Ушбу лойиҳаларни кредитлаш Халқаро тараққиёт ассоциацияси

⁵¹ Кредит Всемирного банка для улучшения водоснабжения Сырдаринской области //Банковские ведомости, №12-13 (723-724), 24.03.2010.

⁵² Умумжаҳон банки гуруҳи ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

маблағлари ҳисобидан 40 йил муддатга (шундан 10 йили имтиёзли давр) йиллик 0,75% ставкада амалга оширилади⁵³.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ЕТТБ. Ўзбекистон 1992 йилдан ЕТТБ аъзоси ҳисобланади. ЕТТБ Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи энг йирик инвесторлардан бири ҳисобланади (15-жадвал).

15-жадвал

2007 йилда ЕТТБнинг Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларига ажратган кредитлари, млн. евро⁵⁴

Лойиҳа номи	Лойиҳа миқдори	ЕТТБ томонидан молиялаштирилладиган кредитлар
«Бурсел» (кийим-кечак ишлаб чиқариш)	1,5	1,5
«Имкон плюс» (музқаймоқ ишлаб чиқариш)	2,6	1,8
«Грин Ворлд» (меваларни қайта ишлаш)	6,0	1,5
«Малика-Хива» меҳмонхонаси	0,1	0,1
«Меҳнат-Пиво»	2,0	2,0
«Ҳамкорбанк» (кичик бизнесни микрокредитлаш)	5,4	5,4
«ЎзКДБ банк»	0,6	0,6
Савдонинг ривожланишига кўмаклашиш	1,0	1,0
Жами		

ЕТТБ 1992 йилдан то ҳозирги вақтга қадар иқтисодиётнинг турли соҳаларида 1,5 млрд. евро миқдорида 56 та лойиҳани молиялаштирди.⁵⁵

ЕТТБ томонидан амалга оширилган йирик кредитлар иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ). Ўзбекистон ОТБга 1995 йилда аъзо бўлган бўлиб, 2010 йилда банкнинг минтақавий аъзолари рўхатида 15-ўринни, йирик акционерлар рўйхатида эса 21-ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ОТБнинг 0,765% акциясига ва 0,910% овозига эга⁵⁶.

ОТБ 1995 йилдан 2010 йилга қадар Ўзбекистонга 35 та лойиҳа учун умумий суммаси 1,9 млрд. доллардан ортиқ кредитлар ажратди. Шунингдек, ушбу даврда ОТБ Ўзбекистонга 40,75 млн. доллар миқдорида техник ёрдам кўрсатди⁵⁷. ОТБ томонидан берилаётган молиявий ердамларнинг сезиларли қисми ижтимоий соҳаларни ислоҳ этишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда (16-жадвал).

16-жадвал

⁵³ Новая стратегия Всемирного банка для Узбекистана. // Банковские ведомости, № 28. 16.07.2008.

⁵⁴ ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

⁵⁵ Абдуллаев Р., Асташев А. ЕБРР расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане. //БВВ, №102 (1211). 24.12.2009.

⁵⁶ <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

⁵⁷ Визит Резидента АБР в преддверии 43-го Ежегодного заседания Совета директоров банка. // Деловой партнер, №7(828), 18-24.02.2010.

**ОТБнинг Ўзбекистонда йирик инвестицион лойиҳалар учун
ажратаётган кредитларининг тармоқ таркиби
(2010 йилнинг 31 декабрь ҳолатига)⁵⁸**

	Лойиҳалар сони	Кредитлар ҳажми, млн. долл.	Жамига нисбатан фоизда
Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	8	345,4	17,8
Таълим	8	290,5	14,9
Молия	3	420,0	21,6
Энергетика	2	70,0	3,6
Соғлиқни сақлаш, овқатланиш ва ижтимоий ҳимоя	1	40,0	2,1
Саноат ва савдо	1	50,0	2,6
Давлат секторини бошқариш	1	20,7	1,1
Транспорт ва алоқа	5	380,3	19,5
Сув таъминоти ва санитария	6	329,0	16,9
Жами	35	1 945,9	100,0

2010 йилда Ўзбекистон ва ОТБ молиявий ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатнинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизациялаш ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 млрд. доллар миқдорида 3 та янги лойиҳа тайёрланиши ва тасдиқланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари 2009 йилда Ўзбекистонда ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария тизимини яхшилаш учун кўптраншли молиялаштириш Дастурлари доирасида тасдиқланган маблағларнинг иккинчи 140 млн. доллар ҳажмидаги траншни очиш режалаштирилган. 2010 йилда ажартилиши режалаштирилаётган умумий сумманинг 500 млн. доллари Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли шартларда 32 йилга 8 йиллик имтиёзли муддат ва йиллик 1,5% ли ставкада берилади⁵⁹.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1996 йилдан 2006 йилгача кредитлар ОТБ банк капиталининг оддий ресурслари ҳисобидан берилган. Бу эса кредитларни имтиёзли шартлар асосида жалб этиш имкони бўлмаганлигини кўрсатади. 2006 йилдан бошлаб, ОТБ Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар бўйича кредит беришни бошлади, 2007 йилда эса бу кредитлар ҳажми 8,7%га ошди. Аксарият кредитлар инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Бу эса банк ижтимоий соҳани молиялаштиришга кредит ажратганидан далолат беради. Шунингдек, транспорт ва коммуникация соҳаларига ҳам катта эътибор қаратилаётганини кўришимиз мумкин.

⁵⁸ <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

⁵⁹ АБР и Узбекистан готовится к утверждению новых проектов. //БВВ, №21 (1234), 23.03.2010.

Шуниси муҳимки, 2006 йилда ОТБ Кенгаши Ўзбекистон учун 2006 – 2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш Стратегияси ва Дастурини маъқуллади. Мазкур Стратегия ва Дастур аҳолининг кам таъминланган катламларининг иқтисодий аҳволини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган.

ОТБнинг ушбу Стратегияси устувор соҳалар сифатида кишлоқ хўжалиги, хусусий сектор, транспорт коммуникациялари ва божхона тизими, умумий таълим, мактабгача тарбия тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришни кўзда тутди.

Бундан ташқари ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги истиқболли ҳамкорлик темир ва автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш, қишлоқларда сув таъминоти тизимини такомиллаштириш ишларини фаоллаштиришни назарда тутди.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ). Ўзбекистон ИТБга 2003 йил 3 сентябрда аъзо бўлган бўлиб, ушбу банк томонидан 2003 - 2009 йиллар мобайнида умумий қиймати 150 млн. долларга тенг молиявий хизматлар кўрсатилган.

17-жадвал

ИТБнинг Ўзбекистондаги кредит линиялари

Лойиҳа номи	Ҳажми, млн. долл.	Лойиҳанинг ҳуқуқий асоси
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки		
ИТБнинг иккинчи молия линияси	20,0	ИТБ билан ҳамкорлик Дастури 2007 - 2009 йй.
Ўзсаноатқурилишбанки		
ИТБнинг глобал молия линияси	1,0	2007 йил 7 сентябрда имзоланган Глобал шартнома
Ипотека банки		
ИТБнинг глобал молия линияси	3,0	2007 йил 3 июлда имзоланган Глобал шартнома

Бундан ташқари, ИТБ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанки ва Ипотека банки орқали 2007 - 2009 йилларда ИТБ билан ҳамкорлик дастурлари доирасида умумий қиймати 24,0 млн. долларлик кредит линияларини амалга оширмоқда.

4. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳада кўпгина ютуқларга эришди. Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиши ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама сиёсат юритиши давлатимизнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрнини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Эндиликда Ўзбекистон ташқи сиёсат майдонида борган сари муносиб ўрин эгалламоқда. Биз қўйган кўпгина амалий қадамлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда узоқ муддат мобайнида яратувчилик фаолияти билан шуғулланиш истиқболига мўлжаллангандир.

Бошқа давлатлар билан бўладиган иқтисодий интеграция давлатнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллатлар ва элатларнинг яқинлашувиغا, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Ҳар қандай давлат ҳоҳ кичик ҳоҳ катта бўлсин, иқтисодий интеграциясиз ривожланиши тез бормади. Буни кўпгина давлатлар ўз тажрибаларида исботлашди. Иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси сиёсати ҳам иқтисодиёти юксак даражада ривожланишига эришишга қаратилган. Иқтисодий интеграция иқтисодиётга бевосита қуйидаги натижага эриш имкониятини беради: товарлар, капиталлар, хизматлар эркин ҳаракат қилади; рақобат кучаяди; ишлаб чиқариш кучлари ривожланади; ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади; сифатли ва арзон товарлар ишлаб чиқарилади; истеъмолчиларнинг талаби ортиб боради; таклиф қилинадиган товарлар номенклатураси кўпаяди; бозорларнинг ривожланган шакллари пайдо бўлади ва умумий бозорлар ташкил қилинади; ишсизлик даражаси пасаяди; миллий иқтисодиётдаги фарқлар йўқолиб боради; янги кучли умумий иқтисодиёт шаклланади; миллий иқтисодиёт ривожланиб боради; энг муҳими кишилар ҳаёти фаровонлиги ошади ва ҳ.к.

Бу натижаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё, МДХ давлатлари, ривожланган ва ривожланаётган қолаверса, Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорликка эришишга ҳаракат қилиши керак.

Ўзбекистон дунё хўжалиги тизимида кириб борар экан, унинг халқаро иқтисодий алоқалари узоқ ва яқин хорижий мамлакатлари билан тараққий этмоқда.

Ўзбекистоннинг МДХ ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти каби интеграция уюшмаларида иштирок этиши мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў эътиборини янада орттиради.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб кирган энг муҳим бирлашмалардан бири - Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) бўлиб, у 1991 йил декабрда тузилган. Хозир МДХ га Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина киради.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари билан алоқаларга катта аҳамият бериб, аввалбошдоноқ Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Бундай ҳамкорликка ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлиги эмас, балки чуқур тарихий, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда.

Ҳамдўстлик мақсадлари қуйидагилар:

- демократик ҳуқуқий давлатлар тузиш, улар ўртасидаги муносабатлар давлат мустақиллигини ва суверен тенгликни ўзаро тан олиш ва ҳурматлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилиқ ва ички ишларга аралашмаслик, ҳар қандай тазйиқлардан воз кечиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан кичик миллатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбуриятларини ва бўшқа умум тан олинган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳалол бажариш асосида ривожланади;

- бир-бирларини ҳудудий бутунлигини ва мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиш ва ҳурмат қилиш;

- чуқур тарихий илдизларга эга бўлган халқларнинг туб манфаатларини ҳамда қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш;

- фукаролараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг МДХга аъзолиги унга бир қатор муҳим вазифаларни миллат, иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ ҳал этиш имконини беради:

- ишлаб чиқаришни, аҳоли таъминотини (аввало озиқ-овқат билан) қўллаб-қувватлашни таъминловчи кўламда кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- МДХнинг бир қатор товарларини бозорда, айниқса анъанавий маҳсулотларни сотиш соҳасида етакчи мавқени сақлаш;

- собиқ иттифоқчи республикалар эга бўлган хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатларга экспорт-импорт товар оқимиغا хизмат кўрсатувчи транспорт коммуникацияларидан кафолатли ва хатарсиз фойдаланиш.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодий эркинлаштириш, уни бозор тамойилларига изчиллик билан ўтказиш, хўжалик тузилмасини қайта қуришдан иборат умумий йўл билан белгиланади.

МДХ давлатлари Ўзбекистоннинг асосий савдо иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига республика ташқи савдо умумий ҳажмининг 30% дан ортиғи тўғри келади. Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари мол айирбошлаш динамикаси тенглик ва ўзаро фойдали тамойилларга асосланган, савдо-иқтисодий муносабатларнинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради. 2000-2007 йиллар давомида Ўзбекистон билан йирик савдо алоқаларини олиб боровчи давлатлар Россия, Қозоғистон, Украина ҳисобланадилар.

Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг шакли ва таркиби тубдан ўзгариб бормокда. Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустақамланмокда. МДХдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

Россия Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо ҳамкори ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасидан асосан пахта толаси, озиқ-овқат, машина ва ускуналар, ёнилғи маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари экспорт қилинади.

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш минтақанинг ривожланиши ва давлатлар иқтисоди учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов интеграция ҳақида гапирар экан, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади. "Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислохатларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Фақат ўзининг тор миллий қобиғида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб қилиб, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай олади"⁶⁰.

Ўзбекистоннинг мавқеи минтақада аҳамиятли бўлишига қарамай, бир қанча жуғрофий-сиёсий омиллар мамлакатнинг стратегик имкониятларини чеклаб қўяди. Мамлакат қолган Марказий Осиё давлатларининг барчаси сингари денгизга чиқиш йўлига эга бўлмайгина қолмай, балки жаҳон транспорт коммуникацияларига эркин кира олмайдиган давлатлар билан қуршаб олинган. Аммо шулар билан бир

⁶⁰ И.А.Каримов "Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир". Т.: "Ўзбекистон", 2005-96 б

қаторда сув ресурсларининг чекланганлиги, Фарғона водийсида аҳолининг зичлиги, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғи катта эканлиги республикамизда интеграция жараёнларини ривожлантиришни тўхтатмайди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзоси бўлди. ИХТ Афғонистон Ислом Давлати, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Козоғистон Республикаси, Покистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркия Республикаси, Туркменистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси каби давлатларни бирлаштиради. 1992 йилда Техронда олий даражадаги ИХТ учрашуви пайтида эълон қилинган ахборотда ИХТ аъзоларининг иқтисодий фаровонлиги йўлида кўптомонлама минтақавий ҳамкорлигини кўзда тутувчи мақсадлар ва вазифалар эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига интеграциялашуви - транспорт, алоқа савдо, инвестиция ва энергетика сингари устувор соҳаларни ривожлантириш учун имконият яратади. Бу соҳалардаги ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириш имконини беради. Транзит савдо, минтақа ичида халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ божхона тадбирларининг умумий тизимини яратиш юзасидан лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туркменистон ва Ўзбекистонни Афғонистон орқали Карчи ва Гвадар портлари билан бирлаштирувчи транзит йўллари алоҳида эътибор берилмоқда. Термиз-Хирот-Кандахор-Чаман темир йўли ва унинг Хирот-Кушка, Керман-Зохидон, Астаре(Озарбайжон) -Решт-Казвин тармоқлари билан, шунингдек Авн кули атрофидан айланиб ўтувчи темир йўлини тугаллаш мақсадида уларга ҳам устувор аҳамият берилиши лозим.

Минтақада газ ва нефть ўтказиш тармоқларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди ва маъқулланди. Бунда Туркменистондан Эрон ва Туркия орқали Покистонга, шунингдек Эрондан Покистонга ўтадиган газ қувурлари қурилиши алоҳида эътиборда турибди. ИХТ аъзоси бўлган Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ҳам бу газ қувурларидан фойдаланишлари мумкин.

ИХТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдони янада ривожлантириш мақсадида бошқа минтақалардаги ва жаҳон савдо муҳитидаги тажрибани ҳисобга олган ҳолда эркин савдо минтақаси (ЭКОФТА) тузишга аста-секин ўтиш кўзда тутилмоқда. ИХТ минтақасидаги мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда тобора кўпроқ рол ўйнамоқда.

2002 йил 10 июнда Козоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари томонидан Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг Хартияси- асосий низом ҳужжатига қўл қўйилди. Ўзбекистон бу ташкилотга 2001 йилда аъзо бўлган эди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон ва ташкилот аъзолари учун икки томонлама манфаатли. Иштирокчи давлатлар учун Ўзбекистон муҳим стратегик шерик бўлиб ҳисобланади. Чунки тарихий «Буюк ипак йўли»нинг қайта тикланишида Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон учун эса бу Европа ва Осиё-Тинч океани минтақасига чиқиш учун ишончли йўл ҳисобланади ва иштирокчи мамлакатлар билан турли йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида самарали иштирок этишини таъминлайди. Бундай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўтиш даври муаммаларини ҳал этишни, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини шакллантиришни енгиллаштиради. Бу нарса кредитлар олишда, бевосита хорижий

инвестицияларни жалб қилишда, махсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришда катта ёрдам беради.

Назорат саволлари

10. Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни баҳоланг.